Адиб ва жамият

Алиназар
ЭГАМНАЗАРОВ

МАТОНАТ МАДҲИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

Адиб ва жамият

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

МАТОНАТ МАДҲИЯСИ

Ҳужжатли қисса,
Очерклар

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2019

Ўзбек адабиёти

УЎК 821.512.133-32
КБК 84(5Ў)6
Э 18

*Масъул муҳаррир — **Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ***

Эгамназаров, Алиназар

Э 18 Матонат маҳдияси [Матн]: ҳужжатли қисса, очерклар. А. Эгамназаров — Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2019. — 256 б.
ISBN 978-9943-5385-1-1

Таниқли журналист ва ёзувчи Алиназар Эгамназаровнинг ижодида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси муҳим ўрин эгаллайди. Сабаби, адибнинг болалиги иккинчи жаҳон уруши даврига, ундан кейинги оғир иқтисодий йилларга тўғри келган. Айнан шу ҳодиса адибда уруш мавзусида ёзиш иштиёқини туғдирган.

Иккинчи жаҳон уруши ғалаба билан тугаганига 75 йил тўлишига ҳам жуда кам вақт қолди. Бу ғалабада Ўзбекистон халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ушбу китобга киритилган қисса ва очерклар урушда матонат кўрсатган инсонлар ҳақидадир. Жумладан, урушда беш ўғлидан айрилган заҳматкаш мушфиқа она — Зулфия Зокирова ҳақида ҳам очерклар киритилган.

2020/45
12
O'zbekiston MK

УЎК 821.512.133-32
КБК 84(5Ў)6

© А. Эгамназаров, 2019
© Чўлпон номидаги НМИУ, 2019

ISBN 978-9943-5385-1-1

ID 47435
391

Галабанинг 75 йиллигига бағишланади

АЗИЗ ДАРГОҲ

(Ҳужжатли қисса)



O'ZBEKISTON
YOZUVCHILAR UYUSHMASI
TUHFASI

«ЯШИЛ ЎРМОН» ОПЕРАЦИЯСИ

Ёзнинг иссиқ кунларидан бири. Тошкентнинг Саъбон маҳалласидаги эгри-бугри кўча бўйлаб қиррабурун, жингалак соч, қора қош, қора кўзойнакли киши шошилмай, оҳиста қадам ташлаб борарди.

У кўчанинг икки ёнида дам-бадам лоп этиб чиқиб қоладиган тор кўчалар бошида туриб қолар, азим теракларга ўйчан тикиларди. Мана, у болхонали бир уй ёнига келди-да, таққа тўхтади. Чуқур нафас олди. Гўё узоқ юртлардан Тошкентнинг ҳавосини соғиниб келган-у, шу ҳаводан кўкракларини тўлдириб олмоқчидай.

У яна оҳиста қадам ташлашда давом этди.

«Мана у ерда катта бир ёнғоқ бўларди, кесиб ташлашибди, — ўй сурарди нотаниш киши, — ҳойнаҳой ёшини яшаган бўлса керак. Анави ерда эса катта ҳовуз бўларди. Суви кўм-кўк эди. Кўпинча яшириниб келиб чўмилардик... Ёдингиздами, Антонина Павловна, меҳрибонгинам, неча марта уришгансиз бизни! Сизни қаттиққўл деб ўйлардик. Энди билсам — бу меҳрибончилигингиздан, биз ҳақимизда қайғуришингиздан экан. Шундай-а, Сония опа!»

У кўзойнагини қўлига олди-да, қўйин чўнтагига солиб қўйди. Ахир болалигинг ўтган азиз жойларга қора кўзойнак билан қараш гумроҳлик-ку!

«Ҳа, ҳаммаёқ ўзгариб кетибди, ҳаммаёқ. Фақат зангори осмон-у, оппоқ булутлар ўша. Фақат соф, мусаффо ҳаво ўша, фақат тошкентликларнинг меҳрибонлиги — ўша-ўша...»

Нотаниш киши ярим соатлар чамаси яна ўйчан кезди. Бир тўп болалар бир-бирини қувишганча ўтиб кетишди.

— Дилшод, югур тезроқ!

— Бахтиёр, чўмилгани кетдик, юр анҳорга!

Ҳа, ўйнаб-кулаверинглар, кичкинтойлар, сизлар ҳақиқатан ҳам дилшодсизлар, бахтиёрсизлар. Менинг сизларга, бошларинг устидаги мана шу тиниқ осмонга, чеҳраларингдаги беозор табассумга, шодон қийчув ўйинларингизга ҳавасим келади. Бизлар эса, оҳ, бизлар...

Кўча бошида кўк бахмал дўппи кийган мўйсафид нотаниш кишига мурожаат қилди:

— Кечирасиз, меҳмон, сиз кимнинг уйини излаяпсиз?

— Ҳеч кимнинг. Мен асли шу ерликман. Уруш йиллари шу маҳалладаги 22-болалар уйида тарбияланганман. Исмим Хилменд Элкинд. Ҳозир Белоруссияда яшайман.

— Ҳа, бундай денг, жуда соз. Ундай бўлса ўз уйингизда экансиз.

— Мен болалигим билан учрашгани келдим бу ерга...

Минск «Радиодеталь» заводининг инженери Хилменд Элкинд Тошкентда «Ленинградликлар — жигаргўшаларим менинг» фильми суратга олинаётганлигини эшитиб, холис хизмат кўрсатгани келган эди.

Чунки уруш ва етимлик азоби ҳақида фильм яратилаётганида, урушни ҳам, етимликни ҳам ўз бошидан кечирган кишидан яхшироқ консультант топиб бўладими ахир.

* * *

Хилменд Верхнедвинскда ўтган болалик йилларини худди ширин тушдай эслайди.

Уларнинг ўз уйлари, чиройли, сердарахт ҳовлилари бўларди. Уруш бошланган йили баҳорда ҳовлидаги олма ва олчалар чунонам гулладики, гўё феруза осмондаги парқу булутлар дарахтлар устига қўнгандай эди.

Отаси шаҳардаги тикувчилик артелида машиналарни таъмирлаш бўйича мастер, онаси болалар уйида тарбиячи бўлиб ишларди. Улар фарзандлари Инесса ва Хилмендни еру кўкка ишонмасди. Отаси новча, барваста одам эди. Бўш вақтларида боғдаги дарахтлар ва гулларни парваришлашни яхши кўрарди. Уни ишхонасида патефон билан мукофотлашган эди. Боғда ишлаганида патефонни айвонга олиб чиқиб қўяр, атрофни русча, белорусча шўх кўй садолари тутиб кетарди...

1941 йил 22 июнь тонготарида эса ҳаммаси остинустун бўлиб кетди. Ўшанда отаси таътилга чиқиб, Одессада оғир бетоб ётган бувисини кўргани кетганди. Инесса билан Хилменд эса эрталаб пионер лагерига жўнашлари керак эди. Опа-ука ҳамма зарур нарсаларни қопчиққа солиб, тахт қилиб қўйишган, оналарига барвақтроқ уйғотишни тайинлашганди. Болаларнинг қалби шодликка, орзу-ҳаваса тўла эди. Ахир тўққиз ойлик ўқишдан сўнг яшил ўрмон бағридаги пионер лагерида маза қилиб ҳордиқ чиқариш, янги дўстлар орттириш, улар билан сайрларга чиқиш, пионер гулханлари атрофида ширин суҳбатлар қуришни ўйлашнинг ўзи кишига бир олам қувонч бахш этарди-да! Афсуски, бу гал опа-уканинг орзулари ушалмади. Оила аъзолари саҳарда қаттиқ шовқиндан уйғониб кетишди. Она болаларини етаклаб ҳовлига чиқди. Осмонда ўнлаб самолётлар қорақузғундай учиб, шаҳарга бомба ёғдирарди. Атайин аҳоли зич яшайдиган жойлар нишонга олинаётганди.

Иложи борича тезроқ бу ердан кетиш, бехатарроқ, тинчроқ жой топиш керак эди. Она шу хаёл би-

лан баъзи бир зарур нарсаларини олиш мақсадида ўқдай учиб уйга кирди. У ҳали қайтиб чиқишга улгурмасидан уйга снаряд келиб тушди. Кучли, жуда кучли портлаш қулоқни қоматга келтирди. Опа-ука даҳшатдан қичқириб юборишди...

Оналаридан айрилган болалар таниш-нотаниш одамларга қўшилиб, шаҳар ташқариси томон кета бошлашди. Шаҳардан чиққанда опа-ука онаси ишлаган болалар уйи тарбияланувчиларини учратиб қолишди.

Улар йўлга егулик озиқ-овқат ортилган бричка арава ортидан икки саф бўлиб боришар, директор Лидия Алексеевна Охотникова, уч тарбиячи улар билан бирга эди. Тарбиячилар опа-укани таниб, онаси қаердалигини суриштиришди. Инесса йиғлаб, бўлган воқеани гапириб берди. Лидия Алексеевна уларни овутиб: «Ташвишланманглар, биз сизларни ёлғиз қолдирмаймиз», деди-да, опа-укани болалар уйи тарбияланувчилари сафига қўшиб қўйди.

Тушга яқин қарши томондан велосипед миниб келаётган бир ўсмир бола: «Немислар йўлни тўсиб қўйишди», деган хабарни айтди. Аммо бунга кўпчиликнинг ишонгиси келмади. Ҳамма олға бораверди. Ниҳоят, бир қишлоқда немисларга дуч келишгач, ҳайрон бўлиб, тахтадай қотиб қолишди. Йўлда чатаноқларини кериб турган эсэсчилардан бири русча сўзларни бузиб талаффуз қилиб: «Ҳамма орқага қайтсин. Акс ҳолда отиб ташлаймиз», деди. Аравани кўздан кечиришди.

Ундаги озиқ-овқат эканлигини билишгач, йўл чеккасига чиқариб қўйишди. Лидия Алексеевна югуриб бориб, немисларга болаларнинг ота-онаси йўқлигини, арава болалар уйига қарашли эканлигини тушунтирди. «Ота-онасиз бўлишса, жуда соз, — деди эсэсчи офицер. — Немис баронлари учун яхши малай бўлишади. Арава эса шу ерда қолади...»

Душман йўлни тўсиб қўйгани билан ҳали ягона фронт чизиғи ҳосил қилиб улгурмаган эди. Орқага қайтиб, йўлни бошқа жойдан солиш, ўзимизникилар томонга ўтиб олиш мумкин бўлган «йўлак»ни бир амаллаб топса бўларди. Аммо бу «йўлак» қаерда? Озиқ-овқатсиз, ёш болалар билан уни излаб топишнинг ўзи бўлмайди-ку!

Улар орқага қайтишди. 120 га яқин бола ярим кечада оч-наҳор Верхнедвинскка кириб келишди. Шаҳар кўчалари зим-зиё, сув қўйгандай жимжит. Ҳатто итлар ҳам ҳурмасди. Тунги бомбардимон ўз ишини қилган, атрофни куйинди ва тутун ҳиди тутиб кетганди.

Болалар уйи худди ўғри ургандай бўлиб қолибди. Ётоқхоналардаги кўрпа-ёстиқларни қаёққадир олиб кетишибди. Ҳовли этагидаги омборда унча-мунча озиқ-овқат заҳираси қолган, у билан ўн-ўн беш кун тирикчилик қилиш мумкин эди, тежаб ишлатса, кўпроққа ҳам етарди. Тарбиячилар ўша ёққа югуришди. Хайрият, озиқ-овқатлар ўз ўрнида экан. Афтидан, немислар ҳовли этагида, дарахтлар панасида омбор борлигига эътибор беришмаган кўринарди. Маҳсулотнинг бир қисмигина омборда қолдирилди. Картошка, сабзини ерга кўмишди, ёғ, гўшт, ун чордоққа яширилди.

Болаларнинг овқат нормаси камайтирилди. Иккиуч кун ўтгач, шаҳарда немисларнинг тўла ҳукмронлиги бошланди.

Биринчи навбатда уйма-уй юриб, ҳамма ҳовлилардаги итларни отиб ташлашди. Кейин кўчаларга коммунистлар, яҳудий миллатига мансуб кишилар шаҳар комендатурасига бориб, рўйхатдан ўтиши зарурлиги ҳақидаги буйруқ ёпиштирилди. Лекин бу буйруқ бажарилмади. Немислар бунга тоқат қилолмасдилар, албатта. Қандай бўлмасин, мақсадларига етишга ҳаракат қилишлари аниқ эди.

Болалар уйи тарбияланувчилари орасида яҳудий миллатига мансублари анчагина. Фашистлар бу ерда ҳам текшириш ўтказишлари мумкин. Шунинг учун ҳамма болаларнинг ҳужжатларини яширишди. Яҳудий болаларга, бironта киши келиб миллатингни суриштирса, украин ёки молдаванман дегин, деб тайинлашди.

Аммо бола болалигини қилади. Улардан ҳақиқатни билиб олиш қийин эмас. Лидия Алексеевна хавотирга туша бошлади. Болаларнинг кўчада сайр қилиши уёқда турсин, ҳатто дарвозадан ташқарига мўралашини ҳам таъқиқлаб қўйди.

Орадан бир ҳафта, ўн кун, ҳатто бир ой ҳам ўтди, аммо кутилган ўзгариш рўй бермади. Немислар шаҳарга тобора мустаҳкам ўрнашиб, аҳоли ўртасида юракни увуштирувчи хабарларни тарқата бошлашди. Бу гапларга биров ишонар, биров ишонмасди. Болалар уйидаги озиқ-овқат заҳираси эса тугаб бораётганди.

Лидия Алексеевна табиатан болажон, меҳридарё аёл эди. У ҳамма азоб-уқубатларга, хўрликларга чидаши мумкин эди-ю, лекин болаларнинг нон деб зорланишига чидай олмасди. Ҳозирча аҳвол у даражага бориб етгани йўғ-у, аммо шундай бўлса нима бўлади? У шуни ўйлаб, ваҳимага туша бошлади... Бундай кунларни болалигда ўзи ҳам бошидан кечирганди.

1918 йилдаги қаҳатчилик пайтида Лида саккиз-тўққиз ёшлардаги қизалоқ эди, Волга бўйида яшашарди. Отаси деникинчиларга қарши урушга кетди. Рўзғор ташвиши онасининг зиммасига тушди. Бозорда бир буханка ноннинг нархи катта момиқ рўмолнинг баҳосига тенглашди.

Оила асосан балиқ еб кун кечирарди. Баъзи кунлари балиқ ҳам бўлмай қоларди. Онаси ўзи емаса ҳам қандай қилиб бўлмасин қизчасига бирор егулик

топиб берарди. Болажонлик, меҳридарёлик Лидия Алексеевнага онасидан ўтганди.

Шундан бери чорак асрга яқин вақт ўтди. Лидия ўрта мактабни, педагогика институтини битирди. Турмуш қурди, иккита фарзанд кўрди. Верхнедвинск шаҳар халқ маорифи бўлимида инструктор бўлиб ишлади. Мана, беш йилдирки, болалар уйига директорлик қиляпти. Эри шу ерлик, темир йўлда машинист бўлиб ишлайди. У уруш бошланишидан бир кун аввал ишга кетганди, дом-дараги йўқ. Ишқилиб, поезд фашистлар авиацияси ҳужумига дуч келган бўлмасин-да...

Лидия эса душман ортида икки фарзанди, давлат ишониб топширган 120 бола билан нима қиларини билмай ўтирибди.

Уларнинг кичиги етти-саккизда, каттаси ўн бешда. Буларни боқишнинг ўзи бўлмайди. Озиқ-овқат тугаб қолди. Лидия Алексеевна ўйлаб-ўйлаб, ходимлар билан маслаҳатлашиб, охири шаҳар комендатурасига борди.

Комендант майор Герберт Лунс уни илтифотсиз кутиб олиб: «Гапни қисқа қилинг, нима демоқчисиз?» — деди. Лидия Алексеевна шаҳардаги болалар уйининг директори эканлигини, болалар очлигини, шу аҳвол давом этса, ҳаммаси қирилиб кетиши мумкинлигини айтди. Майор ўйланиб туриб: «Ҳозирча ҳеч нарса дея олмайман, эртага бир хабар олинг», деди.

Лидия Алексеевна эртаси куни борганида комендант болалар учун шаҳардаги ҳарбий госпиталдан овқат қолдиқларини олишга рухсат беришини, фақат бунинг эвазига госпиталдаги яралорлар учун болалардан қон олиб турилишини айтди. Лидия Алексеевнанинг юраги увушиб кетди. Лекин эътироз билдиришнинг иложи йўқ, бу ерга ўз ихтиёри билан келган.

— Шартингизга розиман. Фақат ўн-ўн беш кун сабр қилсангиз. Очлик болаларнинг силласини қуритиб қўйди.

Майор рози бўлгандай билинар-билинмас бош силкиди. Кейин Лидия Алексеевнага илонникидай совуқ кўзларини қадаб, деди:

— Болаларингиз орасида яҳудий миллатига мансублари борми, ростини айтинг аммо!

Лидия Алексеевна йўқ деса фош бўлиши мумкинлигини, бор деса болаларнинг умрига завол бўлишини ўйлаб, мужмал жавоб қилди:

— Биздагилар кўпчилиги онаси кўчага ташлаб кетган болалар. Шу боис миллати номаълум.

— У ҳолда ўзимиз текшириш ўтказамиз.

Лидия Алексеевна комендатурадан ҳомуш қайтди. Бўлган гапни ходимларга айтди. Яна ҳар бир бола билан алоҳида-алоҳида гаплашиб, немислар келиб миллатингни суриштирса, билмайман дегин, деб тайинлашди.

Эртаси куни болалар уйига бир немис офицери, икки солдат ва таржимон кириб келишди. Болаларга ҳовлида саф тортишни буюришди. Болалар унсиз-садосиз саф тортишгач, полициячилардан бири уларнинг яҳудийга ўхшайдиганларидан ўн бештачасига уч қадам олдинга чиқишини буюрди. Кейин таржимон бу болалар ёнига бир-бир бориб, русча «кукуруз» сўзини такрорлатди. Таржимон яҳудийлар бу сўзни руслардай талаффуз қилолмаслигини биларди...

Шундай қилиб, саккиз нафар болани ажратиб олишди. Уларни олиб чиқиб кетишаётганда, тасалли берган бўлиб, Брест-Литовскда яҳудий болалар учун махсус лагерь ташкил этганмиз, буларни ўша ёққа жўнатамиз, дейишди. Орадан икки кун ўттач эса, саккиз болани ўрмонга олиб бориб отиб ташлашгани маълум бўлди.

Саф олдига чиққанлар орасида Инесса ва Хилменд ҳам бор эди. Тасодифни қарангки, даҳшатли имтиҳондан Хилменд ўтди-ю, опаси ўтолмади... Тарбиячилар Инесса Брест-Литовскдаги лагердалигини, яқинда опа-ука яна дийдор кўришишларини айтиб, Хилмендни овутиб юришди.

Немисларнинг ҳарбий госпитали шаҳар шифохонаси ўрнида ташкил этилганди. Болалар уйи ходимлари у ерга ҳар куни икки марта боришарди. Эрталаб болаларнинг тетикроқларидан уч-тўрттасини танлаб олиб бориб, қон топширишар, кечқурун эса госпиталь ошхонасидан овқат қолдиқларини олиб келгани боришарди.

Немис шифокорларининг фикрича, бола танасида 2,5—3 килограмм қон бўлиб, улардан ўн беш-йигирма кунда 100—120 грамм қон олиш соғлиқларига зиён етказмас эмиш.

Бу албатта, қонхўрларнинг тасалли бериш учун айтаётган гапи эди. Аслида кўпчилик болаларнинг тобора мадори қуриб, юришга ҳам ҳоли келмай қола бошлади. Бунинг устига бола бечораларнинг вена томирини топиш учун шприцни беш-олти марта санчиб, билакларини илма-тешик қилиб юборишарди.

Қишда госпиталга келтирилаётган ярадорлар кўпайиб кетди. Охири шундай бўлдики, ҳатто коридорларга ҳам ярадорлар жойлашиб, тиббиёт ходимлари ҳовлига қурилган брезент палаткаларга кўчишди.

Госпиталь ходимлари бир дақиқа тиним билишмас, кун сайин қовоқларидан қор ёғиб, камгап, кўрс бўлиб боришаётганди. Бу албатта, рақиб томоннинг қаршилиги кучаяётганлиги, немислар қилмишларига яраша жазоларини ола бошлаганлиги белгиси эди. Болалар уйи ходимлари буни ҳис этиб, ичдан суюнишарди.

Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор: ярадорларнинг кўпайиши қонга бўлган эҳтиёжни ошириб, болаларни янада оғирроқ азобга солиши мумкин.

Шу зайлда болалар уйи шаҳарда 1942 йилнинг ёзигача турди. Бир куни Лидия Алексеевна кўчада бораётиб, урушгача шаҳар халқ маорифи бўлими жойлашган бино яқинидаги газета-журнал киоскасида сотувчилик қилган қизни учратиб қолди. Лидия Алексеевна бу қизни яхши танирди-ю, қаерда туришини билмасди. Қиз у билан қуюқ саломлашди, атрофда ҳеч ким эътибор бермаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, Лидия Алексеевнанинг қўлига кичкина буклоғлик қоғоз тутқазди.

Пичирлаб: «Ҳеч ким йўқ жойда ўқинг», деди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Лидия Алексеевна овлоқроқ жойга келгач, хатга кўз ташлади. Унда шундай дейилганди: «Лидия Алексеевна, шаҳарда иш кўраётган яширин гуруҳ болалар уйи тарбияланувчиларининг оғир аҳволи ҳақида партизан отрядига хабар берди. Агар бу ишга хайрихоҳ бўлсангиз, якшанба куни шаҳар бозори дарвозаси олдида ўтирадиган ямоқчи чолга пойафзал яматгани боринг».

Лидия Алексеевна болалар уйини поёнсиз денгизда адашган кемага ўхшатарди. Киоскачи қиз берган хатни ўқигач эса, олдинда нажот чироғи порлагандай бўлди. Ҳа, улар ёлғиз эмас экан. Улар ҳақида бошқалар ҳам ўйлаётган, фақат ҳозирча иложини тополмай туришган экан. Аммо иложи топилармикан? Шаҳарда ҳар қадамда душман офицерларини учратиш, ҳар бурчакда айғоқчига дуч келиш мумкин. Иложи топилса қанийди-я! Лидия Алексеевна ҳаётини ҳам қурбон қилишга тайёр эди, фақат болалар қонхўрлар чангалидан қутулса бас.

Якшанба куни у тумшуғи кўчган туфлини кўтариб, бозордаги ямоқчининг олдига борди. Эртаси куни

кечқурун Лидия Алексеевнанинг уйига киоскачи қизнинг ўзи келди. Шу йўсинда партизанлар билан алоқа боғланди. Тез вақтда шартли равишда «Яшил ўрмон» операцияси деб аталган қутқарув режаси ишлаб чиқилди.

Партизанлар отряди сафида жанг қилаётганлар орасида Верхнедвинск ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшаганлари кўп эди. Улар душман зуғумидан қочиб, халқ қасоскорлари сафига қўшилган, ҳар бирининг қалбида фашистларга нисбатан нафрат туғён урган кишилар эди. Партизанлар тузган режага мувофиқ мана шу кишиларнинг кексароқ, партизанлик қилишга одамнинг кўзи етмайдиганларидан ўн беш нафари (улар орасида аёллар ҳам бор эди) «дарбадарлик»ни ташлаб, жонажон қишлоқлари Кунцево ва Воробьевкага келиб, яшай бошлашди. Бу қишлоқлар шаҳардан олис, ўрмонга яқин, полиция маҳкамалари унча кучли эмасди.

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Қишлоқ полициячилари ва оқсоқоллари «дарбадарлик»дан қайтганларга ортиқча эътибор бермай қўйишди. Шунда улар партизанлар штабининг буйруғи билан операциянинг биринчи босқичини амалга оширишга киришдилар: болаларни битта-иккиталаб яширинча қишлоққа олиб кета бошлашди. Бу иш учун уч кун муҳлат берилганди. Тарбиячилар болаларни оқшом қоронғисида ўз уйларига, яқин танишларининг уйларига олиб бориб, қишлоқча кийинтириб туришди. Партизанлар уларни ўша ерлардан олиб кета бошлашди. Битта-иккита бола билан шаҳардан қайтаётган деҳқон камдан-кам одамни шубҳалантирарди. Фақат қишлоққа етганда таниш кишилар учрамаса бўлгани.

Шунинг учун ҳам партизанлар қишлоққа яқинлашгач, пичанзорлар, ғарамлар орасига яширинib, уйларига эл ётганида кириб боришарди.

Учинчи кун тунда — ҳамма болалар ва тарбиячилар шаҳарни батамом тарк этган пайтда Кунцево ва Воробьевка қишлоқлари атрофидаги соқчи постлари ва полиция маҳкамаларига партизанлар ҳужум қилишди. Ҳар бири 7—8 тадан болани яшириб, тиқ этса қулоғи динг бўлиб турган партизанлар эса, отишма тўхташи билан болаларни олиб, ўрмонга йўл олишди. Шаҳардан душманнинг ёрдамчи кучлари етиб келганида, ҳамма болалар ва партизанлар ўрмондаги биринчи заставага етиб олишганди. Билмаганлар шу тундаги отишмани кейинги пайтда тез-тез рўй бериб турган партизанларнинг одатдаги ҳужуми деб ўйлар, бундан мақсад болаларни қутқариш эканлиги хаёлларига ҳам келмасди.

Эрталаб болалар поёнсиз ўрмон ичкарисида жойлашган партизанлар «посёлкаси» билан танишишди. У чайла ва ертўлалардан иборат эди. Ўттиз-қирқ киши яшаши мумкин бўлган ертўланинг ўртаси йўлак бўлиб, икки тарафига тахта каравотлар қуришган, айримларига тизза бўйи қуруқ пичан тўшалган. Чайлаларнинг бир қисми парашютлардан ясалиб, усти шох-шабба ва ўтлар билан маскировка қилинибди. Осмондан кузатиб, бу ерда одамлар яшашини илғаш қийин. У ер-бу ерда тушовланган отлар ўтлаб юрибди.

Партизанлар сартароши ёш меҳмонларнинг сочларини олди. Кейин болалар «қўлбола» ҳаммомда чўмилишди.

Уруш бошлангандан бери биринчи марта сергўшт шўрва ичиб маза қилишди.

Учинчи куни болаларнинг ўн тўрт-ўн беш ёшлиларидан ўнтадан ортиғи отрядда қолиб, алоқачи бўлиб хизмат қилиши, қолганлар Катта ерга жўнатилиши маълум бўлди.

Тун ярмида уларни лагердан олис бўлмаган жойдаги аэродромга олиб боришди. Яланглиққа «Т» шак-

лида гулханлар ёқилди. Кўп вақт ўтмай баланд осмонда уч самолёт пайдо бўлди. Улар ялангликустида доира ясаб айланишди. Партизанлар осмонга аввал қизил, сариқ, кейин кўк ракета отишди. Бу учувчилар янглишмаганликлари, қўниш мумкинлиги ҳақидаги сигнал эди.

Шундан кейин самолётлар пастлаб, ерга қўнди. Болалар мана шу самолётларда фронт чизиғидан ўтиб, Москвага етиб келишди.

Бу ерда кўпчилик болалар шифохонага ётқизилди. Кузда эса уларнинг бир қисми Олмаотадаги, қолгани Тошкентдаги болалар уйларига жўнатилди.

Хилменд яхши эслайди. Ярадорлар ва болаларни, аллақайси шаҳардан кўчирилган артиллерия мактаби курсантларини ортган 13-поезд Москвадан кечқурун йўлга тушди.

Куйбишев шаҳрига етиб келгунча йўловчилар овқатдан ва сувдан анча қийналишди. Ундан нарёғида анча осон бўлди.

Қозоғистондаги ҳамма катта станцияларда поезддагилар учун иссиқ овқат ташкил этилган, овқат бўлмаган жойларда шакарли чой билан икки-уч бурдадан нон беришарди.

Тошкентга етиб келишганда болалар тушган вагонга оқ халат кийган, истараси иссиқ рус аёл чиқиб: «Болалар, вагондан тартиб билан тушинглар, вокзалдаги ошхонада сизлар учун ширгуруч тайёрлаб қўйибмиз», деди.

Болалар пастга тушишди. Қоринлари тўйгач, уларни ичига брезент тўшалган юк машинасига ўтқазиб, шаҳардаги болалар уйларига тарқатиб чиқишди.

ЯНГИ ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА

Болалар тушган «полуторка» Сағбон кўчасига бориб, кўприкдан ўтиб тўхтади. Автомашинада болалар билан келаётган аёл пастга тушиб, қўйин чўнтагидан қоғоз чиқарди. Унга қараб олгач, Хилменд Элкиндга: «Сен пастга туш, ўғлим», деди. Кейин ҳайдовчига кутиб туришни тайинлаб, икки тарафи синчли уйлар, пахса деворлардан иборат йўлакдан болани етаклаб кетди.

Йўлак охирида катта кўк дарвоза бўлиб, унинг пештоқига «22-болалар уйи» деб ёзиб қўйилганди. Ҳовлида беш-олти бола «қорбобо» ясашарди. Фуфайка кийган бир жувон йўлакдаги қорни кураётган эди. Эшик ғичирлаб очилиши билан у ўша томонга ўгирилиб қаради. Курагини дарахтга тираб:

— Манзур, бормисан, дугонажон! — дея бола етаклаган аёл томон қучоғини очиб келди. Бу болалар уйининг директори Антонина Хлебушкина эди.

— Ўзинг омонмисан, болаларинг яхшими, онанг соғ-саломатми?

— Раҳмат, дугонажон!

Икки дугона бир-бири билан қучоқлаб кўришишди.

— Иш баҳонасида биз келиб хабар олмасак, сен борай демайсан. Эвакуация пункти шунчалик жонингга текканмиди?

— Йўқ, ундай эмас. Сизларни жуда кўргим келади. Бу ерда юмуш кўп. Қимирлашнинг иложи йўқ.

— Мана, сенга яна бир ўғил олиб келдим, танишиб қўй, исми Хилменд Элкинд, белоруссиялик.

— Қани, қўлингни берчи, йигитча. Менинг ўғилқизларим кўп, улар сафига яна биттаси қўшилганидан хурсандман.

Аёллар болани етаклаб, ўнг томондаги икки хонали уйга киришди. Бу болалар уйининг «маъмурий

2020/95 12 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

биноси» эди, ичкарида бош тарбиячи Серафима Камфер билан хўжалик мудири Абдураҳмон Саъдиев суҳбатлашиб ўтиришарди. Манзура опа улар билан ҳам ҳол-аҳвол сўрашгач, болани таништирди. Хилмендниng ҳужжатларини Антонина Павловнага топширгач, болага шундай деди:

— Ўғлим, энди уруш тугаб, ота-онанг топилгунга қадар шу ерда яшайсан. Бу ерда яхши болалар кўп, улар билан дўстлашасан.

Шу пайт эшик очилиб, илжайиб турган тўрт-беш боланинг боши кўринди.

Антонина Павловна уларга:

— Киринглар, киринглар, болажонлар, — деди.

Шундан кейин болалар хонага киришга журъат қилиб, Хилменд билан танишишди.

— Виктор Глебский!

— Ваня Тиртичний!

— Света Загуменнова!

— Володя Некришчёнов!

— Рома Наумов!

Болалар Хилмендни қуршаб олишди. Антонина Павловна қайси хонада жой борлигини суриштириб билгач, Абдураҳмон акага омбордан каравот ва кўрпа-тўшак олиб беришни буюрди. Икки-уч бола мудир ортидан эргашди. Бу ердаги тартиб бўйича янги келган бола албатта ҳаммомда чўмилтирилиб, уст-боши алмаштирилар эди.

Шунга биноан Хилмендни бир томонда бир уюм тош қизиб турган, ёнида темир бочкаларда иссиқ ва совуқ суви бўлган ҳаммомда чўмилтиришди, янги уст-бош беришди. Сўнг болалар унга яшайдиган хонасини кўрсатишди.

Шифти тоқили, деворлари оппоқ катта хонага сим каравотлар қатор қилиб қўйилганди. Болалар янги ўртоқларига тўрдаги каравотлардан бирини кўрсатиб, «шуниси сеники» дейишди. Кейин Хилмендни ош-

хонага бошлаб киришди. Ошпаз аёл унинг олдига бир кружка иссиқ сут, бир кесим нон қўйди.

— Ол, қорнингни тўйғаз, биз нонушта қилганмиз, ҳадемай тушлик ҳам бўлади, — дейишди болалар.

Хилменд ийманиб тамадди қилгани тутинди. Кейинги бир йилдан ортиқ вақт мобайнида бошидан кечирган қийинчиликлар уни жиддий қилиб қўйган, чеҳрасида ётсираш аломатлари бор эди. У болаликнинг энг гўзал ва қимматли гавҳари — кулгини унутганди. Шу боисдан у бирдан қувноқ ва шўх тенгқурлари орасига тушиб қолиб, ҳайрон бўлиб турганди.

У бу юрт ҳақида илгари катталардан оз-моз эшитганди-ю, лекин тасаввур қилиб кўрмаганди. Бу ердаги уйлар Белоруссиядаги усти черепицали, похолли уйларга ўхшамас экан. Ғилдираги том баравар келадиган аравалари эса жуда ғалати. Одамларнинг кийиниши, сўзлашуви бошқача. Айниқса, қора қош, қора кўз, сочларини қирқ кокил қилиб ўриб олган қизлари ажойиб. Аммо бу ерда одамлар кишига фашистлардай ўқрайиб қарашмайди, меҳр-шафқат билан боқишади.

Хонага бирин-сирин болалар кириб, суҳбат қизий бошлади. Ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам янги болага қизиқиш зўр эди. Болалар Хилменд билан танишишни, унинг бошидан ўтган саргузаштларни билишни исташарди.

— Шундай қилиб, Белоруссиядан келдим дегин, — деди Виктор Глебский.

Хилменд бош иргади.

— Ҳа, Белоруссиядан келдим.

— Нечанчи синфни битиргансан?

— Тўртинчини.

— Фрицларни кўрдингми?

— Кўрдим.

— Қандай экан улар? Ҳаммаси ёмонми ёки яхшироқлари ҳам борми?

— Ёмон, жуда ёмон одамлар экан. — Арзимаган нарсага одамни отиб ташлашади. Бизнинг одамларни ёмон кўришади. Бизни улардан партизанлар қутқаришди.

— Қандай қилиб?

— Аввал ўрмонга олиб қочишди. Уч-тўрт кун ўттач, самолётда Москвага олиб келишди.

— Оббо сен-эй, самолётда учибсан-да.

— Ҳа. Нима, сен учмаганмисан?

— Учмаганман, — деди Виктор бир оз бўшашиб. Бироқ укаси тенги бола олдида ўзини паст олгиси келмади чоғи, — учмаганман-у, аммо осмондан қулаганларининг анчасини кўрганман. Ҳатто биттасининг қаноти ҳовлимизга тушган.

— Бу ерга қандай келиб қолдинг?

— Бизнинг қишлоқ Псков яқинида эди. Отам урушнинг дастлабки кунларидаёқ фронтга кетди. Ҳозир қаердалиги номаълум. Биз онам билан яшай бошладик. Кўп ўтмай уруш биз томонларга ҳам етиб келди. Қўшни қишлоқ яқинида қаттиқ жанг бўлиб, бизникилар чекинди. Шунда аскарлар бир ярадор командирларини уйимизга ташлаб кетишди. У оёғидан яраланган, юролмасди. Ёнида тўппончаси, иккита гранатаси бор эди. Командир қуролларини ҳеч кимга ишонмасди, кечаси ҳам ёстиғи остига қўйиб ётарди. Онам уни кундузи буғдой солинадиган сандиқ ичида, кечаси очиқда асраб, ярасини даволай бошлади. Командир тезроқ тузалишини, қандай бўлмасин ўзимизникилар томонга ўтиб олишни истарди. Биздан жуда миннатдор эди. Ҳатто қандайдир ҳужжатларини, орденини онамга бериб: «Буларни ишончли бир жойга кўмиб қўйинг, уруш тугагач, келиб олиб кетаман», деган эди. Бир куни тўрт немис тўсатдан уйимизга бостириб кирди-да, авто-

матни сандиққа тўғрилаб, тариллатиб қолди. Кейин дераза олдида ўтириб пайпоқ тўқиётган онамни отишди. Мен қочиб қолдим. Уйга қайтишга қўрқиб, ўрмонда яшириниб юрганимда, адашиб қолган аскарларга дуч келдим. Улар ҳеч кимим йўқлигини билишгач: «Бизга йўл кўрсат, полкимизга ўғил бўласан», дейишди. Мен рози бўлдим.

Шундан кейин уларга йўл кўрсатиб ўзимизникилар томонга ўтиб олдим. Аскарларга муҳим топшириқ берилган, қисмда уларни кутишаётган экан. Уларнинг топшириқни бажариб эсон-омон қайтишгани командирларини суюнтириб юборди. Ҳамма аскарларга орден беришди.

Мени эса «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлашди.

Виктор фуфайкасининг тугмасини ечиб, камзулига қадалган медални кўрсатди. Хилменд унга ҳайрат ва ҳавас билан тикилди.

— Виктор бизда болалар советининг раиси, буни билиб қўй. Унинг топшириқлари сен учун ҳам қонун бўлиши керак, — деди сепкилдор Володя Некришчёнов.

Бу гапдан Виктор мамнун бўлиб жилмайиб қўйди.

— Сенинг ўзинг қаерликсан? — сўради Хилменд Володядан.

— Сталинградданман.

— Ўҳ-ҳў! Ҳозир энг катта уруш ўша ерда бўляпти-ку!

— Ҳа.

— Немисларни кўрдингми?

— Йўқ. Немислар Сталинградга яқинлашиб, шаҳарга осмондан, ердан ўқ ота бошлаганда бизни дарё порти яқинидаги бир катта бинонинг ертўласига тўплашди. Кейин кечаси қайиқларда дарёдан олиб ўтишди. Қалмиқ чўлида анча йўлни пиёда босиб ўтдик, очликдан қийналдик.

— Немислар бу ерларга келмасмикан? — деди Хилменд хавотир бўлиб.

— Қўй, келмайди. Тунов куни бош тарбиячимиз Серафима Лазаревна қўшинларимиз энди чекинмайди, Сталинградни душманга бермайди, деди.

— Ундай бўлса яхшику-я.

— Афсуски, кичкинамиз-да, бизни фронтга олишмайди, — деди бўйи паст, калладор Володя Киселёв. — Агар олишгандайди, мен энг қаттиқ жанг бўлаётган жойга юборишларини сўрардим. Жоним борича жанг қилардим.

— Турникка кўпроқ осил, бўйинг чўзилади. Бўйинг баланд бўлса, уёғига Антонина Павловнага ялинсанг, ёрдам беради, — деди Виктор кулиб.

— Бефойда, Антонина Павловна: «Сизларнинг ҳозирги вазифангиз аъло ўқиш», деганларини эшитгансан-ку.

— Шу пайт эшик очилиб, бир боланинг боши кўринди:

— Ҳовлига чиқиб, саф тортинглар, сиёсий ахборот тинглаймиз, — деди у.

Ҳамма ўрнидан туриб ҳовлига чиқа бошлади.

Серафима Лазеревна ҳовли ўртасида бугунги «Правда» газетасини қўлида тутиб турарди. Бугун унинг ҳам, Антонина Павловнанинг ҳам, тарбиячи Ёдгор Насриддинованинг ҳам кайфияти одатдагидан бошқача кўринарди.

Ҳаяжонланишаётгани, қандайдир муҳим янгиликни маълум қилмоқчи бўлишаётгани шундоққина сезилиб турарди.

Виктор Глебский линейка олдига чиқиб, баланд овозда: «Смирно!» деди. Ҳамма тик қотиб турди. Болалар Советининг раиси бош тарбиячи олдига шахдам қадамлар билан бориб, тарбияланувчилар сиёсий ахборотни тинглашга тайёр эканликларини маълум қилди.

Серафима Лазеревна «Волно!» буйруғини берди.

— Ҳурматли болалар! — деди сўнгра у ҳаяжон билан. — Бугун мен сизларга ажойиб хушхабарни маълум қилаётганимдан мамнунман. Куни кеча Сталинград шаҳрида армиямиз катта ғалабани қўлга киритди. Қўшинларимиз бу шаҳарда қуршаб олинган гитлерчиларнинг катта группасини батамом тор-мор этди. Фельдмаршал Паулюс бошлиқ ўнлаб генераллар, катта офицерлар, тўқсон минг душман аскари асир олинди.

Болалар бош тарбиячининг сўзларини «Ура!» садолари билан қарши олишди. Шундан кейин Серафима Лазеревна газетанинг биринчи саҳифасида йирик сарлавҳалар билан берилган батафсил ахборотини ўқишга тутинди.

Шу куни болалар уйида байрам бўлиб кетди. Бу ерда ҳали ҳеч ким уруш бошланганидан бери бу қадар қувонмаган эди.

МАРКАЗҚЎМ ҚАРОР ҚИЛАДИ

1942 йилнинг 19 апрелида Москвада болаларни фашист ваҳшийликларидан ҳимоя қилишга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда жамоат арбоблари, ишчилар, олимлар ва ёзувчилар, ёшлар сўзлаб, гитлерчилар босиб олган ерларида қилаётган бебошликлар ҳақида қаҳр-ғазаб билан гапирдилар. Митингда бутун жаҳон хотин-қизларига Мурожаатнома қабул қилинди.

Митинг материаллари мамлакатимиз миқёсида кенг муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди. Ҳамма жойда болаларга ёрдам фондлари тўплаш, болалар уйлари ташкил этиш, етим болаларни боқувга олиш

ҳаракати илгаригисидан ҳам кенгайди. Етим болаларни оммавий равишда боқувга олган Москвадаги «Красный богатырь» фабрикаси ишчиларининг ташаббуси, тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов оиласининг олижаноб иши ўша кезлардаёқ бутун мамлакатга маълум бўлди.

Бу ҳаракатдан Сталинград ёшлари ҳам четда қолмадилар.

Бу пайтда Волга бўйидаги шаҳар маҳкам қисилган залворли муштни эслатар — Сталинград аҳолисининг сурбетларча бостириб келаётган ёвуз душманга қақшатқич зарба бериш истаги шундоққина билиниб турарди. Шаҳарнинг меҳнатга яроқли бутун аҳолиси мудофаа истеҳкомлари қурилишига жалб этилганди.

1942 йилнинг баҳоридан эса душман авиацияси шаҳар устида ва унинг атрофида тез-тез пайдо бўла бошлади.

Мудофаа истеҳкомлари қурилишида ишлаётган кишилар орасида қурбонлар кўпая борди.

1942 йилнинг май ойида жануби-ғарбий фронтнинг Сталинград бўсағасида ҳарбий истеҳкомлар қураётган ҳарбий-қурилиш бошқармасининг 307-участкаси ёшлари ўз йиғилишларида фашист ваҳшийлардан болаларни ҳимоя қилишга бағишланиб Москвада бўлиб ўтган митинг материалларини муҳокама қилишди.

Шу йиғилишда ёшлар «Главвоенпромстрой» Бош бошқармасининг қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналарида меҳнат қилаётган барча ёшларга қарата мурожаатнома қабул қилдилар. Унда шундай дейилганди.

«Қадрли қурувчи ўртоқлар!

Бизга қарши бошланган уруш минглаб оилаларни хонавайрон қилди. Уруш кўплаб болаларнинг умрини хазон қилди. Лаънати гитлерчи қароқчилар бо-

лаларни ўлдиришяпти, хўрлашяпти, майиб-мажруҳ қилишяпти, етим қолдиришяпти. Бу қонхўрлар гўдакларни болаликдан маҳрум этиб, ўз қулларига айлантиришмоқчи. Фашист қароқчининг қаерга оёғи етса, ўша жойда унинг қонли ёвузликларининг изи қоляпти.

Минглаб болалар бошпанасидан, ота-онасидан айрилди. Бу масъум гўдакларга гитлерчи каллакесарлар бераётган азоб-уқубатларни халқ ҳеч қачон унутмайди ва кечирмайди. Фашист жаллодлар ёш, дадил, жўшқин, эрксевар авлодни қириб йўқ қилолмайди.

Фашист ваҳшийлардан болаларни ҳимоя қилишга бағишланган митингдаги ғазабкор сўзлар дунёнинг барча бурчакларида улкан садо бериб жаранглади. Ватан ўз болаларини меҳрибон она сингари бағрига олиб, гитлерчиларнинг ёвузликларидан ҳимоя қиляпти, фашистлар етим қилган гўдакларни умумхалқ ғамхўрлиги билан чулғаяпти.

Етим қолган минглаб болалар орасида севимли Ватанимизни кўкрагини қалқон қилиб ҳимоя этаётган «Главвоенпромстрой» системасидаги қурувчиларнинг болалари, фашист босқинчилари қилаётган қароқчиликлар натижасида ота-онасидан айрилган болалар ҳам талайгина. Биз «Главвоенпромстрой» қурувчиларининг етим қолган болалари учун фронтнинг орқа томонида болалар уйи ташкил этайлик, деган таклиф билан сизга мурожаат этамиз, қадрли ўртоқлар. Бу болалар уйини таъминлаш учун фонд ташкил этиш мақсадида ҳар ойда бир-икки марта якшанбаликлар ўтказайлик. Бундан тушган маблағ етимларни боқиш учун ҳарбий-қурилиш бошқармаси ҳисобига ўтказилсин.

Биз Жанубий Урал, Сибирь, Урал ва Ўрта Осиё ҳарбий саноат қурилиш бошқармалари мурожаат қилиб, уларни бизнинг даъватимизни қўллаб-қувватлашга ва ўз ҳарбий саноат қурилиш бошқармалари

базасида «Главвоенпромстрой» қурувчиларининг етим қолган болалари тарбияланадиган болалар уйи ташкил этиш ҳуқуқини олиш учун мусобақани кенг қулоч ёйдиришга чақирамиз.

«Главвоенпромстрой» қурувчиларининг етим қолган болаларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатамиз, меҳр-муҳаббатимизни бахш этамиз. Бизда қаровсиз ва назоратсиз болалар бўлишига йўл қўймаймиз. Биз қурувчи ўртоқларимизнинг етим қолган болалари учун ота-она ўрнини босишимиз керак.

Болаларимизнинг тақдири қимматли бўлган ҳар бир киши бизнинг тизимимиздаги қурувчиларнинг етим қолган болаларига ёрдам беришда фаол иштирок этиши лозим.

«Главвоенпромстрой» ходимларининг етим қолган болаларининг уст-боши бут, қорни тўқ бўлиши, етимликни сезмаслиги, урушнинг жабру жафосини иложи борича камроқ кўриши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Ушбу мурожаатнома 307-ҳарбий-қурилиш ишлари участкаси ёшларининг умумий йиғилишида қабул қилинган».

Сталинградлик ҳарбий қурувчи ёшларнинг бу ташаббуси «Главвоенпромстрой» Бош бошқармаси қошидаги Сиёсий бошқарма томонидан маъқулланди. Шу масала бўйича қабул қилинган қарорда бу ташаббусни Бош бошқарма қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналари жамоалари ўртасида кенг ёйиш кўрсатиб ўтилди. Ҳар бир жамоа олдига аниқ вазифалар қўйилди.

1942 йил 25 августда Сиёсий бошқарма бошлиғининг имзоси билан Ёшлар Марказий Комитетига қуйидаги мактуб ёзилди:

Ёшлар Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Михайловга!

Жанубий-ғарбий фронт ҳарбий-қурилиш бошқармаси 307-участкаси ёшлари шу йилнинг май ойида ўз йиғилишларида фашист ваҳшийлардан болаларни ҳимоя қилишга бағишланиб Москвада бўлиб ўтган митинг материалларини муҳокама қилиб, «Главвоенпромстрой» Бош бошқармасининг барча қурувчиларини болаларга ёрдам фондига маблағ тўплашга ва тўпланган маблағга ота-онасиз қолган болалар учун битта болалар уйи очишга даъват этдилар.

«Главвоенпромстрой» Сиёсий бошқармаси бу ажойиб ташаббусни Бош бошқарманинг барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналарига ёйди. Уни барча ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Амалга оширилган оммавий-ташкилий тадбирлар (якшанбаликлар, томошалар кўрсатиш, кўнгилли бадаллар ва бошқалар) натижасида болалар уйи ташкил этиш ва уни таъминлаш учун 1942 йил 25 августга қадар 513 минг сўм тўпланди. Маблағ тўплаш давом этмоқда.

Сталинградлик ёшлар бошлаган ташаббус ана шундай ажойиб натижа берди. Аммо 1942 йилнинг ёзида уруш ҳаракатларининг бевосита Сталинград районига кўчиши ташаббускорлар ўз мурожаатномаларида олган мажбуриятларни тўла-тўкис бажаришларига халақит берди.

1942 йилнинг июнидан душман авиацияси шаҳар ва унинг атрофини бомбардимон қила бошлади. Июль ойида гитлерчи қўшинлар Дон дарёсидан ўтиб, Сталинград учун жанглар бошланиб кетган пайтда ёшлар шаҳар мудофаасида фаол иштирок этиш билан бирга, болалар ҳаётини сақлаш йўлида кўп куч ва ғайрат сарфладилар.

Шаҳар қамал қилинган, фашистлар шафқатсиз бомба ёғдираётган шароитда ёшлар ҳаётларини хавф

остига қўйиб, вайроналар остида, подвалларда қолган болаларни йиғиб, Волганинг нариги томонига жўнатишди.

Бу пайтда 3130 бола тўпланиб, турли жойлардаги болалар уйларига жўнатилди.

ЯНГИ ДИРЕКТОР

Ёшлар оталиғидаги болалар уйи учун маблағ тўплаш ҳаракатида Ўрта Осиё ҳарбий саноат-қурилиш бошқармасининг ёшлари ҳам фаол қатнашдилар. Бош бошқармада буни эътиборга олиб, болалар уйини Ўзбекистонда ташкил этишни лозим топдилар.

Ўрта Осиё ҳарбий саноат-қурилиш бошқармасининг идораси Тошкентда, Тарас Шевченко кўчасидаги 52-уйда жойлашганди. Шунинг учун комсомолёшлар оталиғидаги болалар уйининг шу шаҳарда очилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Хўш, Тошкентдаги ўттиздан ортиқ болалар уйидан қай бирини ёшлар оталиғига бериш мумкин? Республика маориф халқ комиссарлигининг, болалар уйлари бошқармасидагилар, шахсан унинг бошлиғи Елена Георгиевна Самойленко бу ҳақда кўп бош қотирди. Ниҳоят, кўпчилик 22-болалар уйини маъқул кўрди. Бу таклифга Ўрта Осиё ҳарбий саноат-қурилиш бошқармасидагилар ҳам, Москвадагилар ҳам рози бўлишди.

1942 йил 25 октябрда республика Маориф халқ комиссарлиги коллегияси Ёшлар Марказий Комитетининг 1942 йил 15 сентябрдаги қарорига асосан Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйини ёшлар ташкилоти оталиғидаги болалар уйига айлантириш масаласини кўрди.

Ўзбекистон маориф халқ комиссарлигининг 1067-буйруғидан:

1. §

Ёшлар Марказий Комитети секретариатининг 15.IX.1942 йилдаги қарори ва Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Ҳарбий саноат бошқармаси коллегиясининг 2.9.1942 йилдаги қарори асосида 1.11.1942 йилдан Тошкентдаги 22-болалар уйининг Маориф халқ комиссарлиги томонидан маблағ билан таъминланиши тўхтатилиб, барча тарбияланувчилари ва моддий бойликлари билан Халқ Комиссарлари Совети қошидаги «Главвоенпромстрой» қарамоғига берилсин.

Тошкентдаги 22-болалар уйи Халқ Комиссарлар Совети қошидаги «Главвоенпромстрой»нинг болалар уйи» деб ўзгартирилсин.

§ 6.

Болалар уйлари бошқармаси бошлиғи Е.Г.Самойленкога, Халқ Комиссарлари Совети қошидаги «Главвоенпромстрой»нинг болалар уйи Ўрта Осиё ҳарбий саноат-қурилиш бошқармаси томонидан бериладиган аризага биноан саноат буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан фондли таъминот разнарядкасига киритилсин.

Маориф Халқ Комиссари:
И. Раззоқов
25 октябрь, 1942 йил, Тошкент шаҳри».

Ўша пайтда Тошкентдаги болалар уйлари орасида 22-болалар уйининг биноси нисбатан энг яхши саналарди.

У 1930 йилда Украинага сургун қилинган бойнинг ҳовлиси бўлиб, кенг, сердарахт эди. Аммо яхши саналган бу бино болалар уйининг Байналмилал кўчасида жойлашган ҳозирги биносидан ер билан осмонча фарқ қиларди.

Унда водопровод, санузел йўқ, ичимлик сув қудуқдан олинарди. Вақтинча директор бўлиб ишлаётган Г. Корсунский жамоани дуруст бошқараолмаётганди. У ҳам ўрнига одам топилиши билан фронтга кетиши лозим эди.

Эндиликда бу ерда ишни тубдан яхшилаш учун шароит яратилаётган, гап фақат болаларни севадиган, ҳалол, қаттиққўл директор топишда қолганди. Аммо ўша пайтда болалар уйларига директор уёқда турсин, оддий тарбиячи, энага топиш ҳам амримаҳол эди.

Меҳнатга яроқли эркакларнинг деярли ҳаммаси фронтга кетган, ишчи кучи ғоят танқис эди. Қийин ва оз ҳақ тўланадиган тарбиявий ишлар билан шуғулланишни ҳамма ҳам хоҳлайвермасди.

Елена Георгиевна бу масалада бошқарма ходимлари билан кенгашди. Улардан бири:

— Битта муносиб номзод бор, — деди.

— Ким экан у?

— Антонина Хлебушкина, вокзалда эвакуация пунктида ишлайди.

— Эвакуация пунктида?... — Елена Георгиевна ўйланиб турди-да деди: — Дуркун, қўҳликкина жувонми, урушгача турбазада директорлик қилган-а?

— Ҳа, ўша, ўша. Турбазадан аввал Ўзбекистон ёшлар Марказий Комитетида инструктор бўлиб ишлаган. Ишни яхши билади, меҳнатсевар, серғайрат аёл.

— Дарвоқе, мен у билан икки-уч суҳбатлашганман...

Бироқ, республика Марказий Комитетида ишлаганидан бехабар эдим. Бу аниқ бўлса, у айнан биз излаган кадр.

— Ишлагани аниқ.

— Ундай бўлса, ҳозироқ қўнғироқ қилинглар, бошқармага келиб кетсин.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас А. Хлебушкина Е.Г. Самойленко қабулига етиб келди.

— Салом, Тоня! — деди Елена Георгиевна уни ўрнидан туриб қарши оларкан. — Тинч-омонмисан, қизим. Эвакуация пунктидаги юмуш чарчатмаяптими?

— Чарчаганимча йўқ, Елена Георгиевна, ҳозирги шароитда чарчадим десак ярашмайди ҳам. Ҳозир ҳар ким ўз ўрнини топиб, қўлидан келган хизматини қиладиган пайт. Бусиз душманни енгиб бўлмайди.

— Ақлингга балли, қизим!

Елена Георгиевна Тоняни ўтиришга таклиф этди. У оқ ғилоф қопланган курсилардан бирига ўтирди.

— Қалай, Тоня, уйингдагилар яхши юрибдими, эрингдан хат-пат борми?

— Шукур, онам, ўғлим соғ-саломат. Фақат эрим... — Тоня шундай деди-ю, тескари ўгирилиб камзулининг ён чўнтагидан рўмолча олди. Тиниқ юзларига дув этиб ёш юмалади.

— Нима бўлди, «қора хат» келдими?

— Йўқ, Лекин уч ойдирки, дом-даракиз... Илгариям бир марта шундай бўлганди: икки ойча хат келмаган. Унда Старая Русса яқинида қуршовда қолишган экан. Энди нима бўлган, билмайман. Ишқилиб омон бўлсин-да. Усиз яшаш мен учун оғир.

— Сабрли бўл, қизим. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Урушда нималар бўлмайди дейсан...

Елена Георгиевна шундай деб, Антонинани юпатган бўлди-ю, аммо ўзининг томоғига ҳам нимадир тиқилди. Оққўнгил бу аёл кишиларнинг мусибатини чуқур ҳис қиларди. Кейинги пайтда кунда бўлмаса ҳам кунора атрофидаги хотин-қизлардан кимдир эри ёки севгилиси, отаси ёки акаси дом-даракиз кетганлигини ёки ундан «қора хат» келганлигини айтиб, кўзёш қиларди.

Елена Георгиевна айни ҳаётга тўймай яшаши, ўйнаб-кулиши лозим бўлган бу қиз-жувонлар ёшлиги хазон бўлаётганлиги, бевақт ғам-кулфатга дучор бўлганликлари, бу ҳам етмагандай, меҳнат ва ташвишга кўмилиб кетганликларини кўриб, ич-ичидан ачинар, уларга қўшилиб йиғлагиси келарди-ю, аммо эгаллаб турган лавозими, катта мавқеини ўйлаб, ўзини босарди. Ҳеч иложи йўқ, ҳаёт қанчалик беаёв бўлмасин, яшамоқ, курашмоқ, бурчни бажармоқ лозим.

— Тоня, — деди у бир оздан сўнг ўзини дадил тутиб. — Сен эвакуация пунктида жуда яхши ишлаяпсан, бунинг учун раҳмат! Бу ерга чақиришимиздан мақсад, сени янада масъулиятлироқ вазифага ўтказмоқчимиз, шунга нима дейсан?

— Қандай вазифа экан у? — деди Тоня қизарган кўзларини суҳбатдошига тикиб.

— Сенинг хабаринг борми-йўқми, шу йил баҳорда Сталинграддаги мудофаа истеҳкомлари қурилишида ишлаётган ёшлар ҳалок бўлган қурувчи жангчиларнинг болалари учун болалар уйи ташкил этиш ташаббуси билан чиқишди. Бу ташаббусни мамлакатнинг барча ҳарбий-қурилиш ташкилотларидаги ёшлар қўллаб-қувватлашди. Катта маблағ тўпланди. Ёшлар Марказий Комитети қурувчи ёшларнинг илтимосини кўриб чиқиб, улар оталиғида болалар уйи ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунга биноан Тошкентдаги 22-болалар уйи ёшлар оталиғидаги болалар уйига айлантирилди. Биз сенинг тажрибанг борлигини, болалар билан ишлашни яхши кўришингни ҳисобга олиб, шу ерга директор этиб тайинламоқчимиз.

— У ерда нечта бола бўлади?

— Ҳозирча 150 та. Кейинроқ кўпайиши мумкин. Фронт чизиғидаги шаҳарлардан болалар келиши кутиляпти.

— Шунча болани бошқаришга қурбим келармикан, ҳали ёшман-ку?

— Оила қурган, уй-жойли жувонни ёш демайдилар, — Елена Георгиевна гапни чўрт кесди. — Қолаверса, ақл ёшда эмас, бошда. Ёшсан, куч-ғайратга тўлган пайтинг. Қийналсанг, ёрдам берамиз. Фақат маслаҳат сўрашдан уялмагин. Кеча менга Ўзбекистон ёшлар Марказий Комитетининг биринчи секретари Раҳимов қўнғироқ қилди. У, Тошкент ёшлари 22-болалар уйининг ишини яхшилаш учун имкони бўлган барча ёрдамни беради, деди.

А. Хлебушкина шаҳардаги кўпгина болалар уйларида бўлганди-ю, лекин 22-болалар уйини кўрмаганди. Шунинг учун қатъий фикрини айтишдан аввал уни бир бориб кўриш истагини билдирди. Елена Георгиевна рози бўлди.

Иккиси биргалашиб йўлга тушишди. Хадрагача трамвайда, ундан уёғига пиёда кетишди. Ҳозир транспорт бетиним қатнайдиган Сағбоннинг тор, ўрта асрни эслатадиган кўчаларидан у пайтларда автобус юрмасди. Фақат ҳар замонда хўжаликлардан шаҳарга юк олиб келаётган ёки қайтаётган аравалар ўтиб қоларди. Кўчада одам сийрак. Шунга қарамай Елена Георгиевна Сағбонга етгунча тўрт-беш одам билан сўрашиб, гаплашди. Тоня бу аёлнинг Туркистонда туғилиб ўсганлигини, 20-йиллардаги «Ҳужум» кампаниясида фаол иштирок этганлигини биларди-ю, бироқ тошкентликлар орасида таниш-билиши бу қадар кўплигини энди пайқаши эди. Тоняни айниқса Елена Георгиевнанинг ўзбек тилида эркин гапириши қойил қолдирди, унга ҳаваси келди.

— Ўзбекчани қандай ўргангансиз, Елена Георгиевна? — деди у қизиқувчанлик билан.

— Ўзбекистонда туғилиб-ўсиб, ўзбекчани билмасам уят бўлар?!

— Ўзбекистонда туғилиб-ўсганларнинг анчагинасини биламан. Бироқ улар орасида сизчалик эркин сўзлаша оладиганлари кам.

— Мен фақат ўзбекчани эмас, тожикчани ҳам яхши биламан. Сабаби, Когонда туғилганман. Отаонам чор ҳукуматининг Бухоро амири ҳузуридаги элчиси уйида хизматкор эди. Биз бошқа хизматкорлар билан бирга элчининг ташқари ҳовлисида яшардик. Болалигим ўзбек ва тожиклар орасида ўтган. Шунинг учун бу тилларни она тилидек ўзлаштириб олганман.

— Сизни жамоа ишларида қатнашишга ким ундаган?

— Аввало, виждоним, десам тўғри бўлар. Мен Бухорода чор ҳукумати ва амирликнинг зулми остида эзилган халқни кўрганман. Умуман Туркистонда Бухоро халқичалик эзилган, азоб-уқубат чеккан халқ бўлмагандир-ов... Мени қашшоқлик ва зулмга, адолатсизликка нафрат, эски тузумнинг нобоплигини англаб етиш фаол курашга ундади.

Улар суҳбатлашиб, 22-болалар уйига қандай етиб боришганлигини сезмай қолишди. У ердагилар меҳмонларни хушнудлик билан кутиб олишди. Елена Георгиевна улар билан сўрашаркан, келишдан мақсадларини сир тутди: «Шу томонга йўлимиз тушганди, кириб кетайлик дедик», деди. Фақат қайтишаётганда республика Маориф халқ комиссарлиги куни-кеча чиқарган буйруқ ҳақида гапирди, кетидан: «Янги директор ҳам тез кунларда тайинланади», деб қўйди.

Тоняга болалар уйининг ҳовлиси, бинолари ёқди. Аммо қаттиққўл, талабчан бошлиқ йўқлиги, бунинг оқибатида болалар уйидан файз-барака кўтарилганлиги шундоққина сезилиб турарди. Болаларнинг устбоши кир, ранг-рўйи бир ҳолатда. Ётоқхоналардаги каравотларнинг бири чойшабли, иккинчиси чойшаб-

сиз. Ҳовли супурги кўрмаганига тўрт-беш кун бўлган...

Катта кўчага чиқишгач, Елена Георгиевна ҳамроҳига:

— Қани, энди нима дейсан? — деди.

Антонина ўйланиб туриб, ёнидаги аёлнинг раъйига зид иш қилмасликка қарор қилди.

— Майли, сиз айтганингиз бўлсин. Фақат билмаганимни билдирасизлар. Сизларга суянаман.

— Шундай дейишингни билардим, балли! — Елена Георгиевна хурсанд бўлиб Тонянинг қўнғироқ-қўнғироқ олтин сочлари қоплаб ётган, келишган елкасига қоқиб қўйди. Кейин сўзини давом эттирди. — Бу ерда илгари Ёдгоров деган яхши директор бор эди. У фронтга кетди-ю, ишнинг мазаси қочди. Жамоада ҳозир икки-учта нопок, эгриқўл кишилар пайдо бўлган. Ишни шуларни йўқотишдан бошлашинг керак. Биринчи ёрдам тариқасида бош тарбиячи билан мудир топиб бераман...

— Раҳмат, Елена Георгиевна!

Эртаси куни А. Хлебушкина Ўзбекистон ёшлар Марказий Комитетининг биринчи секретари Э.Раҳимов қабулида бўлди. Индинига 22-болалар уйига бориб, ишни қабул қилиб олди. Орадан ўн-ўн беш кун ўтгач, болалар уйига Сталинграддан 20 нафар бола жўнатилганлиги ҳақида хабар келди. Болаларнинг Тошкентга қачон етиб келиши номаълум эди. Антонина Павловна эса сталинградлик қаҳрамонларнинг фарзандларини албатта вокзалда кутиб олишни истарди. Шунинг учун ҳам у Москва томондан поезд келиши мумкин бўлган соатларда вокзалга ўтиб, хабар олиб турди.

Тошкентга эвакуация қилиниб келаётганлар ҳамон кўп эди. Катталарнинг аҳволи, болаларнинг ранг-рўйи кишининг юрак бағрини эзарди. Газеталарда немис-фашист босқинчилари тинч аҳолига, айниқса, бола-

ларга нисбатан қилаётган вахшийликлар ҳақидаги хабарлар тобора кўпайиб бораётганди.

Урушда тасодифлар кўп булади. Болага тасодифан ўқ тегиши ёки бомба остида қолиши мумкин. Фашистлар қилаётган иш тасодиф эмасди. Улар болаларни олдиндан режалаштирилган разил мақсадлар билан қиришаётганди.

Антонина Павловна ҳам она, болани бир парча этлигидан катта қилиш нақадар машаққатли эканлигини яхши билади. Ўғли Викторни икки яшар қилгунича жони қанча ҳалак бўлди. Янаям унга онаси кўмаклашади.

Дилбандидан айрилишни тасаввур этса, юраги орқасига тортиб кетади. Тошкент вокзалига эшелонда келтирилаётган болалар ҳам ўз ота-оналарига худди унинг Виктори сингари азиз бўлишган. Уларнинг ҳар бирининг ўз уйи, ўйинчоқлари, боғчаси, мактаби бўлган. Уруш тўфони уларни азиз нарсаларидан маҳрум этиб, сарсон-саргардон қилиб қўйди.

Эвакуация пунктидаги бир йиллик фаолиятида унинг қўлидан қанчадан қанча бола ўтмади, дейсиз. Айниқса, 1942 йилнинг бошида оғир бўлганди. Вагонларда ота-онасидан айрилган ёки адашган, мажолсиз, озиб-тўзиб кетган болаларни кетма-кет олиб келишарди.

Эвакуация пункти ходимлари уларни чўмилтириб, ювиб-тараб, қоринларини тўйғазишарди. Кейин гуруҳларга ажратиб, республиканинг турли томонларидаги болалар уйларига жўнатишарди.

Ҳеч ёдидан чиқмайди. 1942 йилнинг январ ойи бошларида бир эшелон бола келтирилди. Уларни тушириб ола бошлашди. Иш ниҳоясига етай деганда, Антонина Павловна вагонларни яна бир кўздан кечириб чиқмоқчи бўлди. Шунда вагонлардан бирининг қоронғи бурчагида 9—10 ёшлардаги бир қизалоқ ўтирганини сезиб қолди. Унинг қўлида нимадир бор эди.

Антонина Павловна аввалига, қўғирчоғи бўлса керак, деб ўйлади. Боланинг олдига бориб:

— Нега бу ерда ўтирибсан, тур, қўғирчоғингни менга бер? — деди.

Шунда қизалоқ:

— Бу қўғирчоқ эмас, укам. Ойим уни ҳеч кимга бермагин, деганлар, — деди.

— Ойинг қани?

— Бир станцияда поездимизни ўққа тутишди. Ойим станцияда тушиб, қайтиб чиқмадилар.

Антонина Павловна боланинг қўлидаги чақалоқни олди. Не кўз билан кўрсинки, гўдак ўлик эди...

Поездда келаётган болаларнинг деярли ҳар бири мудҳиш воқеаларнинг гувоҳи эди. Улар руҳан сўник, атрофга ҳадиксираб қарашар: «Бу ерда немислар йўқми, бомбардимон қилишмайдими?» — деб сўрашарди.

* * *

Сталинградлик болалар ноябрь ойининг охирларида етиб келишди. Сўнгра мамлакатнинг душман вақтинча босиб олган бошқа жойларидан ҳам болалар келди. 1943 йилнинг охирида болалар уйининг тарбияланувчилари 200 нафардан ошиб кетди.

Болалар уйидаги нопок кишилар ишдан четлатилди. Уларнинг ўрнини янги кишилар эгаллади: Низомий номли Тошкент педагогика институтини тамомлаб, Чирчатойдаги 1-ўрта мактабда ишлаётган Серафима Галина (Камфер) бош тарбиячи, урушдан ярадор бўлиб қайтган Борис Камфер меҳнат тарбиячиси, Ёдгор Насриддинова тарбиячи, Саодат Набиева энага, Абдураҳмон Саъдиев мудир вазифаларига ишга олинди. Катта ёшдаги бир гуруҳ болалар тарбиячиларни назар-писанд қилмай қўйишган, пул тикиб қимор ўйнашаркан. Шунинг учун бир кун кимнингдир адёли, эртасига чойшаби, учинчи куни яна бош-

қа нарсаси йўқола бошлабди. Бу нарсаларни қиморда қарз бўлган болалар ўғирлаб, бозорга олиб бориб арзон-гаровга пуллашаркан. Қиморбозлар масаласида Маориф халқ комиссарлигидагилардан маслаҳат сўрашди.

Е.В. Рачинская уларни Марғилон ипак комбинатига ишга жойлаш тўғрисида кўрсатма берди. У ерга болаларни Антонина Павловнанинг ўзи олиб бориб қўйди.

Шундай қилиб, болалар уйида ҳамма нарса секинаста изга туша бошлади. Оталиқ ташкилот вакиллари — ҳарбий қурувчилар келгач, иш янада юришиб кетди. Ҳамма хоналар тез кунда сифатли ремонтдан чиқарилиб, оқланди.

Тунука печларнинг кўп қисми контрамаркалар билан алмаштирилди. Илгари болаларнинг бир қисми полда ётишарди. Улар учун кароватлар олиб келинди. Сим каравотлар етишмаган хоналарга «қўлбола» тахта каравотлар қурилди.

Болалар уйининг кичкина кутубхонаси йўқ бўлиб кетаёзганди. У янги китоблар билан тўлдирилди, кундалик газета ва журналлар мунтазам келиб турадиган бўлди. Янги стол-стуллар, шахмат-шашка, патефон, тувакда гуллар пайдо бўлганлиги ҳам кичкинтойларни қувонтирди. Болалар уйидаги ҳаёт сермазмун ва қизиқарли бўлиб қолди.

* * *

Ёдгор Насриддинова уруш бошланганда Тошкент темирйўл институтини битириб, Тошкент темир йўл бекатига ишга келганди. Уруш бошлангач темир йўлчиларнинг иши кўпайиб кетди. Уруш бўлаётган жойлардан корхоналарни, аҳолини, ота-онасидан айрилган болаларни Ўзбекистонга эвакуация қилиш бошланди. Тошкент вокзалида эвакуация пункти ташкил этилди.

Вокзал раҳбарияти Ёдгорни ҳам шу жойга ишга ўтказди. Антонинанинг эпчил ва меҳнаткаш, ўзбек ва рус тилларини яхши биладиган Ёдгор билан танишуви ва дўстлашуви шу жойда бошланди. Антонина 22-болалар уйига директор бўлиб ўтгач, Ёдгорга шундай деди:

— Ёдгор, дугонажон, болалар уйида бирга ишлашсак дейман. Ҳар бир раҳбарнинг ёнида ҳалол ва содиқ одами бўлиши керак. Сен менинг шундай одамим бўласан, деб ўйлайман.

— Болалар уйида ишлаш менинг соҳам эмас-ку.

— Тўғри, сенинг соҳанг эмас, лекин ҳозир уруш даври, кадрлар тахчил, соҳасига қараб ўтирадиган пайт эмас. Ҳозир иккимиз ҳам ёшмиз, одам қилган ишни одам қилади. Янги соҳани ўрганиб кетарсан. Агар ўз соҳангни хоҳласанг, уруш тугагач ўз соҳангга ўтиб кетарсан. Асосийси янги жойда сен менинг энг ишонган одамим бўласан. Ёдгор дугонасининг таклифини рад қилгиси келмади.

1942 йилда 22-болалар уйига тарбиячи бўлиб ўтди ва бу жойда уруш ғалаба билан тугагунча ишлаб, болалар уйида таълим ва тарбия ишларини яхшилашга, уни Тошкентдаги 30 та болалар уйи орасида энг намунали болалар уйи бўлишига муносиб ҳисса қўшди.

1945 йилда туман комсомол комитети инструктори, кейин котиби бўлди. Ундан сўнг партия ишига кўтарилиб ўзининг ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятини намоён этди. 32 ёшида Ёдгор Содиқовна республика қурилиш материаллари саноати министри бўлди. 1955 йилда республика Министрлар Совети раиси ўринбосари лавозимига кўтарилди.

1959 йилдан 1970 йилгача Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси, сўнг тўрт йил Москвада Иттифоқ Олий Совети Миллатлар Совети раиси лавозимларида ишлади. Ёдгор Содиқовна қаерда ишла-

масин 22-болалар уйи жамоасини, унинг раҳбари Антонина Павловнани унутмади, уларни ҳамиша қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилди.

«ЗИММАДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ЯХШИ АНГЛАЙМАН»

Елена Георгиевна янги бош тарбиячи топиб бериш ҳақида Хлебушкинага ваъда берганидан сўнг орадан кўп ўтмай, Сталин (ҳозирги Шайхонтохур тумани) халқ маорифи бўлими мудири Саидмуродовни ҳузурига чақириб, шу масалада ёрдам беришни илтимос қилди. Саидмуродов ўйлаб кўриш учун уч-тўрт кун муҳлат сўради.

У идорасига қайтгач, тортмасидан туман мактабларида ишлаётган педагоглар рўйхатини олиб, кўздан кечира бошлади. Фамилияларни бир-бир ўқиб, ўзи яхши билган педагогларнинг Самойленко айтган вазифага қай даражада муносиблиги ҳақида ўйлай бошлади.

Шунда бирдан унинг назари Галина фамилиясига тушиб қолди. «Бу Сима-ку, — деди Саидмуродов ўзига-ўзи. — У ўтган йили Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаб, олдимга келганди. «Менга институтда қолиб, аспирантурадан ўқишни давом эттиришни таклиф этишди, — деди у ўшанда. — Мен бу таклифга кўнмадим. Ўрта мактабда тўрт-беш йил ишлаб, тажриба орттириб, кейин ўқимоқчиман. Мени бирон бир мактабга ўқитувчи қилиб жўнатсангиз...»

Саидмуродовга Симанинг режаси маъқул бўлди. Уни Чиғатойдаги 1-ўрта мактабга рус тили ва адабиёти ўқитувчиси қилиб жўнатди.

Сима Саидмуродовнинг яқин дўсти Пётр Галиннинг синглиси эди. У ўрта мактабда директорлик қилганида, Пётр Лазаревич илмий бўлим мудири бўлган. Ўшанда уларнинг уйига кўп борган ва Симани яхши синаган эди.

Сима иболи ва фаросатли қиз. Саидмуродов уни 22-болалар уйининг бош тарбиячилигига тавсия этмоқчи бўлди. Ҳузурига чақириб, бу фикрини айтганди, қиз рози бўлди. Шундан сўнг Галина республика Маориф халқ комиссарлиги, республика ёшлар Марказий Комитети ва Ҳарбий-қурилиш бошқармасининг сиёсий бўлимида суҳбатдан ўтди. Сима ҳаммага, айниқса, бошқармадагиларга маъқул бўлди. Унга яхши тилаклар айтилди.

Симани болалар уйига сиёсий бўлим бошлиғининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари М.Я. Бихлайзер олиб бориб таништирди. Антонина Павловна уларни илиқ қарши олди.

— Тунов куни халқ таълими мудирини кўргандим. У Чиғатойдаги мактабда яхши бир ўқитувчи бор, шу сизларга бош тарбиячи бўлиб ўтадиган бўляпти, девди. Шу сиз бўлсангиз керак-а? — деди.

Сима тасдиқ ишорасини қилди.

— Фамилиянгиз менга таниш туюляпти.

— Акам Пётр Галин Ўрдадаги мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаганлар. Эҳтимол, танирсиз?

— Танийман, танийман. Акангизни ўтган йили шаҳарга эвакуация қилинган болалар кўпайганда, Макаренко методида колония ташкил этиш режасини тузибди, деб эшитгандим. Кейин жимжит бўлиб кетди.

— Шундай бўлганди. Бу режа Маориф халқ комиссарлигидагиларга ҳам маъқул келганди. Ҳатто, акамни шу колонияга директор этиб тайинламоқчи бўлишганди. Афсуски, бу режалар амалга ошмади, акам фронтга кетиб қолдилар.

— Ҳозир қаерда жанг қиляптилар?

— Дон фронтининг 129-дивизияси 28-полкида жанг қилаётгандилар. Яқинда «қора хат» келди.

— Эссизгина-я!.. Бу уруш бизни кўпгина ажойиб кишиларимиздан жудо этяпти. Акангизнинг фарзандлари борми?

— Ҳа, бир ўғил, бир қизи бор. Келинойим самолётсозлик заводида ишлайдилар.

— Энди ўшалар омон бўлишсин.

Ўртадаги бир оз сукутдан сўнг Антонина Павловна қиздан:

— Турмуш қурганмисиз? — деб сўради.

— Йўқ, — Сима қизариб ерга қаради.

— Кечирасиз-у, оилали, фарзандли аёллар болаларга яқинроқ бўлишади-да.

— Зиммамдаги масъулиятни яхши англайман, Антонина Павловна. Ишончларингизни оқлашга кучим борича ҳаракат қиламан.

— Раҳмат, синглим! Ҳамма гап ҳаракатда, болаларни яхши кўришда. Энг муҳими, биз тарбиячилар шу ерда яшаб турган 200 болага ҳам ота, ҳам она вазифасини ўташимизни, уларга худди оиладагидек муҳит яратиб беришимиз зарурлигини унутмаслигимиз, иноқлик билан, бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз, болаларга шахсий намунамиз билан ибрат бўлишимиз керак.

Бу ерда илгари Ёдгоров деган яхши бир директор ишлаган экан. У фронтга кетгач, ҳаммаси издан чиқибди. Болаларнинг куни эгриқўл кишиларга қолибди.

Уч-тўрт ой аввал келганингизда болаларнинг аҳволини кўриб, кўзингизга ёш олардингиз. Ҳозир иш анча изга тушиб қолди. Лекин ҳали камчиликлар йўқ деб бўлмайди. Уларни биргалашиб бартараф этамиз. Мана, буёқда Маркус Яковлевич ҳам қараб турмайдилар.

Антонина Павловна янги бош тарбиячига болалар уйини кўрсатмоқчи, жамоа билан таништирмоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалди. Бихлейзер кетишга чоғланди.

— Менга рухсат беринглар, Антонина Павловна, — деди у хайрлашиш учун қўл чўзаркан. — Сизларга муваффақият тилайман. Ёрдам зарур бўлса тайёрмиз.

Антонина Павловна Бихлейзерни кузатиб қўйди.

* * *

Болалар уйидаги бош тарбиячининг асосий вазифаси мактаб билан узвий алоқада ишлаб, болаларнинг дарсдан сўнгги бўш вақтлари, дам олиш кунлари сермазмун ўтишини таъминлашдан, болалар уйида худди оиладагидек вазиятни юзага келтириб, тарбияланувчиларнинг яхши ўқиши ва тарбия олишига кўмаклашишдан иборат.

Шунинг учун ҳам Сима ишни тарбиявий ишлар режасини тузишдан бошлади. Унда мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда болаларни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, маданий савиясини, эстетик дидини ўстириш билан боғлиқ турли-туман тадбирларни режалаштирди. Барча тадбирларнинг болаларни зериктириб қўймайдиган қилиб ўтказилишига эътибор берди.

Болалар билан биринчи суҳбат она-Ватан мавзусига бағишланди. Унда Антонина Павловна ва Абдураҳмон Саъдиев ҳам иштирок этишди.

Сима Ватан тарихи, ҳозирги даврдаги халқлар дўстлигининг аҳамияти ҳақида гапирди. Болаларнинг саволларига жавоб берди.

— Ўзбекистонда ҳам ҳеч уруш бўлганми? — деб сўради шунда даврадаги болалардан бири.

— Ҳа, бу ерларда ҳам кўп уруш бўлган, — Абдураҳмон амаки бош тарбиячининг сўзини илиб кет-

ди. — Бу ерга аввал греклар, кейин араблар ва мўғуллар бостириб келишган. Ўрта Осиё халқлари уларга қарши мардона курашган. Душман бу ўлканинг гўзал шаҳарларини култепага айлантириб, ажойиб фарзандларини қирган. Халқ эса таслим бўлмаган.

Шу асрнинг 20-йилларида ҳам кўп жангу жадаллар бўлган. Лекин Туркистон халқлари ўз тарихида ҳозирги урушчалик қирғинбарот урушни кўрмаган.

— Бу уруш қачон тугайди?

— Буни олдиндан айтиб бўлмайди. Лекин Сталинград жангидаги ғалабамиздан сўнг душманга «шоҳ бериш» бизнинг қўшинлар томонига ўтди. Бу шаҳардаги урушда душман кучлари қамал қилиб олингач, Гитлер Паулюсга фельдмаршал унвонини бериб, бир метр ҳам орқага чекинмасликни, ҳар бир аскар сўнгги патрони қолгунча жанг қилиши лозимлигини тайинлади.

Лекин фашистлар бу топшириқни бажаришолмади. Бизнинг зенитчиларимиз қамалдаги қўшинларига ўқ-дори, озиқ-овқат олиб келаётган душман самолётларини битта қўймай қира бошлашди. Душман аскарлари оч қолиб, совуққа қотиб ҳар куни 500 таси ўла бошлади. Шундан кейин улар таслим бўлишга мажбур бўлишди.

Душманнинг шу мағлубиятидан кейин Германиянинг иттифоқчилари гитлерчиларга аскар бермай қўйишди.

— Сиз Ўзбекистонда туғилганмисиз, Абдураҳмон амаки?

— Йўқ, мен Қозонда туғилганман. Бу ерга 1919 йилда келганман. Жангу жадалларда қатнашиб, оёғимдан оғир яраланганман. Шунинг учун ҳам ҳозирги урушда қатнашолмай, сизлар билан ўтирибман.

Болалар Абдураҳмон амакисининг сўзларини жон қулоқлари билан тинглашарди. Ҳозир уларнинг кўз

олдида болалар уйида хўжалик ишлари билан шуғулланувчи оддий бир одам эмас, балки бошидан кўп савдолар ўтган ажойиб инсон турарди.

— Болалар, мана ҳозир Серафима Лазеревна билан Абдураҳмон амакининг ҳикояларини тингладинглар, — деб мурожаат қилди болаларга Антонина Павловна. — Қани айтингларчи, ҳақиқий ватанпарварлик кишидан нималарни талаб этади?

— Мард бўлишни, душманга қарши қўрқмай жанг қилишни.

— Яна?

Болалар жавоб беришолмади.

— Ҳақиқий ватанпарвар бўлиш учун фақат ботирликнинг ўзи кифоя эмас. У кишидан Ватанининг онгли фуқароси, маълумотли ва маданиятли инсон бўлишни талаб этади. Масалан, америкалик ҳиндулар жуда ботир кишилар бўлишган. Лекин илмсизликлари, онгсизликлари, ибтидоий қуроллар билан қуролланганликлари сабабли европалик мустамлакачиларга қарши курашда енгилишган.

Яна ҳақиқий ватанпарварлик кишидан букилмас иродали бўлишни, ҳар қандай шароитда ҳам ўзи танлаган тўғри йўлдан қайтмасликни талаб этади.

Антонина Павловна қўлидаги газетани ёзиб, болаларга кўрсатди. Газетанинг иккинчи бетида «Таня» сарлавҳали катта очерк берилган, очеркка илова қилинган суратда дорга осилган қиз акс эттирилганди. Болалар бу суратни кўриб жим бўлиб қолишди.

— Бу қаҳрамон қиз Зоя Космодемьянская бўлади. У Москвадаги 201-мактабнинг ўнинчи синфида ўқирди. Ўша 1941 йилнинг октябрида кўнгилли равишда партизанлар отрядига кетди. 1941 йилнинг ноябрида эса Москва вилоятининг Петришчево қишлоғида жанговар топшириқни бажараётган пайтда фашистлар қўлига тушди.

Фашистлар уни чидаб бўлмас қийноқ азобларига солишганда ҳам Зоя партизанлар қаерга яширинганини айтмади. Ўзини қурбон қилиб, дўстларини ўлимдан сақлаб қолди. Бу қизни ҳақиқий ватанпарвар дейиш мумкин. Зоянинг жасорати узоқ вақт халқ хотирасида яшаши шак-шубҳасиздир.

Антонина Павловна қўлидаги газетани яқинида ўтирган Виктор Глебскийга узатиб, баланд овозда ўқишни буюрди. Очерк барчада зўр таассурот қолдирди. Болалардан бири Зоянинг онасига мактуб ёзишни таклиф этди. Бу таклиф кўпчиликка маъқул бўлди.

Тез кунда мактуб ёзиб жўнатилди. Унда болалар қаҳрамоннинг онасига Зоядек мард ва иродали бўлишга ваъда бердилар. Орадан кўп ўтмай жавоб мактуби келди. Конверт ичида Зоянинг сурати ҳам бор эди.

«Қадрли болалар, — деб ёзганди Зоянинг онаси Л.Т. Космедемьянская. — Мактубингизни олдим. Мен ва қизим Зоя ҳақида айтган илиқ сўзларингиз учун сизларга миннатдорчилик билдираман.

Зоя минглаб ва миллионлаб ёшларнинг бири эди. Ватанимизга ёвуз душман бостириб кирганида эса, озодлик учун курашчиларнинг олдинги сафида бўлди. Менимча, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Ҳали бу уруш Зоядек юзлаб ва минглаб қаҳрамонларнинг номини маълум қилади. Халқимиз фашистлар устидан ғалаба қозониши муқаррар.

Сизлар ҳам уруш азобини чеккан болалар эканлигингиз мени ғоят ҳаяжонлантирди. Мен ҳозир Москвада яшасам ҳам ўзимни қалбан сизлар билан бирга ҳис этаман.

Азиз болажонлар! Мамлакатимиз халқлари бошига тушган уруш ва унинг оқибатида юзага келган қийинчиликлар вақтинчалик эканлигини унутманг. Буюк Ғалаба кунини яқинлаштириш учун

ҳар бирингиз ўзингизча ҳисса қўшишга интилинг. Сизларга ўқишда ва меҳнатда муваффақиятлар тилайман».

Сима Зоя Космедемьянскаянинг суратини бир рассом танишига олиб бориб, катта портретини ишлатиб келди. Уни болалар дарс тайёрлайдиган хонага илиб қўйишди. Тагидаги стол устида гулдаста пайдо бўлди.

* * *

Антонина Павловна ташаббуси билан болалар уйи Олой бозори ёнидаги госпитални оталиққа олди. Болалар Ёдгор Насриддинова бошчилигида госпиталга тез-тез бориб туришарди. Қўли йўқ, кўзи кўрмай қолган жангчиларнинг уйларига хат ёзиб беришар, уларга китоблар ўқиб, концертлар кўрсатиб вақтларини чоғ қилишарди. Аккордиончи Гришка амаки бундай пайтларда аккордиони билан болаларга ҳамроҳ бўларди.

Ўғил болалар фронт учун темир-терсак тўплаш бўйича кўп иш қилишди. Қизлар эса аскарлар учун рўмолча, тамаки халталари тикишарди. Уларга: «Азиз аскар, душманни қаттиқ савала!» — деб ёзиб қўйишни ҳам унутишмасди.

Ҳар гал маълум миқдордаги совға-салом тўпланган сари, тарбиячилардан бири САВО (Ўрта Осиё ҳарбий округи) штабига бориб, ҳаракатдаги ҳарбий қисмларнинг адресларини олиб келар, кейин болалар ўзлари тайёрлаган буюмларни қопчиқларга солиб, илиқ мактуб билан ўша адресларга жўнатишарди.

Фронтга хатлар ёзиш, фронтдан келган мактубларни кўплашиб ўқиш болаларнинг севимли машғулотларидан эди.

Бу мактублар кечки овқатдан сўнг, қишда ошхонадаги стол атрофида, ўнинчи чироқ ёруғида, ёзда эса ҳовлидаги Муҳаммадоқил ака ясаган «қўлбола»

ўриндиқ — узун терак ходаси устига қалдирғоч болаларидай тизилишиб ўтириб ўқиларди.

Болалар уйига «қора хат»лар ҳам келиб турар, лекин бундай хатлар болаларга кўрсатилмасди.

Болаларнинг жангчиларга ёзадиган мактублари ўзига хос ҳисобот ва наказни эслатарди. Улар қандай яшаётганликлари ва ўқиётганликлари, фронтга ёрдам бўйича қилаётган ишлари, Тошкентдаги янгиликлар ҳақида ёзишар, аскарлардан душманни тезроқ тормор этишни илтимос қилишарди. Аскарлар жавоб хатларида болаларнинг олижаноб ишларини муносиб баҳолашарди:

«Қадрли болалар! Биз, И.Н. Книшев бўлинмасининг жангчилари сержантлари ва офицерлари сизларнинг мактубингизни ўқиб ва муҳокама этиб, меҳнатингиз ва аъло ўқишингиз, кўрсатаётган ёрдамингиздан беҳад ҳайратландик.

Азиз болалар! Сиз ота-онангиздан айрилдингиз, лекин сиз ёлғиз эмассиз. Миллионлаб кишилар сиз билан бирга, сиз ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигидан баҳрамандсиз. Сизнинг мурожаатномангизга жавобан биз, жангчилар, сержантлар ва офицерлар — ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, бизнинг ҳақ ишимиз учун, Ватанимизнинг шон-шарафи ва мустақиллиги учун курашиб, ҳалок бўлганларнинг фарзандларига ёрдам фондига ўз улушимизни қўшдик.

Болалар! Сиз фақат аъло баҳолар билан ўқишга ваъда берибсиз ва ёвуз душманни тезроқ янчиб ташлашни илтимос қилибсиз. Биз сизларни қабиҳ босқинчиларни тезроқ тор-мор этиш учун бутун куч ва билимимизни сарфлаймиз, деб ишонтирамиз. Ваъда берамизки, берилган муҳим давлат топшириғи шараф билан бажарилади. Биз ҳар куни ўзимизни гитлерчи одамхўрлар билан бўладиган жангларга тайёрлаяпмиз. Муқаддас тупроғимизни булғашга журъат этганларга қаратилган даҳшатли қуролни иложи

борича тезроқ ва мукаммал эгаллаб олишга ҳаракат қиляпмиз.

Сизларнинг оталарингиз, оналарингиз, акаларингиз, опаларингизнинг қони учун, бегуноҳ тўкилган қон учун, топталган номус, вайронагарчилик, зуғум ва ваҳшийликлар учун душманни янчишга тайёрмиз.

Қадрли болалар! Эндиликда ёвуз душман устидан қозониладиган ғалаба томон дадил боряпмиз.

Немис-фашист босқинчиларига ўлим!

Лейтенант Трашченко, катта сержант Қамбаров, Милютин, Ершов, Неъматов, Маъдумаров, Отажонов, Муҳитдинов, Лешин ва бошқалар.

Ўртоқ Хлебушкина! Бизнинг мактубимизни тарбияланувчиларга ўқиб беришингизни сўрайман, уларга аъло ўқиш ва қувончли ҳаёт, жамоангиз аъзоларига эса ёш авлод тарбиясида ажойиб муваффақиятлар тилайман.

И. Книшев.
Бўлинма командири,
17 февраль, 1944 йил».

Мана фронтдан келган яна бир мактуб:

«Салом, ҳурматли директор опа. Болалар уйи тарбияланувчилари юборган мактубни фронт газетасида босиб чиқардик. У жангчилар, сержантлар, офицерларни ҳаяжонга солди. Бўлинмаларда митинглар бўлиб, уларда болалар уйидан келган мактуб ўқилиб, муҳокама қилинди. Болаларнинг даъватига жавобан шахсий составимиз ҳарбий тайёргарликни янада ошириш мажбуриятини олди. Бундан ташқари биз фронтчиларнинг болалари учун, шу жумладан, Сизнинг болалар уйингиз учун ёрдам фонди ташкил этишни йўлга қўйдик. Эҳтимол, яқин вақтларда болалар уйига қисмимиз делегацияси бориб қолар.

Ўйлайманки, жангчилар, сержантлар ва офицерларнинг бу эътибори ва қизиқишига болалар яхши ўқиш билан жавоб беришади.

Қўлингизни қисиб,
Гуревич».

Шу зайлда болалар уйидаги ҳаёт тобора сермазмун бўлиб борди. Унда адабий тўгарак ҳам ташкил этилди. Тўгарак машғулотларида энг яхши ёзувчиларининг асарлари жамоа бўлиб ўқиларди. Атоқли ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб китобхонлар конференциялари ўтказиларди.

М. Горькийнинг «Болалик», «Менинг университетларим», Лев Толстойнинг «Кавказ асири» китоблари, Аркадий Гайдарнинг қиссалари, Пушкин, Лермонтовнинг шеърий китоблари болалар қўлма-қўл ўқийдиган асарлар бўлиб қолди.

М. Горькийнинг ўша пайтда Тошкентда яшаган рафиқаси Е.П. Пешкова икки-уч бор болалар уйининг меҳмони бўлди. У улуғ ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, «Болалик» асарининг ёзилиш тарихи ҳақида гапириб берди.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ТАШВИШЛАРИ

Ҳали урушнинг охири кўринмасди. Бутун куч ва имконият душманни тор-мор этишга қаратилаётганди. Кун кечириш қийинлашиб борарди. Бозорда бир буханка нонниг баҳоси 200 сўмга чиқди.

Шундай шароитда ҳам болаларга эътибор республика ҳукуматининг диққат марказида бўлди. Бироқ, бари бир болалар уйларининг моддий аҳволини яхши дейиш қийин эди. Ҳар бир тарбияланувчининг бир

кунлик овқат нормаси 17 грамм ёғ, 56 грамм ёрма, 300 грамм нондан иборат эди.

22-болалар уйидаги болалар кенгаши қошида турли комиссиялар: тозалик комиссияси, жисмоний тарбия масалалари билан шуғулланувчи комиссия, нон тақсимлаш комиссияси бўларди. Нон тақсимлаш комиссияси кунига уч маҳал паллали тарозида нон тақсимларди. Эрталаб ва кечқурун 125 граммдан, тушликда 50 граммдан нон бериларди. Тушликда нон кам берилишининг сабаби суюқ ва қуюқ овқатлар бўларди.

Бундай шароитда комсомоллар тўплаган маблағга қараб ўтириш тўғри бўлмас, жамоанинг ўзи ҳам турмушни яхшилаш ҳаракатини қилиши лозим эди.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор эди. Болаларга тўғри тарбия беришда ўқишдан бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, уларда меҳнат кўникмаси ҳосил этиш муҳим эди. Битта оила шароитида бу масалани ҳал этиш осон. 150—200 тарбияланувчиси бўлган болалар уйида эса, бирмунча мураккаб. Шунинг учун ҳам республика Маориф халқ комиссарлиги ва оталиқ ташкилотлар Тошкентда болалар уйлари кўпайиб кетган ўша йилларда вазият нақадар оғирлигига қарамай, бу масалада мумкин бўлган барча ёрдамни кўрсатдилар.

Урушгача марказий шаҳарлардаги болалар уйларининг ўз ёрдамчи хўжалиги, сигир бузоғи бўлган. Республика ҳукумати шу тажрибага амал қилиб, ҳар бир болалар уйига ёрдамчи хўжалик учун ер майдони ажратиб берди. Шунга биноан 22-болалар уйига ҳам уч гектар ер берилди.

Ҳозирги Тошкент чинни заводининг ҳудуди уруш йиллари 22-болалар уйининг ёрдамчи хўжалиги бўлганлигини шу ерлик кексалар ҳамон эслашади.

Ёрдамчи хўжаликдаги ишлар 1942 йилнинг кузидан бошланди. Ернинг бир қисмига мевали дарахтлар

экилди. Қолган қисми яхшилаб чопилиб, гўнг солиниб, эрта баҳорда экин экиш учун тайёрлаб қўйилди.

Бу ишларга А. Саъдиев ва болалар уйининг қоровули Муҳаммадоқил Набиев бош-қош бўлишди. Эски шаҳардаги темирчилик дўконидан ўттизта бежирим кетмон олиб келишди. Муҳаммадоқил ота тол новдаларидан кесиб, кетмонларни яхшилаб соплади. Бозордан эшак-арава сотиб олиб келинганида болаларнинг қувончи оламга сиғмай кетди. Эндиликда жамоа ўз транспорт воситасига эга эди.

Қоп-қора, ювош эшакка болалар «Яшка» деб исм қўйишди. Уни аравага қўшиб, Абдураҳмон амаки билан Дархондаги омбордан маҳсулот олиб келиш ёки ёрдамчи хўжаликдаги юмушларни бажариш ҳамма болаларга ҳам насиб этавермайдиган ҳузурбахш иш эди.

Тошкент туманининг маркази ўша пайтда Қўштутда эди. Шу туман партия комитетининг иккинчи секретари А.У. Милоградов Антонина Павловнанинг илгари бирга ишлашган дўстларидан эди. 1943 йилнинг эрта баҳорида Анатолий Устинович уруғликлар топишда ёрдам берди. Ёрдамчи хўжаликка картошка, ловия, маккажўхори, карам, ошқовоқ каби экинлар экилди. Тарбиячилар ва катта ёшдаги болалар бўш вақтларини экинлар парваришига бағишлашди.

Хўжаликдаги жами ер майдони кичик участкаларга бўлиниб, ҳар бир участка маълум бир группага бириктирилганди. Группалар экинларни яхшилаб парваришлаш, ҳосилдорликни ошириш бўйича мусобақалашишарди.

Ҳатто, ҳар бир дарахтнинг ҳам ўз «яшил патрули» бор эди. У дарахтни йил бўйи парваришлашдан ташқари, ҳосил тўла пишиб етилгунга қадар шохида бўлишига жавобгар эди.

Ёрдамчи хўжаликнинг аҳамияти тез орада сезилди. Ёзда экинлар пишгач, турмуш анча яхшиланди. Бу ўз-ўзидан болаларда меҳнатга муҳаббатни оширди.

Лекин дала ишларида асосан ўғил болалар банд эди. Қизлар эса баъзида зерикиб қолишарди. Шунда Антонина Павловнада болалар уйи қошида кичик тикувчилик устахонаси очиш фикри пайдо бўлди. Ахир болаларга уст-бош, кўрпа-ёстиқ керакку. Қизларга шуларни тикишни ўргатиш мумкин. Чеварлар ўзларидан чиқса, бундан ортиқ қулайлик борми?

Антонина Павловна шу мулоҳазасини ҳарбий-қурилиш бошқармасидагиларга айтганда, бошқарма бош инженери П.С. Лебедев:

— Бу жуда яхши фикр. Шахсан мен сизни қўллаб-қувватлайман, — деди.

— Тикувчи устани қаердан топсак экан? Тикув машиналари ҳам йўқ.

— Бу масалани ҳал этса бўлади. Яқинда Душанбеда бўлганимда, яхши бир тикувчи уста йигит билан танишиб қолдим, ўшани чақиртириш мумкин.

Суҳбатда бошқарма бошлиғи Ровенский ҳам иштирок этаётганди. Павел Семёновичнинг таклифи уни ҳам қизиқтириб қолди.

— У йигит Душанбеда қайси ташкилотда ишлайди, асли қаерлик?

— Асли белоруссиялик. Қирқинчи йилда ҳарбий хизматга чақирилган. Урушнинг бошида Москва яқинидаги жангда оғир яраланиб, анча вақт госпиталда ётган. Ҳозир ҳарбий округга қарашли тикувчилик устахонасида ишлайди. Менга унинг ишини яхши билиши, камтарлиги маъқул бўлди. Ўйлайманки, у болалар билан ҳам яхши ишлаб кета олади.

— Бўпти, ўша йигитни чақиртирамиз.

* * *

Камферга ҳамма ишини қўйиб, дарҳол Тошкентга бориши, Ўрта Осиё ҳарбий қурилиш бошқармасига учрашиши зарурлигини айтишганида, у аввалига бир оз ҳайрон бўлди. Сабаби, гарчи у ҳозир ҳарбий хизматчи ҳисобланса-да, аслида ҳарбий ишга яроқсиз эди.

Иккинчидан, у қурувчи ҳам эмас. Касби бор-йўғи тикувчилик бўлган одам Ўрта Осиё ҳарбий саноат-қурилиш бошқармасидек нуфузли ташкилотга нима учун зарур бўлиб қолди экан? У шу ҳақда ўйлаб туриб, бирдан Лебедевни эслади. Бу одам бундан иккиуч ой бурун Душанбеда бўлганида ўзига шинель тиктирганди. Шунда Камфер катта бошлиқнинг буюртмасини ҳеч кимга ишонмай, икки кунда ўзи битириб берди.

Янги шинель Павел Семёновичнинг барваста ва келишган қоматига қуйиб қўйгандай ярашиб, уни янада салобатли қилиб юборди. Лебедев тикувчининг маҳоратига қойил қолиб, унга миннатдорчилик билдирди, сўнг устахонада анча вақт гурунглашиб ўтирди.

Павел Семёнович хайрлашаётиб: «Душанбега келганимда албатта учрашиб турамиз, кийим-бошларимни ҳам фақат сизга тиктираман», деганди. Бўлса-бўлмаса Камферни Тошкентга шу одам чақиртираётгандир.

Камфер Тошкентга келгач, Ўрта Осиё ҳарбий саноат-қурилиш бошқармаси идорасини топишга кўп қийналмади. Эшик олдидаги қоровулдан Лебедев қаерда ўтиришини сўраганди, у, иккинчи қаватга кўтарилиб, ўнг томондаги тўртинчи хонага кириш кераклигини айтди.

Павел Семёнович Камферни қадрдонлардек қучочини ёйиб кутиб олди. Саломатлигини, ишларини суриштирди.

— Боря, — деди у сўнгра йигитнинг елкасига қўл ташлаб. — Бу ерга сени мен чақиртирдим. Энди Душанбеда эмас, Тошкентда ишлайсан. Мен сенга яхши иш топиб қўйдим. Бир оздан сўнг бошлиғимиз олдига олиб кираман.

Лебедев телефон орқали Бихлайзерни ҳузурига чақиртирди.

— Маркус Яковлевич, — деди Лебедев унга. — Ҳозир гаражда менинг машинамни чақиринг-да, шофёрга тайинланг, дарҳол Сағбонга бориб, Хлебушкинани олиб келсин.

— Хўп бўлади, Павел Семёнович.

Лейтенант чиқиб кетди. Лебедев билан Камфер уёқдан-буёқдан гурунглашиб ўтиришди.

Бу орада Антонина Павловна етиб келди. Лебедев унга Камферни таништириб: «Мен айтган душанбелик йигит шу бўлади», деди.

Кейин бошқарма бошлиғи қабулига киришди. Ровенский Камфер билан танишиб, ҳол-аҳволини суриштиргач, мақсадга ўтди:

— Бу аёл бошқармамиз оталиғидаги болалар уйининг директори Антонина Хлебушкина эканлигини Павел Семёнович айтгандир?

— Танишиб олдик, — деди Камфер.

— Жуда соз. Биз шу болалар уйи қошида тикувчилик устахонаси очмоқчимиз, сизни шу устахонага бошлиқ қилиб тайинламоқчимиз. Бундан мақсадимиз, биринчидан, болалар уйининг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш бўлса, иккинчидан, болаларни меҳнатга ўргатиш. Шунга нима дейсиз?

— Командирнинг буйруғи — Ватан буйруғи. Сизларнинг сўзларингиз биз учун қонун.

— Йўқ, умуман шу ишни амалга оширса бўладими?

— Бўлади. Шахсан менинг ўзим ҳам тикувчилик билан болаликдан шуғулланганман. Фақат иш бола-

ларни зериктирадиган даражада бўлмаслиги керак. Лекин бир ўзим қийналиб қоламан. Дастлабки пайтда ёнимда тикувчиликдан хабардор бўлган тўрт-беш одам бўлиши керак. Шунда ҳам иш тезлашади, ҳам ўзини яхши оқлайди.

— Бу гапга нима дейсиз? — Ровенский Хлебушкинага ўгирилди.

— Ҳозир тўрт-бешта уёқда турсин, икки-учта тикувчини топилиши ҳам қийин бўлса керак, деб ўйлайман. Лекин бошқарма бизга штат берса, тикувчиларни топишга ҳаракат қиламиз.

— Штат берамиз, тикув машиналарини ҳам топамиз, одам қидираверинг.

Шундан кейин Антонина Павловна маҳаллалардан сўраб-суриштириб, тикувчи бўлиб ишлаши мумкин бўлган тўртта аёлни топди.

Кейинроқ улар икки танишларини бошлаб келишди. Бенямин Юделевич улар билан ўн-ўн беш кун машғулот ўтказди. Сўнгра ҳар бирига икки-учтадан қизни бириктириб қўйди.

Шундай қилиб, тикувчилик устахонасининг иши йўлга қўйиб юборилди.

Дастлабки пайтларда рўмолча, дурра, ёстиқ жилдлари тикишди. Маҳоратлари ошгач, матрас жилдлари, кўйлак, камзул тикишга ўтишди. Орадан бир йил ўтиб, устахона болалар уйининг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини тўла қондирадиган даражага етди. Энг муҳими эса қизлар чеварликни ўргана бошлашди.

* * *

Бу орада Сима билан Беньямин Камфер бир-бирларига кўнгил қўйиб, турмуш қуришди. Фарзанд кўришди.

Серафима Лазаревнанинг ҳеч ёдидан чиқмайди. 1944 йилнинг баҳорида ўғли Юрийни туғиб, туғ-

руҳхонада ётибди-ю, чақалоқ учун йўргак, кўйлакиштонни қаердан топсам экан, деган хаёл миясидан кетмасди.

Сабаби, уйида ҳеч нарсаси йўқ эди. Бир маҳал болалар уйидан уни кўргани бир гуруҳ қизлар келиб қолишди.

Бу хабарни унга етказган ҳамшира қизлар келтирган гулдаста ва қоғозга ўралган каттагина бир нарсани тумбочка устига қўяркан деди:

— Деразадан пастга қаранг, сизни кўришмоқчи.

Серафима Лазаревна аста ўрнидан туриб, иккинчи қаватдаги палатанинг деразаси олдига борди қизлар билан қўл силкиб сўрашди, йўқлаб келганлари учун миннатдорчилик билдирди. Улар кетгач, каравоти ёнига қайтиб, қоғозни очганида, кўзларига ишонмай қолди. Унда чақалоққа чойшабдан тортиб, қалпоқчагача — ҳамма нарса бор эди. Қизлар бу буюмларни ўз қўллари билан тикиб, совға қилиб олиб келишганди.

ТЕЛЕГРАММА

1943 йилнинг аёзли кунларидан бирида Антонина Павловнани Ўрта Осиё ҳарбий саноат-қурилиш бошқармасига чақиртиришди. Ўша пайтда бошқарма раҳбарлари Ўрта Осиё республикалари бўйлаб мунтазам командировкада юришарди. Бошқарма бошлиғи В.И. Ровенский ва бош инженер П.С. Лебедевга самолёт бириктирилган эди. Катта жамоа фронт учун маҳсулот бериши лозим бўлган корхоналарни қуриб, ишга тушириш билан банд эди.

Антонина Павловна бошқармага бориб, котиба қизга учрашди. У сиёсий бўлим бошлиғи А.И. Абра-

мов кутаётганлигини айтди. Александр Иванович қуюқ салом-алик қилиб, болаларнинг аҳволини суриштиргач, Антонина Павловнанинг олдига телеграмма қўйди. «Главвоенпромстрой»нинг сиёсий бошқармасидан юборилган бу телеграммада Ленинград қамалида қолган ҳарбий қурувчиларнинг болаларидан ўн олти нафари музлаган Ладога кўлидан ўтказилиб, Клин станциясига келтирилганлиги, уларни дарҳол Тошкентга олиб келиш лозимлиги айтилганди.

— Болаларни олиб келиш вазифасини ўзингизга топширамиз, — деди Александр Иванович. — Ёнингизда бир ҳамшира ҳамроҳ бўлиб боради. Йўл ҳозирлигини кўринг.

Ўша пайтларда Ленинград яқинига бориш анча вақт талаб этадиган, бунинг устига хатардан холи бўлмаган иш эди. Шунинг учун ҳам Антонина Павловна сафарга пухта тайёргарлик кўрди. Бошқармадан бориб-келишга етадиган озиқ-овқат беришди.

Клин станциясига анча қийинчиликлар билан етиб боришгач, станция бошлиғига учрашишди. Темир йўлчилардан бири уларни каттагина хонага олиб кирди. Бир енги камарига қистирилган, баланд бўйли ҳарбий киши хона чеккасидаги стол ёнида ўтирар, юқорида, хашак тўшалган полда эса ориқлаб кетган йигирма чоғли бола мажолсиз чўзилиб ётарди.

Темир йўлчи аёллар Тошкентдан келишганини айтди. Ҳарбий киши аёлларнинг командировка қоғозини диққат билан кўздан кечиргач. Антонина Павловнага болаларни кўрсатиб: «Ҳаммаси сизга қарашли, — деди. — Буларнинг аҳволи тўрт-беш кун аввал жуда ёмон эди. Парваришлаб анча эпақага келтирдим».

Ҳарбий киши шифокор экан. У, болаларни овқатлантиришда ниҳоятда эҳтиёт бўлишни, уларни озоздан, лекин тез-тез овқатлантириш лозимлигини тайинлади.

Антонина Павловна болаларни қабул қилиб олганлиги ҳақида тилхат берди ва улар шу куни кечқурунги поездда йўлга тушишди.

Қуюлтирилган сутдан оқчой тайёрлаб, ичига печенье тўғраб, болаларга тез-тез едириб боришди. Мажолсизликдан болаларнинг сўзлашга ҳам ҳоллари йўқ эди. Аёлларнинг назарида уларни Тошкентга етказиб бориш даргумон эди.

Москвага келгач, яна ўн беш нафар бола олишди. Улар ленинградликларга нисбатан анча тетик, ўзларини эплай олишарди. Ҳатто баъзилари аёлларга кўмаклаша бошлашди. Иш бир оз енгиллашди.

Ўша кезларда Москва — Тошкент темир йўли мамлакатнинг энг тирбанд йўлларидан эди. Фронтга юк ташиётган, йигитларни жангтоҳга олиб бораётган поездларга биринчи навбатда йўл бериларди. Оддий йўловчилар тушган вагонлар станциялар ва разъездларда суткалаб, ҳатто ҳафталаб туриб қоларди. Болалар тушган вагон Тошкентга келгунга қадар Антонина Павловна кўп қийналди.

Станцияларда суриштирмай-нетмай вагонни чекка чиқариб қўйишар, темир йўлчиларга вагондагилар Ленинград қамалида очлик азобини бошдан кечирган ногирон болалар эканлигини, уларнинг ҳаёти қил устида турганлигини, дарҳол Тошкентга етказиб бориш лозимлигини тушунтиргунча анча вақт ўтарди.

Вагонни йўловчи поездлардан бирига тиркаб, 150—200 километр йўл юришгач, яна шу аҳвол такрорланарди. Сталинград жанги ғалаба билан тугаган, фронтда бурилиш юз берган бўлса ҳам, душманнинг ҳаводаги устунлиги сезилиб турарди. Фронт чизиғига яқин бўлган темир йўлларда, тош йўлларда юриш ҳамон хатарли эди. Тўсатдан осмонда «миссершмидт»лар пайдо бўлиб, эшелонлар, колонналарни ўққа тутиб қоларди.

Шунинг учун фронт яқинидан ўтадиган эшелонларда икки-учта очиқ платформага зенит тўплари ўрнатилган бўларди. Бомбардимон хавфи олдиндан сезилса, эшелонлар қуюқ ўрмон ичидаги йўлларда туриб қолар, хавф тугагач, навбат билан яна йўлга тушарди.

Ленинградлик болалар тушган поезд йўлда уч марта душман авиацияси ҳужумига учради. Энг даҳшатлиси йўлга тушилган куни саҳарда бўлди. Поезд ўқдай учиб бораётганда икки «мессершмидт» аллақаердан яшиндай пайдо бўлди-ю, пастлаб учиб, бомбалар ёғдира бошлади. Машинист тақка тормоз берди, зенит тўпларидан ўқлар узилди. Самолётлар инерция билан олдинга ўтиб, олислаб кетди. Поездга шикаст етмади. Бир оз ўтгач, шу аҳвол яна такрорланди. Фақат тўртинчи ҳужум пайтида зенитчилар нишонга аниқ уришди. Иккинчи самолётнинг думидан қора тутун буруқсиб, ўрмон устига борганида портлаб кетди. Шундан кейингина душман самолёти кўринмай қолди.

Темир йўлчилар ҳаммани эшелонга ҳаво ҳужуми бўлиши мумкинлиги ҳақида олдиндан огоҳлантиришган, бундай пайтда поезд қаттиқ тормоз беришини айтишганди. Шундай бўлса ҳам ҳужум пайтида уч бола, ҳатто Антонина Павловнанинг ўзи ҳам пешоналарини вагон деворига уриб, кўкартириб олишди.

Улар ўн олти кун деганда Тошкент вокзалига кириб келишди. Болаларни шу заҳотиёқ «полуторка»ларга ўтқизиб, тўғри Лабзакдаги шифохонага олиб боришди. Бу ерда ленинградлик болалар бир ой даволанишди.

Саодат Набиевна куни билан шу ерда бўлиб, шифохона ходимларига кўмаклашиб турди. Қон қуйиш лозим бўлган болалардан иккитасига қон берди.

Саодат опа уйидан ҳеч қуруқ келмас, бир куни иккита зоғора нон, иккинчи куни уч-тўрт ҳовуч жий-

да ёки ёнғоқ олиб келиб, болаларга улашарди. Уйида ҳеч нарса бўлмай қолган пайтларда бозордан ўн-ўн бешта қурт олиб келарди. Ленинградлик болалар Соня холага (уни шундай атай бошлашди) тезда кўникиб кетишди.

Ленинградликлар росмана соғайишгач, болалар уйига олиб кетишди. Уларни бутун жамоа шод-хуррамлик билан кутиб олди.

* * *

...Ўшанда Саодат эндигина 21 га кирган эди. Турмуш ўртоғи Абдумутал иккови колхозда ишлашарди. Ўғли Абдуазим етти ойлик чақалоқ еди... Тушликдан кейин соя-салқин шийпонда, Золариқнинг бир тегирмон суви шалдираб оқиб ётган жойда дам олиб ўтиришарди. Шунда узоқдан, дала йўлидан бир одам от чоптириб кела бошлади. Яқинроқ келгач, у колхоз қоровули эканлиги маълум бўлди. Қоровул қандайдир ташвишли хабар олиб келаётганлиги шундоққина билиниб турарди. Ҳамма сергакланиб, унинг етиб келишини кута бошлади. «Уруш, уруш бошланибди!» — деди у елдай учиб келаётган отни зўр-базўр тўхтатиб. — Герман қўшинлари бостириб кирибди. Оқшом эркаклар идорага бориши лозим экан». Бу гапни эшитиб, ҳамманинг ранги қув ўчиб кетди.

Орадан кўп ўтмай, хўжаликнинг йигитлари фронтга жўнай бошлади. Навбат Абдумуталга келди. 1941 йилнинг сентябрь ойида Тошкент юк-товар бекатидан йўлга чиққан поезд ҳаёт-мамот жанглари бўлаётган жойларга олиб кетди.

Саодат далада ишлашни давом эттирди. Эридан ора-сира учбурчак хат келиб турди.

1942 йилнинг қиш кунларидан бирида келган хатда: «Қор босган қуюқ ўрмон четида ҳандақ қазиб ётибмиз. «Карнай-сурнай»нинг товуши келиб турибди.

Ҳадемай «туй»га кирамиз», деб ёзганди. Шундан кейин хат-хабар тўхтади. Баҳор кунларининг бирида почтачи «қорахат» келтириб берди. У пайтда «қорахат»лар кўп келар, бундай хат келганидан сўнг, ўша одамнинг тириклиги маълум бўлиб қолган ҳоллар ҳам бўларди. Шунинг учун «қорахат»га кўпда ишонишмасди. Айниқса, Саодатнинг тасаввурига арслондай эрининг ҳалок бўлгани ҳеч сиғмасди.

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Аммо Абдумуталдан дом-дарак бўлмади. Саодат бир куни ўғли Абдуазимни олиб, отасиникига бормоқчи бўлганида қайнотаси ҳам эргашди.

Икки қуда бир-бирини соғинишган экан. Анча пайтгача ток остидаги сўрида гурунглашиб ўтиришибди. Қайнотаси тараддудланаркан, Саодатни ёнига чақириб: «Келин, энди сиз бизга ҳам келин, ҳам қизсиз. Менга қолса, ёш умрингиз беҳудага ўтмасин, дейман. Тенгингиз чиқса, биз розимиз, ҳеч истиҳола қилманг», деб кўзига ёш олди. Саодат ҳам ўзини тутолмади: «Йўқ, дадажон, мен ўғлингизни ҳеч қачон унутмайман, — деди кўзёшни шашқатор оқизиб, — ўғлингиз ва неварангиз ҳурмати тоқ ўтсам ўтаманки, лекин бошқани демайман».

Шундан кейин Саодат Сағбонда — отасиникида қолиб, 22-болалар уйига ишга кирди.

Саодат иш бошлаган биринчи кунларданоқ ота-онасиз қолган болалар тимсолида урушнинг бутун даҳшатини ўз кўзи билан кўргандай бўлди. Оч, юпун норасидалар... кўзлари киртайиб, қуруқ суяги қолган.

— Соня опа, Соня опа! — дейишади болалар.

— Лаббай, — дейди ёш тарбиячи жилмайиб.

— Бугун кечаси самолётлар бомбардимон қилмайдими?

Аёлнинг кўзларида ёш кўринади.

— Йўқ, ўғлим, қўрқма, бу ерга самолётлар ҳеч қачон бомба ташламайди. Бемалол ухлайвер...

Болалар уйидаги бир зайлдаги кунлардан бири эди. Саодат ўша куни тунги навбатчиликка келди. Унга смена топшираётган тарбиячи ҳаммаёқ тинч эканлиги, беморлар йўқлигини айтди.

Эртаклардаги каби осуда, ойдин кеча эди. Чор атроф уйқуга чўмган. Фақат енгил шабада дарахтларнинг япроқларини аста шитирлатиб ўйнайди. Қўшни ҳовли томондан арикдаги сувнинг шилдираши қулоққа чалинади.

Саодат бир-бир хоналарга кириб чикди. Болалар ухлаб ётишибди. Кўпларнинг юзи уйқусида ҳам жиддий. Ё тушида йўқотган ойисини, ҳалок бўлган дадасини, фашистлар отган, осган ака-опаларини кўрдимикин? Ким билсин?

Тарбиячи болохонадаги зинадан аста-секин пастга тушди. Бу орада тўлин ой юзини қора булутлар тўса бошлаган, ҳавода ёмғир ҳиди кезарди.

Аввалига ёмғир бир-икки томчилади. Кейин осмонда кимдир гугурт чаққандай бўлди! Чақмоқ! Зум ўтмай яна такрорланди. Сўнг бирдан чақмоқ ерни шундай кучли ёритиб юбордики, худди кундузгидай бўлиб кетди. «Ҳозир момақалдироқ гумбурлайди», тахмин қилди Саодат. Момақалдироқни тахмин қилди-ю, аммо унинг оқибатини кўз олдига келтирмаган экан...

«Қарс! Қурс!». Гўё осмон иккига бўлиниб, ярми ерга узилиб тушгандай бўлди. Еру кўк титраб кетди. «Қаергадир яшин тушди», хаёлидан ўтказди тарбиячи. Ана шундан кейин чақмоғу момақалдироқ кучайгандан-кучайди.

Энг аввало яқинда олиб келинган болалардан кичкина Витя кўзини очди, қараса, осмон юзи ёришиб кетган. Нимадир устма-уст гумбурлаяпти. Бола яқингинада ўз бошидан кечирганларини, тунги бомбар-

димон, еру кўкнинг ларзага келиши, дод-фарёдни эслади. Наҳотки, яна бошланган бўлса? Наҳотки...

— Ойи! — дея жони борича қичқириб юборди бола. Кейин Владик уйғонди, сўнгра Толик, Серёжа...

Уларнинг ҳаммаси бир йил-ярим йил аввал ҳақиқий уруш манзарасини: даҳшатли бомбаларнинг портлашини, еру кўкнинг ларзага келганини ўз кўзлари билан кўришганди. Ўша манзара шу чақмоқли, момақалдироқли тунда уларнинг хотирасида яна бир бор жонланди чамаси. Улар тўплар сурони, снаряд аюҳаннослари бегона бўлган, тинч, осуда Тошкентда, беғубор осмон остида ётганларини унутган эдилар шу дамда.

— Ойи!

— Ойижон!

— Вой қўрқяпман!

Бирдан тапир-тупур бошланди. Болалар хоналардан чиқиб, болохоналардан тапирлаб тушиб кела бошлашди. Ҳаммасининг ёш тўла кўзларида даҳшат қотиб қолган эди. Дам-бадам гумбирлаётган момақалдироқ бу даҳшатни янада бўрттириб кўрсатарди.

Саодат аввалига гангиб қолди. Нима қилсин?

— Тинчлан, Вова, Шурик, қўрқма! Бу момақалдироқ, чақмоқ! Қўрқма, жонгинам, қўрқманглар!

У болаларни бир-бир бағрига босар, кимнингдир сочини силар, кимнингдир юзидаги ёшини артарди. Ўзининг ҳам сочлари тўзиб, бир аҳвол бўлиб қолгани билан иши йўқ эди унинг.

Қий-чув бир неча минут давом этди. Болалар ниҳоят ўзларига келдилар. Момақалдироқ тўхтади, ёмғир қуя бошлади.

Орадан бир соатлар ўтиб, кичкинтойлар жой-жойларига кириб ётганларида осмон аста оқариб, ёмғир шивалаётганди. Гўё ҳозиргина даҳшатли қий-чув юз бермагандай эди...

Бу — ўша оғир йиллардан бир тафсилот, холос. Саодат опа бошидан кечирган юзлаб кунларнинг бири...

БАЙНАЛМИНАЛ КЎЧАСИДАГИ ЯНГИ УЙ

1945 йилда Рейхстагга ғалаба байроғи қадалиб, уруш тугади. 22-болалар уйида яшаётган айрим болаларни ота-оналари келиб олиб кетишди. Турмуш секин-аста изга туша бошлади. 40-йилларнинг охирига келиб турмуш учун энг зарур бўлган буханка нон, лампа мой (керосин) учун тонг саҳардан туриб дўкон эшиги олдида узундан-узун навбатда туриш ҳоллари йўқ бўлди.

Лекин 22-болалар уйи учун нохуш ишлар бўлди. Болалар уйига ёрдамчи хўжалик учун фойдаланаётган майдон чинни заводи қурилиши учун олиб қўйилди.

1952 йилда Ўрта Осиё ҳарбий-саноат қурилиши бошқармаси тугатилиб, 22-болалар уйи республика қурилиш министрлиги оталиғига берилди. Энди болаларнинг яшаш шароитини яхшилаш ҳақида ҳам ўйлаш керак эди.

Гарчи 22-болалар уйи Тошкентдаги энг намунали уйлардан бўлса ҳам, ундаги яшаш шароитини яхши деб бўлмасди. Биноси эски, синчли уйлардан иборат бўлиб, ҳали электрлаштирилмаган, санузел ҳам, водопровод ҳам йўқ эди. Қиш кунлари болаларни йиғиб, тадбир ўтказиш имконияти ҳам йўқ эди. Лекин у пайтда болалар уйга янги лойиҳа бўйича бино қуриб бериш учун республиканинг имконияти йўқ эди. Мамлакатда асосий куч, маблағ урушда вайрон

бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта қуришга йўналтирилаётган эди.

Нима қилиш керак? Антонина Павловна Ёдгор Содиқовна билан маслаҳатлашди. У Антонина Павловнага Москвага боришни, ҳарбий-саноат министри қабулига кириб, 22-болалар уйини ташкил этиш тарихини ва ҳозир юзага келган аҳволни гапиришни маслаҳат берди.

Антонина Павловна дугонаси айтганини қилди. Министр қабулида бўлиб, унга 22-болалар уйининг ташкил этилиш тарихини, ҳозир болалар уйи қийин шароитда қолганлигини, унга янги бино қуриш кераклигини айтди.

Министр ўйланиб туриб шундай деди:

— Эртага соат 10 да келинг. Министрликнинг коллегия мажлиси бўлади. Коллегия аъзоси бўлган барча генераллар келишади. Ўшалар олдида менга ҳозир айтган ҳамма гапларингизни такрорлайсиз. Сўнг генералларга сўз бериб, сизга ёрдам бериш-бермаслик масаласини муҳокама қиламиз.

Эртаси Антонина Павловна генераллар олдида бироз ҳаяжон билан гапириб, министрга айтган ҳамма гапларини такрорлади.

Министр генералларга сўз берди. Улар ҳаммаси бир овоздан болалар уйига янги, замонавий бино қуриб бериш керак, деган фикрни айтишди. Кўп ўтмай Чилонзорнинг Байналмилал кўчасида болалар уйи учун янги бино қурилиши бошланиб кетди. Қурилиш учун зарур бўлган барча материаллар — ғишт, тахта, тунука, цементгача Москвадан келтирилди. Ўша қийин шароитда Тошкентда бундай қурилиш материаллари анқонинг уруғи эди.

Антонина Павловна янги бино қурилишига қандай муваффақ бўлганига ҳамма ҳайрон эди. Бир йил ўтиб, бино қурилиши кўзга кўриниб қолгач, уни «қонуний» асосда тортиб олмоқчи бўлган раҳбарлар

ҳам пайдо бўлди. Лекин маҳаллий ҳукумат аралашуви билан бу зўравонликка чек қўйилди.

Тез кунда қурилиш ишлари тугаб, болалар уйи жамоаси янги, замонавий, барча қулайликлари бўлган бинога кўчиб ўтди.

Ёдгор Содиқовна 1959 йилда Республика Олий Совети Президиуми раиси бўлгач, болалар уйи учун Назарбек томондан дала ҳовли ва ёрдамчи хўжалик учун тўрт гектардан зиёд ер олиб берди. Бу майдоннинг бир қисмига мевали дарахтлар экилди. Қолган қисмидан экин-текин экишда фойдаланилди. Дала ҳовлига сабзавотларнинг ҳамма тури, картошка, мош, ловиягача экила бошланди. Помидор, бодрингдан қишга тузламалар ҳам тайёрлана бошланди. Болалар уйидаги таъминот рисоладагидек бўлиб қолди. Болалар сифатли ва тўйимли овқат истеъмол қила бошлашди.

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИ

Ватанимизнинг 70 йиллик тарихида болалар уйларини маълум маънода халқнинг турмуш даражасини кўрсатадиган «барометр» дейиш мумкин. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги мисол кифоя. 30-йилларда ҳали аҳолиси ярим миллионга ҳам етмаган Тошкент шаҳрида ўттиздан ортиқ болалар уйи бўлган. Чунки, ўша пайтда халқнинг турмуши анча оғир, кўчада қолаётган болалар кўп эди. Кейинроқ уларнинг сони камайди. Уруш даврига келиб, эвакуация қилинган болалар ҳисобига болалар уйлари яна кўпайиб кетди.

Рейхстаг устига Ғалаба байроғи қадалганидан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Уруш даврининг болалари ўсиб-

униб, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари сафидан ўрин олишганига ҳам анча йиллар бўлди. Бу даврда халқнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида катта тадбирлар амалга оширилди. Ҳозир бизда боласини моддий таъминлашга қодир бўлмаган ота-оналар деярли йўқ. Шунинг учун ҳам бутун республикамизда болалар уйлари сони камайиб кетди.

Бир куни ёшгина жувон 22-болалар уйи дарвозасидан беш яшар дўмбоққина ўғил болани ичкарига киргизди-да, ўзи кўз очиб юмгунча ғойиб бўлди. Ҳовлида юрган тарбиячилардан бири болани етаклаб, директорнинг ҳузурига олиб кирди. Боланинг бўйнида кичкина халтача илинғлиқ эди. Халтачада боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, онанинг ўзини оқлаб ёзган қисқача мактуби чиқди. У ёлғизлиги, тирикчилик ташвишлари билан овора бўлиб, бола тарбиясига вақти қолмаётганлигини, шу сабаб шундай қилишга мажбур бўлганлигини ёзганди.

Аёл сергилилик экан. Антонина Павловна иккиуч уни излаб бориб, уйидан тополмади. Қўшнилари билан суҳбатлашган эди, улар аёл ҳақида ёмон фикр айтишди. У эрига бевафолик қилиб турмуши бузилган, ҳозир иш жойининг тайини йўқ эди. Кейинги пайтларда уйида кам кўринадиган бўлиб қолибди.

Албатта, бундай аёлга бола тарбиясини ишониб топшириш нотўғри бўлур эди. Болани болалар уйида қолдиришга қарор қилишди.

— Ҳозир болалар уйларига келаётган болаларнинг кўпчилиги уруш йилларидаги тенгқурларидан ҳам бахтсизроқдир, — дейди Антонина Павловна, — улар аксарият ота-онаси маънавий юзтубан кетганлиги оқибатида бу ерга келиб қолишади. Бу болаларнинг бир қисми ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган кимсаларнинг фарзандлари. Халқ судининг қарори билан улар иш ҳақларининг бир қисмини болани бо-

қиш учун давлат фондига ўтказишади. Бундай кимсалар қўлида ўсиб, тарбиялари издан чиққан, кўнгли сўник, асабий, инжиқ, қайсар, ялқов болаларни тўғри йўлга солиш, дунё ёмонликлардан эмас, яхшиликлардан ҳам иборатлигини англатиш, китоблар ўқиш, кинофильмлар кўриш, завқ билан меҳнат қилиш, атрофдагиларга меҳр-оқибатли бўлишга ўргатиш биз педагогларнинг вазифамиздир. Каккунинг қизиқ одати бор, — сўзида давом этади Антонина Павловна. — У бошқа қушларнинг тайёр уясида бола очади. Жўжалар тухумни ёриб чиқиши билан уларни тарк этади. Жиш қушчаларни уянинг эгаси бўлган бегона қуш боқиб, учирма қилади. Ана шундай каккуни эслатадиган оналар онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Уларни оналик ҳуқуқидан халқ суди маҳрум этмаган. Бу ҳуқуқдан уларнинг ўзлари воз кечишган. Аёл учун энг муқаддас вазифа — оналик бурчини бажаришдан бош тортаётган кимлар экан дерсиз? Буларнинг бир тоифаси инсоний муҳаббатга ўта енгилтаклик билан муносабатда бўлиб, туғруқхонага тушгач, оналикдан воз кечаман, деб тилхат ёзадиган ёшлардир. Иккинчи тоифаси оналик бурчидан умри қисқа кайфу сафони, шахсий фароғатини устун қўйган сергелилик аёл сингарилардир.

Бу аёлларнинг калта ақли боласиз ҳаёт театрдаги қуруқ декорация сингари бўлишини, ҳақиқий ширин ҳаётга болалар бўлгандагина эришиш мумкинлигини англаб етмайди. Халқ беҳудага болали уй бозор, боласиз уй мозор, демаган-ку.

Инсоннинг биринчи мураббийлари оила аъзолари саналади. Унга дастлабки маънавий ва ахлоқий тарбия оилада берилади. Шунинг учун оила тарбияда биринчи таъсирлантирувчи ўринни тутади. Болалар уйларида эса бу вазифани тарбиячилар бажаришади. А.С. Макаренко шундай деб ёзган эди: «Агар умумий турмуш тарзи нобоп бўлса, энг тўғри, оқилона ўйлан-

ган педагогик методлар ҳам фойда бермайди. Ва аксинча, тўғри турмуш тарзигина сизни бола билан муносабатнинг тўғри методларини қўллашга ундайди...» 22-болалар уйидаги тарбиявий ишда бир қарашдаёқ жамоа турмуш тарзи ва педагогик методлар уйғунлиги кўзга ташланади.

Болалар уйида кишининг эътиборини тортадиган биринчи нарса — ҳамма жойнинг юксак даражада озода, саранжом-саришталиги, буюмларнинг авайланиши ва болаларнинг уст-боши покизалигидир.

Бу ерда кичкинтойлар меҳнатга — рўзғор ишларига, буюмларни, уст-бошни авайлашга дастлабки кунларданоқ ўргатила бошланади. Фаррош фақат санузелларнигина тозалайди. Қолган ҳамма жойни саранжом-саришталаш, тартибга келтириш ишларини болаларнинг ўзлари бажаришади. Кичик ёшдагиларга катта болалар бириктириб қўйилади. Ҳар бир боланинг тутинган акаси ва опаси бор. Улар уканинг уст-боши тоза, дафтар-китоби озода бўлиши учун масъулиятли саналади. Укасининг кийимларини ювади, дазмоллайди, узилган тугмалари бўлса қадаб беради.

Овқат тайёрлаш билан боғлиқ деярли ҳамма ишлар ҳам болалар зиммасида. Кундалик менюни уларнинг ўзлари тузишади. Сабзи, пиёз, картошка каби овқат тайёрлаш учун зарур маҳсулотларни омборчи Валя холадан олиб, ошхонага келтириш, артиш, тозалаш навбатчи ўғил болаларнинг вазифаси. Салатлар тайёрлаш, столларни тузаш, ошпаз Анна Константиновна Малишевага ёрдамлашиш навбатчи қизларнинг вазифаси.

Қизлар ҳозир салатнинг йигирма хилга яқинини тайёрлашни билишади. Болалар тушликда ҳам, кечқурун ҳам овқатни салат билан ейишади.

Бу ерда ўсиб-улғайиб ҳарбий хизматга кетган йигитлар, турмуш қурган қизлар тарбиячиларга ёзган

мактубларида болалар уйида ўрганганлари жуда асқотаётганлигини, турмушда ортиқча қийинчиликни ҳис этмаётганликларини миннатдорчилик билан таъкидлашади.

Антонина Павловнанинг фикрича, болалар билан ишлайдиган кишилар болаларни севиши ва ҳалол бўлиши лозим. Бу икки фазилатга эга бўлмаган кишилар болаларни ҳаётни севмайдиган, маънавий мажруҳ қилиб қўяди. Улар ҳеч қачон болалар меҳр-муҳаббатини қозонолмайди.

Дарвоқе, бу ажойиб фазилатлар Антонина Павловнанинг ўзида ортиғи билан муҳайё. Жамоадаги педагоглар ҳам олижаноб, сезгир, болалар қалбини тушунадиган кишилар.

Саодат опанинг отаси Муҳаммадоқил ота бир куни Антонина Павловнага шундай деган эди: «Ўзбек одати бўйича етимнинг бошини бир марта силашнинг ўзи энг улуғ, энг савоб иш саналади. Сиз етимларга фақат кўкрак сути бермаяпсиз, холос. Бошқа ҳамма ишни қиляпсиз. Оқ ювиб, оқ тараб, тарбиялаяпсиз, институтларга киришига кўмаклашяпсиз. Сиз ҳақиқий улуғ инсонсиз».

Бу сўзлар бутунича Саодат Набиевага ҳам даҳлдордир. Болалар ҳам «Соня хола»ни ҳеч унутишмайди. Мактубларида доимо Антонина Павловна билан бир қаторда унинг номини ҳам тилга олишади. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилашади.

ЯХШИЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ

Болалар уйининг маданият саройи деворига катта сиёсий харита илинган. Унда Тошкентдан турли шаҳарлар томон оқ чизиқлар тортилган.

Бу чизиқлар 22-болалар уйида тарбияланган кишилар ҳозир қаерларда яшаб, меҳнат қилаётганини билдиради. Харита остига эса болалар уйи ташкил этилганидан бери 2849 бола тарбияланганлиги ёзилган. Шулардан ярми олий маълумотли мутахассислар бўлиб етишишди.

Фақат уруш йилларининг ўзида болалар уйида 500 нафар бола тарбияланди. Урушдан кейин уларнинг айримларинигина ота-оналари ва қариндош-уруғлари топиб олиб кетишди.

Уруш йиллари 22-болалар уйида тарбияланганларнинг кўпчилиги ажойиб кишилар бўлиб етишди. Собиқ полк ўғли Виктор Глебский ҳозир генерал-майор, Куйбишев вилоят ДОСААФ ташкилоти бошлиғи, Хилменд Элкинд — Минск «Радиодеталь» заводида инженер, Тамара Юнусова — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Иван Тиртичний — Тошкентда қурувчи инженер, Флора Кайдани — хизмат кўрсатган артист, Новосибирск опера ва балет театрининг етакчи балетмейстери. Пўлат Нуъмонов Ўзбекистон махсус қурилиш ва монтаж ишлари министри. Бу рўйхатни янада давом эттириш мумкин.

...1950 йил эди. Бир куни Антонина Павловна Бешёғочдаги 20-болалар уйига бир иш билан борди. Директор хонаси эшигини очганида, ҳамкасби қоракўз, жингалак сочли, чиройли бир болани койиб турганининг устидан чиқди. Бола хонадан чиқиб кетгач, Антонина Павловна нима гаплигини суриштирди. Маълум бўлишича, бу бола ҳамма фанлардан аъло баҳога ўқир, лекин мусиқага унча қизиқмас экан. Болалар уйидаги тарбия эса тарбияланувчиларни мусиқа санъати соҳасига тайёрлашга йўналтирилган.

Антонина Павловна ҳамкасбининг сўзларини охиригача тинглагач, унга эътироз билдирди. «Бола кўпчилик фанлардан яхши ўқиб, бир-икки фандан дуруст

бўлмаса койимаслик керак», деди. Директор қизишгандай бўлди, лекин буни меҳмонга билдирмасликка ҳаракат қилиб, жилмайганча:

— Хўш, менинг ўрнимда бўлганингизда сиз нима қилардингиз, индамай юраверармидингиз? — деди.

— Йўқ, бундай қилмасдим. Лекин болани койимасдим ҳам. Уни мусиқа асосий предмет ҳисобланмайдиган бошқа болалар уйига ўтказиб, фанлар билан янада яхшироқ шуғулланиши учун шароит яратардим.

— Ундай бўлса, шу болани сиз олақолинг.

— Майли, оламан.

Шундай қилиб, икки директор Пўлат Нуъмоновни 22-болалар уйига ўтказишга келишишди. Энди унинг ўзидан розилигини олиш керак эди. Пўлатни чақириб сўрашганди: «Майли, ўтаман. Фақат ўртоғим Миша Ким ҳам ўтса», деди. Мишада ҳам мусиқага унча қизиқиш йўқ эди. У таклифга рози бўлди. Икки ўртоқ шу тарзда 22-болалар уйи тарбияланувчилари сафига қўшилишди.

Жамоага тез сингиб кетишди, ўқишлари илгаригидан ҳам яхшиланди. Бири 1955 йилда, иккинчиси 1956 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Москва қурилиш инженерлари институтининг талабаси бўлишди. Антонина Павловна беш йилгача уларнинг аҳволидан хабар олиб, моддий ёрдам кўрсатиб турди.

Ҳаётининг бу даври ҳақида Пўлат Нуъмонов болалар уйидаги альбомга қуйидагиларни ёзган: *«Мен ҳамиша Москва ҳақида орзу қилардим. Мен уни тушларимда кўрганман, курантлари садоси қулоқларим остида жаранглаган. Менинг орзуимни болалар уйидаги мураббийларим қўллаб-қувватлашди, ўнинчи синфни тамомлагач, Москвага ўқишга боришни маслаҳат беришди. Мен яхши ўқишга ҳаракат қилдим. Ўнинчи синфни битирганимдан кейин мени Москвага,*

дўстим Миша Ким ўқиётган қурилиш инженерлари институтига юборишди. Москвада биз билан тарбияланган бошқа болалар — Еся Кононов, Лёня Пеймшлаг, Люда Грибовская, Эмма ва Нина Филиппова, Люда Пушкарёвалар ҳам ўқишарди. Болалар уйидан бизга жўнатмалар: иссиқ кийим, қулоқчин, қўлқоп, мевалар юбориб туришарди. Биз ёш болалардай суюнардик.

Мен институтни муваффақиятли тамомладим, ҳозир «Узбекгазпром» трестида бошқарувчи бўлиб ишлаяпман. Турмуш ўртоғим ҳам қурувчи-инженер. Иккита боламиз бор. Биз болалар уйида тез-тез бўлиб турамиз. Бу ерда бизга ҳамма нарса яқин ва азиз. Шу боисдан ҳам бу ер бизни оҳанграбодай ўзига чорлайди.

Пўлат Нуъмонов».

Пўлат талабалик пайтидаёқ: «Ўқишни муваффақиятли тамомлаб, ишлай бошласам, биринчи маошимни Антонина Павловнага олиб бориб бераман, нимани ёқтирсангиз, сотиб олинг, мана шу пул сизга, онажон, деб айтаман», деб орзу қиларди. Ниҳоят, орзуси ушаладиган кун ҳам келди. Биринчи маошини олган куни ишхонадан барвақт чиқиб, онажони ёнига ошиқди.

Антонина Павловна хонасида бир ўзи ўтирарди. Пўлат тўғридан-тўғри берса, онаси пулни олмаслигини биларди. Шунинг учун гапни анча узоқдан бошлаб, анча йиллардан бери қалбида ётган орзусини изҳор этди. Антонина Павловна пулни оларкан, қувонганидан кўзидан ёш чиқиб кетди. Бир оз сукутдан сўнг ўғлига боқди:

— Шу пул энди меникими, буни сидқидилдан ҳадя қиляпсанми?

Пўлатнинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди:

— Албатта-да, албатта-да, онажон!

— Ундай бўлса, — деди Антонина Павловна сейфни очаркан, — бу пул меники бўлди, мана бу ерда туради. Мен буни сенинг тўйингга ишлатаман. Ҳозирча ҳеч нарсага зориқаётганим йўқ... Энди айтадиганим шуки, сен ишлаб пул топиб келавер, мен тўйга атаб йиғаверай...

Пўлат ҳеч нарса дея олмади. Кўзларида ёш ғилтиллади. 1965 йил 2 январда болалар уйида икки қурувчи-инженер — Пўлат Нуъмонов билан Клара Отажонованинг никоҳ тўйлари бўлди. Тўйга келинкуёвнинг қариндош-уруғи, ёр-биродарларидан ташқари, Чилонзор туман раҳбарияти ходимлари ҳам меҳмон бўлиб келишди. Тўй базми қизигандан қизиди.

Чилонзор туман раҳбари табрик нутқи сўзлаб, туманнинг янги ёш оиласига икки хонали квартиранинг ордерини ва калитини топширди.

1966 йилдаги зилзила Тошкентнинг ҳаёт маромини ўзгартириб юборди. Қардош республикалар ва марказий шаҳарлардан минглаб қурувчилар Ўзбекистон пойтахтини қайтадан бунёд этиш, уни Шарқдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айлантириш учун келишди.

Тошкент улкан қурилиш майдонига айланди. Ҳаммаманинг нигоҳи шу шаҳарга қаратилди.

Пўлат бу пайтда «Средазцветмет» трестида ишлаб юрар, бошлиқлар ундан, у бошлиқлардан мамнундай эди. Ишга вақтида борар, вақтида қайтар, ортиқча югур-югур, ташвиши йўқ эди, шундай кунларнинг бирида у болалар уйига борди. Антонина Павловна уни ёнига ўтказиб:

— Ишларинг қандай? — деб сўради.

— Ишим ўртача, лекин нолимайман.

— Ишинг ўртача бўлса яхши эмас экан, «аъло» бўлиши керак.

Пўлат кулиб ерга қаради. Антонина Павловна давом этди:

— Пўлатжон, шаҳарга разм соляпсанми, унда ҳаёт қайнаяпти. Ҳозир Тошкент худди фронтнинг олдинги маррасини эслатади. Шундай пайтда сенинг «беғалва» ишда ишлаб юришинг менга маъқул бўлмаяпти. Менимча, сенинг ҳақиқий иқтидоринг қурилиш майдонида тезроқ намоён бўлади. Сен қурилишга бор, қийинчиликлардан қўрқма.

Пўлат ўйлаб кўрса, онаси тўғри мулоҳаза юритяпти. Ахир шаҳар қурилишларида у сингари малакали, куч-ғайратга тўлган мутахассислар сув ва ҳаводай зарурку. Шундай пайтда трестнинг кичик бир хонасида чизмачилик билан шуғулланиб ўтириш маъқул эмас-да. У қурилишга ишга ўтди. Ҳақиқатда ҳам қурилиш майдонида унинг инженерлик таланти, ташкилотчилик қобилияти тезда намоён бўла бошлади. Одамлар назарига тушди, йиғилишларда уни президиумга сайлайдиган бўлишди. Кўп ўтмай, участка бошлиғи, сўнг бошқарма бошлиғи лавозимига кўтаришди. Уч йил республика Партия Марказкомининг қурилиш бўлимида инструктор бўлиб ишлади. Икки йил Афғонистонда бўлиб, газопровод қурилишига раҳбарлик қилди. Кейин Тошкентга қайтиб, «Узбекгазпром» трести бошқарувчиси бўлди, республика Қишлоқ қурилиши министрининг ўринбосари лавозимида ишлади.

У ўзининг шу даражага етишида туққан онасидан ҳам аъло бўлиб қолган Антонина Павловнанинг беқиёс хизматларини мамнуният билан таъкидлайди.

22-болалар уйида Пўлат Нуъмоновдан ташқари унинг тўрт укаси тарбияланган. Улар ҳам жамиятимиз учун керакли кишилар бўлиб етишишди. Темиржон республика Савдо палатасида, Ботиржон республика геология министрлигида ишлайди. Анваржон Тошкент политехника институтининг архитектура

факультетини тамомлаган. Ҳозир «Теплоэлектропроект» лойиҳа институтида лойиҳалар бўйича бош архитектор.

Эркинжон қурилишда иш бошқарувчи. Бу акаукалар урушдан оғир ярадор бўлиб келган ҳарбий офицернинг болалари эдилар. Тошкентнинг Оқмачит маҳалласида туғилишган. Яхши кишиларнинг меҳрибонлиги туфайли улар ортиқча қийналмай ўсиб, ҳаётдан ўз ўринларини топишди.

Пўлат Нуъмоновнинг беш хонали уйидаги бир хона меҳрибон онасига атаб жиҳозланган. Антонина Павловна мунтазам иш билан банд бўлишига қарамай, бу хонадонга тез-тез келиб туради. Ўғил ва набиралар ҳам уни уч-тўрт кун кўришмаса соғинишади.

Яқинда Анвар Нуъмоновнинг туғилган кунини нишонлашди. Беш ака-ука эрталаб енгил машинада болалар уйига келиб, меҳрибон оналарини олиб кетишди.

Бу маросимни сиртдан кузатган киши, бу кун Анварнинг эмас, Антонина Павловнанинг туғилган куни, деб ўйларди. Чунки бутун иззат-икром, илтифот, қалб сўзлари тўкин дастурхон тўрида ўтирган онага қаратилганди. Бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган ажойиб бир нарса эди.

...Геннадий Лукичёв билан муносабат бир оз бошқачароқ бўлган. У кўчадаги тасодифий ошналари билан омбор туйнугидан ичкарига тушиб, бозорбоп нарсалардан ўмараётганида кўлга тушиб қолган, жамоа ўртасида қаттиқ изза бўлганди. Орадан йиллар ўтиб, у вояга етди, болалар уйидан кетди. Шундан кейин анча йил ундан дарак бўлмади. Бир куни Антонина Павловнага олис порт шаҳардан мактуб келди.

Уни Геннадий Лукичёв ёзганди. Гена бу мактубда ҳарбий хизматни ўтаб бўлиб, балиқ овлаш кемасида

ишлаётганлигини, соғ-саломатлигини, кема ҳар гал сафарга чиққанида беш-олти ой океанда юришини маълум қилибди. «Соҳилга қайтгач, кўпчилик таътил олиб, уйига, қариндош-уруғлариникига жўнаб кетади, — деб ёзибди у. — Менинг эса борар жойим йўқ, ётоқда ёлғиз қолиб зерикаман.

Антонина Павловна, менинг ярамас қилмишимни кечирганмисиз, ҳузурингизга борсам қабул қиласизми?!»

Орадан кўп ўтмай болалар коридорда: «Гена келди, Гена келди!» — деб югургилаб қолишди. Матрос Лукичёв қадрдон уйида бир ой дам олди. Қайтишида болалар чорбоғида етиштирилган мевалардан олиб кетди.

* * *

Антонина Павловна Хлебушкина, Саодат Набиева сингари аёлларнинг ҳаёт йўли билан танишганда беихтиёр инсон ҳаётининг маъноси ва мақсади ҳақида ўйлаб кетасан киши. Ҳозир пул, мол-дунё тўплашни ҳаётининг бирдан-бир мақсади қилиб олган одамларни учратиш мумкин. Улар шу йўлда давлат олдида жиноят қилишдан, ака-укалари, опа-сингилларидан кечиб юборишдан ҳам тоймайдилар.

Антонина Павловна ва Саодат Набиевага бу каби кишилар тушуниб бўлмайдиган, ёт одамлардай туюлади. Зотан улар ҳеч қачон зеб-зийнатга беланишга, мол-дунё орттиришга, данғиллама участкаларда яшашга интилишмади. Етим-есирларга мурувват, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш, ҳамиша одамларга яхшилик қилиш улар ҳаётининг асосий маъносини ташкил этди.

Булар табиатан болажон бўлиб яратилган, болалар шодлигига, улар қувончига жонини, бутун жаҳонини беришга тайёр бўлган кишилардир. Улар оғир кунларда болалар ҳаётини сақлаб қолишни, яхши кун-

ларда уларнинг бахту иқболини ўйлайдилар. Аслида бу аёлларнинг бугунги кундаги бахтиёрликлари, пири-бадавлатликларининг боиси ҳам мана шунда бўлса керак.

22-болалар уйида ўсган 40 дан ортиқ бола вояга етгач, Антонина Павловнанинг фамилиясини қабул қилди. Эндиликда бу фамилия уларнинг болаларига ҳам мерос бўлиб қолади. Уларнинг ҳаммаси отпуска пайтида оналари ёнига интилишади.

Антонина Павловнани Тошкентдаги энг кўп хат оладиган аёл дейиш мумкин. Қачон борманг, унинг иш столида даста-даста мактублар, телеграммалар, откриткалар уюлиб ётади. Буларни болалар уйида тарбия олиб, Узоқ Шарқ портларида, Қозоғистоннинг далаларида, Сибирдаги қурилишларда меҳнат қилаётган собиқ болалар ёзишади.

Бу «болалар», аксариятининг ёши элликдан ошиб, соч-соқолига қиров қўна бошлаган бўлса ҳам, болалар уйидаги қадрдон кишилари билан ҳаётларидаги қувонч ва ташвишларни баҳам кўришни, маслаҳатлар сўрашни канда қилишмайди.

* * *

«Ленинградликлар — жигаргўшаларим менинг» бадиий фильмининг бош қаҳрамони — Хадича образига А.П. Хлебушкина ва Саодат Набиеванинг ҳаётлари асос бўлган. Фильмнинг асосий кадрлари 22-болалар уйининг Сағбондаги эски биносида олинган. Сценарий автори ва постановкачи Дамир Салимовдан бу фильмни яратишга сизни нима илҳомлантирди, деб сўраганимизда, у: «Москвадаги кинематография институтида ўқиб юрганимда «Ленфильм»да практикада бўлгандим. Ўшанда бу шаҳарда уруш йиллари Ўзбекистондаги болалар уйларида яшаган кишиларнинг кўпи билан учрашгандим. Уларнинг ҳаммаси ўша оғир йилларда республикамизда ўтган ҳаёт-

ларини мамнуният билан эслашди. Шу нарса мени ушбу фильмни яратишга илҳомлантирди», деб жавоб берди.

«Ленинградликлар — жигаргўшаларим менинг» фильми суратга олинаётганда Хилменд Элкинд йигирма кун давомида Тошкентда бўлиб, қўҳна Сағбон кўчаларида суратга олувчи гуруҳга ўз ихтиёри билан ёрдам бериб юрди. Ўша даҳшатли йилларни яна бир бор бошидан кечиргандай бўлди.

Уни уруш тугагач, 1946 йилда отаси топиб, олиб кетган эди. Хилменд Минскда ўрта мактабда ўқиди, сўнгра политехника институтини тугатди. Ҳозир, юқорида айтганимиздек, телевизор заводида инженер. Антонина Павловнанинг иш столида, ойна остида унинг хотини ва икки фарзанди билан тушган сурати туради.

Ҳар бир кишининг ҳаётида йилда бир келадиган муқаддас, қутлуғ кунлар бўлади. 22-болалар уйининг собиқ тарбияланувчилари учун бундай кун 3 январдир. Шу куни уларнинг ҳаммаси қаерда бўлмасин, албатта Тошкентга йўл оладилар. Ўзларининг Байналмилал кўчасига кўчган собиқ болалар уйига кириб келадилар-да, етимликларини билдирмаган, оғир кунларда бошларини силаган нуроний аёлларга таъзим қиладилар:

— Салом, ойижонлар!

Шу сўз билан бағри кенг Ватанга бўлган чексиз муҳаббатларини ҳам изҳор қиладилар.

1985 й.

ОЧЕРКЛАР



БЕТИМСОЛ МАТОНАТ

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўртаси эди. Туристик йўлланма билан Белоруссияга сафар қилдим. Минскдаги машҳур «БелАЗ» автомашиналари чиқадиган Жодино шаҳрига бордик. Шунда Москва-Минск автотрассаси бўйида бронзадан ишланган маҳобатли бир монумент эътиборимни тортди.

Унча баланд бўлмаган гранит супада она турибди. Деҳқон кийимидаги, қўллари қадоқ бу аёлнинг олдида, гуллар очилган рамзий йўлда елкасига милтиқ осган беш йигит — уларнинг охирида бораётгани онасига қайрилиб, нимадир деяпти. Бу беш йигит шу аёлнинг ўғиллари. Уларнинг бирортаси ҳам қирғинбарот урушдан она қучоғига қайтмаган экан...

Монумент 1975 йили Минскда хотин-қизларнинг урушга қарши, болалар, бутун инсоният учун тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган халқаро конгресси бўлиб ўтган кунларда очилган.

Ушбу монументга белоруссиялик жабрдийда она — Анастасия Фоминична Куприянованинг сиймоси асос қилиб олинган. Мазкур ҳайкалтарошлик асарини бизга кўрсатган гид аёлнинг изоҳ беришича, Анастасия Куприянованинг беш ўғли Иккинчи жаҳон уруши фронтларида, фашистларга қарши курашда ҳалок бўлган экан. Ўғилларининг энг кичиги — Қаҳрамон — Петр Куприянов душманнинг ўқ отиш нуқтасини кўкраги билан беркитиб, мисли сиз жасорат кўрсатган. Бу ҳақда монументга ҳам ёзиб қўйилган.

Ўша дам бирдан хаёлимга ўз ҳамқишлоғим — ўзбек Куприяновaси — Зулфия Зокированинг ҳаёт тарзи келди. Зулфия она Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб ўтган. Шу аёлнинг мислсиз жасорати ва унинг ҳам худди Анастасия Куприянова сингари Иккинчи жаҳон уруши фронтларидан қайтмаган беш ўғли ҳақида ёзишни, халқимизга бу ҳақда ҳикоя қилиб беришни ўзимнинг журналистик бурчим эканлигини англадим.

Юртимизга қайтгач, Зулфия Зокированинг ўша пайтда ҳаёт бўлган қизи Манзура опа, келинлари Ҳамрониса опа, Ҳидой опа, набиралари ва аяни таниган қўни-қўшнилар билан учрашиб, уларнинг хотираларини тингладим. Зулфия она 1960 йил 24 майда 77 ёшида вафот этган эканлар.

Зулфия Зокирова ҳақида очерк ёзиш учун манба тўплаб юрганимда, онахоннинг ўша пайтда ҳаёт бўлган уч келини билан суҳбатлашиб, уларнинг икки нафари барча фронтчиларнинг бевалари фойдаланаётган оддий имтиёзлардан ҳам фойдаланмасликларини билиб ҳайрон қолганман. Нега бундай бўлган дейсизми? Сабаби оддий: умри далада кетмон чопиш билан ўтган бу содда аёллар жамиятдаги бюрократлашган қатлам юзага келтирган қоғозбозлик ғовини енгиб ўтолмабди.

— Сизга раҳмат, ука, — деганди ўшанда кампирнинг иккинчи келини бўлган Ҳамронисо опа. — Қирқ беш йил бадалида бизни фақат сиз йўқладингиз, юрак дардларимизни тингладингиз.

Мен Зулфия Зокирова ва унинг жангчи ўғиллари ҳақидаги очеркимни ёзиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1989 йил 9 май сонида эълон қилдирдим. Очеркимнинг охирида шундай сўзларни ёзгандим: «Ҳа, турғунлик йиллари, биз кўп хатоликларга йўл қўйдик. Энди эса бу хатоларни тузатиш пайти келди.

Шундай экан, биз бугун матонатли аёл Зулфия Зокировага ўрнатилган ҳайкал қани, унинг номи билан аталган кўча қани, деб баралла айтишга ҳақлимиз. Биз бу ишни фақат марҳумлар хотираси учунгина эмас, балки келажак авлодни ўйлаб ҳам қилишимиз керак. Ана шунда турмушимиз янада гўзал, сермазмун бўлади. Ана шунда ҳаётимизда ўзаро иззат-ҳурмат, вафо, садоқат деган эзгу фазилатлар олис уфқдаги шарпадай бўлиб қолмайди. Ана шунда ўз фарзандини етимхона эшигига ташлаб кетиш ҳоллари ҳам камроқ бўлади».

Ўша пайтда собиқ Марказ матбуотида «ўзбек иши», «пахта иши» деган гаплар авж палласига чиқиб, «хўлу-қуруқ» баравар ёниб, минг-минглаб пахтакор деҳқонлар қамоқда ётганди. Диёнатли зиёлиларимиз эса дарғазаб эди.

Очерким эълон қилингач, уч кун ўтгач, Тошкентдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси яқинида ёзувчи Мурод Хидирни учратдим. Мурод ака қўлимни маҳкам сиқиб кўришаркан дедилар:

— Алиназар, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган очеркингизни бошдан-оёқ титраб ўқидим. Раҳмат сизга! Бу очеркингизни кенгайтириб қисса қилинг, роман қилинг. Шунга арзийди сиз ёзган одамлар. Ҳақиқий ўзбекларни ёзибсиз.

Бошқа бир ҳамкасб дўстим: «Бу очеркингизни Абдулла Ориповнинг машҳур «Аёл» шеърининг насрдаги намунаси, дегим келади», деганди.

Мен «Беш жангчининг онаси» очеркимни коммунистик тузум даврида, даҳрийлик авжига чиққан пайтда ёзганман. Шу боисдан унда дилимдаги ҳамма гапни айтолган эмасман. Бир ўзининг матонати бутун ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги беқиёс фидойилиги ва бетимсол матонати ифодаси бўлган жафокаш онаизор шахсияти ҳақида чуқур мушоҳада юритганман, деб айтолмайман.

Мен фақат Зулфия онани эмас, унга замондош, у билан тенгқур бўлган бошқа инсонларни кўп ўйлайман.

Масалан, узоққа бормай ўз отамни олайлик. У 90 йил умр кўриб, 1978 йилда вафот этган. Тенгқурлари уни ҳурмат қилишарди, отам ҳам одамларни севарди. Раҳматли мен ўлиб кўрмадим, бошқа ҳамма нарсани кўрдим, дердилар. Дарҳақиқат, отам ўзининг узоқ умрида икки марта қаҳатчиликни, уруш даври машаққатларини кўрди.

1937—38 йилдаги қатағонда қамалиб, беш ой тергов азобларини кўриб, бахтли тасодиф туфайли қамоқдан озод бўлди. 1944 йилда бир ўғли фронтда ҳалок бўлди.

1945 йилда 18 ёшга кирган ўғли ҳозир давоси топилган касалга чалиниб, дуруст тиббий хизмат йўқлигидан қазо қилди. Бу мусибатларга отам ҳам, онам ҳам мардона чидашди. Инсоний қиёфаларини йўқотмай, ортиқча оҳ-воҳга берилмай, бири 90 ёшга, иккинчиси 84 ёшга кириб дунёдан ўтиб кетишди.

Мен Зулфия она, отам сингари инсонлар ҳақида ўйлаганимда, уларнинг руҳан кучли, сабр-бардошли бўлишлари уларнинг имон-эътиқодли инсон бўлганлари, Аллоҳга беҳад ишонганларидан деб биламан. Улар бошларига тушаётган мусибат ва фалокатни Аллоҳ юбораётган синов деб билишган. Сабр қилиш кераклигини, Аллоҳ сабр-тоқатли бандаларини суюшини ўйлашган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари алғов-далғовларида амалдан тушганида ёки харом-хариш йўллар билан топган пули касодга учраганда ўлиб қолган ёки ярим телбага айланган одамларни кўрдик. Зинодан туғилган боласини ахлатхона қутисига ташлаб кетадиган, ҳайвондан ҳам баттар аёллар пайдо бўлганини эшитдик. Булар шўро тузуми тарбиясининг меваси бўлган, Аллоҳни унутган кимсалардир.

1989 йили «Беш жангчининг онаси» очерким эълон қилингач, Калинин тумани (ҳозирги Зангиота тумани) раҳбариятидан бирон-бир акс-садо бўлиб қолар деб кутдим, лекин ундай бўлмади. Орадан олти ой ўтгач, очерким босилган газетадан икки нусхасини олиб, Калинин тумани партия қўмитасининг биринчи котиби Ж. Маликов қабулига бордим. У мени яхши қабул қилди. Ўзимни таништириб, очерк босилган газетани унга бердим, унда қандай масала кўтарилганини айтдим. Зулфия онанинг менга ҳеч қандай қариндошлиги йўқлигини, у фақат ҳамқишлоқ эканини билдирдим.

Биринчи котиб гапларимни тинглаб, газетадаги очеркни ўт-бетидан «чўқилаб» ўқиб кўриб шундай деди:

— Таклифингиз ўринли, кампирнинг номини абадийлаштиришимиз керак. Нима дейсиз, номларини қаерга қўйсак бўлади?

— Хонободда битта катта кўча, битта мактаб бор. Буларнинг иккиси ҳам Максим Горький номида, — дедим мен. — Шулардан бирини онахон номига қўйсак бўлар. Фақат Тошкентнинг ўзида Горький номида бир қанча маданий муассасалар бор. Адиб ўз ижоди билан номини абадийлаштириб кетган-ку.

— Хоноддаги мактабни Зулфия Зокирова номига қўйсак, нима дейсиз?

— Маъқул дейман.

Биринчи котиб райкомнинг тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини чақириб, мени таништириб, Хонободга бориб, мактабни Зулфия Зокирова номига қўйиб келинглар, деб топшириқ берди. Орадан икки ой ўтгач, уйимга Хоноддаги 25-мактабдан таклифнома келди. Унда мен мактаб Зулфия Зокирова номига қўйилишига бағишланган тантанага таклиф этилгандим. Таклиф бўйича мактабга бордим. Йиғи-

лишда қишлоқ оқсоқоллари, мактаб педагоглари, Зулфия онанинг набиралари гапиришди. Мен ҳам гапирдим.

Мактаб Зулфия Зокирова номи билан аталадиган бўлди. Кейинроқ Зулфия она яшаган маҳалла ҳам унинг номи билан атала бошланди.

Бу пайтда мен Тошкентда ишлардим. Болалигим ўтган қишлоққа кам борардим. 90-йиллар ўртасида бир кун қишлоққа борсам мактабга кираверишда унинг Зулфия Зокирова номида эканлиги ҳақидаги пешлавҳа йўқ экан. Сабабини суриштирсам, мактабларга ном қўйиш ман этилди, деган гапни айтишди. 2—3 йилдан сўнг маҳалланинг номи ҳам ўзгариб, «Қушбеги» бўлди. Хонлар, амирлар даврида бош вазирни қушбеги дейишган.

Бу номнинг Зулфия она яшаган маҳаллага қандай даҳли бор дерсиз. Дахли бор экан. Ўша пайтда маҳалла қўмитаси раиси бўлиб ишлаган аёл асли Тошкентнинг Қушбеги даҳасидан экан. У ўзининг савиясидан келиб чиқиб, номни бегона қилгиси келмабди. Маҳалладан Зулфия онанинг номи олиб ташланганда ўрнига «Қушбеги» номини тавсия қилибди. Зулфия она ким, унинг номи нима учун абадийлаштирилган ҳеч ким ўйлаб ўтирмабди.

Мана сизга буюк инсон қадр-қимматига бўлган муносабат! Юқори ташкилотларнинг буйруғини бажариш қуйи идоралар учун мажбурий. Юқоридан берилган буйруқда мактаблар, маҳаллалар одамлар номи билан аталмасин дейилган бўлиши мумкин.

Лекин бу ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган инсонлар хотираси ҳурматланмасин, улар номи абадийлаштирилмасин, дегани эмаску. Инсон хотирасини абадийлаштиришни, унга ҳурмат билдиришнинг бошқа кўп йўллари ҳам бор-ку. Нега Зангиота туманилик акалар шу ҳақда ўйлашмайди? Ҳайрон қоларли

жойи шундаки, бир-биридан унча олисда бўлмаган икки жойда «Қушбеги» номи бор. Бу одамларни чалғитиши, сарсон-саргардон қилиши мумкинлигини ҳам ҳеч ким ўйламаган.

Менимча бу хатоликни тузатишнинг вақти келди. Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши жуда тўғри ва оқилона иш бўлди.

Бу китоб-альбом халқимизнинг суронли йиллардаги мардона меҳнати ва курашини акс эттириши керак. Унда Зулфия Зокирова каби оналар ва уларнинг фронтдан қайтмаган фарзандлари, уруш пайтида ота-онасидан айрилиб, етим қолган турли миллатга мансуб болаларни ўз қарамоғига олган Шоаҳмад Шомаҳмудовнинг оиласи ҳақида ҳам ҳикоялар бўлиши керак. Бу ҳикоялар халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳеч бир халқникидан кам эмаслигини, ўзбек халқининг байналминал бурчига ҳамиша содиқ бўлганлигини кўрсатувчи мисоллардир.

Юртимизда жафокаш, мунис оналар матонати улуғланган ҳайкаллар кўп. Пойтахтнинг бош майдонидаги «Бахтиёр она» тимсоли, шунингдек, кўплаб хотира хиёбонларидаги мотамсаро аёл ҳайкаллари шулар жумласидандир. Айни чоғда алп ўғиллари ҳажрида чексиз қайғуга ботган, лекин бардоши букилмаган Зулфия Зокирова тимсолида халқимизнинг буюк иродасини кўрамиз. Бу аниқ далил. Юртимизда Зулфия Зокирова ва унинг ўғилларига Белоруссияда Анастасия Куприянова ва унинг ўғилларига ўрнатилган муҳташам монумент сингари гўзал ҳайкалтарошлик обидаси ўрнатилиши керак.

— Сен Исҳоқ чавандознинг ўғлисан, йигитлик шаънига доғ туширма, ўғлим, — деди бағрига босаркан. — Ғалаба билан дийдор кўришайлик.

Поезд силкиниб ўрнидан силжиди. Одамлар йироқлашиб бораётган состав ортидан қўл силкиб кузатиб қолдилар. Кимдир йиғлар, бошқа биров эса поезд ортидан чопиб борар эди...

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Ўз яқинларини фронтга жўнатган кўплаб оилалар каби Исҳоқ чолнинг хонадонидагилар ҳам урушга кетган уч йигитнинг эсон-омон қайтишини тилаб яшай бошлашди. Ўша йилларда тўриқ от минган почтачи бу оиланинг энг азиз кишиси эди. Узоқдан қораси кўриниши билан болалар унинг ҳузурига югургилаб боришар, почтачи хат берса, тезлик билан ортларига қайтиб, уйга олиб кетишарди. Хатни Исҳоқ чолнинг қизи Сора ўқирди. У бўлмаса қўшниларникидан хатни равон ўқийдиган бирорта одамни чақириб чиқишарди. Хат келишининг ўзи ҳам қувончли воқеа ҳисобланарди.

Бироқ бу қувончлар ҳам узоққа бормади, 1942 йилнинг ёзида Ғофурдан, 1943 йилнинг кузида Қўчқордан, 1944 йилнинг кузида эса Яминдан қора хат келди. Уруш ҳам тугади. Фарзандлари доғида куйган Исҳоқ чолнинг кўзлари хиралашиб, охири кўрмайдиган бўлиб қолди. 1952 йилда у оламдан ўтди. Сўнгги кунлари қолганига ақли етган буваси ўлими олдидан Абдуваҳобни ёнига ўтказиб:

— Сендан бир илтимосим бор, ўғлим, — деди.

— Айтинг илтимосингизни, бобо.

— Сенинг отанг фарзандларимнинг сараси эди. Йигит бўлгач, отанг қабрини албатта қидириб топгин. Қабр тупроғидан бир ҳовуч олиб келиб, менинг қабримга қўйгин. Бу менинг сўнгги илтижойимдир.

— Айтганингиздай қиламан, хотиржам бўлинг, бобожон.

«... Гвардиячи аскар Исҳоқов Қўчқор Ватан учун бўлган жангда ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатиб, 1943 йил 16 августда ҳалок бўлди. У Смоленск область Ельня районидаги Мартинков қишлоғида дафн этилди». — Абдуваҳоб қутидаги ҳужжатлар орасида ётадиган бу «қора хат»ни ҳар гал кўздан кечирганида бобосининг васиятини эслар, отаси қабрини зиёрат қилиш фарзандлик бурчи эканлиги ҳақида ўйларди. Аммо бу ниятини амалга оширишнинг мавриди бўлмаётганди. Аниқроғи, бир-икки отланганида баъзилар йўлдан қайтаришди:

— Урушда 20 миллион киши ҳалок бўлган. Ҳаммасининг қабри аниқ дейиш қийин. Овора бўлиб келишинг мумкин, — дейишарди улар.

Аммо бари бир Абдуваҳобни бу истак тарк этмади. Тошкентдаги «Номаълум солдат» ёдгорлигининг очилиш маросимида қатнашган пайтида эса беҳуда иккиланиб юрганидан ўкинди. «Бораман, албатта излаб бораман, — деди у ўшанда ўзига-ўзи қатъий. — Овора бўлсам ҳам майли. Жилла бўлмаса отамнинг азиз қони тўкилган тупроқни кўзимга суртиш имконига эга бўламан-ку!»

Дарҳақиқат, Абдуваҳобнинг изласа арзигудек, йўқласа йўқлагудек отаси бор эди. Унинг отаси Қўчқор Исҳоқов Тошкентдаги дастлабки янги мактабларнинг ташкилотчиларидан эди. Бундан ташқари хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортишда катта жонбозлик кўрсатган, неча бор ўз ҳаётини хавф остига қўйганди. Уни Қўчқор афанди дейишарди.

Маҳаллада у ташкил этган мактабда хат-савод ўрганган кишиларнинг кўпчилиги жамиятимизнинг илғор кишилари бўлиб етишишди. Улар ўз устозларини миннатдорчилик билан эслашади. Абдуваҳобни эса туғишганларидай кўришади.

Маросимдан қайтишда Абдуваҳоб мақсадини ҳамкасб дўсти Михаил Александровга айтганди, у:

— Отангнинг қабрини зиёрат қилгани борсанг, мен ҳамроҳ бўлишим мумкин. У ерларни биламан. Таътил олиб, менинг машинамда борамиз, — деди.

Ниятлари қатъийлашиб, йўл ҳозирлигини кўришаётганида уларга Абдуваҳобнинг яқин дўсти ва қариндоши Шоқосим Шоинoғомов ҳам қўшилди. Ҳовлида отаси эккан гилос, ўрик айни пишган пайт эди. Абдуваҳоб улардан саватларга териб олди. Хотини Шарифа ўзбек дастурхонининг кўрки ҳисобланган патир нонларни ёпиб берди.

24 май куни Ельняга бориб, ҳарбий комиссариатга учрашишди. Котиба қиз Абдуваҳобни кекса бир офицернинг олдига олиб кирди. У билан салом-алик қилгач, Абдуваҳоб офицерга (унинг исм-шарифи Егоренков Василий Аверьянович эди) отаси ҳақида юборилган «қора хат»ни узатди. Офицер рўпарасида турган қорамағиз йигитни ўтиришга таклиф этаркан, деди:

— Қаердан келдинг, ўғлим?

— Тошкентдан. Отамнинг қабрини излаб келдим. Менга ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

— Сен шунча жойдан отангнинг қабрини излаб келибсан-ку, мен ёрдам бермайманми-я? Албатта ёрдам бераман.

Бу орада хонага ҳарбий комиссар, подполковник Сергей Поликарпович Штефан кириб, меҳмонлар билан танишди. Кекса офицер шифт баландлигидаги жавонлардан қалин альбомларни олиб, стол устига қўя бошлади. Бу Ельняни озод этиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган жангчиларнинг сурати ёпиштирилиб, исм-шарифи, қабр номери ёзилган альбомлар эди. Уч киши альбомларни бирма-бир кўздан кечира бошлашди. Икки соатча варақлаб, Абдуваҳобнинг отасини топишолмади.

Альбомларда биргина «Исҳоқов» фамилиясининг ўзидан 200 тага яқини ёзилганлиги Ельня учун олиб борилган жангларнинг ўта шиддатли ва беомон бўлганлигини кўрсатиб турарди. Бундай ҳолат ҳар қандай кишини ҳаяжонга солар, унда уруш тарафдорларига нисбатан чексиз нафрат уйғотар эди. Альбомларда қайд этилган 200 «Исҳоқов»лар ичида Абдуваҳобнинг отаси йўқ бўлиб, 13 альбомдаги барча фамилиялар орасида ҳам уни учратмадилар.

Ҳарбий комиссар меҳмоннинг умидсизланиб, маъюс бўлиб қолганини сезди шекилли:

— Сиз ўтириб, дамингизни олинг. Узоқ йўл юриб толиққансиз, — деди. Абдуваҳоб эндигина курсига ўтирган ҳам эдики, Василий Аверьянович:

— Мана, Исҳоқов Қўчқор. Шу отангнинг расмими, кўрчи? — деди.

Абдуваҳоб ирғиб туриб, ҳаяжон билан расмни қўлга олиб тикиларкан, ички бир нидо билан беихтиёр «Адажон!» деб юборди. Альбомдаги суратни қайта-қайта кўзига суртиб ўпди. Хонадагиларнинг кўзида ёш ҳалқаланди.

Ҳарбий комиссар прапорщик Виктор Марченковга меҳмонларни биродарлик қабристонига бошлаб боришни буюраркан:

— Биз ҳам борамиз, — деди.

Қабристон оқ қайин дарахтлари майин шовуллаб турган жойда бўлиб, унинг атрофи кўм-кўк, озода эди. Ҳар қадамда гуллар барқ уриб очилиб ётибди. Абдуваҳоб отаси қабрини қийналмай топди. Қабр ёнига чўккалаб, отасининг исм-шарифи ёзилган мармар тахтага юзини босди. Беихтиёр кўзларидан шашқатор ёш оқди. Неча-неча йиллар мобайнида отасининг изларига зор бўлган фарзанднинг бу кўз ёшлари ҳамроҳларининг ҳам кўнглини бузиб, улар ҳам беихтиёр кўзларига ёш олиб, бир чеккада сукут сақлаб туришди.

Бироздан сўнг ҳарбий комиссар бир гуруҳ солдатлар ва мактаб ўқувчиларини бошлаб келди. Ўқувчилар бир томонга, солдатлар иккинчи томонга саф тортишди. Ҳарбий комиссар С.П. Штефан қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Олий бош қўмондон Ставкасининг қарори асосида Мудофаа халқ комиссарлигининг 1941 йил 18 сентябрда чиқарилган 308-буйруғига биноан август-сентябрь ойларида Смоленск остоналаридаги жангларда алоҳида жасорат кўрсатган Резерв фронтга қарашли 100, 127, 153 ва 161-ўқчи дивизиялар 1, 2, 3, 4-гвардиячи дивизиялар деб номланди. Улар душманнинг тўққиз дивизиясига оғир зарба бериб, Ельня районида олға томон 24 километр силжишга эришдилар ва матонат кўрсатдилар. Бу қўшинларимизнинг урушдаги биринчи қарши ҳужуми эди.

Уруш мобайнида гвардиячиларнинг жанговар тажрибаси, ҳарбий маҳорати, интизоми, қаҳрамонлиги ва уюшқоқлиги бутун армия учун намуна бўлди. Гвардиячилар фронтнинг ҳал қилувчи участкаларида жанг қилдилар. Гвардиячилар бор жойда душман даҳшатга тушар, улар ҳужумга ўтганида эса тор-мор этиларди. Ана шу ўзини шон-шарафга буркаган 1 гвардиячи дивизия сафида оддий аскар Қўчқор Исҳоқов ҳам бор эди. У 1943 йилнинг августида ҳалок бўлди.

Бу ерда ётган йигитлар турли миллат вакилларидир. Улар Смоленск операциясининг таркибий қисми бўлган Ельня-Дрогобуж операцияси чоғида оға-инидек аҳиллик билан жанг қилиб, немис-фашистларнинг 8-дивизиясини тор-мор этишди ва қўшинларимизнинг ғарб томон силжишига шароит яратишди.

Ельнядаги 2-мактаб директори Б.Н. Добкин Ватанга содиқлик ва ватанпарварлик ҳақида гапириб, нутқини шундай сўзлар билан якунлади:

— Қўчқор Исҳоқов ватанпарвар эди. Керак бўлганида у Ватан учун жонини ҳам аямади. Унинг фарзанди ҳам отасига тортибди. Чунки ота-онани эъзозлаган киши, албатта Ватанни ҳам эъзозлайди.

Шу мактабнинг етакчиси сўзга чиқиб, II-отрядга Қўчқор Исҳоқов номини беришни таклиф этди. Бу таклиф ҳаммага маъқул тушиб, якдиллик билан қабул қилинди.

Маросим охирида ҳарбий комиссарнинг буйруғи билан аскарлар марҳумлар хотираси учун автоматлардан уч марта ўқ узишди. Ўқувчилар гвардиячиларнинг қабрларига гулдасталар қўйишди.

Шаҳарга қайтишгач, Б.Н. Добкин меҳмонлар учун дастурхон ёзди. Абдуваҳоб бу дастурхонга отаси экқан гилос ва ўрик меваларидан, хотини йўлга ёпиб берган патирлардан қўйди. Янги дўстлар суҳбати анча вақтгача давом этди. Суҳбат асносида Штефан Ельня шаҳар маъмурияти гвардиячилар қабрлари устидаги мармарни янгилашни режалаштираётганларини айтди.

— Тошкент яқинидаги Ғазалкент деган жойда жуда сифатли қизғиш гранит қазиб олиняпти, — деди шунда Абдуваҳоб, — гвардиячилар қабри устига мана шу гранитдан ётқизилса яхши бўларди.

Штефан кейинчалик бу таклифни шаҳар ижроия комитети раҳбарларига етказди. Улар Тошкентга вакиллар юбориб, Ғазалкентнинг қизғиш гранитидан олиб кетишди. Шундай қилиб гвардиячиларнинг қабрлари Ўзбекистон гранити билан безалди.

Меҳмонлар Ельняда икки кун бўлишгач, Тошкентга қайтишди. Абдуваҳоб отасининг қабрини топиб, зиёрат қилиб қайтганлиги ҳақидаги хабар фақат оила аъзолари, қариндош-уруғини эмас, бутун Дўмбробод маҳалла аҳлини қувонтирди. Қўчқор Исҳоқов гвардиячилар сафида жанг қилиб, мардларча ҳалок бўлганлигини эшитганида эса ҳамюртлари билан

фахрланишди. Шунда кишиларда унинг номини абадийлаштириш фикри туғилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети Дўмбробод маҳалласида яшовчилар илтимосини инобатга олди. У туғилиб ўсган Дўмбробод маҳалласидаги катта кўчага гвардиячи оддий аскар Қўчқор Исҳоқов номи берилди.

* * *

Мен Қўчқор Исҳоқов оиласида икки-уч марта бўлиб, рафиқаси Назминисо Исҳоқова ва фарзандлари билан суҳбатлашдим. Марҳум ака-укаларнинг ҳаёти, фронтдаги жанговар йўли билан танишдим. Қўчқор Исҳоқовдан тўрт нафар фарзанд қолган. Уларнинг барчаси ҳозирги кунда турли соҳаларда меҳнат қилишяпти.

Абдуваҳоб Қўчқоров шаҳримиздаги 3-автокомбинатда ҳайдовчи бўлиб ишлаётганига 22 йил бўлди. У биринчи тоифали ҳайдовчи саналади. Корхона раҳбарлари бу йигит ҳақида мамнуният билан гапиришди.

Абдуваҳоб ойлик режасини мунтазам 120 — 130 фоизга етказиб адо этиши, жамоат ишларида фаол қатнашиши туфайли жамоада яхши обрў-эътибор қозонган. Медаллар ва Фахрий ёрлиқ билан мукофотланган.

Қўчқор Исҳоқовнинг оиласидагилар учун Ельня азиз шаҳар бўлиб қолди. Фарзандлар бу шаҳарга тез-тез бориб, оталари қабрини зиёрат қиладилар. Абдуваҳоб эса Ельнядаги дўстлари билан мунтазам хат ёзишиб туради.

1981 йилнинг сентябрида гвардиячи бўлинмалар ташкил этилганлигининг 40 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан Ельняда бўлган тантаналарга Абдуваҳоб Қўчқоровни ҳам таклиф этишди. У Ельняда телевидение мухбирига интервью бериб, отасининг

жасорати ҳақида ҳикоя қилди. Бу интервью телевидение орқали икки марта намойиш қилинди.

Қўчқор Исҳоқов оиласи билан танишганда бу оиланинг бир фазилатига — марҳумлар хотирасига намаики дахлдор бўлса, ҳаммаси кўз қорачиғидай асраб-авайланаётганлигига қойил қоласан киши. Фарзандларда бобоси ва бувиси, отаси ва амакиларига чексиз меҳр бор.

Дарҳақиқат, ельнялик мактаб директори айтганидек, ҳақиқий ватанпарварлик ота-онага ҳурматдан бошланади. Ота-онасини эъзозлаган киши қалби эса киндик қони тўкилган қишлоқ, шаҳар ва Ватанга чексиз садоқат ҳисларига лиммо-лим бўлади.

1985 й.

ҒОЛИБ ТЎПЧИ

Будапештдан йўлга чиққан поезд икки кун деганда чегарага етиб келди. Жангчиларни барча станцияларда гуллар билан олқишлаб қарши олишарди. Айниқса чегара станциясидаги учрашув ҳаяжонли бўлди.

Поезд станцияга кириб келиши билан жангчилар вагон деразаларидан бошларини чиқариб, «Уйимизга келдик!», деб бақиришиб, ёш болалардай суюна бошладилар. Станцияга кўп одам тўпланганди. Улар перронга тушган аскарларни қучиб, осмонга отишди, даста-даста гуллар ҳадя қилишди. Бу ерда ҳамма нарса — ҳаво ҳам, одамлар юзидаги самимий табассум ҳам, уларнинг гап-сўзлари ҳам ўзгача, юракка жуда яқин эди. Аёлларнинг кўзларидан ёш оқарди.

— Шу пайттача бу ердан қатнаган поездларда фақат ярадорларгина олиб ўтиларди, — деди бир жувон. — Соғлом, оёқ-қўли бутун жангчилар қайтганини биринчи марта кўриб турибмиз. Хайрият! Уруш ғалаба билан тугаганига энди ишонсак бўлади.

Жангчилар жонажон юртларини беҳад соғинишганди. Атрофларини қуршаб турган оддий, самимий кишиларга қараб, улар билан сўзлашиб тўйишмасди. Ахир бу йигитлар бундай онларни тўрт йил интизорлик билан кутишганди-да.

Сал вақт ўтмай поезд яна жилди. Жангчилар ширин нарсасидан айрилган боладай маъюс бўлиб қолдилар. Поезд тобора тезлигини ошира бошлади. Вагон деразаси ёнидан уруш вайрон қилган шаҳар ва посёлкалар, қишлоқлар, снарядлар ўйдим-чуқур қилиб

юборган далалар, ундаги мажақланган танклар ва замбараклар лип-лип ўта бошлади. Баъзан далаларда меҳнат қилаётган қари-қартанг кишилар, аёллар, болалар кўриниб қоларди.

Улар поездни кўргач, бажараётган ишларини вақтинча тўхтатиб, ҳаяжон билан қўл силкитардилар. Уларнинг руҳлари тетик эди.

Вагон деразаси ортидаги манзара ҳали хотирадан ўчмаган, яқингинада тугаган уруш воқеаларини бор даҳшати билан ёдга соларди. Бу урушда қурбон бўлган юзлаб, минглаб қуролдош дўстларнинг, омон-омон кунларга етиб келолмаган азамат йигитларнинг қиёфасини киши кўз ўнгида жонлантирарди.

— Наҳотки, уруш тугагани рост бўлсая, Бўтабой, — деди Сердюков вагон деразасидан ташқарига разм солиб бораётган полкдошига. — Наҳотки, биз Ғалаба парадига бораяпмиз?

— Шуни айтгина, Ваня. Мен ҳам шу қирғинбарот урушда қандай омон қолганимизга ҳайрон қолаяпман. Бу ғалаба деб не-не азамат қуролдошларимиз Ватаннинг табаррук заминига бош қўйдилар. Яна бир қисмининг қабрлари эса ўзга юртларда қолди. Хуллас, Ғалабагача бўлган катта йўлнинг ҳар бир чақиримида дарё-дарё қон оқди.

Бўтабой чўнтагидан тамаки халтасини олди. Қуролдошлар ҳафсала билан тамаки ўраб тутатишди.

Бўтабой Содиқов билан Иван Сердюков деярли тўрт йил битта полкда жанг қилишди. Иккиси ҳам тўп командири эди. Лекин ҳамюрт эканликларини яқиндагина билишди.

Бу тасодифан рўй берди. Москвада бўладиган Ғалаба парадида қатнашиш учун ҳар бир полкдан учтадан жангчини танлашди. Бунда биринчи навбатда жангчининг жанговар хизматларига, бўйи-басти келишганлигига, қандай қўшин турларида хизмат қилганлигига эътибор беришди.

167-артиллерия полкидан танланган уч жангчининг бири Иттифоқ Қаҳрамони Бўтабой Содиқов, иккинчиси II орден ва бир неча медаллар кавалери Иван Сердюков эди.

Бўтабой Москвага жўнашга тайёргарлик кўриш муносабати билан Сердюковнинг олдига борди. У батареяси жойлашган ерда, жинғил соясида майсага ёнбошлаб мактуб ўқиётган экан.

— Салом, Ваня! — деди Бўтабой полкдош дўстига. — Ёринг соғиниб хат ёзибдими?

— Йўқ, хат онамдан келган.

— Нималарни ёзибди онанг?

— Тинч-омон юрганини ёзибди. Мени, барча қуролдош дўстларимни, жумладан сени Ғалаба билан табриклабди. Энди қачон уйга қайтасан, эшикдан соғ-саломат кириб келишингни кўрсам армоним йўқ эди, дебди.

— Бечора она! Дарров жавоб ёзгин, дийдор кўришадиган кунларимизга оз қолди. Мана, эртага Москвада бўладиган Ғалаба парадига жўнаб кетаяпмиз, кейин уйга ҳам жавоб бериб қолишар, деб алоҳида таъкидлагин.

— Яхши.

Бўтабой дўсти ёнига ўтириб, учбурчак хатнинг адресига эътибор берди. Не кўз билан кўрсинки, унда шундай деб ёзилганди: «Чимкент вилояти, Лангар тумани Совет қишлоғи, Сердюкова О.А».

— Ваня, сен лангарликмисан?

— Худди шундай, ўртоқ сержант!

— Вой хумпар-ей, сени энди эсладим. Сайрамдаги МТСга лампа мойи олгани бормаганмисан?

— Борганман. Бўлди, бўлди, эсладим. Сен МТСда бухгалтер бўлиб ишлардинг-а?

— Ҳа-де!...

— Вой сени қара-ю, тўрт йил бир полкда жанг қилиб, ҳамюрт эканлигимизни билмабмиз-а!

Шундан кейин бу икки жангчи янаям яқин бўлиб қолишди. Айниқса Москвада бўладиган Ғалаба парадига бирга боражакларидан қувонишди. Аввал улар дивизия штабида, у ерда бошқа полклардан келган жангчиларга қўшилиб, армия, фронт штабларида бўлишди. Фронт штаби яқинидаги кенг майдонда саф тортган терма полк жангчилари билан маршал Коневнинг ўзи учрашди. Маршал олдинги қаторда турган Бўтабойнинг барваста гавдасига, кўкрагида ялтираб турган Олтин юлдуз медалига разм соларкан:

— Ҳақиқий ўзбек паҳлавони экансан! Яша, азамат! Қойиллатиб жанг қилганлигинг кўриниб турибди, — деди.

Будапешт яқинида 1-Украина фронти терма полкини йўловчи поездига ўтқазишди. Поездда жангчилар кейинги тўрт йилда биринчи марта тўшак, чойшабни кўришди, биринчи марта тарелкада овқат ейишди. Тўрт йил хандақларда, ертўлаларда ётиб юрган, очин-тўқин кун ўтказиб аскар котелогидан овқат еган жангчиларга бирдан «шоҳона» муҳитга тушиб қолиш ғалати туюлди. Шунда улар тинчлик даври бошланаётганлигини биринчи марта ҳис қилдилар.

* * *

Бўтабой 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилганда уйланганига эндигина икки йил бўлган, битта фарзанди бор эди. Бўйи баланд, барвасталигига эътибор бериб, уни артиллерия қисмига олишди. Челябинск яқинида хизмат қилиб, танкларни қирадиган енгил тўпни бошқаришни ўрганди. Ҳарбий хизмати тугай деб қолганида эса уруш бошланиб кетди. Биринчи жангга Таганрог яқинида кирди. Оғир жанглар билан Сталинградгача чекинишди. Бўтабойнинг хотирасида айниқса Ростов-Дон учун бўлган жанглар уну-

тилмас манзара бўлиб қолди. У хизмат қилган батарея шу ерда қуршовга тушди.

Бу воқеа 1941 йил 21 ноябрда бўлганди. Фашистларнинг «Жануб» армия группаси 1-танк армияси ёрдамида шаҳарни шимолдан шимоли-шарққа айланиб ўтиб, бизнинг 9 ва 56-армияни қуршаб олиб, Доннинг жанубий қирғоғида плацдарм ҳосил қилмоқчи бўлишди.

Немисларнинг 17-армияси ва итальян экспедицион корпуси эса Ворошиловградга ҳужум қилиб, жанубий фронтнинг қолган кучларини қисувга олишга ва бу билан 1-танк армиясининг муваффақиятини таъминлашга ҳаракат қилди.

Бўтабой Содиқов хизмат қилган батарея Дьяково районидаги танкка қарши ғовлардан фойдаланиб, фашист танкларига қирон келтирди. Лекин 21 ноябрь куни эрталаб «Кукурузник» самолётимиз қўшинларимиз жанг қилаётган жойлардан пастлаб учиб, варақа ташлаб кетди. Унда шаҳар душман томонидан қуршаб олинганлиги хабар қилинганди, қуршовдан чиқиш учун бутун имкониятдан фойдаланиш буюрилганди.

Батарея командири варақа билан танишгач, жангчиларни йиғди ва шундай деди:

— Биродарлар, эндиликда олдимизда нима қилиб бўлса ҳам қуршовдан чиқиш вазифаси турибди. Бу қийин вазифа. Эҳтимол бир қисмимиз ҳалок бўлишимиз ёки душман қўлига тушишимиз мумкин. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзимизни муносиб жангчидай тутишимиз лозим. Қандай бўлмасин ўзимизникилар томонга ўтиб, жангни давом эттиришга ҳаракат қилишимиз керак.

— Аввал барча тўпларнинг стволига қум тўлатинглар, токи душман ундан фойдалана олмасин. Кейин уч-тўрттадан бўлиб тарқаламиз. Шундай қилсак бир қисмимиз омон қолишимиз мумкин.

Жангчилар командирнинг айтганини қилишди. Кейин бир-бирлари билан қучоқлашиб хайрлашиб, уч-тўрттадан бўлиб тарқалиб кетишди. Бўтабой батарея командири Михайлов билан кетди. Ҳаво совуқ, атрофни сийрак туман қоплаганди. Кимсасиз тош кўчадан шарққа қараб кетишаётганда, муюлишда чопиб келаётган бир группа немис солдатларига дуч келишди. Қаршилик кўрсатишнинг ҳам, қочишнинг ҳам имкони бўлмади.

— Из какой дивизии вы? — деди уларнинг бошлиғи рус тилини бузиб талаффуз қилиб.

— Из первой артиллерийской.

— А нука, пойдёмте с нами! — деди у дўқ уриб.

Улар билан юришдан бошқа илож қолмади. Немислар қаёққадир жуда шошилиб кетишаётганди. Шунинг учун тутқунлар билан гаплашиш учун ҳам вақтни қизғанишаётганди. Улар дам жадал юриб, дам лўкиллаб чопишарди, анча чарчаганликлари сезилиб турарди. Михайлов буни тез пайқаб қочишни хаёл қилди. Ёнида бораётган Бўтабойга секин кўз қисди. У командири мақсадини дарҳол тушунди. Кейин Михайлов бошқа икки жангчи билан ҳам маъноли кўз уриштириб олди.

Кўп қаватли уйнинг панжара билан ўралган сердарахт ҳовлиси ёнидан ўтиб боришаётганда ўзларини шартта ичкарига уришди. Немислар тўхтаб, автоматларини ўнглагунча анча жойга бориб қолишди. Бино ертўласига озгина қолганида ўқ товушлари эшитилди. Икки киши қулади. Михайлов билан Содиқов ертўлага яширинишга улгуришди. Бироқ улар ҳам яраланишганди. Ўқ Бўтабойнинг чап қўлига, командирнинг эса белига теккан эди.

Улар ертўла ичкарисига кириб, тўппончаларини қўлларига ушлаганича немисларни кутиб ётишди. Аммо улар келишмади, вақтларини қизғанишди чоғи. Ярим соатдан кейин ертўлага бир рус жувон билан

кампир тушди. Иккисини етаклаб, иккинчи қаватдаги уйларига олиб чиқишди. Жувон тоза кўйлагини йиртиб, жангчиларнинг ярасини боғлади. Ўқ Бўтабойнинг тирсагидан пастроққа теккан, аммо суякни шикастламаганди. Михайловнинг яраси эса оғир, тинмай қон оқаётганди. У носовибирсклик бўлиб, у ерда хотини, етти яшар қизи бор эди. Ҳолсизланиб, чўзилиб ётаркан, фарзандини эсга олди.

— Ёлғиз қизим етим қоладиган бўлди-да, Содиқов, — деди.

— Ундай деманг, командир, соғайиб кетасиз. Биз ҳали яна бирга жанг қиламиз.

— Йўқ, бу яра енгилга ўхшамайди. Бунинг устига қуршовдамиз...

Михайлов сув сўради. Жувон кружкада сув берди. Шундан кейин унинг пешонасидан муздек тер чиқиб, таскин топгандай бўлди. Аммо бир оз вақт ўтгач, яна оғирлашди ва ҳушидан кетиб, кўп ўтмай жони узилди.

Шунда Бўтабой ўзини кимсасиз денгизда ёлғиз қолган кишидай ҳис этиб, маъюс тортди.

— Энди мен нима қилдим-а? — деди у. — Бир ўзим қандай қуршовдан чиқаман?

— Хотиржам бўлинг, аскар, — деди уй эгаси Бўтабойнинг руҳи тушганлигини дарҳол илғаб. — Сиз ёлғиз эмассиз. Мана, биз бормиз. Мен сизнинг фронт чизиғидан ўтиб олишингизга ёрдам бераман. Ростов-Дон атрофини аъло даражада биламан. Ҳали немислар шаҳар атрофига мустаҳкам ўрнашиб улгуришгани йўқ, назаримда. Мабодо, чегарадан ўтишнинг иложи бўлмаса, орқага қайтамиз. Ўзимизникилар келгунича бизникида яшириниб ётасиз.

— Раҳмат!..

Жувон Бўтабойнинг ярасини бошқатдан ваҳимадор қилиб боғлаб қўлини рўмол билан бўйнига илди.

— Энди сиз эр, мен хотинингизман, — деди у жилмайиб. — Фақат йўлда оқсоқланиб юринг. Немислар инвалид экан десин.

— Яхши.

Шундай қилиб оқшом «эр-хотин» йўлга тушишди. Фронт чизиғига яқинлашишганда узоқда немис соқчиси кўринди. Бўтабой оқсоқланишни кучайтирди. Соқчи уларга нимадир деб бақирди. Жувон эса бомбардимондан қочаяпмиз дегандек, осмонни кўрсатиб, нималардир деб ғулдиради. Соқчи тескари ўгирилиб, пастқам уйга кириб кетди. Аёл Бўтабойни хавфсиз жойга кузатиб, орқасига қайтди.

— Буёғига ўзингиз кетарсиз, — Хайр, омон бўлинг, астойдил жанг қилиб, немисларга қирон келтиринг.

— Сизга минг раҳмат! Исмингизни билсам бўладими?

— Вера. Фамилиям Журавлева.

— Омон бўлинг. Вера! Бу яхшилигингизни унутмайман. Насиб қилса кўришармиз.

Кўп ўтмай Бўтабой ўз дивизиясининг штабини топди. У ердагиларга бўлган ҳодисани гапириб берди. Танишлари уни қуршовдан омон чиққани билан табриклашди. Бўтабойни янги тузилган батареяга тўп командири этиб тайинлашди. Шу батареяда жанг қилиб, орадан саккиз кун ўтгач, Ростов-Донни озод қилишда қатнашди. 29 ноябрда шаҳарни яна ишғол қилишди. Шунда Бўтабой Верани ҳам, унинг онасини ҳам излаб топа олмади.

* * *

1942 йилнинг 20 майида бизнинг қўшинларимиз Харьков шаҳрини ташлаб чиқдилар. Бу қўшинлар сафида Бўтабой Содиқов хизмат қилган артиллерия полки ҳам бор эди. Бу полк қаттиқ жанг билан Эски

ва Янги Оскол районларидан, Дон дарёсидаги Серафимович кўпригидан ўтиб, Сталинградга келди. Бу ерда Бўтабой Содиқов Сталинград трактор заводи ишчилари қўлидан 76 миллиметрли тўпни олди. Кейин Жуковский темир йўл станцияси учун бўлган катта жангда қатнашди.

1942 йилнинг 4 август куни Бўтабой аканинг тўпи тепалик ёнида жойлашган бўлиб, у тўп ёнида кузатувчилик қилиб турарди. Шунда немисларнинг бир тўда танки уларнинг блиндажи томон кела бошлади. Танклар 150—200 метр масофага келганда взвод командири Дуденконинг буйруғи билан ўқ узди. Натижада немисларнинг учта танки шикастланди, қолганлари ферма биноси ортига яширинди.

1942 йилнинг 11 декабрида эса Бўтабой Содиқовнинг батареяси 5-Курган тепалиги ёнида мудофаада турарди. Батарея командири келиб, унга тўпни олдинги линияга ўтказишни буюрди. Бўтабой буйруқни бажарди. Кечаси бир маҳал оппоқ қор билан қопланган тепаликни ёнбағирлаб, олдинма-кетин беш танк кела бошлади.

Бу пайтда немислар янги қуршаб олинган, лекин ҳамон қаттиқ жанглар давом этаётганди. Шу сабабли баъзан олдинда ўзимизнинг танклар ва бронетранспортёрлар ҳам пайдо бўлиб қоларди. Бу аҳвол жангчилардан ғоят ҳушёр бўлишни талаб этарди. Қоронғу бўлганлиги учун Бўтабой тўп панорамасидан қараб, майдонда пайдо бўлган танклар кимга қарашли эканлигини била олмади. Аммо товушидан душман танкларига ўхшатди. Наводчик ўрнига ўтиб, танкларга қарата ўқ узди. Олдинма-кетин уч танкнинг тутуни осмонга чиқди. Иккитаси шошилиб бурилиб, тепалик ортига ўтиб кетди.

Эрталаб батарея командири Лихачев ҳовлиқиб келиб қолди.

— Содиқов, сени отиб ташлайман, — деди у.

— Гуноҳим нима, ўртоқ командир?

— Гуноҳинг катта, сен ўз танкларимизни уриб яксон қилдинг.

— Булар бизнинг танклар эмас, душман танклари.

— Қаердан билдинг?

— Овозидан билдим.

— Ишонмайман, сен ўз танкларимизни ёндирдинг.

— Рухсат беринг ҳақ эканлигимни исботлашга, ўртоқ командир.

— Марҳамат!

Бўтабой оқ сурупдан тикилган ниқоб кийимни кийди-да, ўнгирликни паналаб қор устидан пачақланиб кетган танклар томон аста эмаклаб кетди. Атрофида ўқлар визиллаб учарди, улардан биронтаси тегиб ярадор қилиши ёки ҳалок этиши ҳеч гап эмасди. Аммо ҳозир бошқа иложи йўқ. Бўтабой танклардан бирининг ёнига бир амаллаб етиб борди ва остки туйнугидан ичкари кирди. Танк ичида уч немис солдати ўлиб ётарди. Улардан бирининг қўлидаги соатни, сумкасидаги харитани, бир буханка нонини олди-да, яна эҳтиёт бўлиб орқага эмаклади. Расчёти турган жойга эсон-омон етиб келиб, қўлидаги нарсаларни командирига тутқазди.

— Энди ишондингизми, душман танкларини яксон қилганимга, ўртоқ командир?

— Раҳмат, Бўтабой! Мен сени бу қадар зийрак жангчилигингни билмасдим, — деди Лихачевнинг чеҳраси ёришиб.

Эртаси кечқурун душман танклари яна ҳужумга ўтди. Бу гал Бўтабой аканинг расчёти тўртта тўпни яксон қилди. Бу жасорати учун тўп командири II даражали Улуғ Ватан уруши орденига сазовор бўлди. Бу мукофотни Бўтабой Содиқов шахсан Рокоссовскийнинг қўлидан олди.

* * *

Бўтабой Содиқовнинг шахсий ҳисобида душманнинг яксон қилинган ўн олти танки, тўрт артиллерия-миномёт батареяси, тўртта ўзиюрар тўпи, битта «тигри», йигирма учта пулемёт-миномёт нуқтаси, 500 дан ортиқ фашист солдати ва офицери бор. Билмаган одам уруш пайтида қандай қилиб бундай даражада аниқ ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлди экан-а, деб шубҳаланиши мумкин.

Аслида бу ҳақиқат, артиллерия қисмларида 1942 йилдан бошлаб шундай ҳисоб-китоб йўлга қўйилган. Буни қаҳрамон тўп командирининг кўкрагини безаб турган ўн бешдан ортиқ орден ва медаллардан ҳам билса бўлади. Булар унга беҳудага берилмаган. Масалан, ҳар бир тўп расчёти учта танкни ёндирса медаль, тўртта танкни ёндирса орденга тавсия этиш тартиби бор эди.

Одатда Бўтабой ака танкни шикастлаш билан чегараланмасди. Унинг алангаси осмонга чиққунича ўқ узарди. Тажрибали тўпчи сифатида бошқалардан ҳам шундай қилишни талаб этарди. Шикастланган танкни ҳали яксон бўлган танк деб бўлмайди дерди у қўл остидагиларга. Агар уни шикастлаш билан кифоялансангиз, душман уни тезда таъмирлаб, яна жангга солиши мумкин. Шунинг учун танкни батамом ёқиб юбориш керак, — деб уқтирарди. Унинг қўл остидагилар командирлари айтганидай қилишга ҳаракат қилишарди. Тўрт йил давомида Бўтабой аканинг қўлида талай йигитлар наводчиклик қилишди. Унинг йўл-йўриқларига амал қилиб, душман танклари, ўт очиш нуқталарини яксон қилиш илмини ўрганишди. Кўпчилик сал вақтда бошқа батареяларга тўп командирлари этиб тайинланиб, ҳукуматнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Ботир шогирдларидан Петр Резник ва Григорий Воравага эса Қаҳрамон унвони берилди.

* * *

«Азизим Бўтабой, сен 13-армия ветеранларининг Москвадаги Измаилова комплексида бўлган учрашувига бормадинг. Мен сени келиб қоларсан, деб кутдим, — деб ёзарди Волгоградда яшайдиган уруш ветерани Гончаров. — Эҳтимол, сен мени эсламассан. Лекин сенинг қиёфанг менинг хотирамда бир умрга муҳрланиб қолган. Днепр бўйидаги оғир жанглар ёдингдами, ўшанда мен қўшни батареяда алоқачи эдим. Сен қандай жанг қилганингни кузатиб турганман, мардлигингга тан берганман.

Шунда сен тўрт пулемёт нуқтасини, олти танкни уриб яксон қилдинг. Расчётингдаги йигитларнинг бир қисми ўқ еб қулади. Сен эса тўп ёнидан жилмадинг. Устига одеял ёпиниб ҳужумга ўтган бир взвод немис солдатларини пулемёт билан қириб ташладинг. Пулемёт лентасида ўқ қолмаганда эса тўпга «картеч» ўқ солиб отдинг.

Душманлар ваҳимага тушиб ортларига тум-тарақай бўлиб қочишди. Биламан, буни сен ноиложликдан қилдинг. Атрофингда пиёдалар жуда оз қолишганди. «Картеч» ўқ одатда кавалерияга қарши, отларни ағдариш учун отиларди. Сен эса душманнинг пиёда қўшинларига қарши ишлатиб, қийин вазиятда топқирлик қилдинг.

Шунда мен сени ҳеч эсанкирамаганингни, душманни аниқ мўлжалга олиб, ўқ узишингни кўриб қойил қолганман.

Ветеранлар учрашувида сени кўп эсладик. Ҳамюртинг Сердюковдан оилавий ҳаётингни суриштирдик. Сенинг урушдан кейинги ҳаётинг ҳам қаҳрамонона меҳнат билан ўтибди. Ўн болани тарбиялаб, элга қўшибсан. Хотининг Қаҳрамон она бўлибди. Бу қандай ажойиб-а! Бир оилада икки қаҳрамон бўлса. Бўтабой, илтимос, сен менга хат ёз, сенинг бугунги ҳаётинг ҳақида ҳамма нарсани билишни истайман.

Биз қуролдошлар бир-биримизни бир умр йўқлаб, эслаб туришимиз керак».

Иван Алексеевич Гончаров ёзган воқеа 1943 йилнинг октябрида бўлганди. Шунда қўшинларимиз Днепрни кечиб ўтиш учун Лоевдан Запорожьегача бўлган 750 километрлик масофада 27 та плацдарм ҳосил қилишди.

Киевнинг шимоли-шарқидаги плацдармлардан бирини тутиб туриб, орқадаги қўшинларнинг дарёдан ўтиб олишини таъминлашда Бўтабой Содиқов расчёти катта жасорат кўрсатди.

Қўшинларимиз дарёнинг ўнг қирғоғида плацдарм ҳосил қилишга тайёргарлик кўришаётганда немис самолётлари дарёнинг сўл қирғоғига варақа ташлаб кетди. Унда шундай сўзлар ёзилганди: «Сизларни аввал Днепрда чўмилтириб, кейин қонга ботирамиз».

Оқшом полк командири Бутко Содиқовнинг олдига келди.

— Содиқов, сени полкимиздаги энг тажрибали тўп командири ҳисоблашимни биласан-а?

— Биламан, ўртоқ командир.

— Энг қийин пайтларда доимо сенга мурожаат қилишимни ҳам биласан-а?

— Буни ҳам биламан.

— Ундай бўлса, сенга яна бир муҳим топшириқ. Дарёнинг сўл қирғоғида разведкачиларимиз плацдарм ҳосил қилишди. Энди шуни тутиб қолиш ва кенгайтириш керак. Душман танклар билан ҳужум қилиши мумкин. Шунинг учун сенинг расчётинг тунда дарёдан бизнинг полкда биринчи бўлиб ўтади. Тайёргарликни кўриб қўй. Вазифа ғоят оғир ва масъулиятли, қўл остингдаги йигитлар билан гаплаш, юраги дов бермаганлари бормаслиги мумкин. Айбга буюриш йўқ.

— Хўп бўлади, ўртоқ командир.

Бўтабой қўл остидаги беш йигитнинг ҳаммаси билан бир-бир гаплашди. Уларнинг барчаси янги топшириқни бажаришга тайёр эканликларини изҳор қилишди.

Тунда душман дарёни ўққа тутишни кучайтиради. Осмонга дамба-дам ракета отилиб, дарёнинг қорайган юзаси кундузгидагидек ёришиб кетарди. Қимирлаган жон кўринса душман нишонга оларди. Шундай шароитда тўпни катерга солиб, бутун команда дарёдан ўтди.

Йигитларни қарши томондан ғизиллаб учиб келаётган ўқлардан тўпнинг корпуси асраётганди. Фақат соҳилга етай дейишганда катернинг тумшуғига снаряд келиб тушди. Катерга айқириб сув кира бошлади. Аммо шу пайт соҳилда турган разведкачилар эпчиллик қилиб, катернинг чўкишига йўл қўймай, қирғоққа тортиб олишди.

Кейин соҳилда бир ҳафта қаттиқ жанг бўлди. Расчётдаги олти кишининг уч нафари ҳалок бўлди, икки нафари яраланди. Айниқса жангнинг бешинчи ва олтинчи кунлари оғир бўлди. Душман янги-янги кучларни жангга киритиб, жангчиларимизни дарёга улоқтириб ташлашига оз қолди. Пиёдалар ўқ-дорилари тугаб қолганида найзабозлик жангига ҳам киришди. Соҳилга дастлаб ўтган жангчиларнинг асосий қисми қирилиб кетди.

Ана шунда Бўтабой ака тўпига «картеч» ўқ солиб отиб, ўнлаб фашистларни ер тишлатди. Резерв кучларимизнинг дарёдан муваффақиятли ўтиб олишига шароит яратди. Еттинчи куни бизникилар қарши ҳужумга ўтиб, душманни анча нарига улоқтириб ташлади.

Ўн еттинчи октябрда полк командири Содиқовнинг олдига келиб, Қаҳрамон унвонига тавсия этилганлиги билан табриклади. Фармон чиққан куни эса уни полк штабига чақиришди.

Полк командири уни яна бир бор табриклаб:

— Ота-онанг борми, Бўтабой? — деди.

— Йўқ, ўртоқ командир, етим ўсганман. Онам икки ёшимда — 1918 йилда, отам эса 1934 йилда вафот этган.

— Бўлмаса киминг бор?

— Синглим, хотиним, олти яшар ўғлим бор.

— Хотининг нима иш қилади?

— Колхозда ишлайди.

— Жуда яхши. Бўлмаса биз хотинингга хат ёзамиз. Уни сен қаҳрамон бўлганинг билан табриклаймиз. Шундай қилсак кўнгли кўтарилади, сенга меҳр-муҳаббати ортади, уруш даври қийинчиликларини эсламай, янада ғайрат билан ишлайди. Ҳамюртларинг, ёр-биродарларинг ҳам севинишади. Нима дейсан шу ишимизга?

— Ихтиёрингиз, ўртоқ командир.

— Сени-ку, Бўтабой, оиланг бор экан, улардан хат олсанг анча таскин топасан, — деди командир гапини давом эттириб. — Мени эса йўқлар одамим йўқ.

— Нима, уйланмаганмисиз?

Уйланганман, хотиним, қизим бор. Уруш бошланганда улар Киевда эдилар. Немислар Киевни босиб олишгач, улар билан алоқам узилиб қолди. Тақдирлари нима бўлганлиги ҳалигача менга номаълум.

— Ҳадемай, Киевни оламиз. Омон бўлсак, оилангизни бирга қидириб топамиз.

— Бўлди, келишдик, Бўтабой, сен айтгандай бўлади. Хотиним жуда меҳмондўст аёл.

1943 йил 6 ноябрь куни қўшинларимиз Украина пойтахтини озод қилишди. Эртаси куни Бутко Бўтабойни уйига бошлаб борди. Унинг кайфияти жуда зўр эди.

Жонажон шаҳрига эсон-омон кириб келганлигини, ҳадемай оиласи билан дийдор кўришажагини

ўйлаб жуда севинаётганди. Ёнидаги сержантни худди ўз тенгқуридай билиб урушгача бўлган Киев ҳақида тинмай гапириб борарди.

Ҳозирги Киев эса вайронага айланган, бефайз кўчалари деярли кимсасиз эди.

Бутко оиласи яшайдиган ҳудудга яқинлашганда бирдан хомуш тортиб қолди. Кейин бир вайрона яқинига борганда, ранги бўздай оқариб, бошини чангаллаганча, худди юрак хуружи тутган одамдай ўтириб қолди. Бўтабой ҳайрон бўлиб унинг қўлтиғидан тутди.

— Сизга нима бўлди, командир!

Унинг эса сўз айтишга ҳоли йўқ эди. Фақат анча вақтдан кейин:

— Уй вайрон бўлибди-ю, — деди ўзига-ўзи гапиргандай. Наҳотки, ҳалок бўлишган бўлсая? Наҳотки, мен энди уларни кўрмайман?! Уларсиз қандай яшайман?! Уч йил тушларимда уларнинг руҳи билан сўзлашиб юрган эканман-да!..

Бутконинг кўзлари жиқ-жиқ ёш эди. Шунда Бўтабой рўпарасидаги қаттиқ қўл ва жасур, жуда иродали инсон бўлиб туюлган командирида ҳам инсоний қалб борлигини, у ҳам миллионлаб кишилар бошига тушган даҳшатли урушнинг жабрдийдаларидан бири эканлигини ўйлади, унга раҳми келди.

— Ўзингизни тутинг, ўртоқ командир. Аввал нима бўлганлигини аниқлайлик.

— Бир маҳал яқин жойдаги шикастланмаган уйдан пақир кўтарган бир кампир чиқди. Кампир ҳарбийларни кўриб улар томон юрди.

— Алексей, бу сенмисан, чироғим? — деди кампир яқин келгач. — Ёруғ дунёда бор экансан-ку!

— Омонмисиз, Ксения Петровна!

Кампир Бутко билан қучоқлашиб кўришди, кўзларидан дув-дув ёш оқизиб йиғлади.

— Хотиним, қизим омонми?

Кампир бу ҳақда гапирма, дегандай бош силкиди. Чўнқайиб ўтирганча обдон тўйиб-тўйиб йиғлагач, қизарган кўз милкларини рўмолининг учи билан артиб деди:

— Қирқ биринчи йилдаги бомбардимон пайтида хотининг уйда эди. Ўшанда уйинг ҳам, хотининг ҳам тамом бўлган. Қизинг эса тирик. Холаси билан яшаяпти. Хайрият, сен омон экансан. Ёлғиз қизингни ўзинг катта қиласан. Хотинингни қўни-қўшнилар кўмишди.

— Қабри қаерда?

— Қайнэгачинг билади, — деди кампир энди ўзини анча тутиб. — Кўп ўкинма чироғим, сен эркаксан. Бу кулфат ҳозир ҳар бир оилада бор.

Улар кампир билан хайрлашиб, Бутконинг қўшни районда яшайдиган қайнэгачисиникига боришди. Бу ерда қизини кўргач, полк командири бир оз таскин топди. Кейин ҳаммалари бирга марҳумнинг қабрини зиёрат қилгани қабристонга бордилар.

1978 йилда Курск ёнидаги жангнинг 35 йиллиги муносабати билан 13-армия ветеранларининг Москвада бўлган учрашувида Бўтабой ака собиқ полк командири, Қаҳрамон А.А.Бутко билан дийдор кўришди. Улар икки кун бирга бўлиб, ўтмиш хотираларини эслашди.

— Бўтабой, 1943 йилдаги қизимни эслайсанми? — деди Бутко.

— Жуда яхши эслайман.

— Ҳозир ўша қизим уч нафар фарзанднинг онаси, композитор, Киев Давлат консерваториясида дарс беради. Мен эса невараларимнинг севимли бобосиман.

— Яхши.

— Сенда нечта фарзанд бор?

— Меники кўп. Невара-чевараларим билан қўшиб ҳисоблаганда ўттиз бештага боради.

— Қойил, азамат! Буёғи ҳам гвардиячисига бўлибди.

— Урушдан кейин нима иш билан шуғулландинг?

— Яна ҳисобчилик қилдим. Анча йил қишлоқ кенгашига раис бўлдим.

— Халқнинг турмуши қалай?

— Рисоладагидек. Сайрамда урушгача бўлган тупроқ томли уйлар, тупроқ кўчалардан асар ҳам қолмаган. Одамлар замонавий уйлар қуриб олишган. Барча хонадонларга электр нури, табиий газ, водопровод кириб борган. Хуллас, ким астойдил меҳнат қилса, нони бутун. Хўжалигимизнинг раиси ҳам уруш иштирокчиси бўлган табаррук инсон. Кексаларнинг, уруш иштирокчиларининг иззатини жойига қўяди.

— Ҳақиқий инсон эканда! Рафиқанг соғ-саломатми?

— Соғ-саломат. У сизга кўпдан-кўп салом йўллади, биз томонларга меҳмон бўлиб келсинлар, деб тайинлади. У сиз ёзган хатни ҳамон кўз қорачиғидай асрайди.

* * *

Уруш йиллари Сайрамдаги собиқ «Қизил Октябр» хўжалигига ҳам мамлакатнинг душман вақтинча босиб олган шаҳар ва қишлоқларидан эвакуация қилинган талайгина оилалар кўчиб келишганди.

Шулардан бири Зулфия опага қўшни бўлиб яшарди. Полк командиридан хат келганида Зулфия опа рус тилини билмаганлиги учун, уни қўшнисига олиб чиқди.

Украин аёл хатга тез кўз югуртириб, кўзи косасидан чиқиб кетай деди.

— Зулфия, эринг қаҳрамон бўлибди-ю!

— Қандай қаҳрамон?

— Совет Иттифоқи Қаҳрамони!

— Вой, ростдан-а?!

— Хатни эрингнинг командири ёзибди. Эринг қаҳрамон бўлганлиги билан сени, барча ҳамқишлоқларингни табриклабди.

— Минг раҳмат унга!

— Юр, бу хабарни қишлоқ Советига етказамиз. Ахир Сайрамдан биринчи қаҳрамон чиқиши кичкина гап эмаса!

Улар қишлоқ Советига йўл олишди. Шундай қилиб, Бўтабой Содиқов Қаҳрамон бўлганлиги ҳақидаги хабар зум ўтмай бутун районга ёйилди.

— Ҳой биродар, эшитдингми, Бўтабой қаҳрамон бўлибди!

— Қайси Бўтабой?

— МТСда ҳисобчи бўлиб ишлаган Бўтабой-да.

— Вой, ўша сариқ болая? Вой азамат-ей, вой барака топгур-ей!

Ўша кезларда Сайрам кўчаларида бундай гап-сўзларни кўп эшитиш мумкин эди. Бутун қишлоқ аҳли уйга келиб, Зулфия опани муборакбод қилишди, фронтдан келган хатни қўлма-қўл қилиб ўқишди. Одамларнинг ҳаяжонланганича ҳам бор эди. Сайрамдан мингдан ортиқ ўзбек йигити фронтга кетганди. Шулардан ярмидан ортиғи қайтиб келмади. Иккиси Қаҳрамон бўлди. Шулардан бири ва «қалдирғочи» Бўтабой Содиқовдир.

Бириси куни райондан катталар келишди. Хўжалик клубида катта митинг бўлди. Зулфия опани президиумга ўтқазиб қўйишди. Бу пайтда буғдой ўрими авжида эди. Митингда сўзлаганлар қаҳрамон ҳамюртларининг жасоратидан руҳланиб, давлатга қўшимча 732 пуд ғалла етказиб бериш мажбуриятини олишди. Бу ҳақда хўжалик маъмурияти 13-армиядаги 167-артиллерия полки штабига хат ёзишди. Мазкур хат 1-Украина фронтида ўзбек тилида чиқадиган «Ватан шарафи учун» газетасида босилиб чиқди.

Ўша кезларда Ўзбекистондаги «Н» заводининг стахановчи қизлари Муҳайёхон Одилова ва Маъсудахон Икромова Биринчи Украина фронтидаги ўзбек жангчилари, сержантлари ва офицерларига мактуб ёзишганди.

Ўз навбатида Биринчи Украина фронтидаги ўзбек жангчилари бу қизларга ва Ўзбекистоннинг барча қизларига жавоб мактуби ёзишди. Икки минг нафар жангчи имзо чеккан бу мактуб ҳам «Ватан шарафи учун» фронт газетасида босилиб чиқди. Бўтабой ака бу газета нусхасини оловли йиллардан ноёб эсдалик сифатида ҳамон асрамоқда. Унда қуйидаги сатрлар бор:

«Меҳрибон сингилларим Муҳайёхон ва Маъсудахон!

— Биз — Биринчи Украина фронтидаги ўзбек жангчилари ўзимизнинг «Ватан шарафи учун» фронт газетамиз саҳифасида сизнинг уруш қатнашчилари бўлган ўзбек жангчиларига йўллаган мактубингизни ўқиб чиқдик ҳамда Сизга жавоб хати ёзишга қарор қилдик. Сиз ва сизга ўхшаган юзлаб қизлар, ёвуз душманни Ватанимизнинг муқаддас тупроғидан тезроқ ҳайдаб чиқаришда бизларга кўмак бериш учун ихтиёрий равишда мудофаа корхоналарига кириб ишламоқдасиз. Сиз ўз зиммангиздаги бурчингизни шараф билан адо этиб, янги ҳунарлар ўрганиб, бизларга ажойиб қурол-аслаҳалар етказиб бермоқдасиз. Жонажон сингилларимиз, биз — ўзбек жангчилари сизлар билан беҳад фахрланамиз ва Ватан саодати учун олиб борилаётган жангларнинг ғалаба билан тугашига ёрдам бераётганингиз учун ташаккур билдирамиз.

Севикли сингилларимиз, азиз қизлар! Сизларнинг қалбларингиздан жой олган йигитлар, сизларнинг пок муҳаббатингизни оқлаётган зафар арслонлари Волга, Дон, Десна, Днепр, Припять, Жанубий Буг ва Днестр

соҳилларини гитлерчи газандалардан халос қилиб, душманлар асоратида оҳ чекаётган қардошларимизни абадий озод қилиш учун олға қараб бормоқдалар.

Бизлар янгидан-янги шаҳарлар ва қишлоқларни озод қилиб, қанча нарига кетсамиз, ғалабага ва сизларнинг висолингизга шунча тез эришамиз. Зотан ғалаба халқларнинг катта тантана байрами ва ширин висол дақиқаларидир. Шунинг учун ҳам бизларнинг мардлигимиз, тоғдай саботимиз ва қаҳрғазабимиз оташи маълун ёвни ер билан яксон қилиб юбормоқда.

Севикли қизлар! Бизлар ўзимизнинг жангу-жадалимиз ҳақида сизларга икки оғиз нақл айтмоқчимиз. Пахтакор районилик Қаҳрамон Қудрат Суюнов Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини юрагига жо қилиб, арслондай олға борди ва ўз пулемётининг оташи билан юзлаб фашист солдат ва офицерларни қириб ташлади. Қаҳрамон Бўтабой Содиқов ўз замбарагидан ўт очиб, гитлерчиларнинг 15 та танкини чилпарчин қилиб юборди, ўнлаб немис дотлари, дзотлари ва юзлаб фашист солдатлари ҳамда офицерларини ер тишлатди.

Ўзбекистоннинг шонли қизлари! Бизлар ўзбек халқига ва сизларга қасамёд қилиб айтамизки, Ватанимизнинг муқаддас тупроғида битта ҳам босқинчи қолмагунча қаттиқ жанг қиламиз.

Бизлар ҳар қадамда сизларнинг ёрдам ва мададингизни, ғамхўрлигингизни сезиб турибмиз. Фронтни қурол-аслаҳа, пахта ва ипак билан яна ҳам кўпроқ таъмин этингиз. Ўлкамизнинг гуллари бўлган жигаргўшаларимиз! Ўзларингизнинг жанговар ишларингиз ва ҳаётингиз ҳақида тез-тез хат ёзиб туринг из».

* * *

Бўтабойнинг болалик йилларида Сайрамнинг кўҳна тирихини биладиган мўйсафидлар кўп бўлар-

ди. Уларнинг ҳикоя қилишича, қадимда Сайрам қалъа бўлиб, унинг тўрт қопқаси (дарвозаси) бўларкан. Бу дарвозалар ҳар куни эрталаб очиларкан-да, кечқурун ёпиларкан. Оқшом улов минган хабарчи шаҳар атрофини айланиб, дарвозалар ёпиладиган вақт бўлганлигини бақириб маълум қилиб, далаларда меҳнат қилаётган деҳқонларни, отарларини яйловларга ёйган чўпонларни огоҳлантирар экан. Шундан кейин ҳамма қалъага киришга шошаркан, улгурмаганлар ташқарида қолиб кетишаркан. Шаҳар ҳокимлари ёв босиб келишидан қўрққанлари учун шундай қаттиқ тартиб ўрнатишган экан.

Шу ҳикоялар таъсирида бўлса керак, ҳали ҳеч бир жойни кўриб улгурмаган Бўтабой Ватан сўзининг маъноси ҳақида ўйлаганда, кўз ўнгида жонажон Сайрам гавдаланаверарди. Назарида бутун дунё Сайрамдан иборатдай эди. Фақат униб-ўсиб, фронтнинг оғир ва олис йўлларини босиб ўтгач, Ватан тушунчасининг маъноси жуда кенг эканлигини англади.

...Ғолиб жангчилар тушган поезд 1945 йилнинг 28 майида Москвага етиб келди. Биринчи Украина фронтининг терма полки казармага жойлашди. Кейин шаҳар яқинидаги аэродромлардан бирида бир ой парадга тайёргарлик кўрилди. Парад арафасида икки марта репетиция бўлди. Охиргиси 23 июнь куни кечқурун бўлди.

Эртаси куни саҳарда жангчилар янги парад формасини кийиб яна майдонга йўл олишди. Соат роппа-роса ўнда Кремль дарвозаси томондан оқ тулпорни миниб чиққан Олий Бош қўмондон ўринбосари, маршал Г.К. Жуков кўринди. Парад қўмондони К.К. Рокоссовский унга рапорт бергач, маршал сафларни айланиб, жангчилар билан саломлашди. Мавзолей минбарига кўтарилиб, нутқ сўзлади. Сўнгра узоқ кутилган ҳарбий парад бошланди.

Ёмғир севалаб уриб турарди. Худди шу тантанали дақиқада ҳаво ҳам мана шу қутлуғ кунга етиб келолмаган миллионлаб уруш қурбонларига мотам тутаётгандай эди. Аммо бу парад қатнашчиларининг кўтаринки руҳига таъсир қилмади. Уларнинг ҳаммаси Ғалаба байрамида қатнашаётганликларидан беҳад шод эдилар.

Тантанада ҳар бир фронт ўз терма полки билан қатнашди. Бу полкларнинг ҳар бирида мингдан ортиқ жангчи бор эди.

Биринчи Украина фронти терма полкининг олдида фронт байроғини донғи кетган учувчи, уч марта Қаҳрамон А.И. Покришкин кўтариб борди. Бўтабой Содиқов учинчи ёки тўртинчи қаторда борди. У майдондан гурсиллатиб қадам ташлаб ўтиб бораётганда халқ қўлга киритган буюк Ғалабада ҳиссаси борлигидан, шу юртга муносиб фарзанд бўла олганлигидан ғоят фахрланди. У ўша пайтдаги бу кечинмаларини ҳамон унутгани йўқ.

Ғалаба парадидан сўнг икки кун ўтгач жангчилар яна ўз қисмларига қайтиб кетишди. Жонажон полкларига бориб, Москвада бўлишдан, Ғалаба парадида иштирок этишдан олган таассуротларини гапириб беришди.

Урушнинг ғалаба билан тугаганига 45 йил бўлди. Бўтабой аканинг туғилиб ўсган Сайрам қишлоғига қайтиб, тинч яратувчилик меҳнати билан шуғулланаётганига ҳам кўп йиллар бўлди.

Одатда ҳар бир инсон ҳаётининг муҳим, унутилмас даврлари бўлади. Бўтабой ака учун шундай давр фронт йилларидир. У ўтган уруш воқеаларини ҳам, бир блиндажда ётиб бирга дарё кечиб, оловли йўллардан ўтиб жанг қилган қуролдош дўстларини ҳам бир умрга унутмайди. Дўстларини мунтазам йўқлаб, хат-хабар ёзиб туради. Дўстлари ҳам уни унутишгани йўқ.

Ғолиб тўпчининг жасорати бутун эл-юрт хотирасида. Днепрнинг шимолий-шарқида Днепр учун бўлган жанг қаҳрамонлари учун ўрнатилган обидага Бўтабой Содиқовнинг ҳам номи ёзилган. Львовдаги Закарпат ҳарбий округи музейига эса унинг тўпи қўйилган.

Бу ҳақда ҳозир Сайрамдан бориб, ўша ерларда йигитлик бурчини ўтаётган ёшлар фахрланиб ёзишади. Ватанга қаҳрамон юртдошларидай хизмат қилишга ваъда беришади.

1990 й.

ЕТТИНЧИ ЎҒИЛ

Ўшанда 67-армия Чуд кўлининг ғарби-шимолий қисмида мудофаада турарди. Душман мудофаасининг муҳим таянч пункти бўлган Тарту шаҳри ҳали озод этилмаганди. Айрим кунлари бўлиб турган разведка жангларини ҳисобга олмаганда, фронт линиясини тинч дейиш мумкин. Қўшинларимиз ҳам, душман ҳам навбатдаги катта «раунд» олдидан «нафасини» ростлаётганди.

Ана шундай вазиятда 3-Болтиқбўйи фронти қўмондони генерал-полковник И.И. Масленников 313-десант полкининг командири, гвардиячи подполковник А. Шилинни ва сиёсий ўринбосар, гвардиячи майор Т.Шариповни ўз ҳузурига чақирди.

— 67-армия 24 август куни тонготарда Тарту шаҳри учун ҳал қилувчи жангни бошлайди, — деди генерал. — Фронт қўмондонлиги ҳужумнинг муваффақиятли чиқишини таъминлаш, фашистлар ўртасида ваҳима туғдириш мақсадида 313-десант полкини душман орқасига ташлашга қарор қилди...

23 август ярим кечаси ҳар бири қирқ килограммдан юк орқалаган 1500 десантчи парашютда душман орқасига ташланди. Деярли ҳамма ерга эсон-омон тушиб, белгиланган жойга тўпланди.

Эртаси куни тунда полк ўзи учун қулай жой топиб, пистирма қурди ва жангга тайёр эканлигини рация орқали Катта ерга маълум қилди.

24 август куни тонготарда еру кўкни ларзага солган ва бутун оламни ютиб юборай деган даҳшатли

гумбур-гумбур бошланди. Душманнинг мудофаа марказига жаладай ёғила бошлаган снарядларнинг портлаши қулоқни қоматга келтирди. Ёниб учувчи ўқларнинг нурида уфқ ёришиб кетди. Олисдаги уйлар, дарахтзорлардан аланга кўтарила бошлади.

Артиллерия ҳужуми натижасида титиғи чиққан душман ҳадемай, бетартиб равишда чекина бошлади ва баногоҳ, орқада ҳам кучли зарбага дуч келди.

Десантчилар Тартуга асосий қўшинларимиздан анча аввал кириб бордилар. Аҳолисининг кўпчилик қисми атрофдаги қишлоқларга, ўрмонларга тарқалиб кетган шаҳарда одам сийрак эди. Фақат онда-сонда гина ярим хароба уйлардан ориқлаб кетган, ранглари заъфарон аёллар, кампирлар, чоллар чиқиб қолишарди. Улар аскарларни таниб:

— Бизникилар! Бизникилар! — деганча югуришар, ҳаллослаганича келиб, жангчиларнинг бўйинларига осилиб йиғлашарди.

Полк шаҳарга кирган заҳоти майор Шарипов ярадорларни жойлаштириш мақсадида бир тўда жангчилар билан дурустроқ уй қидира бошлади. Улар кўчалардан бирида боришаётганда, ёғочдан қурилган уйнинг деворига михланган эркакнинг, том бўғотига сиртмоқ тортиб осилган аёлнинг ўлигини кўриб қолишди. Уйнинг остонасида эса, ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги бола йиғлаб ўтирарди. Азбаройи кўп йиғлаганидан қовоқлари шишиб, юзи хум бўлиб кетганди.

Фашистлар бир парча қоғозга немисчалаб: «Ди штрафе фюр ди коммунистен!» деб ёзиб, уни эркакнинг кўкрагига қоқилган катта михга осиб қўйишибди. Эркак худди кўзлари билан кўкрагидаги ёзувни ўқимоқчи бўлгандай, бошини қуйи эгганча ўлиб ётарди. Жангчиларнинг кўпчилиги немис тилини тушунмасалар ҳам қоғозга нима ёзилганлигини дарҳол фаҳмлашди. Бу «Коммунистнинг жазоси мана шу!» дега-

ни эди. Солдатлар фашистларни сўка-сўка иккала мурдани ҳам ерга олишди.

Майор Шарипов болани бағрига босиб, бошини силади, кўз ёшларини рўмолчаси билан артди. Ундан фашистлар ота-онасини қачон ўлдирганликларини, уларни фашистларга ким тутиб берганлигини сўраб билмоқчи бўлди. Лекин Саша (боланинг исми шундай эди) рус тилини билмасди. Унинг йиғи аралаш эстончасига айтган сўзларини жангчилар ҳам тушунишмади. Бўлган воқеани бир оздан кейин шу атрофда яшовчи кишилар гапириб беришди.

Қатл этилганлар эр-хотин Павел ва Елена Колгалар эди. Павел Колга урушга қадар район ижроия комитетида кадрлар бўлимига бошлиқ бўлиб ишлаган, хотини эса мактаб ўқитувчиси экан. Уруш бошланиб кетиб, душман бутун Эстонияни ишғол қилганидан кейин ҳам, улар Тартуда қолиб, шу ерда душманга қарши яширин кураш олиб борибдилар.

Эр-хотинни аламзада душманга бундан икки кунгина бурун шу ерлик бир хоин — Эстония 1940 йилда Иттифоқ таркибига қўшилмасдан аввал Тартудаги тўртта пиво заводидан бирининг эгаси бўлган киши тутиб берганди. Эстония Иттифоқ таркибига қўшилганида унинг заводини, мол-мулкини мусодара қилиб, давлат ихтиёрига ўтказишда П. Колга ҳам иштирок этганлиги учун бу хоин ундан ўч олиш учун пайт пойлаб юрган ва ниятини амалга оширган экан.

Одамлар хоиннинг ҳозир қаердалигини ҳам айтиб беришди. Етти-саккиз жангчи ўша заҳоти Шариповнинг кўрсатмаси билан хоин яшириниб ётган жойга бориб, уни ушлаб, қўлини орқасига боғлаб, шаҳар майдонига олиб келишди. Кундузи соат ўн иккига яқин бу ерда қисқагина митинг бўлди.

— Тарту шаҳрининг қадрли меҳнаткашлари! — деди сиёсий ўринбосар Шарипов майдонда тўпланган икки мингтача келадиган халққа мурожаат қилиб.

— Ватанимиз озодлиги йўлида бераётган кўплаб қурбонларимиз, халқимиз чекаётган беқиёс азоб-уқубатлари бекорга кетмаяпти. Армиямиз немис-фашист босқинчиларини мамлакатимиздан қувиб чиқаришни давом эттириб, мана бугун Тарту шаҳрини ҳам душмандан тозалади. Энди сизнинг тинч, осойишта ҳаётингизга ҳеч ким халақит бермайди.

Майдонда қарсаклар янгради, аёллар яноқларига думалаган кўз ёшларини рўмолларининг учи билан артишди.

Майдонга жимлик чўккач, майор Шарипов ўзига тикилиб турган юзлаб одамларга боягидан ҳам баландроқ товуш билан яна мурожаат қилди:

— Биродарлар! Ҳозир олдимизда ҳамшаҳарларингизнинг умрига завол бўлган, эр-хотин Павел ва Елена Колгаларни ваҳшийларча қатл қилдирган хоин турибди, — деди у десантчилар ёнида ранги гезариб турган давангирдай одамни кўрсатиб. — Унга қандай жазони муносиб кўрасиз?

— Отилсин! Отилсин, иблис! — майдондаги кекса-ю ёш бирдан ғала-ғовур кўтарди.

Майор Шарипов шу заҳотиёқ тўппончасини қинидан чиқариб, хоинга қарата уч марта ўқ узди. У молдай бўкириб ерга қуларди. Шунда майорнинг ёнида турган кичкина Саша югуриб ўртага чиқиб, ерда тўлғониб жон бераётган хоинни уч-тўрт марта тепди. Бир оз вақт ўтгач, шаҳарга қўшинларимизнинг асосий қисмлари ҳам кириб келишди. Аскарлар ҳамда шаҳар аҳолиси фашистлар қўлида қурбон бўлган икки ватанпарварни иззат билан дафн этдилар. Эр-хотиннинг қўш қабри устига ўрнатилган қалин тунука тахтачага қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилди:

«Бу ерда эстон халқининг асл фарзандлари, ватанпарварлар Павел Колга ва Елена Колга ётибди. Ватанимиз озодлиги йўлида ҳалок бўлган бу ўртоқларимизга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Дафн этиш комиссиясининг раиси, майор Шарипов, тошкентлик».

Шундан кейин қўшинларимиз ғарбга томон юришни яна давом эттирдилар. Ҳам отадан, ҳам онадан айрилган Саша эса 313-десант полкига ўғил бўлиб қолди. У тезда кўпчиликка танилди. Урушнинг жабру-жафосини чеккан етимни жангчилар суюшарди, бўш вақтларида у билан сўзлашишга, уни хурсанд қилишга ҳаракат қилардилар. Саша эса ҳаммадан ҳам майор Шариповни ёқтирарди. У Шариповдан деярли айрилмас, ҳамиша унга эргашиб юрарди.

Орадан бир ойча ўтгач, Шарипов жангда оғир ярадор бўлди, кейин уни Москвадаги госпиталга юборишди.

Саша шундан кейин ҳам анча вақт полкда юрди. Фақат қўшинларимиз мамлакатимиз чегараларига чиққанидан кейингина, уни Москвадаги суворовчилар мактабига ўқишга юбордилар. Ўша ерда ўрта маълумотли бўлди, кейин Тартуга келиб милицияда ишлай бошлади. Свердловскдаги олий милиция мактабини тамомлагандан сўнг эса, Тарту шаҳар милицияси Давлат автомобиль инспекциясига бошлиқ этиб тайинланди.

Александр эсини танибдики, ҳар йили Ғалаба кунида ота-онасининг қабрини зиёрат қилишни канда қилмасди. Болаликнинг аччиқ хотиралари юрагида ўчмас из қолдирганди. Қабр устидаги қор, ёмғир суви занглатган тунука тахтачадаги ёзувни ўқиганида эса, ўша аламли кечмишлари кўз ўнгидан бир-бир ўтарди.

У полкдаги энг ҳурматли киши бўлган ўзбекистонлик ўша вазмин майор ярадор бўлган кунни ҳам жуда яхши эсларди. Ўшанда майорни жала қуйиб турганида полкнинг санитария қисмига ҳушсиз ҳолида олиб келишганди. Унинг ёмғир суви ва қондан ша-

лаббо бўлиб кетган кийимини ечиб, ярасига дори-дармон қўйишди, кейин каравотга ётқизишди.

Шарипов орадан тўрт-беш соатлар чамаси вақт ўтгандан сўнггина ўзига келиб, кўзини очди ва сув сўради. Ҳамшира қиз дарҳол кружкада сув келтирди. Шарипов сувдан икки-уч қултум ютиб, «бас» дегандай юзини ўнг томонга хиёл ўгирди ва шу пайтда каравот ёнида кўзларини жовдиратиб ҳайрон бўлиб турган Сашага ич-ичига тушиб кетган мажолсиз кўзлари билан анча термулди. Кейин яна киприкларини юмди.

Александр ўзбекистонлик Шарипов ҳақида ўйлаганида, кўпинча унинг мана шу ҳолатини кўз олдига келтирарди.

Ўшанда у нималарни ўйладийкин? — дерди у ўзига-ўзи, — балки у кичкина Сашанинг ҳаётини ўйлагандир. Тақдирнинг бебош шамоли энди сени қаерларга учириб кетаркин, ўғилчам? — дегандир. Ёки қуюнида катта-ю кичикни бирдай ўйнаётган урушни, олис Ўзбекистондаги жигаргўшаларини ўйлагандир.

Эртаси куни майорни госпиталга жўнатишди. Шундан кейин Саша уни қайтиб кўрмади.

— У ўшанда тузалиб кетдимикан, ҳозир ҳаётмикан-а? — деди Александр бир куни рафиқаси, Тарту шаҳар партия комитетининг секретари Надежда Дмитриевна билан қабристондан қайтаётиб.

— Ажабмаски, у тузалиб кетган бўлса. Изласак, ёмон бўлмасди.

— Тирик бўлса бошимга кўтарардим, унинг олдида бир умр қарздорман.

— Омон бўлса, сенинг бахтинг, ҳалок бўлган бўлса бола-чақаси қолгандир. Топа олсак ўшалар билан танишардик.

Шундай қилиб Александр Колга Шариповни излашга киришди. Орадан унча кўп вақт ўтмасдан унинг

ҳаётлигини, истеъфодалигини, ҳозир Тошкент область Калинин туманидаги Кўктерак қишлоғида яшаб, Келесдаги жунни қайта ишлаш фабрикасида директор муовини ва қоровуллик хизмати бошлиғи бўлиб ишлаётганлигини аниқлади...

* * *

Турдиали Шарипов Попнинг Ғурумсой қишлоғида батрак оиласида туғилган, у беш ёшга тўлганда ота-онаси замоннинг зайли билан Кўктеракка келиб қолишган.

Турдиали шу қишлоқда 1923 йилда очилган янги мактабда саводини чиқарди. 1926 йилда аскарликка ёзилиб, Самарқанддаги ўзбек отлиқ аскарлар полкида хизмат қилди, шу полк қошидаги командирлар курсини битирди.

1929 йилда ҳарбий хизматдан бўшагач, дастлаб Тошкентдаги ишчилар факультетида, сўнг Москвадаги чекистлар мактабида ўқиди. Шундан кейин то урушга қадар республикасининг ички ишлар органларида ишлади.

Уруш бошланиб кетгач, эски унвони бўйича батальон комиссари бўлган Т.Шарипов фронтга жўнади ва уруш ғалаба билан тугагандан кейин ҳам, то кексайгунга қадар армияда хизматни давом эттирди. Унинг олти ўғли, икки қизи бор.

Шариповнинг тирик эканлиги ҳақидаги хушхабар эр-хотин Колгаларни жуда қувонтириб юборди. Улар дарҳол Шариповга хат йўллаб, уни Эстонияга таклиф қилишди.

* * *

1969 йил 24 август куни Таллин аэропорти одатдагидан гавжум эди. Шу куни бу ерга Эстониянинг олий ўқув юртлари шаҳри бўлган Тарту немис-фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 25 йил-

лигини байрам қилишда қатнашишга келаётган меҳмонларни кутиб олиш учун жуда кўп кишилар тўпланишганди.

...Навбатдаги йўловчи самолёти ерга қўниб, аэропорт биноси ёнига оҳиста юриб бориб тўхтади. Самолётнинг эшиги очилганда, ундан биринчи бўлиб ўрта бўйли, буғдойранг, кенг юзли, ҳарбий форма кийган, кўкрагига шода-шода орден ва медаллар таққан киши тушиб кела бошлади. Бу ўша — Эстонияни озод этиш учун жанг қилган 313-десант полки командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, гвардиячи майор Турдиали Шарипов эди.

Турдиали Шарипов эстон ерига дастлабки қадамини қўйганида, уни биринчи бўлиб Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А.А.Мюрисеп бағрига босди. Кейин у билан Александр Колга ва Надежда Дмитриевна қучоқлашиб кўришдилар.

25 август куни байрам либосини кийган Тартунинг марказий майдонида шаҳар немис-фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг йигирма беш йиллигига бағишланган катта митинг бўлди. Яна ўша жанговар йиллар, воқеалар эсга олинди. Бошқалар қатори Т.Шарипов ҳам Тарту учун бўлган жанг хотираларини гапириб берди.

Александр Колгага ҳам сўз беришди. У ўзини йиғидан зўрға босиб, одамларга болалигидаги фожиасини гапириб берди ва бутун халқ олдида Т.Шариповни яна қучоқлаб ўпаркан, республика Олий Совети Президиуми Раисига мурожаат қилиб, шундай деди:

— Ҳурматли раис, жонажон Эстонлимиз учун қон тўккан, болалигимда менинг етим бошимни силаган, ота-онамнинг қотилидан мен учун ўч олган бу киши аллақачон менинг ҳақиқий отам бўлиб қолганди. Мен бу кишини отам дейман ва сиздан менинг ҳамда рафиқамнинг фамилиясини шу киши-

нинг фамилиясига ўтказишимизда ёрдам беришингизни сўрайман.

Митингга тўпланган минг-минглаб кишилар Александр Колганинг бу сўзларини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Бу сўзлар салкам етмиш йиллик умрининг ярмини ҳарбий хизматда ўтказган, ватан озодлигини деб ўзини ажалнинг юз гирдобига урган мўйсафид ўзбекни ҳам беҳад қувонтириб юборди.

Александр Колганинг илтимоси тез кунда бажо келтирилди. Турдиали ака эстон ўғлиникида бир ой меҳмон бўлди. Ота-ўғил ва келин Эстонияни айланишди.

Кейинги йили кузда Александр Шарипов рафиқаси Надежда Шарипова билан Ўзбекистонга — оталариникига меҳмон бўлиб келишди. Меҳнат таътилларини шу ерда ўтказиб, азиз оталарининг меҳрига қонишди.

1972 й.

УЧ ТАНКЧИ

Қўйлиққа бориб, Тошкент шаҳар ҳалқа йўлидан ўнгга юрилса, олти-етти чақиримчадан кейин Қўшқўрғон қишлоғи келади. Ҳозир бу қишлоқ Тошкент шаҳри билан вилояти туташган жой саналади. Бир томонга қарасангиз, кенг майдонларда чойшабдай оппоқ плёнкалар остида турли экинлар барқ уриб ўсиб ётибди. Иккинчи томонда эса бинокорлар минорали кранларни тинмай ишлатиб, «Қўйлиқ-6« микрорайонининг янги кўп қаватли биноларини бунёд этишяпти. Бу ерда кун бўйи иш тўхтамайди. Яқинда қишлоқдаги 27-ўрта мактаб жамоаси ҳам «уй тўйи» ўтказди — микрорайонда қурилган янги типовой бинога кўчиб ўтди. Убай Маҳмудов номи билан аталган бу мактабнинг эски биноси қишлоққа кириб бораверишда ўнг томонда. Унинг гулзорга айлантирилган ҳовлисида Убай Маҳмудовга бюст ўрнатилган. Бу бюст илгари мактабга кираверишда бўларди. Йиллар ўтиши билан йўл кенгайди, кўтарилди. Бюст кўримсизроқ бўлиб қолди.

Шундан кейин уни мактабнинг ҳовлисига кўчиришди. Бу воқеа бундан саккиз йил аввал бўлганди. Ўшанда бюст яна тантанали суратда очилди. Нутқлар сўзланди, болалар шеърлар айтишди, бюст супачаси гулларга тўлиб кетди. Убай Маҳмудовнинг порлоқ хотираси кўпчилик кўз ўнгида қайтадан жонлангандай бўлди.

Хўш, Убай Маҳмудов ким? Нима учун мактаб унинг номи билан аталган?

Мен бола кезларимда Қўшқўрғонда кўп бўлганман. Убай Маҳмудовнинг фронтдан танкчи бўлганлигини, қайси бир қишлоқ учун бўлган жангда жасорат кўрсатганлигини эшитганман. Лекин у пайтда бу одамнинг тақдири билан синчиклаб қизиқиш ҳаёлимга келмаган.

Бир тасодиф билан бунга қизиқиб қолдим. Бир кун 1965 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Фронтдан хатлар» китоби қўлимга тушиб қолди. Ундаги бир мактуб эътиборимни тортди. Уни Убай Маҳмудов жанг қилган қўшилма қоманлирининг сиё-

бирлигини янада мустаҳкамлади, унинг бу ишлари кишиларимизни фашист золимларидан қасос олиш руҳида тарбиялайди. Ишлаб чиқарилган даҳшатли танкнинг ҳайдовчиси механиги ўртоқ Маҳмудов ўз танкини моҳирлик билан жанг майдонига олиб борди, фашист газандаларни омон бермай қирди.

У, бир жангда ўз танки билан 30 фашистни мажақлаб ташлади ва душманнинг танкка қарши икки тўпини йўқ қилди. Бу тўқнашувда ўртоқ Маҳмудов танкининг ёрдамчи икки ғилдираги шикастланди, душманнинг ўқи танк зирхининг бир неча еридан тешиб ўтди. Танк тўхтаб қолди. Ўртоқ Маҳмудов ўз танкини ташлаб кетмади. У, танкини таъмирлаш учун душманнинг қаттиқ ўқи остидаги жанг майдонидан олиб чиқди. Фашист босқинчиларига бўлган ғазаб унинг ғайратига ғайрат қўшди. Бошқа бир танкда жанг майдонига бориш учун қўмондонликдан рухсат сўради. Унга рухсат бердилар.

Ўртоқ Маҳмудов танк ғилдираклари билан душманнинг икки дзотини яксон қилди, кўп гитлерчиларни ўлдирди. Шундан кейин душманнинг термит снаряди тегиб, танки шикастланди. Ўртоқ Маҳмудов ярадор бўлди. Шонли танкчи оғриққа чидаб, ёниб турган танкни жанг майдонидан олиб чиқмоқчи бўлди. Шу вақтда душман тўпининг иккинчи снаряди ўртоқ Маҳмудов танки устига келиб тушиб уни ҳалок қилди. Ватан олдида қилган жанговар хизматлари учун ҳукуматимиз ўртоқ Маҳмудовни Улуғ Ватан уруши ордени билан мукофотлади. Фашист аблаҳлар Ўзбекистон қаҳрамонининг қони учун ғоят кўп хун тўладилар. Юртимизни фашист ёввойилардан озод қилишга ўз жонини фидо қилган жасур танкчининг қаҳрамонлиги жангчиларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Ўртоқ Маҳмудовнинг қаҳрамонона ишлари шундан кейинги жангларда танкчиларимизни фашист

йиртқичларга қарши раҳмсиз кураш олиб боришга илҳомлантирди...

Ўзбек халқи ўртоқ Убай Маҳмудовнинг жанговар зафарларини билмоғи керак. Ўзбекистоннинг муносиб ўғли ўртоқ Маҳмудовнинг қаҳрамонона ишлари, меҳнат фронтида бошқаларга намуна бўлиб хизмат қилсин.

Немис золимларига қарши курашда мамлакатимиздаги қардош халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлайлик».

Қўшилма командирининг сиёсий қисм бўйича ўринбосари, подполковник Ф. ЦЕЛУЙКО

1943 йил 18 май»

Бу сатрларни ўқидиму, эртаси куниёқ Қўшқўрғонга йўл олдим. Эски танишим, бутун умр Убай Маҳмудов номидаги мактабда ўқитувчилик қилган, ҳозир қарилик гаштини сураётган Аҳаджон Алиевнинг уйига бордим.

Отахон уйларида эканлар, у киши билан ҳол-аҳвол сўрашгач, муддаога ўтиб, қўлимдаги китобни очиб, хатни кўрсатдим.

— Бу китоб менда бор, хатнинг асл нусхасини ҳам ўқиганман, — деди Аҳаджон Алиев одати бўйича чуст дўпписини қўлига олиб бошини силаркан. Кейин у киши бироз хаёлга чўмдида, ўзига ўзи гапираётгандай деди: — Бу мактуб келганида мен мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлардим. Жуда катта шов-шув бўлган. Ўша пайтда Жўра Хоназаров Қорасув район партия комитетининг биринчи секретари эди. Қишлоққа районнинг у бошлиқ бутун раҳбарлари келишиб Убайжоннинг ота-онаси — Маҳмуд ота ва Бувихон холага таъзия билдиришган. Маҳмуд отанинг тўққиз фарзанди бор бўлиб, Убай тўнғичи эди. Хўжалик унинг оиласига соғин сигир берган, бошқа моддий ёрдамлар ҳам кўрсатган. Оилада Убайга аза

очишди. Бутун қишлоқ унинг уйига келиб, ота-онасидан кўнгил сўради.

Хўжалик клубида митинг бўлди. Биз деворий газета чиқариб, унда Убайжон ҳақида Усмон Юсуповга келган хат матнини, қаҳрамоннинг расмини, мактаб ўқитувчиларининг у ҳақдаги хотираларини эълон қилдик. Митингда кўпчилик сўзлади. Ишчилар қаҳрамон ҳамқишлоқлари жасоратига жавобан, далаларда фронтчасига ишлаб, фронт эҳтиёжлари учун кўплаб пахта етиштиришга ваъда бердилар. Фақат шугина эмас, ўша йили қўшқўрғонликлар маблағ тўплаб, фронтга битта танк совға қилдилар. Бунинг учун хўжалик жамоасига Олий бош қўмондондан раҳматнома келди.

Митингда Убай Маҳмудов ўқиган мактабга, бир кўчага, қишлоқ ёнидан ўтадиган каналга унинг номини беришга, мактабга кираверишда бюстини ўрнатишга қарор қилинди. Райком секретари бу таклифни овозга қўяркан, шахсан Усмон Юсупов ҳам худди шундай таклиф айтганлигини маълум қилди.

Эртаси куни Тошкентга тушиб, «9 январь» кўчасидаги «Рассом» комбинатига мактабимиз учун янги вивеска буюртириб келдим, муҳрни ҳам дарров ўзгартирдик. Шундай қилиб, мактабимиз Убай Маҳмудов номи билан юритила бошлади.

Орадан бир-бир ярим ой ўтгач, район ҳарбий комиссари қўқон аравада Убай Маҳмудовнинг бюстини олиб келди. Уни мактабга кираверишга ўрнатиб, янги ўқув йили бошланишида тантанали йўсинда очдик. Яна қаҳрамоннинг жасорати тилга олинди. Яна у ҳақда илиқ сўзлар айтилди.

Ўшанда Файзуллаев деган ҳамқишлоғимиз хўжалик партия ташкилотининг секретари бўлиб ишларди. У ўз қўли билан бюст яқинига чинор экkан. Шу чинор ҳамон барқ уриб кўкариб турибди. Файзуллаев эса оламдан ўтиб кетди.

Хат келганидан кейин кўп ўтмай Маҳмуд отани Москвага таклиф қилишди. У ўқитувчи Носир Раҳимов ҳамроҳлигида Москвага бориб, ўғли Убайнинг II даражали Улуғ Ватан уруши орденини шахсан М.И. Калининнинг қўлидан олиб келди. Бутуниттифоқ оқсоқоли Маҳмуд ота билан суҳбатлашиб, унинг кўнглини кўтарибди, ажойиб фарзанд етиштирганлиги учун отахонга раҳмат айтибди.

— Ҳозир Қўшқўрғонда Убай Маҳмудовнинг кимлари яшайди? — деб сўрайман Аҳаджон Алиевдан.

— Укалари, сингиллари яшайди. Ота-онаси олам-дан ўтиб кетишган.

— Убай Маҳмудов туғилиб, ўсган уйда ким яшайди?

— Укаси Муродилла яшайди. Жуда бамаъни йигит, 2-нон заводида ишлайди. Хоҳласангиз уйига олиб боришим мумкин.

Биз қаҳрамон туғилиб ўсган уйга бордик. Муродилла ака бизни хушнудлик билан кутиб олди. Мақсадимизни билгач, ўйга чўмиб, қарийб ярим аср аввал бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир эслади.

— Ўшанда ўн тўрт яшар бола эдим. Йўл ёқасидаги бедапояда мол боқиб юргандим. Елкасига катта сумкасини илиб олиб қишлоқ почтачиси тупроқ кўчадан пиёда келиб, мен томон бурилди. Мен акамдан хат келгандир деб югуриб унинг олдига бордим.

— Муродилла, — деди у қўлини елкамга қўйиб маъюс бир қиёфада. — Сен эсли-ҳушли боласан, олдингга атайлаб келдим.

— Тинчликми?!

— Ўзингни маҳкам тутсанг, отангдан бошқага оғзингдан чиқармасанг айтаман.

Юрагим «шиғ» этиб кетди. Беихтиёр:

— Яхши, айтинг, дедим.

— Убай акангдан қора хат келди. Бу шум хабарни отангга етказиш мен учун оғир. Аммо бу ҳали аканг

ўлди, деган сўз эмас. «Қора хат» келганларнинг уйга кириб келиш ҳоллари ҳам бўлаяпти. Ана, бултур кузда хонободлик Аъзам ака билан шундай бўлди. Бир ой аввал ундан «қора хат» келган экан, кейин ўзи эшикдан кулиб кириб келибди...

Мол боқиш юрагимга сиғмай уйга қайтдим. Эртаси куни уйда онам йўқлигини пойлаб, отамга «қора хат»ни кўрсатдим.

У миясини чангаллаб хаёлга чўмиб қолди. Бироз вақтдан кейин менга ўгирилиб:

— Онанг билмасин, жон болам. Укаларинга ҳам гапира кўрма, — деди у. — Бу юртга келган тўй. Илож-имиз қанча...

Отам анча вақт маъюс бўлиб юрди. Онам эса у ўзгариб қолганидан ҳайрон эди. Баъзан:

— Нега маъюссиз, дадаси? — дердилар.

— Қариб қолдим чоғи, миям лақиллаб оғрийдиган бўлиб қолди. Маъюслигим шундан.

Кўп ўтмай Усмон Юсуповга акамнинг командиридан хат келганлиги маълум бўлди. Шундан кейин акам ўлганлигига шубҳа қолмади. У кишига аза очдик.

— Хотирамдан кўтарилаёзибди, — деб қўшимча қилди Аҳаджон Алиев. — Бундан ўн йилча бурун Убайжоннинг командири мактабимизга келган, Муродилланинг уйида ҳам меҳмон бўлган. Сиз ўша одам билан боғлансангиз кўп нарсани айтиб берарди.

Иван Алексеевич Копильцев деган бу уруш қатнашчиси Ленинград шаҳрида яшаркан. Мен унинг манзилини Муродулла акадан олгач, дарҳол хат ёздим. Кўп ўтмай ундан жавоб мактуби келди. Бу хатида у шундай деганди: «Мен Убай Маҳмудов билан 1939 йилда, у мен комиссар бўлган танк ротасига хизмат қилгани келганда танишганман. Бу рота ўша пайтда Молдавиянинг Тирасполь шаҳрида турган Сиваш 14-моторлашган ўқчи дивизиясининг

14-танк полки, биринчи танк батальони ихтиёрида эди.

Мен Убай Маҳмудов билан дастлаб танишганимдаёқ, у ҳақдаги қисқа маълумотларни ён дафтаримга ёзиб қўйганман, бу маълумотлар ҳамон уруш йилларига дахлдор архивимда сақланмоқда. Бундан ташқари менда Убай Маҳмудовнинг 79-танк бригадаси (мен урушнинг бошидан охиригача шу танк бригадаси сиёсий бўлими бошлиғи бўлганман) сафида жанг қилиб, кўрсатган кўпгина жасоратлари тўғрисидаги сиёсий ахборотлар ҳам сақланган. Мана ўша маълумотлар: Маҳмудов Убай, ўзбек, 1918 йилда туғилган, трактрочи, етти синф маълумоти бор. Танк полкига Тошкент область Оржоникидзе районидаги Қўйлиқ қишлоқ Советидан келган.

Тракторчи сифатида техника билан яхши таниш, интизомли, меҳнатсевар, уни батальон командири, капитан Александр Мартинович Пушкиннинг танкига бириктириб қўйдик. Бу танк экипажи икки ўзбек, бир тожик ва бир рус йигитдан иборат.

Убай Маҳмудов Бессарабияни румин боярларидан озод этишда қатнашган. Улуғ Ватан урушида дастлабки кундан иштирок этиб, Бессарабиядан Москвагача ва Москвадан Мценск шаҳригача бўлган йўлни босиб ўтди. 1942 йил 17 февралда немис фашистлари мустаҳкам ўрнашиб олган Орёл областининг Болховский районидаги Кривцово қишлоғига ҳужум чоғида душманнинг ўзиюрар қуроли билан тўқнашувда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ва шу қишлоққа дафн этилган.

Уни дафн этиш чоғида митинг бўлди. Бу митингда мен, капитан А.М. Пушкин, қуролдош дўстлари, рота комсорги Исмоил Ҳамзаалиев, радист-пулемётчи Шоди Ҳайдаров ва бошқа ўртоқлар видолашув нутқи сўзлаганмиз. Барчамиз марҳумнинг хотирасини қалбимизда абадий сақлашга, Ватанга худди Убай Маҳ-

мудовдай хизмат қилиб, душман тор-мор бўлгунча жанг қилишга қасамёд қилдик. Марҳумнинг жасади ерга қўйилгач, милтиқ ва автоматларимиздан уч марта ўқ узиб, унинг иззат-ҳурматини жойига қўйдик.

1977 йилда мен Убай Маҳмудовнинг укаси Муродилла Маҳмудовнинг уйида, Убай ўқиган мактабда бўлдим. Унинг номи абадийлаштирилганлиги, ёшлар ботир ҳамқишлоқларининг фронтдаги жасоратидан хабардорлиги мени ғоят хурсанд қилди. Ўқувчиларга Убай Маҳмудов ҳақидаги хотираларимни гапириб бердим. Ленинградга қайтиб келгач мактабга Убай жанг қилган бўлинманинг жанговар йўлини акс эттирган суратлардан юбордим.

Ўша сафаримда Самарқанд ва Ленинободда ҳам бўлиб, Убай Маҳмудовнинг қуролдош дўстлари, у сингари мардона ҳалок бўлган Шоди Ҳайдаров ва Исмоил Ҳамзаалиев ўқиган мактабларда ҳам бўлдим. Ўрта Осиёга сафаримдан катта маънавий қониқиш билан қайтдим, кўплаб дўстлар орттирдим. Мени жуда хурсанд қилган нарса шу бўлдики, Шоди Ҳайдаров ўсган қишлоқда унинг номини абадийлаштиришга муваффақ бўлдим. Эндиликда Шоди Ҳайдаров ўқиган мактаб унинг номи билан аталади.

Мен иккинчи гуруҳ Улуғ Ватан уруши инвалидиман, ёшим етмиш бешда. Лекин қўлдан келгунча жамоат ҳаётида иштирок этишга ҳаракат қиламан. Ёшлар билан тез-тез учрашиб, XX асрнинг иккинчи чорагида юртимизни фашизмдан ҳимоя қилган авлод ҳақида ҳикоя қилиб беришни ўзимнинг ватанпарварлик бурчим деб биламан.

Сизга ҳурмат билан, И. Копильцев».

Хат билан танишиб, ажойиб бир китобни ўқигандай бўлдим. Лекин бу китоб ҳали охиригача битилмаган эди. Мени Убай Маҳмудов билан бир ротада жанг қилган Шоди Ҳайдаров ва Исмоил Ҳамзаалиевнинг тақдири қизиқтирарди.

Бундан икки йил аввал бир иш билан Москвага борганимда, Ленинградга ҳам ўтдик. Космонавтлар кўчасидаги 70-уйни топиш қийин бўлмади. Иккинчи подъезддаги 26-квартиранинг қўнғироғини босдим. Эшикни 60 ёшлар чамасидаги аёл очди.

— Копильцевнинг квартираси шуми? — деб мурожаат қилдим унга.

— Ҳа, шу ер.

— Иван Васильевич уйдами?

— Уйда.

— Мен Тошкентдан у киши билан учрашгани келдим.

— Марҳамат, ичкарига киринг.

Аёл мени меҳмонхонага бошлади. Бир маҳал ичкари хонадан сочлари оқарган, кўзойнакли мўйсафид чиқиб келди.

— Хушомадед — деди у қувноқ бир табассум билан. Афтидан, уй эгаси мени тожик деб ўйлади чоғи ёки сўзларини чалкаштирди.

Копильцев билан сўрашиб ўзимни таништирдим. У дарҳол мен ёзган хатни эслади. Муродилла аканинг оила аъзолари тинч-омонлигини, мактаб жамоасини сўради. Мен ҳаммаси соғ-саломатлигини айтдим. Чол Ўзбекистон ва Тожикистонга сафарини эслади. Тошкентдан набирасига совға сифатида олиб келган зардўзи дўппини, сервантида турган пахта гулли пиёлаларни кўрсатди. Самарқанддаги тарихий биноларни кўриб, катта таассурот олганлигини гапирди.

— Бобокалонларингиз ғоят истеъдодли кишилар бўлган экан. Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари мени мафтун этди. Қурилганига беш юз — олти юз йил бўлган биноларнинг гули ҳамон кўзни оладия! Қурган усталарига офарин! Қаридим, кўзим хиралашиб қолди. Агар соғлом бўлсам у ерга яна бир борардим.

— Тошкентчи, Тошкент маъқул бўлмадими?

— Бу шаҳар ҳам чиройли. Аммо Тошкент замонавий шаҳар...

Суҳбатни ўтган уруш мавзусига бурдим. Шоди Ҳайдаров ва Исмоил Ҳамзаалиев ҳақидаги ҳикоянгизни эшитгани келдим, дедим. Мўйсафид хурсанд бўлди.

* * *

— 1943 йилнинг февралида бизнинг қўшинларимиз Курск шаҳрига ҳужум бошлайдиган бўлди, — деб ҳикоя қилди Иван Алексеевич. — Бизнинг танк бригадамизга шаҳарга биринчилардан бўлиб кириб бориб, пиёдаларга йўл очиш вазифаси топширилди. Февраль совуғи изиллатарди, ҳаммаёқ оппоқ қор.

Бу ҳужум чоғида ўзбек йигити Шоди Ҳайдаров батальон командири А.М. Пушкин билан бир экипажда бўлган. У радист-пулемётчи эди. Ҳужум чоғида бригада командири билан алоқани йўлга қўярди, ҳам рўпарада пайдо бўладиган душман пиёдаларига пулемётдан ўт очарди. Пушкин уни чаққонлиги, хушчақчақлиги учун яхши кўрарди.

Оқшом батальон танклари аста олға силжиди. Олдинда Пушкиннинг танки борди. Олисда похол томли уйлар кўринганда батальон командири танкни тўхтатди. Бу қишлоқдан ўтиб, уч чақиримча юрилса Курск шаҳри кўринарди. Душман шаҳарга кираверишда мустаҳкам мудофаа позицияси ҳосил қилганди. Тунда бўладиган артиллерия, авиация ва танк қўшилмалари иштирок этадиган катта ҳужумда мана шу мудофаа чизиғи йўқ қилиниб, шаҳар ишғол қилиниши керак эди. Шунинг учун ҳам танкчилар душман позицияларига яшин тезлигида бостириб бориш учун шаҳарга яқинроқ жойга келишди.

Батальон командири танк минорасидан бошини чиқариб, атрофни дурбин билан кузатди. Ҳеч бир хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, пастга туш-

ди. Кетма-кет бошқа танклар ҳам етиб келди. Рота ва взвод командирлари тўплангач, капитан шундай деди:

— Ўртоқлар, олдимиздаги қишлоқдан ўтиб, сал юрилса Курск шаҳри келади. Тунда бу шаҳарни озод қилиш учун жанг бошланади. Буйруқ бўлиши билан дадил олға интилиб, пиёдаларга йўл очишимиз керак. Вазифа тушунарлими?

— Тушунарли.

— Бўлмаса, ҳаммангизга рухсат! Бўлинмангизга бориб, ҳозирлигингизни кўринг.

Қоронғу тушгач, артиллерия тайёргарлиги бошланди. У бир соатча давом этди. Кейин ҳавони гумбирлатиб юзлаб бомбардимончи самолётлар ўтди. Улар ҳам душман позицияларига бомбалар ёғдиришди. Олисдаги вайрона уйлардан, ўқ-дори омборларидан аланга кўтарилиб, уфқ ёришиб кетди. Элас-элас одамларнинг бақириқлари ҳам эшитилиб қоларди.

Ниҳоят, танкчиларга навбат келди. Далани ўнлаб машиналарнинг шовқини тутиб кетди. Ҳадемай, душманнинг танкка қарши батареяси яширинган жойидан «бош кўтариб» ўт очишга киришди. Даҳшатли «дуэль» бошланди. Осмонга отилаётган ракеталар ёруғида душман позициясида югуриб юрган одамлар кўриниб қоларди. Шоди Ҳайдаров батальон командиридан пулемётдан ўт очишга рухсат сўради. Капитан рухсат берди. Шоди пулемётини сайратди.

Саҳарга яқин танклар Курскнинг тош кўчаларидан шаҳар марказига кириб боришди. Йўлда сафдан чиққан тўплар, бронетранспортёрлар ётарди. Шаҳар вайрон бўлганди.

Немис қўшинларининг асосий бўлинмалари Фатеж шаҳри томон чекинишди. қўмондонлик ҳужумни тўхтатмаслик, душманни изма-из қувиш ҳақида буйруқ берди. Уйқусиз, қаттиқ жанг билан ўтган тундан кейин бу вазифани бажариш осон эмасди.

Аммо фронтда буйруқ — қонун, уни албатта бажариш керак.

70-танк бригадаси жангчилари Фатежга қараб юришди. Бу шаҳарга учта қишлоқдан ўтиб боришарди. Уларга немислар мустаҳкам ўрнашиб қолишганди. Танкчилар ўқлар ёмғири остида Усож дарёсидан ўтиб катта қийинчиликлар билан Ахачевка қишлоғига кириб боришди. Шу қишлоқда батальон командирининг танкига снаряд тегиб, алангаси осмонга чиқди. Капитан экипажга машинани дарҳол тарк этиб, пиёдаларга қўшилишни буюрди. Экипаж буйруқни бажарди. Пушкин эса 1-рота командири ўтирган танкка чиқиб, батальон ҳаракатини бошқаришда давом этди.

Старшина Шоди Ҳайдаров бошчилигидаги экипаж эса снаряд ҳосил қилган ҳандақка тушиб олиб, жангни давом эттирди. Қисқа муддатда йигирмага яқин солдат ер тишлади. Бир маҳал улар фашистларнинг беш танки беда ғарами ортидан чиқиб келаётганини кўриб қолдилар.

— Гранаталар тайёрлансин! — деб буюрди старшина. — Шошманглар, бензин банкни мўлжалга олинглар!

Яқин келиб қолган танкларга кетма-кет гранаталар улоқтирилди. Иккитасининг алангаси осмонга чиқди. Қолган уч танк бурилиб, беда ғарамининг орқасига ўтиб кетди.

— Балли, дўстларим, — деди Шоди Ҳайдаров шерикларига, — энди буёғига ҳам бўш келмаслигимиз керак. Ҳеч қўрқувни ўйламанглар.

Аскарлардан бири старшинанинг эътиборини ўнг тарафга қаратди. Дарё тарафдан учта «тигр» ўрмалаб келаётганди. Улар яқингинада ўша жойда дарёдан ўтишганди. Шунинг учун душман танклари қандай қилиб буёқда пайдо бўлиб қолганлигига ҳайрон қолишди.

— Энди бир жойда туришимиз тўғри эмас, — деди старшина. — Сен Михайлов, шу ерда тур. Биз Иван билан чап томонга ўтамиз. Агар танклар биз томон бурилса, сен граната от. Сен томон юрса, биз отамиз.

Икки йигит қалин қор устидан эмаклаб, ўн-ўн беш метр наридаги ҳандаққа тушиб олишди. Ундан жадал эмаклаб бориб, танк билан оралари 20—25 метр қолганда, секин бош кўтаришди. Шунда Михайлов турган жойга бостириб бораётган икки танк бирдан йўлини ўзгартириб ариққа қараб юрди. Шоди билан Иван сакраб ўринларидан туришди. Лекин Иван ўша заҳотиёқ миясидан ўқ еб қулади. Шоди эса елкасидан яраланди. Қўлидаги граната қор устига тушди. Ҳар дақиқа ғанимат эди. У ердаги гранатани эгилиб олди-да ўқдай югуриб бориб ўзини танк остига отди. Кучли портлаш далани ларзага келтирди. «Тигр»дан бурқсиб тутун чиқа бошлади.

Тушдан кейин 70-танк бригадаси танклари Фатеж шаҳрига кириб бордилар. Оқшом полкдошлар Шоди Ҳайдаровни ва бошқа ҳалок бўлган жасур жангчиларни дафн қилдилар. Самарқанд районидаги «Гулистон» хўжалигида туғилиб ўсган, фронтга 1941 йилда кўнгиллилар қаторида кетган бу йигит ана шундай ҳалок бўлди. Унга ҳам ўлимидан кейин II даражали Улуғ Ватан уруши ордени берилди.

* * *

Уруш бошланганда Исмоил жонажон қишлоғидаги мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишларди. Бирин-сирин унинг тенгқурлари фронтга жўнаб кетишди. Лекин ҳадеганда унга навбат келавермади. Кейин у туман ҳарбий комиссариатига бориб фронтга юборишларини илтимос қилди.

— Вақти билан сизни ҳам чақирамиз, — деди ҳарбий комиссариат бошлиғи. — Ҳозирча болаларни

ўқитиб туринг. Маориф ҳам муҳим соҳа. Бутун мактабингизда таълим олаётган ўсмирлар эртага аскар бўлишади. Яхши аскар бўлиш учун эса кишига билим керак.

Исмоил бўшашиб мактабига қайтди. Лекин унга ҳадеганда чақирув қоғози юборишавермади. Шундан кейин Исмоил фронтга юборишларини илтимос қилиб, маршал Климент Ворошиловга хат ёзди. Бу хат маршалга етиб бордими, йўқми, билмади. Аммо кўп ўтмай унга ҳам чақирув қоғози келди.

Исмоил Ҳамзаалиев 70-танк бригадасига 1941 йилнинг декабрида келди. Бу пайтда мазкур бригада Москва яқинида турарди. Исмоилни Убай Маҳмудов ҳайдовчи, Шоди Ҳайдаров радист-пулемётчи бўлган танкка тўпчи қилиб тайинлашди. Улар тез кунда дўст бўлиб кетишди. Исмоил билимдон, ҳаракатчан йигит эди. Бу фазилатлари кўпчиликка маъқул бўлди.

1943 йилнинг жазирама ёзида Курск ёнида катта жанг бошланиши арафасида Исмоилни танкдан олиб, батареяга тўп командири қилиб тайинлашди, сержант унвони беришди. Мазкур батареяга гвардиячи лейтенант Сиротин командирлик қиларди.

Курск ёнида фашистлар Сталинграддаги мағлубият ўчини олишга тайёргарлик кўра бошлашди. Бу ерга улар 50 та дивизияни тўплашди. Фронтдаги танкларнинг 70 фоизи, самолётларнинг 65 фоизи, моторлашган бошқа қуролларнинг 30 фоизи Курск районига жамланди.

Олий Бош қўмондон Ставкаси бу ерда мудофаа усулини қўллаб, аввал душман зарбдор кучларининг силласини қуритишга, кейин ҳужумга ўтишга қарор қилди. Қисқа вақтда 8 та мудофаа чизиғидан иборат, эни 30 километрга борадиган ҳимояланиш зонаси юзага келтирилди. Ҳар бир мудофаа чизиғи бир-бири билан ҳандақлар орқали туташтирилди, танкларга қарши мустаҳкам ғовлар ҳосил қилинди.

5 июль саҳарда Курск ёнида катта жанг бошланди. Биринчи бўлиб гитлерчилар ҳужумга ўтишди. Қўшинларимиз биринчи ва иккинчи мудофаа чизиқларидан чекинишди. Душман артиллерияси ва самолётларининг ҳужумидан сўнг танклар ҳаракатга келди. Батареяларнинг тўпчилари душман танкларини кучли ўт очиб кутиб олдилар.

Бу пайтда лейтенант Сиротин командирлик қилган батарея иккинчи жаҳон урушида энг катта танклар жанги бўлган Прохоровкадан унча олис бўлмаган жойдаги Тепловский тепалиги яқинида турарди. Сержант Ҳамзаалиев расчёти душманни аниқ мўлжалга олиб, тўпидан ўқ уза бошлади. Қўшни расчётдаги тўплар унга «жўровоз» бўлишди. Душман танкларидан бир нечтасига шикаст етказилди.

Шу пайт батарея ўрнашган жойга снарядлар дўлдай ёғила бошлади. Ҳаммаёқни чанг-тўзон, шовқин-сурон босиб кетди. Ким ўлди-ю, ким тириклигини ҳам билиб бўлмай қолди. Исмоилнинг расчёти ёнига ҳам кетма-кет снарядлар келиб тушди. Унинг тўлқини сержантни улоқтириб юборди. Расчётдагилардан уч киши ўлди, икки киши оғир яраланди.

Исмоил кўзини очганида, рўпарада бир «Фердинанд» ўрмалаб келарди. «Уни тўхтатишим керак, орқага ўтиб кетишига йўл қўймаслигим керак», деди йигит ўзига ўзи. Ўрнидан туриб, тўпга зирҳни тешадиган снаряд жойлади. Тўп панорамасига қараб, «Фердинанд»ни мўлжалга олдида, тепкини босди. Машина турган ерида чириллаб айланиб, алангаси осмонга чиқди.

Шу пайт тепалик ёнида яна икки танк кўринди. Исмоил тўпини ўқлади. Ўқ олдинда келаётган танк ғилдирагининг занжирини узиб юборди. У турган жойида қотиб қолди. Иккинчи танк унинг панасига келиб тўхтаб қолди. Афтидан, унинг экипажи олдинга юришни ҳам, орқага қайтишни ҳам билмай икки-

ланаётганди. Исмоил эса тўпини ўқлаб, шай тураверди. Шунда ҳалиги танк бирдан шахт билан бурилдида, Исмоил расчёти томон жадал бостириб кела бошлади. Аммо ярим йўлда тўхташга мажбур бўлди: тўпдан отилган снаряд унинг бензин бакини ёриб юборди. Машинани аланга қоплади.

Атрофга сокинлик чўкди. Исмоил ярадор дўстларининг жароҳатларини боғладида, бироз ҳордиқ чиқариш учун чалқанча чўзилди. Бир маҳал яна қулоғига бўғиқ гувиллаш чалинди. Бошини кўтариб, олдинга қаради. Не кўз билан кўрсинки, олисда, ялангликда юзлаб танклар ўрмалаб келарди. Улар ортида аскарлар ҳам бор. Қиёмат шу бугун шекилли, деб хаёлдан ўтказди Исмоил. Майли, пешонада борини кўрамиз. У тўпга сочма снаряд солиб отди. Танклар ортида келаётган ўн-ўн беш фашист ер тишлади. Кейин немис танклари ўқ ёғдира бошладилар. Яна ўн-ўн беш минут ўтса, «тигр»лар Исмоил турган жойга етиб келиб, ҳаммаёқни «дазмоллаши» мумкин эди. Шунда бирдан душман танклари йўлини «Т-34» танклари қирқиб чиқишди. Улар қайдан пайдо бўлганини ҳеч ким сезмай қолди.

— Балли, азаматлар! — деди Исмоил хурсанд бўлганидан. — Ниқобланишни ҳам қотиришган экан. Энди фрицларнинг таъзирини беришади.

Буғдойзорда танкларнинг катта жанги бошланиб кетди. Кенг дала олов ва тутун билан қопланди. Машиналарнинг шовқини, тўпларнинг гумбурлашига бензин бакларининг портлаши қўшилиб, даҳшатли бир манзара кашф этди. Батареядагилар қаёққа ўқ отишларини билмай ҳайрон бўлиб қолишди. Аммо тезда яна «юмуш» топилди. Оловли майдондан икки танк чиқди-да, тикка Ҳамзааллиев расчёти томон кела бошлади. Улар яқинлашганда, Исмоил «Фердинанд» эканлигини билди. Дарҳол тўпдан ўқ узди. Лекин бу ўқи хато кетди. Яна ўқ узди. Бу ўқ бирининг ғилдирак

занжирини узиб юборди. Тўрт фашист сакраб пастга тушиб, яширинмоқчи бўлишди. Шунда кимдир отган ўқ уларни қулатди. Исмоил иккинчи машинани ҳам аниқ нишонга олиб, қаттиқ шикастлади. У бурилиб, тепалик ортига ўтиб кетди.

Кейин оловли майдондан яна бир душман танки чиқиб келди. Исмоил унга ҳам ўқ узди. Танкнинг минора қопқоғи учиб кетди. Сержант унга иккинчи марта ўқ узмоқчи бўлиб, қутига қўл чўзганди, ўн метрча нарига снаряд келиб тушиб, парчаси кўкрагини тешиб юборди. У тўп ёнига оҳиста ёнбошлаб, қонга беланган кўкрагини чангаллади. Қўли иссиқ бир нарсага тегди. Кўзини очиб қараса, панжалари қип-қизил қон. Шу пайт қўшни расчётдагилар ҳам жим бўлиб қолишди.

— Нега батарея тўпларининг овози сўнди? — деб сўради танк бригадаси командири рация орқали.

— Чунки батареяда бирорта ҳам тирик одам қолмади, — деб жавоб берди лейтенант Сиротин.

— Ҳозир резерв кучлар юборамиз. Қабул қилиб олишга тайёр туринг.

— Есть, ўртоқ полковник.

Лекин батарея командири янглишаётганди. Ҳали Ҳамзаалиев тирик эди, фақат оғир яраланганди. Яланглиқда яна бир «тигр» пайдо бўлганида, у командирини ҳайрон қолдириб, тишини тишига қўйиб, қаддини ростлади-да: «Снаряд беринг!» — деди бўғиқ овозда. Аммо дарҳол ўзининг гарангсиб қолиб гапираётганлигини, шериклари ҳалок бўлишганини пайқади. Шунда тўп билан якка-ёлғиз жанг қилиш жуда оғир иш эканлигини биринчи марта ҳис этгандай бўлди. Снаряд қутисига секин қўл чўзди-да, тўпни охирги марта бир амаллаб ўқлади. Кейин панорамадан танкни мўлжалга олиб, сўнгги кучини сарфлаб, тепкини босди. Яқин жойга келиб қолган танкдан аланга кўтарилди.

— Минг офарин, сенга Исмоил! — деди унинг ҳаракатларини олисдан кузатиб турган Сиротин.

Сержант аста тўп ёнига чўзилди. Унинг тинкамадори қуриб, тамом бўлганди, қимирлашга ҳожат йўқ эди. Кўкраги тинмай жазиллаб, оғриқ хуружга кира бошлади. Исмоил чалқанча ётганча, саратоннинг тиниқ, беғубор осмонига бир тикилди-да, кўзини юмиб, хушидан кетди.

У кўзини очганида тепасида Копильцев турарди. Атроф эса жим-жит.

— Томоғим қақраб кетди, сув беринглар, — деди Ҳамзаалиев. Майор ёнидаги сувдонни олиб, сержантга сув ичирди.

— Бироз чида, ярангни спирт билан артиб, йод суртиб боғладик. Ҳозир госпиталга олиб борамиз.

— Раҳмат сизга, майор!

Кўп ўтмай жанг майдонига санитария машинаси келди. Жангчилар ярадор дўстларини замбилга солиб кўтариб, машинага чиқардилар. Копильцев уни Курск шаҳридаги госпиталгача кузатиб борди.

Машинадан туширишаётганда Ҳамзаалиев яна кўзини очди.

— Мени қаердаги госпиталга олиб келдинглар.

— Курскдаги госпиталга келдинг. Бу ерда малакали хирурглар бор. У ерда сени яхшилаб даволашади. Биз сени Қаҳрамонликка тавсия этмоқчимиз.

Улар шундай хайрлашдилар. Лекин Исмоил тузалмади. 1943 йил 16 августда унинг юраги уришдан тўхтади. 1943 йил 8 сентябрда эса ҳукуматнинг Исмоил Ҳамзаалиевга Қаҳрамон унвони бериш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Биринчи танк ротасининг рўйхатига қаҳрамоннинг номи абадий битилди.

Ҳозир Хўжанд районидаги бир хўжалик, қаҳрамон ўқиган ва меҳнат қилган мактаб унинг номи билан аталади. Тожик шоирлари унинг хотирасига бағишлаб шеърлар ёзишган.

* * *

Шарқдан борган ўч ўғлон. Улар бир батальонда, бир ротада, бир танк экипажида жанг қилишган. Уччови ҳам фашизмга қарши тенгсиз жангда мардона ҳалок бўлишган. Уччови ҳам ўлимидан сўнг тақдирланиб, номлари абадийлаштирилган. Бу йигитлар тақдирининг диққатга сазовор томони фақат шугина эмас. Мен кекса педагог Аҳаджон Алиевдан Убай Маҳмудовнинг жонажон қишлоғидаги бюсти 1943 йилнинг ёзида қурилганлигини билганимда, ўз-ўзимга шундай савол бердим: ўтган уруш қаҳрамонларига аталган биринчи ҳайкал, биринчи бюст қаерда қурилган экан?..

Дарвоқе, юртимизда уруш қаҳрамонлари хотираси юксак даражада эъзозланади. Уларга атаб қурилган обидалар, ёдгорликлар, мангу оловларнинг, ҳайкаллар ва бюстларнинг саноғига етиш қийин. Ҳозир бундай нарсаларни ҳар бир шаҳар ва қишлоқда учратиш мумкин. Лекин ана шу уруш қаҳрамонларига аталган дастлабки бюст, дастлабки ҳайкал қаерда қурилган? Бу ҳақда ҳозирча ҳеч ерда маълумот йўқ. Аммо ўзбекнинг мард ўғлони Убай Маҳмудовга жонажон қишлоғида ўрнатилган бюст уруш қаҳрамонларига ўрнатилган дастлабки бюстлардан бири эди (эҳтимолки, энг биринчисидир), десак хато қилмаган бўламиз. Қаранг-а, ҳамма нарса фронт эҳтиёжларига сафарбар этилган, одамлар кунни тунга улаб меҳнат қилиш билан банд бўлган ўша оғир пайтларда ҳам халқ ажойиб фарзандининг хотирасини абадийлаштиришга имкон топди. Бу ишни ортга сурмай, «иссиғида» амалга оширди. Бу ҳам аслида, эл-юртнинг мард фарзандларига меҳр-муҳаббатининг, улар хотирасини эъзозлашининг бир белгисидир.

Убайдан сўнг у билан фронт машаққатларини бирга тотган, бир идишдан овқат еб, бирга қон кечишган қуролдош дўстлари Шоди ва Исмоил ҳам мардларча

ҳалок бўлишди. Улар ҳам ўзларидан ўчмас из қолдиришди. Уруш йилларида ғаройиб воқеалар кўп бўлган. Аммо, назаримда, бунақа ўхшаш тақдирлар кам учраса керак. Шунинг учун ҳам бу йигитларнинг ҳаёти ва жасорати эътиборимни тортди. Шунинг учун ҳам улар ҳақида ҳикоя қилишга жазм этдим. Порлоқ хотиралари ҳурмати Нева бўйларига бордим. Уларнинг ёркин хотираларига таъзим қилиб қуйидаги дил сўзларини айтдим:

Изларингизни излаб келдим бу ерларга, эй новдалигида синган, чақмоқдай ярақлаб сўнган қавмларим! Ушбу сатрларни сизларга ҳурматим белгиси, деб билинг!

1984 й.

ЭГИЗ ТАҚДИРЛАР

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Кольчугиндаги кабель заводи мудофаа учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтди. 1941 йилнинг октябрида эса шаҳарга душман яқинлашиб қолганлиги сабабли заводни Тошкентга эвакуация қилишга қарор қилинди. Тошкентни аъло даражада билган Алексей Николаевич Косигин Тошкент кабель заводига янги директор тайинлаш ҳақидаги буйруққа қўл қўяркан, Константин Федорович Сафоновга тўқимачилик комбинатининг тара фабрикаси биноларини эгаллашни маслаҳат берди.

Константин Федорович Тошкентда поезддан тушиши билан республика раҳбари Усмон Юсупов қабулига шошилди. Лекин у тўрт соатгина кечикканди. Унгача Усмон ота ҳузурида эвакуация қилинган «Ростсельмаш» заводининг директори бўлган, тара фабрикаси бинолари шу корхонага берилганди.

— Хотиржам бўлинг, Сизнинг заводингизга ҳам жой топамиз, бошқа зарур ёрдамларни ҳам берамиз, — деди Усмон Юсупов. — Ўзбекистон кабель заводига эга бўлишдан жуда манфаатдор.

Заводга жой топилди. Шаҳарнинг шимолий шарқидаги, собиқ Қорасув тумани ҳудудидаги «Заготзерно» базасининг олтита катта омбори завод учун бўшатиб берилди. Шундай яқингинадан Салор оқарди, темир йўл, автомобиль йўли ҳам бор. Завод ишга тушиши билан Кольчугиндаги даражада маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб қила бошлашди. Бу жуда оғир вазифа эди. Сабаби, Тошкентга Кольчугиндаги уч

минг ишчидан энг сараси — атиги 240 нафари кўчиб келган эди. Қолганлари фронтда жанг қилишаётганди. Тошкентда ҳам меҳнатга яроқли барча эркаклар фронтга жўнаб кетишаётганди. Лекин республика ҳукумати завод маъмуриятига барча зарур ёрдамни берди. Завод атрофидаги қишлоқларда яшовчи ўсмир йигитлар, қизлар, чол-кампирлар заводга жалб этилди. Тез вақт мобайнида ишчиларнинг миқдори мингтага етказилди.

«Тошкентканель» заводидаги ўзбек ишчи сулолалари ҳақида ёзишни мақсад қилиб, корхона раҳбарлари билан суҳбатлашганимизда, улар бу ердаги ишчи сулолари билан завод тарихи гўё бир медалнинг икки томони сингари эканлигини, уларни бир-биридан ажратиб кўрсатиш мумкин эмаслигини таъкидлашди. Бу фикр тамоман ўринли эди. Бундан ўттиз беш-қирқ йил аввал хўжаликнинг экин майдонлари бўлган ерда корхона қад кўтарди. Йиллар ўтиши билан одамлар сингари завод ҳам ўсиб, камол топиб, республикамиз индустрияси довруғини оламга ёйди. Унда меҳнатни илмий ташкил этиш, ишлаб чиқариш маданиятини ривожлантириш учун барча имкониятлар бор.

«Тошкентканель» заводида ҳозир беш мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Уларнинг ярмидан кўпи маҳаллий миллат вакилларидир. Корхонада ҳар йили 150 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Қирқ фоиздан ортиғи давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган бу кабель буюмларини ҳамдўстлик мамлакатларидан ташқари АҚШ, Германия, Италия, Франция каби ривожланган мамлакатлар ҳам сотиб олаяпти.

Урушдан кейинги йилларда заводнинг ёнгинасида мактабидан тортиб техникумигача, боғчасидан тортиб, поликлиника ва кинотеатригача бўлган сердарахт, серфайз ишчилар посёлкаси қомат керди. Заводдаги деярли барча ишчи ва хизматчиларнинг оила-

си шу посёлкада истиқомад қилади. Корхонага ўттиз йилга яқин директорлик қилган Константин Фёдорович Сафонов 1941 йилнинг кеч кузида «Заготзерно» базасининг атрофи яйдоқ дала бўлган омборлари завод учун ажратиб берилганида жуда хурсанд бўлганди. Чунки бу ерда корхона ишлаб чиқаришини юксалтириш билан ишчи ва хизматчиларнинг турар жой-маиший шароитини яхшилашни бир-бирига мувофиқ бўлишини таъминлаш учун майдон бор эди.

— Ишчи ва хизматчиларнинг яшаш жойи, болалари қатнайдиган боғча ва мактабларнинг иш жойига яқин бўлишининг корхонада меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишида аҳамияти катта, — дейди Константин Фёдорович. — Шунинг учун ҳам биз дастлабки дамларданоқ корхона яқинида ишчи посёлкаси барпо этишни ўйлай бошладик. Оғир пайтлар бўлишига қарамай, уруш босилиши билан ҳашар йўли билан юзта уй қурдик. Ишчиларга участка майдонлари ажратиб берилди. Мана шундай қилиб, отабуваси деҳқон ўтган ўзбек йигит ва қизлари корхонанинг ишчилари сафидан ўрин олишига шароит яратилди.

Константин Фёдорович заводга атрофдаги қишлоқлардан дастлаб ишга келган ёшларни яхши эслайди. Етмиш нафар ўзбек қизи симга калава ўраш цехида ишлай бошлаганида, дастлаб станокларга тегинишдан ҳам қўрқишганди. Шунда Анна Шенникова бошлиқ бир гуруҳ рус ишчи аёллари уларга станокларни бошқаришни ўргатишди.

Ўғил болалар эса шлангли кабеллар, резина тайёрлаш, сим тортиш цехларида меҳнат қила бошлашди. Йиллар ўтган сайин корхонада маҳаллий миллат вакиллари кўпайиб, ўзбек ишчи сулолалари пайдо бўла бошлади. Булар орасида айниқса ишчи Розиқовлар сулоласининг тақдири диққатга сазовордир. Келинг, бу ҳақда батафсил ҳикоя қилиб бера қолайлик.

Эгамберди бува деҳқон ўтган одам эди. Унинг ўғиллари Холиқжон билан Розиқжон ҳам умр бўйи ота касбини қилишди. Бири фронтдан оғир бетоб бўлиб келиб, иккинчиси ўз ажали билан урушдан кейин ҳаётдан кўз юмишди. Аммо бу кишиларнинг фарзандларининг тақдири бошқача бўлди. 1942 йилда Ҳусанбой Холиқов, кейинроқ Жалил Розиқов «Тошкенткабель» заводига ишчи бўлиб киришди. Ўшанда улар 13—14 ёшли болалар эдилар. Станокка бўйлари етмасди. Шунинг учун оёқлари остига яшик қўйиб ишлашарди.

Кольчугиндан келган тажрибали ишчилар уларга устозлик қилишди. Ёшлар дастлаб симларга қўрғошин қоплашни, прессловчиликни ўрганишди, кейин бошқа касбларни эгаллашди. Бир-бир ярим йилда қарабсизки, кеча кўчада тупроқ чангитиб юрган деҳқон болалари устаси фаранг кабелчи бўлиб олишди. Жамоа асосан ҳарбий дала кабеллари тайёрларди. Ҳарбий қисмлар орасида телефон алоқасини таъминловчи бу кабелларга эҳтиёж катта эди. Ҳар куни Москвадан Тошкентга қўнғироқ қилиб: «Бугун неча самолёт кабель жўнатдингиз?» деб сўраганлари сўраган эди. Агар уч самолёт кабель юборилган бўлса мақташарди. Телефон симларига эҳтиёж зўрлигидан уни худди қурол-аслаҳа, нон сингари фронтга самолётда ташишарди.

Заводда эса иш кечаси-ю кундузи давом этар, ишчилар ўн саккиз соатлаб ишлашарди. Бир ишчининг бир кунлик овқат улуши 400 грамм нон эди... Аммо одамлар ҳамма қийинчиликларга чидашар, кунлик нормасини 150 процентдан оширмаган одам кам бўларди. Ҳамма зўр бериб меҳнат қилингандагина ғалабага эришиш мумкинлигини, бу машаққатларнинг нашу-намоси ҳам борлигини яхши биларди.

Уруш тугагач Ҳусанбой билан Жалилни аввал мастер, кейин катта мастер лавозимига кўтаришди.

1948 йилда Ҳусанбой, кейинроқ Жалил уйланди. Бири шу заводда хизматчи бўлиб ишлайдиган Сабиҳа исмли қизни, иккинчиси 336-цехда ишлайдиган Муҳаббат исмли қизни ўзларига умр йўлдоши қилиб танлашди. Иккала тўйнинг харажатини завод маъмурияти кўтарди. Урушдан кейин Жалилнинг фронтдан қайтган акаси Жамол, Ҳусанбойнинг акаси Мирвали, укаси Тоир, уларнинг хотинлари ҳам заводга кириб ишлай бошлашди.

60-йилларга келиб бу кишиларнинг ўғил ва қизлари бўй етди. Шунда болалар ҳам ҳеч иккиланмай ота-оналари йўлини танлашди. Ҳозир улар заводнинг турли цехларида самарали меҳнат қилиб, жамоа ўнинчи беш йилликда зиммасига олган катта вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшишяпти. Эгамберди буванинг «Тошкенткабель» заводида меҳнат қилаётган невара-чевараларини йигирмаган яқин. Уларнинг заводдаги умумий меҳнат стажи 300 йилдан ортади. Бу кишилар йирик саноат корхонасининг техника маданиятини пухта эгаллаган, мураккаб агрегатларни маҳорат билан бошқараётган, ўз вазифасига ижодий ёндашадиган илғор ишчиларидир. Жамиятимизнинг қонунларига ҳурмат уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Жалил Розиқов 1944 йилда заводга келганида ўзидан тўрт-беш ёшгина катта бўлган Владимир Клюшкинга шогирд бўлиб иш бошлаганди. Ўқувчи йигит қисқа вақт мобайнида кабелчилик сирларини пухта эгаллаб, устози билан беллаша оладиган даражага етди. Устоз ва шогирд 1954 йилда Киевдаги кабель заводига бориб, кабель буюмларини узлуксиз вулканизация қиладиган агрегатни бошқаришни ўрганиб келишди. Кейин бу агрегатни ўз заводларида ҳам ишга тушириб, иккиси ҳам бригадага бошчилик қила бошлашди. 1956 йилда Владимир соғлиғи яхши эмаслиги сабабли шифокорларнинг маслаҳати билан

Москвага бориб, шу ердаги кабель заводида ишлай бошлади. 1966 йил 8 августда эса Москва кабель заводининг мастери Владимиз Клюшкин билан «Тошкентқабель» заводининг устаси Жалил Розиқовга Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Икки ҳамкасб бир-бирлари билан дўстлик алоқаларини ҳамон давом эттиришаяпти. Владимир Клюшкин Тошкентга, Жалил ака эса Москвага меҳмон бўлиб бориб туришади.

Жалил Розиқов оиласидан тўрт киши — ўзи, хотини, икки ўғли тақдирларини «Тошкентқабель» заводи билан мустаҳкам боғлашди. Бу оила аъзоларининг меҳнатидан жамоа миннатдор. Жалил ака мана ўн етти йилдирки, оғир шлангли кабеллар цехида катта мастер бўлиб ишлаяпти. Бу цех корхона ишлаб чиқаришининг энг масъулиятли участкаларидан саналади. Цехда тайёрланаётган кабелларга халқ хўжалигида эҳтиёж катта. Шу сабабли жамоа юксак суръатлар билан ишлаб, ойлик, йиллик топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажаряпти.

Заводнинг ишчилар посёлкасидаги кўркам кўчалардан биридаги ҳамма уйларни Эгамберди буванинг невара-чеваралари эгаллашган. Уларнинг ҳаммаси тўқ, фаровон турмуш кечиришаяпти. Уйлар водопровод, газ, электр нури билан таъминланган. Ҳар бир оилада музлатгичдан тортиб, телевизор, радиоприёмник, кир ювиш машиналаригача бор. Ҳовлиларнинг салқинлиги, саранжом-сариштаслиги эътиборингизни тортади...

Эгамберди буванинг «Тошкентқабель» заводида униб-ўсган авлодини азамат чинорга ўхшатгим келади. Бу чинорнинг ҳар бир шохи, ҳар бир бутоғининг ўз ҳусни, латофати бор. Уларга ҳозир ҳамма ҳавас билан қарайди.

1978 й.



ФАХРИЙ

Муҳаммад ота уруш фахрийлари туман кенгаши раисининг ўринбосарлигига сайланди-ю, кампири билан сўрини тагида гурунглашиб ўтирадиган одатини тарк этди. Қачон қараманг қаёққадир шошаётган бўлади. Ахийри бир куни кампири: «Ҳой чол, бу нима қилиқ, душманга қарши курашиб, кўкракни орден билан медалга лиқ тўлдирган бўлсангиз, соч-соқолингизнинг қораси иримига битта қолмаган бўлса, энди ёшларни дуойи-жонини айтиб, мени новвотли чойимни ичиб юрсангизчи. Нима, қайнонам раҳматли сизни кўчада туққанмиди», деганда, у: «Соддасанда, кампир соддасан, инсоний бурч нима, ёшлар тарбияси нима тушунмайсан» деб дашном бериб яна кўчага чиқиб кетди. Муҳаммад отанинг бир оёғи кўчада қолганичаям бор. Бугун бир уруш фахрийсининг илтимосини бажариш лозим бўлса, эртага мактабга учрашувга, индинига ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар билан хайрлашув маросимига бориш лозим бўлади.

Тошкент тумани бўйича етти мингдан ортиқ йигит фронтга бориб, шундан уч минг нафари омон қайтган экан. Ҳозир шундан атиги 1007 нафари қолибди. Бу табаррук кишиларни эъзозлаш, ҳурматлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, қолаверса, уларнинг жасоратли ҳаёти мисолида ҳозирги ёшларни имонли, инсофли, Ватанимизга чексиз садоқатли қилиб тарбиялаш тумандаги барча ташкилотлар қатори уруш ветеранла-

ри туман фаолларининг ҳам муқаддас вазифасидир. Муҳаммад ота буни яхши ҳис этади. Унинг кейинги йилларда тиниб-тинчимас бўлиб қолганлигининг боиси шунда.

У кечагина ҳам генерал Собир Раҳимов номли хўжаликдаги 14-ўрта мактабда ўқувчилар кучи билан ташкил этилган Собир Раҳимов музейининг очилиш маросимида қатнашди. Болалар экспонатлар тўплаб, ажойиб музей ташкил этишибди. Унинг очилиш маросимига хўжаликдаги уруш ветеранлари билан бир қаторда, афсонавий генерални кўрган ва билган кишилар ҳам таклиф этилганди. Бу кишиларнинг ҳар бири Собир Раҳимов ҳақидаги хотираларини гапириб бериб, ёшларни Ватанга биринчи ўзбек генаралидек хизмат қилишга даъват этишди.

Ёшлар олдида Муҳаммад Абдуллаев ҳам сўзлади. У Собир Раҳимов билан учрашмаганди-ю, лекин фронтда анча вақт битта армияда бўлиб, Кавказ учун бўлган жангларда қатнашганди.

56-армия ўқчи полк командири бўлиб шуҳрат қозонган полковник Собир Раҳимов 1942 йил 4 сентябрда Муҳаммад ака учун қадрдон бўлган 18-армияга дивизия командири этиб тайинланди. Туапсе йўналишида ҳужумга ўтган немислар йўлида Собир Раҳимов командирлик қилган 395-дивизия тўғаноқ бўлди. Бу дивизия қўшинлари душманнинг генерал-майор фон Букк қўмондонлик қилган 148-пиёда дивизиясига қарши қўйилганди. Бу генерал Собир Раҳимов дивизиясини уч кунда бир ёқлик қиламан, деб мақтанганди. Аслида генерал-майор фон Букк уч кун эмас, уч ой давомида ҳам полковник Раҳимов дивизиясини эгаллаган маррасидан чекинтира олмади. Аксинча, 148-немис пиёда дивизияси ёрдамчи кучлар олганига қарамай, батамом мағлуб бўлди. Фон Букк ва унинг барча офицерлари ер тишлади. Ўшанда 395-дивизиянинг жанговар фаолияти ҳақидаги

ҳикоялар 18-армиядаги ўзбек жангчилари ўртасида тилдан тилга ўтганди.

Бу пайтда Муҳаммад ака хизмат қилган 176-ўқчи пиёда аскарлар дивизияси Армавир шаҳри яқинида мудофаада турарди. Январ ойи охирида дивизияни янги жойга кўчириш ҳақида буйруқ бўлди. Унинг ўрнини янги кучлар эгаллади. Дивизия қўшинлари туни билан йўл юриб, Кавказнинг қорли тоғ тизмаларидан ошиб ўтиб, эрталаб Қора денгиз бўйидаги Геленжик шаҳрига етиб келишди. Шаҳар портини, атрофини немислар бомбардимон қилиб, вайрон этишган, шунинг учун тахтадан омонат порт ясаб қўйилганди.

Тушдан кейин дивизия қўшинлари сафланди. 18-армия қўмондони генерал лейтенант Н.Леселидзе, армия сиёсий бўлими бошлиғи полковник Л.И.Брежнев дивизия тоғли жойларда душманга қарши жанг қилишда яхши тажрибага эга бўлганлиги боис Новороссийскни озод этиш учун Таман ярим оролига десант қилиб ташланишини маълум қилишди. Дивизияга Новороссийскнинг жанубидаги Мисхако бурунини эгаллаш вазифаси топширилди.

Геленжик билан Мисхако буруни ораси денгиз орқали 32 километр. 176-дивизия қўшинлари соҳилнинг белгиланган жойига куниковчилардан кейин бир-бир ярим соат ўтгач яқинлашишди. Ёмғир шивалаб уриб турар, душман ҳам дамба-дам прожекторларни порлатиб, бетиним ўқ ёғдирарди. Аскарлар тушган катерлар соҳилга яқинлашиб, 200—300 метрча қолганда сув саёзлиги учун сузолмай қолди.

Шунда:

— Сувга сакранглар! — деб команда берилди.

Ҳамма сувга сакради. Сув баъзиларнинг кўкрагидан, баъзиларнинг белидан келди. Аскарлар қуролларини баланд кўтарган ҳолда олға интила бошлашди. Шунда Муҳаммад ўнг томонида «Ёрдам, ёрдам бе-

ринг!» деган товушни эшитди. Бориб қараса, грузин дўсти Сергей Рихвашивилининг елкасига ўқ тегибди. Муҳаммад унинг қўлини елкасидан ўтказиб судраб, ҳансирай-ҳансирай бир амаллаб қирғоққа чиқди.

Аскарлар чиққан жой 4—5 метрлар чамасидаги жарлик бўлиб, сувдан омон чиққанларнинг ҳаммаси шу жар остига тизилиб нафас ростлашди. Душман отган ўқлар энди уларнинг устидан ўтиб сувга тушарди.

Ўнг томонда — соҳилнинг юқорига чиқиш мумкин бўлган жойида душман пулемёти ўрнашиб олганди. Шунинг учун рота командири у ердан чиқишни хавфли ҳисоблаб, аскарларга жонли «нарвон» ҳосил қилишни буюрди. Жарлик остига марғилонлик полвон йигит Аҳмаджон Қорабоев туриб, куйбишевлик Володя Попов унинг елкасига чиқди. Поповнинг елкасига ихчам ва чайир Муҳаммад чиқиб, тирмашиб юқорига кўтарилди. Сўнг у белидаги тасмани узатиб, пастдан беш йигитни тортиб олди. Командир бу йигитларга пулемётнинг овозини ўчиришни топширди.

Ўчакишгандай ёмғир кучайиб кетди. Жангчилар тим қоронғида эски хандақдан юриб, пулемёт овози чиқаётган томонга эмаклаб кетишди. Пулемёт товуши, фашистларнинг овози эшитилаётган жойга яқинлашганда Муҳаммад йигитларга орқада қолишни имлаб, қўлида икки граната билан олдинга яна ўн-ўн беш қадам эмаклади. Кейин кетма-кет икки гранатани ирғитиб, ўзини хандақ тагига отди. Орқадагилар автоматларни ишга солишди.

Пулемёт нуқтаси яксон қилингач, йигитлар осмонга кўк ракета отиб жар остидагиларга сигнал беришди. Ҳамма жангчилар юқорига кўтарилиб, буйруққа биноан хандақлар қазиб жойлашиб олишди. Орадан сал вақт ўтгач ёрдамга келган немис автоматчилари билан жанг бошланиб кетди. Душман қанчалик жон-жаҳди билан қаттиқ қаршилик кўрсатма-

син, барибир чекинишга мажбур бўлди. Тушга яқин қўшинларимиз Қора денгиз бўйлаб 4 километр кенгликда 25 километр ичкарига кириб бориб, мустаҳкам ўрнашиб олди.

— Шу тунгги машаққат, даҳшат кишиларга шу қадар қаттиқ таъсир қилдики, — дейди Муҳаммад ака, — бир кунда кўпгина йигитларнинг сочлари оқариб кетди...

Лекин бу тун 225 кунлик машаққатнинг дастлабкиси эди. Бу ҳақда ҳарбий журналист Є.А. Борзенко шундай ёзади: бу ер мардлик ва жасорат маскани бўлиб қолди. Қасос олиш иштиёқида ёнаётган кишилар ўша томонга ошиқадилар. Новороссийск яқинидаги плацдармга тушган кишилар қаҳрамонга айланарди. Бу ерда бомба, мина ва снаряд тушмаган бир метр ҳам соғ жой қолмади. Етти ой мобайнида душман самолётлари ва тўплари ернинг узунасига ва кўндалангига тупроғини ўйнатди, бирорта тирик жон — ҳайвон, парранда, шунингдек дарахт, ўт-ўлан қолмади. Жангчиларимиз бу ҳужумга дош бердилар».

— Кечаси-ю кундузи хандақда яшаб жанг қилдик, — деб ҳикоя қилади Муҳаммад ака. — Бизнинг хандақларимиз билан душман хандақлари оралиғи 80-90 метрча эди. Айниқса, 10—17 апрель кунлари даҳшатли жанглар бўлди. Сурункасига 8 кун осмонда гитлерчиларнинг 1500—2000 бомбардимончи самолётлари пайдо бўлиб, устимизга бомбалар ёғдирарди. Кечалари душман қирғоққа ёритувчи снарядлар отиб ёки «Фийке-вульф» самолётларида (биз бу самолётни «Рама» дердик) люстлар ташлаб, ҳамма ёқни кундузгидек ёритиб, миномёт ва тўплардан тинмай ўққа тутарди. Шунинг учун пароходларимиз қирғоққа яқинлашолмай, соҳилдан 11—12 километр ичкарида тўхтар, келтирилган ўқ-дори, озиқ-овқатларни денгизчилар моторли қайиқларда қирғоққа ташишарди. Бу қайиқларнинг ҳам бир қисми снаряд тегиб ден-

гизга ғарқ бўлиб кетарди. Лекин кураш ҳар қанча оғир бўлмасин биз ўзимизни «Катта ер»дан узилиб қолган ҳис қилмадик.

1943 йилнинг 20 июли. Батальон командири Муҳаммад ака билан оддий жангчи Аҳмаджон Қорабоевни тунда ҳузурига чақириб, шундай деди:

— Йигитлар, эшитаётгандирсизлар, немислар бизни куч билан енголмасликларига ақллари етиб, ташвиқот билан қўлга олишга ҳаракат қилишяпти. Номаълум бир рус аёли репродуктор орқали ваҳима гаплар айтиб, хоинликни тарғиб қилаяпти, русча қўшиқлар айтяпти. Сизларга мана шу аблаҳнинг овозини ўчиришни топшираман.

Аёл хандақда ўтириб гапирар, жангчиларимизга ҳеч қорасини кўрсатмасди. Уни ўлдириш учун қадини кўтарган пайтини пойлаш керак эди. Душман хандақи, снаряд ўқлари дарахтларни белидан чўрт-чўрт узиб, ағдар-тўнтар қилиб ташлаган акасзор бўйлаб кетиб, орқага ўтган, кейин яна ўнг томонга чўзилиб кетганди. Акасзор орқасига ўтганда хандақ иккига айрилиб, бир тармоғи шаҳар ичкарисига кириб кетарди. Аёлни аниқ нишонга олиш учун мана шу шаҳар ичкарисига кириб кетадиган хандақ кўринадиган жойга бориб олиш керак эди. Фашистлар шу ерда траншеядан бош кўтариб юришга журъат этишарди. Икки ўзбек йигити автоматни снайпер милтиғига алмаштириб, душман тез-тез ракета отиб турганлигига қарамасдан, акасзордан 50—60 метрча ўнг томондан олға эмаклаб кетишди. Шаҳарга борадиган хандақ кўринадиган жойга етиб, снаряд ҳосил қилган чуқурга тушиб, душман томонни ўт-ўлан билан маскировка қилиб ётишди. Бу ер бизнинг қўшинлардан ҳам кўра немисларга яқинроқ эди. Тонг отди. Ўртадаги отишма яна кучайди. Муҳаммад билан Аҳмаджон шаҳар йўлидан бир минут ҳам кўз узмай тикилиб ётишарди.

Лекин аёл киши ҳеч кўринмади. Фақат оқшом Муҳаммад дурбин билан қараб, траншея ажраладиган жойда уч киши пайдо бўлганлигини кўрди. Улардан иккиси немис офицери, бири аёл киши эди. Муҳаммад мўлжални аниқ олиб, милтиқ тепкисини босди. Аёл траншеяга ағдарилди. Офицерлар ўзларини панага олишди. Бир оздан кейин офицерлардан бири аёлни кўтармоқчи бўлди чамаси, траншеядан елкадан юқориси кўринди. Шунда Аҳмаджон узган ўқ уни ҳам ер тишлатди. Иккинчи офицер ўзини кўрсатмади.

Тунда йигитлар катта қийинчилик билан орқага қайтишди. Шу кундан бошлаб репродуктордан аёлнинг товуши эшитилмай қолди.

Қўшинларимизнинг 1943 йилнинг 16 сентябридаги катта ҳужуми ғалаба билан тугади. Шундан кейин Муҳаммад Абдуллаев қисқа муддатли курсда ўқиб, лейтенант бўлиб қайтди ва урушнинг охиригача батальонга командирлик қилди.

У 18-армия қўшинлари сафида жанг қилиб, Украина, Польша, Руминия, Чехословакияни немис-фашист босқинчиларидан тозалашда қатнашиб, урушни Прагада тамомлади. 1946 йилда ҳарбий хизматдан қайтди.

Муҳаммад ота ҳар ким ҳавас қилса арзийдиган ҳаёт йўлини босиб ўтган. У Тошкент Давлат педагогика институтини урушдан аввал битириб, ўзи туғилиб ўсган Келес посёлкасидаги 12-ўрта мактабда муаллимлик қила бошлади. Фронтдан қайтгач эса, унга шу мактабга бошчилик қилишни ишониб топширишди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда 12-мактабнинг моддий базаси камбағал эди. Муҳаммад Абдуллаев мактабга директорлик қилган йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида маҳаллий кадрлардан ўқитувчилар тайёрлашга, мактабнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, таълим-тарбия ишлари сифатини ях-

шилашга эътибор берди. Ҳозир бу ерда бўлган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Урушдан кейинги йиллари 500 ўқувчиси бўлган мактабда ҳозир 1300 дан ортиқ бола таълим оляпти. Бу ерда меҳнат қилаётган 84 ўқитувчининг 32 нафари Муҳаммад отанинг қўлида ўқиган.

1973 йилда Новороссийск шаҳри немис-фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 30 йиллигида шаҳар партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ижроия комитети уруш ва меҳнат ветеранига қуйидаги табрикномани юборди: «Қадрли Муҳаммад Абдуллаев!

Новороссийск шаҳри меҳнаткашлари номидан Сизни шонли байрам — немис-фашист қўшинларининг Новороссийскда тор-мор этилганлигининг ўттиз йиллиги билан қизғин табриклаймиз.

Сизнинг уруши йилларида кўрсатган мардлигингиз ва жасоратингиз миннатдор авлодлар хотирасида абадий қолади.

Мана шу тантанали кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, ёшларни жанговар анъаналар руҳида тарбиялашдаги ишларингизда катта муваффақиятлар тилаб қоламиз!»

Яқинда эса Муҳаммад ота ўрта мактабда ўқийдиган икки набираси билан Кичик ерга борди. Ўша унутилмас 1943 йилнинг 3 февралида қирғоққа тушган жойларини набираларига кўрсатди, аскарларимиз қони билан суғорилган муқаддас ерни биргалашиб ҳам энига, ҳам бўйига кезишди, Новороссийск соҳиллари бўйлаб катерда саёҳат қилишди, суратга тушишди. Болакайлар бу ажойиб саёҳат ҳақидаги тасассуротларини мактабдош дўстларига ҳали кўп марталаб сўзлаб беришади.

1975 й.

ДЎСТ ҚАДРИ – ИНСОН ҚАДРИ

1941 йил уруш бошланганда Раҳим Усмонов икки фарзандниng отаси эди. Тошкент вилоятининг Қорасув (ҳозирги Зангиота) туманидаги Хонобод қишлоғида хўжаликда ишларди. Кўп ўтмай, қўлидаги кетмонни милтиққа алмаштиришга тўғри келди. У ҳарбий хизматга чақирилиб, кўп жойларда жанг қилди. Душманга бас келиш, у ишғол қилган шаҳар ва қишлоқларни қайта озод қилишнинг ўзи бўлмади. Минг-минглаб қуролдош дўстлари кўз ўнгида ҳалок бўлдилар.

1943 йил июлда Курск ёйида бўлган жангда Раҳим Усмонов яраланиб, душманга асир тушди. Сўнг унинг тутқунликдаги оғир ҳаёти бошланди. Дастлаб фашистларнинг Украинадаги концлагерларида бўлди. Кейинчалик фашистлар нисбатан бақувват, соғлом асирлардан махсус қурилиш отряди тузиб, уларни йўл ва кўприкларни таъмирлашда ишлатди. Уруш туфайли вайрон бўлган йўл ва кўприклар эса беҳисоб эди. 1945 йил уруш тугаганда Раҳим ака Австрияда эди. Улар турган жойга армия зобити келиб, асирлар билан бир-бир суҳбатлашди.

Кейин уларни Харьковга олиб боришди ва тергов ҳамда суд қилиб, ҳар бирига ўн йилдан йигирма беш йилгача қамоқ жазоси беришди. Раҳим ака ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Шундан сўнг маҳбусларни Пермь вилоятининг Кизель шаҳридаги Рудничний кўмир шахтасига олиб боришди.

Бу ерда маҳбуслар билан йиғилиш ўтказган НКВД ходими шундай деди:

— Қамоқ муддатини кўмир конида ўтказасизлар. Шахта ҳудуди ва посёлкасида эркин юрасизлар. Кунлик нормасини сурункали бажармайдиган, интизомга риоя қилмайдиганлар бундан ҳам оғирроқ жойларга сургун қилинадилар. Қочмоқчи бўлганлар отилади.

Раҳим Усмоновнинг грузин Семён Бетхвашвили билан дўстлашуви шу ерда бошланди. Улар бир забойда, 150 метр ер остида ёнма-ён ишлашарди. Баракдаги ётоқлари ҳам ёнма-ён эди. Улар тенгдош, бунинг устига Семён ҳам Раҳим ака сингари деҳқон эди. Урушдан аввал уйланган. Кутаисида оиласи, хотини ва икки фарзанди қолганди. Оила ва қадрдон далалар соғинчи бу икки инсоннинг умумий дарди эди.

Шахтадаги меҳнат жуда оғир бўлиб, фалокатлар ҳам юз бериб турарди. Бир куни Раҳим ака кўмир ортилган икки вагонетка орасида қолиб кетди. Агар ёнида дўсти Семён бўлмаганда, унинг омон қолмаслиги аниқ эди.

Орадан кўп вақт ўтмай, бошқа фожиа юз берди. Забойда кўмир қазиётган Семённинг белига тепадан катта тош тушиб кетиб, умуртқасини синдириб юборди. Семён ҳушидан кетди. Раҳим ака дўстини орқалаб, 150 метр чуқурликдан ер юзасига олиб чиқди. Уни шифохонага олиб кетишди.

Семён қайта юролмай, бир умр тўшакка михланиб қолди. Шу аҳволда ҳам баттол тузум уни авф этмади. У шифохонада ётганича, қамоқ муддатини ўтай бошлади. Раҳим ака дўстини унутмади. Шифохонага тез-тез бориб, унинг ҳолидан хабар олиб турди.

Семён ҳамон Рудничний шахтасидаги маҳбус ишчилар рўйхатида турар, унинг нон паёги сақланганди. Раҳим ака дўстининг нон улушини оларди-да, уч-тўрт кунлигини йиғиб, шахтёрлар посёлкасидаги ишчи оилаларга сотиб, пулига сариёғ, пишлоқ, колбаса олиб дўсти ҳузурига борарди.

— Бу нарсаларни менга олиб келмай, ўзинг егин, шахтадаги меҳнатинг оғир, сенга куч-қувват керак. Менга шифохонада бераётган овқатлари ҳам етади, — дерди Семён.

— Мен тўқман... — дерди Раҳим ака. — Ўзинг емасанг, ҳамшираларга бергин, сенга яхшироқ қарашади. Шунда Семён ёш тўла кўзларини дўстидан узолмай, унга меҳр билан тикилиб қоларди.

Кейинроқ шахта раҳбарлари орасида уруш асирсиз бўлмайди, асирларга шафқатсиз бўлиш тўғри эмас, деган гаплар айланиб қолди. 1948 йилдан яхши ишлаётган собиқ асир маҳбусларнинг оилаларига Рудничний шахтаси посёлкасига келиб яшашларига рухсат беришди. Раҳим аканинг хотини Ортиқой икки фарзанди билан эри ҳузурига келди. Семён Бетхвашвилининг рафиқаси ҳам фарзандлари билан Грузиядан борди. Шундай қилиб, икки маҳбус дўстлиги икки оила дўстлигига айланди. Семённинг фарзандлари Фуция ва Жумбрия, Раҳим аканинг фарзандлари Райимжон ва Алимжонлар бир жойда яшаб, бир мактабда ўқий бошлашди. Фақат Сталин вафот этиб, сиёсий маҳбуслар авф этилгач, бошқалар қатори бу оилаларга ҳам ўз юртларига кетишга рухсат берилди.

Шундан кейин бу икки оила орасидаги алоқа маълум муддат узилди. Бунга биринчи сабаб турмуш машаққатлари бўлса, иккинчи сабаб туманларнинг номланиши, почта индексларининг ўзгарганлиги бўлди. Бошқа бир сабаб ҳам бор эди: жонажон қишлоғи Хонободда ҳамма Раҳим акани Ақин ака дерди, унинг ҳужжатдаги исми Раҳим эканлигини билишмасди. Бу ҳолат Бетхвашвилилар оиласидан келган хатнинг эгасини топишини қийинлаштирди. Лекин Семён ўзбек дўстини ҳеч унутмади. Фарзандларидан қандай бўлмасин, уни топишни талаб қилаверди.

Фуция пицундалик йигитга турмушга чиққан, шу курорт шаҳарчадаги санаторийлардан бирида ошпаз

бўлиб ишларди. У Ўзбекистондан ким дам олгани келган бўлса, Раҳим Усмоновни суриштираверди ва ниҳоят, 1978 йилда икки оила бир-бирини топди.

Раҳим ака катта ўғли Райимжон билан Ўзбекистоннинг ноз-неъматларидан олиб, Пицундада, қизиникида яшаб турган Семённинг ҳузурига меҳмон бўлиб борди. Бир неча йиллик айриликдан сўнгги дийдорлашувнинг ҳаяжонли онларини таърифлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Раҳим ака Пицундада бир неча кун бўлиб, дўстининг дийдорига обдон тўйиб, Грузиянинг сўлим жойларини мириқиб томоша қилиб қайтди. Кейин Семённинг фарзандлари Ўзбекистонга келишди. Икки оиланинг ўзаро борди-келдиси бир неча йиллар давом этди. Раҳим ака дўстининг ҳузурига дастлаб борганда, Семён уни ёнига ўтқазиб олиб, «Агар мен вафот этсам, дафн этиш учун албатта келасан, мени гўрга ўз қўлинг билан қўясан, мен шуни жуда истайман», деган эди.

1987 йилнинг қишида Кутаисидан телеграмма келди. Унда Семён Бетхвашвили вафот этганлиги хабар қилинган эди. Раҳим ака ўша куниёқ Грузияга учиб кетди. Марҳумни Кутаиси вилоятининг у туғилиб ўсган тоғли Глола қишлоғидаги қабристонга дафн этишди. Раҳим ака дўстини қабрга ўз қўли билан қўйди. Уч-тўрт кун унинг уйида бўлиб, таъзиясида қатнашди. Раҳим Усмоновнинг грузин Семён Бетхвашвили билан дўстлиги инсоний меҳр-муҳаббат миллат танламаслиги ва чегара билмаслигининг яққол далилидир.

2004 й.

ОСВЕНЦИМ ХАЛОСКОРИ

Уруш бошланганда Қодир ака Тошкентдаги кечки педагогика институтининг учинчи курсида ўқирди. Сал вақтдан кейин ҳарбий хизматга чақирилиб, Олмаотадаги ҳарбий билим юртига ўқишга юборилди.

1941 йилнинг ноябрида бу ҳарбий билим юртини барвақт тугаттач, кичик лейтенант унвони билан 98-ўзбек ўқчи бригадасига хизматга юборилди. 1942 йилнинг кўкламида бу бригада тарқатилиб, уни янги ташкил бўлаётган иккинчи ўзбек полкига кўчиришди. Бу ерда у капитан Саидхўжаев командир бўлган батальонда взвод командири бўлиб хизмат қила бошлади.

Қодир ака батальон комиссари Турдиали Шарипов билан шу ерда танишганди. У солдатлар билан ўтказиладиган тактик машқлар, назарий машғулотларга тайёргарлик кўраётганда бу кишига тез-тез мурожаат қилар, ундан яхши маслаҳатлар олиб турарди.

1942 йилнинг кузида уларнинг йўллари икки томонга айрилиб кетди. Т. Шарипов батальон билан урушга кетди. Қодир Зокировни эса, 89-алоҳида рус пиёдалар бригадасига рота командири қилиб жўнатишди.

1943 йилнинг ёзидан эса, Қодир аканинг оғир фронт ҳаёти бошланди. У дастлаб Закавказье фронтида, сўнг 3-Болтиқбўйи фронтида жанг қилди.

1944 йилнинг июнида 3-Болтиқбўйи фронти ихтиёридаги 67-армиянинг Қодир ака рота командири бўлиб хизмат қилган 313-десант полки Нарва яқини-

да турарди. Полк қаттиқ жанглар натижасида толиққан, талай одамини йўқотганди, полк комиссари ҳам яраланиб сафдан чиққан бўлиб, шу сабабли полкка дам берилиб, у резерв билан тўлдирилаётганди.

Шунда жангчилар полкка ўзбек майор комиссар бўлиб келибди, деб гапириб қолишди. Қодир ака қисмдаги ягона ўзбек эди. Шу боисдан ҳам бу хабар уни қувонтириб юборди.

Кечқурун янги комиссарни кўргани штабга борганда, не кўз билан кўрсинки, хонада полк командири, гвардиячи подполковник Шилин билан майор Шарипов суҳбатлашиб ўтиришарди.

Фронтда таниш кишиларнинг учрашиб қолиши жуда камдан-кам рўй берадиган воқеа бўлганлиги учун ҳам жуда ҳаяжонланиб кетишди:

— Турдиали ака!

— Абдуқодир, омон бормисан, иним!

Полк командири уларнинг қучоқлашиб кўришишини жилмайиб кузатди:

— Ҳамшаҳарлар учрашдинглар чоғи.

— Ҳам ҳамшаҳар, ҳам эски полкдошлармиз, — деди Шарипов. — Взвод командирлигидан рота командирилигига буни менинг ўзим кўтарганман, шогирдим бўлади.

Шу тариқа улар яна топишиб олишди. Иккиси бир-биридан хабардор бўлиб туришга, бирон кор-хол бўлса, албатта уйга хабар қилишга аҳдлашишди.

1944 йилнинг 24 августида 313-десант полки Эстониянинг Тарту шаҳри яқинида душманнинг орқасига ташланди. Полк ерга эсон-омон тушгач, шаҳарни штурм қилишга тайёрлана бошлади.

Эртаси куни бизнинг артиллериямиз душман позицияларини қаттиқ ўққа тутди. Тўпларнинг овози, снарядларнинг портлаши қулоқни қоматга келтирди.

Кононада тугагач шаҳарга ҳужум бошланди. 313-полк шаҳарнинг ярмини ишғол қилиб, уни иккига

бўлиб турган дарёга бориб тўхтаб қолди. Немислар жуда қаттиқ қаршилик кўрсатиб, дарё устидаги тош кўприкни ўз мудофааларининг таянч нуқтасига айлантирдилар. Икки чеккада олтитадан автоматчи, ўртада пулемётчи шиддатли ўт очиб, кўприкдан ўтишга сира йўл бермасди. Шу ерда томон аскарларидан талайгинаси ҳалок бўлди.

Бироқ душман рақиб нима бўлса ҳам кўприкни олишга ҳаракат қилишини билиб турганди. Шу боисдан ҳам уни портлатиш пайига тушди. Кўприк портласа асосий қисмлар етиб келгунча шаҳарни ишғол қилиш вазифаси барбод бўларди. Бу орада полк командири ҳам яраланиб сафдан чиқди. Команда пунктида жангни Шариповнинг ёлғиз ўзи бошқара бошлади. Шунда у лейтенант Зокировни шошилинч ҳузурига чақирди. У анча ташвишли кўринарди:

— Абдуқодир, — деди комиссар рота командирининг елкасига қўлини ташлаб, — бу ерда мен сенга қанчалик азиз бўлсам, сен ҳам менга шунчалик азизсан. Лекин аҳвол оғир, кўприкни душмандан тортиб олиб, полкнинг асосий қисмига йўл очиш вазифасини сенга топшираман.

Зокиров ротасидан бир взводни олиб, топшириқни бажаришга киришди. Аввал у взводнинг бўлажак ҳаракат доирасини яхшилаб кузатиб, душман пулемёти ва автомати ўқи етмайдиган жойни аниқлади. Сўнг взводни учга бўлиб, икки қисмга икки ёқдан душманнинг автомат нуқталарини яксон қилишни буюрди, учинчи қисм билан ўзи душманнинг пулемёт нуқталарини мўлжаллаб ҳаракат қилди. Уларнинг ҳаракатини ротанинг пулемётчилари қаттиқ ўқ ёғдириб қувватлаб турди.

Бир оз вақт ўтгач, взвод эски қайиқлар билан кўприкнинг тагидан нариги томонга ўтиб олди ва кутилмаганда тўсатдан душманга уч томондан ташланди.

Рота командирининг ўзи пулемёт нуқтасига кетма-кет учта танкка қарши граната ташлаб, пулемётчиларни яксон қилди, взводнинг қолган қисми автоматларнинг товушини ўчирди. Шундай қилиб полкнинг асосий қисмига йўл очилди.

Кўприк қўлга ўтгач, полк бор кучини ташлаб шаҳарга ёриб кирди. Тахминан соат 12 ларда шаҳар душмандан батамом тозаланди. Орқадан қилинган ҳужум немислар учун кутилмаган иш бўлди. Шунинг учун ҳам 1500 кишилик полк шаҳардаги бир немис дивизиясига қарши жанг қилиб, анча қийналиб бўлса ҳам ғалабага эришди.

1944 йилнинг август ойи охирида Тарту шаҳрини олишда алоҳида ўрнак кўрсатган аскар, сержант ва офицерлар орден ва медаллар билан мукофотланди. Ўшанда майор Шарипов кўпчилик қатори лейтенант Зокировнинг кўкрагига «Қизил Юлдуз» орденини тақиб қўйди.

Сентярь ойида 67-армия Фин қўлтиғи томонга сурила бошлади. Яна жанглар бўлди. Полк комиссари қаттиқ яраланиб сафдан чиқди. Шу-шу Шарипов билан Зокиров ажралиб кетдилар. Зокиров полк командирининг яраси оғирлигидан уни ҳалок бўлдига чиқарганди. Шу сабабли ҳам нохуш хабар билан унинг оиласининг дилини хуфтон қилишни истамаганди.

1944 йилнинг кузида 67-армия Фин қўлтиғига чиққач, Абдуқодир Зокировни Львов ва Тернополь шаҳарлари орлиғидаги Золочёв шаҳри яқинида турган генерал полковник Курочкин қўмондонлигидаги 60-армияда янги ташкил этилган 251-алоҳида штурмчи группага рота командири қилиб ўтказишди. Кейинроқ бориб эса у шу группа командири бўлиб қолди. Абдуқодир Зокиров мана шу группага командирлик қилиб, 1945 йилнинг январь ойида Освенцим жазо лагерини фашист босқинчилардан тозалашда қатнашди.

Бу пайтда 60-армия Польшанинг Пермешль, Лансут, Жешув, Деба, Майданев, Дембица, Мелец шаҳарларини немислардан озод қилиб, Мелецнинг ғарбидан ўтган Висла дарёси бўйидаги плацдармдан 1944 йилнинг 31 декабридан 1945 йилнинг 1 январига ўтар кечаси ҳужумга ўтиб, яна шиддат билан олға сурилиб, Краков шаҳрини озод қилди. 1945 йил 26 январдан 60-армия қўшинлари Освенцим шаҳри учун ҳужум бошладилар. Тун бўйи давом этган қаттиқ жангдан сўнг Освенцим жазо лагери яқинида мудофаа марраси эгалланди. Армия жангчиларининг ҳар бири лагерга биринчи бўлиб ёриб кириш иштиёқи билан ёнарди.

Лагернинг диаметри 18 километр бўлиб, атрофи юқори кучланишли электр токи ўтадиган тиконли симлар билан ўралганди. Унга яқинлашган одам куйиб кул бўлиши мумкин эди. Ораси яқин қилиб қурилган кузатув миноралари ҳам тиканли симлар ортидан кўзга чалиниб турарди.

Кечаси 60-армия оператив бўлимининг бошлиғи полковник Пупишев катта лейтенант А.Зокировни ўз ҳузурига — дивизия команда пунктига чақириб, ҳозир артиллерия лагерь ичкарисидаги подстанцияни ўққа тутиб, электр токи юргизилган симли ғовларни хавфсизлантириши, кейин артиллерия ўти орқага олиниб, душман чекинадиган йўл беркилишини, сўнгра штурмчи группа ҳужумга ўтиб, лагерга биринчи бўлиб ёриб кириши лозимлигини буюрди. Бу вақтда 251-штурмчи группада 13 та кучайтирилган взвод бўлиб, 800 дан ортиқ жангчиси бор эди.

27 январь саҳарда катюшалар ўти душман ортига олиниши ҳамоноқ, қизил аскарлар тўп ўқлари ва бомбардимон натижасида дабдаласи чиққан лагерь дарвозасидан ҳужумга ўтиб ичкарига киришди. Немислар ўзларини ўнглаб олган пайтда, группа жангчилари лагернинг асосий қисмида — эркак ва аёллар

лагерида жанг олиб борарди. Тушга бориб лагерь душмандан батамом тозаланди.

251-группадан бу жангда 50 киши сафдан чиқди. 800 кишилик группа учун бу унчалик катта йўқотиш эмас эди. Жангнинг муваффақиятли тугашида марҳум лейтенант Петров, кичик лейтенант Какорин, озарбойжон ўғлони, катта лейтенант Козимовлар катта жасорат кўрсатишди.

Жанг тугагач аскарлар лагерни кўздан кечиришди. Бу ҳақда Абдуқодир ака шундай ҳикоя қилади:

— Лагерда бизни санитария инструктори бўлиб ишлаган, немисларга ўзини австриялик немисман деб танитиб жон сақлаган яҳудий йигит кутиб олди. У бизга лагерни кўрсатди, фашистлар қилган ваҳшийликлар ҳақида гапириб берди. Бу ерда кўрганларимиз ҳамда санинструкторнинг ҳикояси бизнинг немис-фашистларга қарши нафратимизни ўн чандон ошириб юборди.

Освенцим тўрт қисмдан иборат бўлиб, эрлар, аёллар, беморлар ва ўлим лагеридан иборат экан. Беморлар лагерида турли миллатга мансуб 365 нафар ранглари заъфарон, юролмайдиган ҳолатга келган кишиларга дуч келдик. Фашистлар чекиниш олдидан шошиб қолиб, уларни отишга улгуришмабди. Беморларга дарҳол тез ёрдам уюштирдик, кейин госпиталга жўнатдик.

Ўлим лагерига кираверишда 40 нафар аскарнинг жасади ётарди. Немислар уларни бир кун аввал Краков томондан ҳайдаб келишган, чекиниш олдидан аламзадалик билан отиб ташлашган экан. Биз бирodарларимизнинг жасадларини Освенцим шаҳар марказий майдонидаги биродарлик қабристонига дафн қилдик.

Эртаси куни яна лагерни кўздан кечирдик. Ўлим лагеридаги баҳайбат крематорий печлари қурилгандан бери кечаси-ю кундузи бетиним ишлаб, уларда

фақат одам ёқилган экан. Лагерда ташқаридан худди ҳаммомни эслатадиган, ярим қисми ерга ботган узундан-узун бино бор. Бу бинога газ камералари жойлашган. Фашистлар миллионлаб кишиларни тузалмайдиган «бемор»лар ниқоби остида шу бино ичидаги газ камераларида бўғиб ўлдириб, кейин крематорий печларида ёқиб юборишган.

— Газ камералари жойлашган бинодан хиёл ўтгандик, — деб ҳикоясини давом эттирди Абдуқодир ака, — ялангликда худди саржиндай тахлаб ёқиб юборилган, ҳамон тутаб ётган тўп-тўп мурдаларга кўзимиз тушди. Санинструкторнинг айтишича, фашистлар лагерда яҳудийларнинг ўзидан махсус «зондркоманда» тузган экан. Лагерга эшелонда одам келтирилса, мана шу команда улар орасидан яҳудийларни ва коммунистларни териб олиб, уст-бошини ечинтираркан. Кейин тўғри ўлим лагерига олиб бориб, қўл-оёғини боғларкан, саржин қилиб тахлаб, устидан ўтин қалаб, қора мой қуйиб ёқиб юбориларкан.

Ўлим лагерининг энг охири худди картошка ўраларига ўхшаш сон-саноқсиз узун-узун ўралардан иборат эди. Бу ўраларга крематорий печларида ёқишга улгурилмаган мурдалар кўмилган экан. Биз бу ўраларнинг янгиларидан бирини очдириб кўриб, юзимизни тескари ўгирдик. Унда эркак ва аёллардан ташқари олти-етти ёшли болаларнинг жасадлари ҳам қалашиб ётарди.

Лагернинг коменданти тиббий хизмат генерали бўлиб, ҳар куни эрталаб асирлар ишга жўнаши олдидан баракларни айланиб, меҳнатга яроқли ва яроқсизларни аниқларкан. Меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганларни ўлим лагерига, яроқлиларини эса оғир ишларга жўнатаркан.

Агар шунда ўзи ишга яроқли бўлиб, яроқсизман деб баҳона қиладиганлар топилиб қолса, уларни таш-

қарида асирлар кўз ўнгида махсус ўрнатилган овчарка итларга талатиб ўлдиртирар экан. Кўкрак қафаси ёрилган мурдалар ана шундай жазога маҳкум этилган кишилар эди...

60-армия қўшинлари Освенцимни олганидан кейин 30 километр наридаги Николай, унинг ғарбидаги Глейниц, Кенегсхютте, Гинедбург шаҳарларини озод қилди. Шундан сўнг армия яна олға силжиб, Польша билан Чехословакия чегарасидаги Траппу шаҳрини немислардан тозалади. Шу шаҳарда 60-армия 1-Украина фронти ихтиёридан олиниб, 4-Украина фронти ихтиёрига берилди. Чехословакиянинг кўпгина шаҳар ва аҳоли пунктларини душмандан тозалашда қатнашди.

Унинг Болтиқбўйида олган жанговар мукофоти ёнига янгилари: — иккита «Улуғ Ватан уруши» ордени, «Германияни озод қилганлиги учун», «Жасурлиги учун» медаллари қўшилди. Чехословакия ҳудудида фельдмаршал Шпейдель ва сотқин генерал Власовнинг парчаланган армияси билан жанг қилди ва уруш тугашига бир кун қолганида, яъни урушнинг сўнгги куни — 8 майда Прага яқинида қорнидан оғир яраланиб сафдан чиқди.

Шундан кейинги воқеаларни Абдуқодир аканинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

— Санитария қисмига келтирилганимда жуда оғир аҳволда эканман. Шунда бу ерга генерал майор Пупишев келиб, мени кўриб қолибди. У киши 60-армия жамлаш бўлимининг бошлиғи эди, мени яхши билар, қадрларди. Бизнинг штурмчи группамиз бевосита шу кишининг кўрсатмаси билан ҳаракат қиларди. Генерал менинг аҳволимни кўргач, армия госпиталидаги тажрибали жарроҳлардан бирини чақиртирибди.

Операция столига ётқизишлари олдидан ҳушим ўзимда эди, кейин яна ўзимдан кетиб қолибман.

Мени уч соат операция қилиб, операция тугагач, жарроҳ атрофидагиларга:

— Кечгача кўзини очса соғайиб кетади, акс ҳолда умид йўқ, — дебди.

Уч-тўрт соатдан кейин ўзимга келиб, папирос беришларини сўрадим...

Соғайгач Зокиров яна хизматини давом эттира бошлади. Сентябрь ойида кўпчилик, шу жумладан, генерал Пупишев ҳам Япония урушига жўнатилди. Шундан бир оз аввал Пупишев Зокировга агар истаса, Фрунзе номли ҳарбий академияга ўқишга боришига ёрдам беришини айтганди. Лекин у кўнмади. Юртига бориб тинч меҳнат билан шуғулланиш унинг учун ҳар нарсадан аъло эди.

1945 йилда у армия сафидан бўшаб, туғилиб ўсган жойи Тошкентга қайтди.

Шундан бери яна кўп сувлар оқиб ўтди. Яқинда Абдуқодир ака ўзи бир неча йилдан бери диспетчер бўлиб ишлаётган Тошкент аэропортида ҳеч кутилмаганда собиқ комиссари Т.Шариповни учратиб қолди. Эски қадрдонлар қучоқлашиб кетишди. Республиканинг бир вилоятида яшаб, шунча вақт мобайнида бир-бирларига бирон марта ҳам кўзлари тушмаганлигидан афсусланишди.

Турдиали Шарипов ўшанда, Фин қўлтиғи яқинида оғир яралангач, Москвадаги госпиталда узоқ ётиб соғайганлигини, кейин Ўзбекистонга қайтганлигини, ҳозир истеъфодалигини, Келесда яшашини гапириб берди. Қодир ака ҳам иккиси ажралишгандан кейин кўрган-кечирганларидан сўзлади, ҳозирги иши, турмуши чакки эмаслиги, бироқ бундан 29 йил аввал ўша Прага яқинида ўқ еганда пайдо бўлган яраси яна очилиб, анча безовта қилаётганлигини собиқ комиссарига гапириб берди.

Бу орада аэровокзал диктори Наманганга учадиган самолётга пассажирлар чиқарилишини эълон

қилиб қолди. Шарипов Наманганда яшайдиган ўғли ва набираларини кўргани кетаётганди. Дикторнинг эълонидан кейин қуролдош дўстлар хайрлашишди.

Самолётга чиқиш олдидан Т. Шарипов Абдуқодир акага: «Энди албатта борди-келди қиламиз» деди, қўли енгил шифокор ошналари борлигини, ўшаларга кўрсатиб, унга урушдан нохуш хотира бўлиб қолган ярани тузатишга ёрдам беришини айтди.

1974 й.

ЎЗБЕК ЙИГИТИ – ОЛЕСЬ ГОНЧАР АСАРИ ҚАҲРАМОНИ

Иван Меркурьевич Дубинин урушни 1945 йил май ойида Прага яқинида якунлади. У бу пайтда 2-Украина фронти таркибига кирган 7-армиянинг 72-дивизиясидаги 222-ўқчи полк штаби бошлиғининг ёрдамчиси лавозимида хизмат қиларди. Бундан аввал у анча вақт ротага командирлик қилган.

Иван Меркурьевичга 1945 йил ноябрда уйига қайтишга рухсат беришди. У жонажон Хоразмига келиб, урушгача ишлаган жойида – Урганч темирйўл станциясида меҳнат қила бошлади.

У тўрт йиллик урушда кўрган-кечирганларини, 222-полкнинг жанговар йўлини, кўз ўнгида ҳалок бўлган полкдош дўстларини кўп ўйларди. У уруш йиллари кундалик тутганди. Бўш вақтлари бу кундалигини варақлаб, бўлиб ўтган воқеаларни эслашни яхши кўрарди. Соғ-саломат буюк Ғалабага етиб келганига шукр қиларди.

Иван Меркурьевич китоб ўқишни, айниқса урушдан кейинги дастлабки йилларда камёб бўлган ҳарбий мавзудаги асарларни ўқишни яхши кўрарди. У 1948 йилда кунларнинг бирида мана шундай истак билан Урганчдаги китоб дўконига кирганида, жавондаги янги сотувга қўйилган «Байроқдорлар» китобига кўзи тушди. Уни олиб варақларкан, бирдан муаллифининг исм-шарифи кўзига оловдай кўринди. Беихтиёр: «Ия, бу полкдошим, миномётчи сержант Александр Гончар эмасмикан!? деб юборди. А.Гончар билан Дубинин нафақат бир полкда – Хўжаев

полкида, ҳатто бир батальонда хизмат қилган, у билан учрашган, суҳбатлашганди. Дивизия газетасида ора-сира унинг шеърлари, полкдошлари ҳақидаги очерклари чиқиб турарди. Иван Меркурьевич Олесь Гончарнинг полтавалик эканлигини, урушгача журналистлар тайёрланадиган техникумда ўқиганини, газетада ишлаганини ҳам биларди.

Иван Меркурьевич дўконда тик турганича китобнинг бир-икки бобини «чўқилаб» ўқиб кўриб, унда ўзининг қардон 222-полки, унинг жангчилари ҳақида гап бораётганини билди. Ёзувчи ўткир қалами билан полк командири, полковник Ҳошим Хўжаев (китобда Самиев деб ёзилган) полк командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, Қаҳрамон, майор Михеев (китобда Воронцов деб олинган) сиймоларини жонлантирганди.

Бундан ташқари романда катта сержант Борока, взвод командири, лейтенант Гарбуз, миномёт ротаси командири, катта лейтенант Иван Антонович Прасол портретлари ҳам маҳорат билан чизилганди. «Байроқдорлар» романидаги образларга асос бўлган бу кишилар Иван Меркурьевич учун унутилмас, қадрдон инсонлар эди.

Масалан, полк командири Ҳошим Хўжаевни олайлик. У Ясладан шаҳри яқинидаги жангда кўрсатган жасорати учун Дубининнинг кўкрагига «Қизил юлдуз» орденини тақиб қўйган ва уни рота бошлиғилигидан полк штабининг бошлиғи ёрдамчиси лавозимига кўтарганди. Полк командири ҳалок бўлганда ҳам Дубинин командирининг ёнида эди.

Буни қарангки, камтар, тортинчоқ йигит бўлган Олесь Гончар қисқа даврда таниқли ёзувчи бўлиб кетибди. «Байроқдорлар» трилогиясини ташкил этган «Алплар» (1946 й.), «Мовий Дунай» (1947 й.), Олтин Прага» (1948 й.) романлари учун икки марта Давлат мукофотига сазовор бўлибди. Дарҳақиқат, бу китоб-

лар ўтган уруш ҳақидаги энг яхши асар сифатида эътироф этилиб, дунёнинг кўп тилларига таржима қилинди, муаллифга катта шуҳрат келтирди.

Иван Меркурьевич китобни дарров сотиб олиб, уйида бошини кўтармай ўқиб чиқди. Сўнг «Литературная газета»га хат ёзди. «Мана булар, байроқдорлар» сарлавҳали бу хатда Дубининнинг уруш йиллари тутган «Хотира дафтари»даги қарийб барча гаплар бор эди. Газета таҳририяти Олесь Гончарни бу хат билан таништирди. Ёзувчи дарҳол жавоб мактуби ёзди.

«Мен Сизнинг хатингизни ҳаяжон билан ўқиб чиқдим, — деганди ёзувчи мактубида. — Унда полкимизнинг жанговар йўли ҳақида ва менинг трилогиямдаги образларга у ёки бу даражада асос бўлиб хизмат қилган одамлар ҳақида қизиқарли маълумотлар тўпланган.... Мен Сизнинг материалингизни батафсил таҳлил қилмоқчи эмасман, лекин шуни айтаманки, унда тўғри фикрлар ва мулоҳазалар бор, энг муҳими эса, бизнинг шонли гвардиячиларимизга муҳаббат бор. Яна бир полкдошимизнинг овозини эшитганимдан беҳад хурсандман. Сизга қизғин саломимни ва энг эзгу истакларимни йўллайман.

О. Гончар».

Шундай қилиб Дубининнинг кейинчалик яна кўплаб асарлар ёзган атоқли украин ёзувчиси, кўплаб мукофотлар совриндори, Меҳнат Қаҳрамони, академик Олесь Гончар билан дўстона алоқаси, қизғин ёзишмалари бошланди. Ёзувчи хоразмлик полкдошига янги китобларидан совға қилиб юборди.

Иван Меркурьевич бошқа полкдошларига ҳам хат ёзиб, улар билан боғланишга ҳаракат қилди. Меҳнат таътилига чиқиб Тошкентга йўл олди. У ерда сўраб-суриштириб, полк командири Ҳошим Хўжаевнинг оиласини топди. Фарзандлари билан учрашиб, улар-

га оталари қандай ҳалок бўлганлигини гапириб берди. Тўрт фарзанд оталарининг полкдоши бўлган инсоннинг ҳикоясини кўзда ёш билан тинглашди. Иван Меркурьевич Ҳошим Хўжаев оиласининг Ишчилар шаҳарчасидаги хонадонига келиб турадиган бўлиб қолди.

1945 йилда Ўрдадан Олой бозорига олиб борадиган йўлга гвардиячи полковник Ҳошим Хўжаев номи берилганди. 1966 йилдаги зилзиладан сўнг бу кўча бузилиб кетди. Хошим Хўжаев номини қайтадан абадийлаштириш масаласи ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади. Шунда Дубинин бошқа ветеран дўстлари билан бирга Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига хат ёзиб, командирининг номини қайтадан абадийлаштиришга муваффақ бўлди. Ишчилар шаҳарчасидаги катта кўча гвардиячи полковник Ҳошим Хўжаев кўчаси деб атала бошлади.

Немис-фашист босқинчилар устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги арафасида И.М. Дубининга 72-дивизиянинг фахрийлар кенгашидан полкдошларнинг учрашувида иштирок этиш тўғрисида таклифнома келди.

Бу учрашув 1975 йил 7—10 майда Киев вилоятининг Белая Церковь шаҳрида бўлиши керак эди. И.М. Дубинин учрашувга катта қувонч билан борди. У ерда кўп полкдошлари, жумладан, Олесь Гончар билан, 72-дивизия ветеранлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-лейтенант Г.М. Баталов ва бошқа кишилар билан учрашди, суҳбатлашди, жанговар йилларни эслашди.

8 майда ҳарбий қисмда мемориал доска ва шон-шуҳрат ҳайкали тантанали тарзда очилди. Шон-шуҳрат ҳайкали остидаги қора мармарга 29 нафар Қаҳрамоннинг исм-шарифи ёзилганди. Одамлар Қаҳрамонлар исм-шарифларини диққат билан ўқий бошлашди.

Шунда тантанали жимликда ҳаяжонли товуш эшитилди:

— Нега капитан Швецнинг исм-шарифи йўқ? У қаҳрамон-ку!

Тантана ташкилотчилари бир-бирларига қараб олишди. Наҳотки кимнидир унутган бўлсак? Лекин Қаҳрамонлар орасида Швецнинг исм-шарифи йўқ эди. Кимдир секингина шубҳаланаётганлигини билдирди: Иван Меркурьевич Дубинин адашмаяптимикан? Швец қаҳрамон эканлиги ишончлими?

Шунда батальон командирини яхши билган, у билан ёнма-ён жанг қилган Дубинин сўнгги эсида қолган жангги ҳақида гапирди.

Венгер хуторларидан бири ёнида батальоннинг бир қисми қуршовда қолди. Капитан Швец ҳам аскарлар билан бирга эди. У айланма мудофаа ташкил этди ва жангчилар унинг раҳбарлигида душманни ўн олти соат ушлаб туришди.

Комбат танкка қарши қурол билан душман танкини ёндирди, сўнг ярадор бўлган пулемётчининг ўрнини эгаллади. Ёрдам етиб келганда капитан Швец группаси мудофаада турган жойда ўнлаб фашистлар ер тишлаб ётарди.

Бу қарийб тинимсиз жанг билан ўтган кунлар ва ҳафталар эди. Гитлерчилар ҳалокатлари муқаррарлигини сезиб, ўзларини жон-жаҳдлари билан мудофаа қилишарди. 1944 йилнинг декабрь ойи бошида полк йирик аҳоли пункти бўлган Буякка ҳужум қилди. Швец батальони алоҳида вазифани бажариб, қишлоқнинг ён томонидан айланиб ўта бошлади. Шунда рота командири Яков Рогозин аскарларни ҳужумга кўтарди ва кўп ўтмай ўқ еб қулади. Ҳужум барбод бўлиш хавфи пайдо бўла бошлаганини капитан Швец дарҳол пайқади. Шунда комбат ротанинг олдида пайдо бўлиб, тўппончасини силкиган ҳолда: «Менинг ортимдан ҳужумга! Ура!» деб бақирди. Жангчилар командир

ортидан эргашишди, қишлоқ чеккасида жанг қизиди. Шунда душман пулемётчиси узган ўқ Швецни қулатди. Эртаси полк командири Ҳ. Хўжаев мукофотга тавсиянома ёзиб, ҳарбий ҳаракат тўғрисидаги маълумотномада капитан Швец ҳақидаги «Ўлимидан сўнг Қаҳрамонликка лойиқ» сўзлари остига чизиб қўйди.

Дубинин шон-шуҳрат ҳайкали олдида туриб фахрий қуролдошларига шу ҳақда гапирди. Тез кунда Москвага сўровнома юборилди. Унга жавобда шундай дейилган эди: «1945 йил 24 мартида Олий Совет Президиуми фармони билан Швец Иван Стефановичга ўлимидан сўнг Қаҳрамон унвони берилган. Лекин бу хабар у хизмат қилган қисмга ўз вақтида юборилмаган».

Шундан кейин шон-шуҳрат ҳайкали остидаги қора мармарда ўттизинчи сатр: «Капитан Швец Иван Стефанович» сўзлари пайдо бўлди.

Белая Церковь шаҳридаги учрашувнинг охирги кунида меҳмонлар мемориалга борадиган йўлга дарахтлар экишди. Шундай қилиб «Дўстлик хиёбони» пайдо бўлди.

Хўш, Ҳошим Хўжаев ким эди? У қандай қилиб 1943 йил бошида фельдмаршал Паулюс бошлиқ 90 минг нафардан ортиқ немис-фашист босқинчиларни Сталинградда асир олган армия генерали М.С. Шумилов қўмондонлигидаги 64-армия (кейинроқ бу армия 2-Украина фронти таркибига кириб, 7-армия деб аталган)нинг 72-дивизиясидаги 222-қизил байроқли ўқчи полк командири даражасига етди? Қандай қилиб кўпларнинг ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди?

Николай подшо вақтида уни Ўрда сувининг сўл томонидаги кўчаларда отасининг ортида терга ботиб, елкасида обкаш билан керосин ташиб юрганини кўришганди, сал вақт ўтгач, китоб қўлтиқлаб

Ўрдада очилган янги мактабга қатнаб юрганини кўришди.

Унинг болалик йиллари меҳнат билан ўтганди. Шу боис болалик чоғлариданоқ оддий кишиларга чуқур ҳурмат аа муҳаббат руҳида тарбияланди, халқидаги энг яхши сифатларни ўзида мужассамлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг отаси Саидхўжа ака Тошкентнинг Шайхидонтепа маҳалласида энг камбағал кишилардан эди, янги шаҳардаги фонус чироқларни ёқиб-ўчириб, кўчаларни супуриб тирикчилик қиларди.

Ҳошимжон 1928 йилда Тошкентдаги ҳарбий билим юртини тамомлаб чиққанида йигирма икки ёшли йигит эди. Уни аввал Самарқанддаги ўзбек батальонига взвод командири этиб жўнатишди. Йигитдаги ҳарбий қобилиятни билган генерал Н.Е. Петров икки йилдан сўнг уни Тошкентда ҳарбий билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлашга таклиф этди. Ҳ. Хўжаев бу ердаги саккиз йиллик фаолияти мобайнида Армия учун юксак ҳарбий ва сиёсий тайёргарликка эга бўлган командирлар тайёрлаб бериш ишига муносиб ҳисса қўшди. Шу мақсадда бор билим ва маҳоратини ишга солиб меҳнат қилди.

Немислар билан уруш бошланганда Ҳ.Хўжаев жанубдаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилаётганди. Ўша пайтда гитлерчилар Эрон томондан ҳам ҳужум қилиш ва Кавказни эгаллаб, мамлакатни Боку нефтидан маҳрум қилишни мўлжаллаб, махфий режа тузгандилар.

Шу мақсадда гитлерчилар Шимолий Эронда жуда кўп шайкаларини тўплагандилар. Ана шунда Армия қисмлари жанубий чегаралар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Эрон билан 1921 йилда тузилган шартномага мувофиқ Эронга кирдилар. Мана шу қисмлар орасида Хўжаев командирлик қилган полк ҳам бор эди.

1941 йилнинг охирида Хўжаев САВО (Ўрта Осиё ҳарбий округи) ихтиёрига қайтди. Бу пайтда бутун мамлакатда бўлгани сингари республикамизда ҳам халқ хўжалиги ҳарбий изга солина бошланган, ҳамма нарса фронт учун сафарбар этилаётганди. Майор Ҳ.Хўжаев мана шу оғир ишни зудлик билан амалга оширишда зўр ташкилотчилик кўрсатди.

1941—1942 йиллар мобайнида шахсан унинг бошчилигида Киркида, Шаҳрисабзда, Когонда, Қўқонда ва Фарғонада полк ва бригадалар тузилди. Ўша пайтда мана шу полк ва бригадаларда хизмат қилган кишиларнинг ҳаммаси ҳам Ҳ.Хўжаевнинг ҳарбий ташкилотчилиги ва маҳорати ҳақида ҳаяжонланиб гапирардилар.

— Хўжаев Қўқонда тузилган бригадага, сўнгра эса Фарғонада тузилган захирадаги ўзбек полкига командирлик қилганида, мен унинг қўл остида батальон командири бўлиб хизмат қилгандим, — дея ҳикоя қилганди истеъфодаги майор Т. Шарипов. — У ўрта бўйли, қорачадан келган, юзи чўзинчоққа мойилроқ, ихчам ва келишган, тез-тез гапирадиган киши эди. Полкимиз эрта тонгдан тунгача даштда машқ қиларди. Шунда Хўжаев дам у ротага, дам бу ротага бориб машқларни кузатар, солдат ва офицерларга йўл-йўриқлар берарди.

У кечқурунлари ҳам тинмасди. Бир қарасанг полк ошхонасида қозонни ёки аскарнинг котелогини кавлаб кўраётган, бир қарасанг казармаларнинг тозалигини текшираётган бўларди, ярим кечаларда келиб қуролларнинг сақланишини кўздан кечирарди. Мен унинг бирон-бир жойда ҳордиқ чиқариб ўтирганини эслолмайман. Солдат ва кичик командирлар ўзаро:

— Майор Хўжаев ҳам ҳеч ухлармикан? — деб бир-бирларидан сўраганларини кўп марталаб эшитганман.

У оддий солдатларни жон-дилидан севарди, ўз қўл остидаги офицерлардан аскарларнинг ҳурматига сазовор бўлишни талаб этарди.

1943 йилда Ҳ.Хўжаев Москвадаги Олий ҳарбий академиянинг қисқартирилган курсини тамомлади ва 2-Украина фронтидаги 7-армиянинг 72-дивизиясидаги 222-ўқчи полкка командирлик қила бошлади. 1943 йил 11 декабрда Кировград яқинидаги Вербмож қишлоғида ўнг оёғидан яраланиб, Харьков шаҳридаги госпиталда даволанди. Сўнг яна 222-полкка командирлик қила бошлади.

У командирлик қилган полк Днепрни кечиб ўтишда, Украина шаҳарларини озод қилишда, Руминия, Венгрия, Чехословакия учун бўлган жангларда қатнашди.

1944 йилнинг 17 сентябрида Совинформбюро қуйидаги ахборотни берганди: «Шимолий Трансильванияда бизнинг бўлинмаларимиз тоғларда душманнинг парчаланган қисмларини қувиб бориб, бир неча аҳоли пунктини озод қилдилар... Катта ўлжалар қўлга киритилди.

Жангчиларимиз қаттиқ жанглар натижасида Тиргу-Муреш шаҳридан 6 километр олисда бўлган Красуншеть аҳоли пунктини озод қилдилар».

Тиргу-Муреш шаҳрини Ҳошим Хўжаев полк командири бўлган дивизия озод қилганди. Унинг полки Трансильвания тоғларида душман билан бўлган жангларда мислсиз жасорат кўрсатди.

1944 йил 5 ноябрда Хўжаевнинг полки Тисса дарёсини жанг билан кечиб ўтди. Полк командири олдинда эди. Аскарлар унинг ортидан борди. Иккинчи куни қўшинлар Доба қишлоғига етиб боришди. Фашистлар бу ерда кучли мудофаа ташкил этиб, у ерга ўзиюрар қуролларни ташлашганди. Тўхташга тўғри келди. Олға ҳаракат учун душманнинг кучли ўти ҳалақит берарди. Қўшинлар олға силжишмаётганларини

билиб, Хўжаев Дубинин ротасининг команда пунктига — энг олдинги линияга келди. Вазият билан танишиб, миномёт ротасининг ҳимоясида ҳужум бошлашга қарор қилди.

Мана, ҳадемай миналар портлаб, гумбурлашлар бошланди. Аскарлар ҳужумни бошлашди. Ҳамманинг олдида телогрейка кийган паст бўйли одам тўшончасини силкиб югуриб борарди. Бу Ҳошим Саидович Хўжаев эди.

1945 йил қишда полк Грон дарёсига етди. Дарёнинг қуйи оқимидан жанг билан ўтиб, Борт қишлоғи ортида плацдарм қуриб, мудофага ўтди. Январь, февраль бу ерда ҳаво совуқ, қорли бўлди. Аскарлар хандақларда ўтириб қийналишди.

Ҳошим Саидович аскарларнинг аҳволини кўриб, оталарча мулойимлик билан гапириб насиҳат қилди:

— Биродарлар, руҳингиз тушмасин, бўш келманглар. Бизнинг шонли армиямиз қаергача етиб келганини кўраяпсизми? Яқинда душманни тор-мор қилиб юртимизга қайтамиз. Ғалабагача яшаш керак... Уйда бизни бола-чақамиз, ота-онамиз, севикли ёримиз тўрт кўз бўлиб кутиб ўтиришибди... У бироз жим бўлиб давом этди. — Ўзингизни, ўртоқларингизни авайланг. Одамларимизни эҳтиёт қилинг. Булар бизнинг буюк бойлигимиз. Бўлар-бўлмасга ўзингизни душман ўқига урмангиз. Лекин қўрқоқ ҳам бўлманглар. Қўрқоқларни менинг ўзим таъзирини бераман.

Ҳ. Хўжаев ҳалок бўлишидан аввалроқ рафиқасига ёзган мактубида шундай деган эди:

«Салом, азизам Ойшахон!

Мактубимнинг биринчи сатрларида мен тирик ва соғлом эканлигимни маълум қиламан, сен ва тўрт фарзандим тирик ва соғ-саломат бўлишларингни исташимни изҳор этаман.

Ойшахон! Мен сизларни кўриб келиш учун юборган одам қайтиб келди ва менга ҳамманглар ҳақида гапириб берди. Кўнглим хотиржам бўлди.

Ойшахон! Қаттиқ жанглар бўлаяпти. Менинг кўп ажойиб ўртоқларим Ватан учун жанг қилиб ҳалок бўлишди. Биз душман билан она еримиздан олисда жанг қилаяпмиз, биз бир-биримиздан олисдамиз, менинг катта орзуим сизлар билан учрашиш. Фақат мен тирик ва соғ-саломат бўлсам бўлгани.

Учрашсак — бизнинг барча кечинмаларимиз бир соатда унутилади. Агар менга бирон кор-ҳол бўлса, халқимиз сизларни кулфатга ташлаб қўймайди.

Ойшахон! Барча қариндошларимизга саломимни етказгин, болаларни ўпиб қўй.

Учрашгунимизча хайр!

Сенинг Ҳошимжонинг».

17 феврал эрталабдан душман артиллерия ҳужумини бошлаб юборди, танк ва бронетранспортёрлар ҳам артиллерия ўти панасида ҳужумга ўтди. Бизнинг артиллериямиз ҳам жавоб ўти оча бошлади.

Бу пайтда калта қора пўстин кийган Хўжаев команда пунктида эди. Унга бир неча кун аввал полковник унвони берилганди. У ҳеч ҳовлиқмасдан, эсанкирамасдан ҳаракат қиларди.

Пиёдаларимиз бир нечта танкни сафдан чиқардилар. Гитлерчилар эса катта талофат кўраётганларига қарамасдан, янгидан-янги бўлинмаларни ҳужумга ташлай бошладилар.

Хўжаев блиндажнинг иккинчи бўлинмасига ўтиб, амбразура орқали жангнинг боришини кузата бошлади. Блиндаж устига ва унинг атрофига тушаётган снарядлар атрофни кузатишни жуда қийинлаштириб қўяётганди. Шунда ташқаридаги кузатувчи душман танклари мудофаа чизиғини ёриб ўтиб, команда пункти томон келаётганлигини кўриб қолди.

Команда пунктидаги ҳамма жангчилар блиндаждан чиқиб, алоқа йўли орқали танкларнинг ён томонига эмаклаб ўтдилар.

Кимдир куч билан отган граната олдинда келаётган танкни тўхтатиб қўйди. Фашист шошиб машинани орқага бурди. Шунда унинг мотор қисмига иккинчи граната бориб тушиб, машинани қора тутун қоплади. Далада «ура» садоси янгради. Хўжаев ва унинг группаси руҳланиб кетиб, иккинчи танкка ташландилар. Ундаги ҳайдовчи машинани орқага бурмоқчи бўлиб, бир ғилдирагини алоқа йўлига тушириб юборди ва танк секин ёнига оға бошлади. Шунда Хўжаев отган граната иккинчи танкни ҳам сафдан чиқарди.

Жангчилар хотиржам бўлиб, блиндажга қайтаётганларида пулемёт тариллаб қолди, ҳамма бирдан яна ерга ётди. Сафдан чиққан икки танк панасида учинчиси пайдо бўлиб қолганлигини ҳеч ким сезмай қолганди.

Аскарлардан бири илгари сурилиб, қўлидаги гранатанинг илгагини суғурди. Аммо отишга улгуролмади. Чўккалаганда, кўкрагидан ўқ еб, инграб ерга йиқилди. «Портлайди!» полковникнинг миясига шу фикр ўқдай урилди. У жангчи томон эмаклаб бориб, унинг панжасидаги гранатани авайлаб олиб, танкка ирғитди.

Ана шунда алоқа йўлида қийшайиб ётган танк қопқоғи очилиб, ундаги фашист Хўжаев томон граната улоқтиришга улгурганди. Кучли портлаш натижасида рўй берган тўлқин полковникни анча нарига ирғитиб юборди.

Жангчилар учинчи танкни ҳам унутиб, командирлари томон югурдилар. Полковник Хўжаев сўнгги кучини тўплаб, жон-жаҳди билан сакраб туриб кетди, лекин ўзини тутолмай ўртоқлари оёғи остига йиқилди... Командирларининг ҳалок бўлганлигини

кўрган жангчилар алам билан учинчи танкка ташландилар ва уни тезда яксон қилдилар.

Тиббиёт пунктида шифокорлар полковник қирқ саккиз жойидан ўқ еб ҳалок бўлганини айтдилар.

Эртаси куни полкдошлар командирларининг жасадини Чехословакиянинг Шахи шаҳрига келтириб, шаҳар майдонига украин фарзанди, Қаҳрамон, майор Воронцов билан ёнма-ён дафн этдилар. Кейинчалик бу икки қаҳрамоннинг ҳоки Словениянинг Кашица шаҳрига келтириб кўмилган.

1945 йилнинг март ойида Х.Хўжаевнинг ординареци А.А. Отаев Ўзбекистон ҳукумати Раиси номига дивизия командири, Қаҳрамон, гвардиячи генерал-майор. А.Лосевнинг имзоси билан ёзилган мактубни олиб келди. Бу мактубда шундай дейилганди:

«1945 йилнинг 17 февралида фашист босқинчиларга қарши курашда ўзбек халқининг содиқ фарзанди, гвардиячи ўқчи полкининг командири, тошкентлик гвардиячи полковник Хўжаев Ҳошим Саидович қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Гвардиячи полковник жанговар операциялар учун Қизил Юлдуз, III даражали Суворов ордени, I даражали Ватан уруши ордени ва Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганди.

Дивизия қўмондонлиги ўртоқ Хўжаев қиёфасида командирларнинг энг сарасидан айрилди. Ўртоқ Хўжаев мардлик ва жасорат кўрсатишда барчага намуна эди».

Бириси куни А.А. Отаевни, Ҳошим Саидовичнинг рафиқаси Ойшахон опани, амакиси Маҳамад акани Усмон Юсупов бошлиқ Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари қабул қилишди. А.А. Отаев Ҳошим Саидович қандай ҳалок бўлганлигини республика раҳбарларига гапириб берди. Улар Ҳошим Саидовичнинг рафиқаси Ойшахон опага, амакиси Маҳамад акага чуқур таъзия изҳор қилишди. Немис-фашист бос-

қинчиларга қарши курашда жанговар полкка командирлик қилган ягона ўзбек ўғлони қаҳрамонларча ҳалок бўлганлига республика учун катта йўқотиш эканлигини таъкидлашди.

Марҳумнинг таъзияларини ўтказиш учун Ойшахон опага катта миқдорда пул беришди. Тўрт нафар боласига нафақа белгиланадиган бўлди, марҳум оиласининг яшаш шароити ёмонлигини эътиборга олиб, Ишчилар шаҳарчасидаги Қосимхўжаев кўчасидан катта ҳовлиси бўлган коттеж берилди. Шаҳардаги кўчалардан бири марҳум номи билан аталадиган бўлди.

1985 йилда Белая Церковь шаҳрида 72-дивизия фахрийларининг ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган навбатдаги учрашувига Ҳошим Хўжаевнинг катта қизи Дилбар Ҳошимовна Пўлатовани ҳам таклиф этишди. Дилбар Ҳошимовна бу учрашувга мамнуният билан бориб, катта таассуротлар билан қайтди. Мемориал комплексидаги музейда отасининг расмларини кўрганда кўзларига ёш келди. Учрашувга «Хўжаевнинг қизи келибди» деган гап бир пастда фахрийлар ўртасида тарқалди.

Шунда отасининг ўнлаб полкдошлари Дилбар Ҳошимовнанинг олдига келиб, самимий кўришиб, суҳбатлашиб, марҳум командирларини эслашди, бирга расмларга тушишди, манзил айри бошлашди. Уруш даврида дивизиянинг 239-полкига командирлик қилган 72-дивизия фахрийлари кенгаши раиси истеъфодаги генерал-лейтенант Г.М. Баталов Дилбар опага Киевда янги нашр этилган «Жанг майдони» хотиралар китобини совға қилди.

Ҳошим Хўжаев ҳақида ҳам илиқ сўзлар ёзилган бу китоб муқовасининг ички бетига шундай сўзлар ёзилганди: «Пўлатова Дилбар Ҳошимовнага ҳалок бўлган отаси – 72-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 222-ўқчи полки командири, полковник Ҳошим Хўжаев

ҳақида эсдалик сифатида самимий ҳурмат билан, муаллиф».

Дилбар Ҳошимовнада шундай фикр пайдо бўлдики, Украинада Ҳошим Хўжаевни биладиганлар Ўзбекистондагидан кам эмас экан. У отасининг Украинадаги полкдошлари билан анча йиллар хат-хабар ёзишиб турди. Ўзбекистондаги қуролдош дўстлари эса яқин-яқин йилларгача Ишчилар шаҳарчасидаги ҳовлига келиб, Ҳошим Хўжаев билан ўтган йилларни хотирлаб кетишарди.

2018 й.

ШАРҚДАН БОРГАН ЭШЕЛОН

Уруш йиллари республикамизда амалга оширилган ишлар орасида қамалда қолган Ленинград шаҳри ва аҳолисига ёрдам кўрсатиш бўйича қилинган ишлар айниқса унутилмасдир. Бу олижаноб ҳаракат ўтган уруш тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади.

Ленинград душман томонидан қуршаб олинган дастлабки кунларданоқ бутун республика аҳолиси оёққа қалқди. 1942 йилнинг бошида Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида Ленинград шаҳрига ёрдам фонди учун маблағ тўплаш ҳаракати бошланиб кетди. Ўшанда Тошкент гўшт комбинатининг 600 дан ортиқ ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари митингга тўпланишди.

Бу митингда бир овоздан резолюция қабул қилиниб, унда Нева бўйидаги шаҳар — Ленинградга ёрдам бериш таъкидланди. Жамоа бир кунлик иш ҳақини ленинградликларга совға учун беришга қарор қилди. Шу йилнинг май ойида корхона ёшларининг таклифи билан бирга ишчи ва хизматчилар бир кунлик иш ҳақларини ёрдам фондига ўтказишди. Июнь ойида жамоа Ленинград заводларидан бирини оталиққа олди.

Комбинат кишилари бу ҳаракатда ёлғиз эмасдилар. Бу ташаббусни ўнлаб корхона ва ташкилотлар қўллаб-қувватлади. Республика ўқувчилари ҳам ленинградлик тенгқурларига яхши ёрдам кўрсатишди. Жумладан, Тошкентдаги 1-мактаб ўқувчилари бир

куннинг ўзида улар учун 500 сўм пул ва 50 та турли буюмлар тўплашди.

Ўзбекистонда Ленинграддан эвакуация қилинган икки олий ўқув юрти: политехника ва электротехника институтлари ўқитувчилари ва талабаларини бирдарларча кутиб олишди. Уларнинг ишлаши ва ўқиши учун яхши шароит яратилди. Ўз навбатида бу институтларнинг профессор ва ўқитувчилари маҳаллий олий ўқув юртларига ўқув ва илмий ишларда сезиларли ёрдам кўрсатишди.

Қамалдаги шаҳар

Республикамизда кенг қулоч ёйган қамалдаги Ленинград шаҳрига ёрдам кўрсатиш ҳаракати яхши самара берди. 1942 йилнинг баҳорида бу шаҳар аҳолиси учун катта миқдорда озиқ-овқат, қуритилган мевачева, кийим-кечак ва бошқа нарсалар тўпланди.

1942 йилнинг 17 апрелида Ленинград шаҳрига совға-саломлар ортилган махсус эшелон Тошкентдан йўлга чиқди. Бу эшелонни республикамиздан ўн етти кишилик делегация кузатиб борди. Делегация таркибида Тошкентдаги кўн-мўйна заводининг ишчиси Маҳмуд Ҳолиқов, тўқимачилик комбинати инженери Екатерина Попова, шоир Амин Умарий, Тошкент ғишт заводининг ишчиси Аҳмад Ҳусайнов, ҳозирги Шайхонтоҳур тумани ижроия қўмитасининг раиси Васила Содиқова ва бошқа кишилар бор эди.

Опа таассуротларини бизга шундай ҳикоя қилганди:

— Биз Ленинградга олиб борган эшелонда 68 вагон маҳсулот бор эди. Бундан ташқари аҳолидан 4500 та посилка йиғилганди: ҳар бир хонадон топганини йиғиб, тугунча қилиб берганди. Поезд жуда секин юрар, сабаби йўлларда кўп тўхташга тўғри келарди.

Жангчилар тушган, қурол-аслаҳа ортилган составларга биринчи навбатда йўл берилар эди.

Бир ҳафтача йўл юриб, Саратовдан ўтгандан кейин кичик бекатда қисқа муддат тўхтаганимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди. Кундузи, ҳаво очиқ эди. Делегациямиз жойлашган вагон эшиги олдига бир тўда болалар келишди. Улар мендан рус тилида: «Холажон, бу мевалар ва озиқ-овқатлар ленинградлик болаларга аталганми?» — деб сўрашди. Мен бош иргадим. Айни пайтда оғир уруш қийинчиликларини бошдан кечираётган, кўзлари мўлтираб турган бу болаларга қараб юрагим эзилиб кетди. Айниқса улардан бири «Вагонда нон ҳам борми?» деб уялиб сўраганида чидаб туролмадим. Ичкари кириб саватчада нон олиб чиқдим. Болаларни нонга таклиф қилганимда эса, улар ерга қарашди. Каттароғи:

— Раҳмат, бу нонни тезроқ Ленинград болаларига олиб боринглар! — деди.

Ярим оч бўлсалар ҳам қамалда қолган болаларни ўйлаётган кичкинтойларнинг бу сўзлари менга таъсир қилиб, кўзларимга жиққа ёш тўлди...

Поездимиз станциядан жўнай-жўнай деб турган пайтда икки мўйсафид от қўшилган аравани перронга ҳайдаб келиб қолишди. Улар станцияда Ленинградга озиқ-овқат олиб бораётган эшелон турганини билиб, шу яқин жойдаги қишлоқларидан аравага беш қоп ун ортиб етиб келишган экан. Улар буни Ленинградга олиб боришни илтимос қилишди. Биз уларнинг илтимосларини бажардик.

Совға-салом ортилган эшелон ўн кундан кейин Москвадан ўтиб Шимолий темир йўл бўйлаб Волхов томон борди. Чунки бу пайтда Октябрь темир йўли ишламасди. Волховдан Ленинградгача бўлган йўлни ҳаво йўли орқали, қирувчи самолётлар қуршовида босиб ўтдик. Юклар ҳам самолётда ташилди. Шундай қилиб 1 май куни Ленинградга етиб келдик.

Қаҳрамон шаҳар халқи Ўзбекистон вакилларини катта қувонч билан кутиб олди. Делегациямиз аъзолари Киров номли, «Большевик» ва металлургия заводларида бўлдилар. Жасур Болтиқ денгизчилари билан учрашдик. Ленинград фронти жангчилари жанг қилаётган жойларда бўлиб, окопма-окоп, хандақма-хандақ юриб, Ўзбекистон халқи совға қилиб юборган тугунларни жангчиларга улашдик. 1941 йилнинг қишида Эрмитажда улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий туғилган кунининг 500 йиллигига бағишланган юбилей тантанаси бўлиб, қамалдаги шаҳарда қаҳратон совуқ, транспорт ҳаракати тўхтаган, душман шаҳарни, жумладан Невани, Қишки сарой ва Эрмитаж ҳудудини артиллериядан тинимсиз ўққа тутиб турганига қарамай, шаҳар жамоатчилигининг кўплаб вакиллари Эрмитажга келибдилар.

Шу куни бу ердаги залга тўпланганлар учун байрам бўлибди. Ғоят сермазмун нутқдан сўнг шарқшунос олимлар Навоийнинг ўзлари таржима қилган ғазалларидан ўқиб беришибди. Ленинград чинни заводи рассомлари ишлаган, улуғ шоирнинг сурати туширилган катта ваза саҳнага олиб чиқилганда залдагиларнинг чеҳраси ёришиб кетибди. Бомбардимон кучайганлиги муносабати билан пана жойга кириш таклиф этилганда ҳеч ким рози бўлмабди. Алишер Навоийнинг юбилей кечаси чинакам дўстлик шодиёнасига айланиб кетибди.

1942 йилнинг 14 майида делегацияни Смольнийда ўртоқ Жданов қабул қилди. У делегацияни қизғин табриклаб, кўрсатилган дўстона ва беминнат ёрдам учун ўзбек халқига ленинградликлар номидан ёзилган ташаккурномани топширди.

Ўзбекистон делегатцияси раҳбари Ф.Қўқонбоев жавоб нутқи сўзлаб шундай деди:

— Ўртоқлар, ўзбек халқи жангчилар учун кўп марта совға йиғди. Аммо сизнинг шаҳрингиз ҳимоячи-

лари учун совға йиғиш айниқса зўр кўтаринкилик билан ўтди. Ўзбек халқи ўз делегацияси билан совға жўнатаётиб менга ва делегациянинг барча аъзоларига шаҳарнинг мардона ҳимоя қилган жангчиларни қизғин табриклашни топширдилар. Бу табрикни шаҳар аҳолисига, жангчиларга топширишга рухсат этгайсиз.

Ўзбек халқи фронт чизиғидан олисда яшаётганлигига қарамасдан урушда рус, украин ва бошқа миллатлар билан елкама-елка турибди. Ўзбек халқининг бирдан-бир мақсади душманни енгишдан, бутун куч-ғайратини мамлакатга, фронтга кўпроқ қурол-аслаҳа, кийим-кечак, кўпроқ озиқ-овқат етказиб беришга қаратишдан иборатдир.

— Қаҳрамон шаҳарда бўлганимда Киров номидаги завод ишчиси Егоровнинг уйига борганим ёдимдан чиқмайди, — деб ҳикоясини давом этди Васила Содиқова. — У менга очликка, ўлимга бардош бериш қандай даҳшатли эканлиги ҳақида гапирар экан, қатъий ишонч билан:

— Бунинг устига, — деди у, — шаҳар ҳар куни бир неча бор бомбардимон қилинади. Лекин биз бу даҳшатларнинг ҳаммасига кўникканмиз. Душман бизнинг ғалабага бўлган иродамизни ҳеч қачон буколмайди. Биз албатта ғолиб чиқамиз, — деб сўзини тугатди.

Нозиккина аёлнинг бу сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди.

Ленинград фронти ҳарбий қисмларидан бирида бўлган митингда ҳам жангчилар Ленинградни асло фашист босқинчиларига бермасликларини жўшиб гапиришди.

Фронтдаги ўзбек йигитларининг жасурлиги, матонати тўғрисида мисоллар келтиришди. Биз халқимизнинг баҳодир фарзандлари Ленинград шаҳрини озод этиш учун бамисоли Она юрти учун курашаёт-

гандек мардонавор жанг қилаётганликларини эшитиб бениҳоя фахрландик.

25 кунга мўлжалланган сафаримиз икки ой давом этди. Қайтишда Волхов станциясида поездимиз қаттиқ бомбардимонга учраб, бешта вагон ёниб кетди. Бу пайтда Ленинградга Киров вилоятидан борган делегация ҳам биз билан бирга эди. Душман самолётлари ҳужуми пайтида улардан тўрт нафари ҳалок бўлди. Шундан кейин ўн кун ўрмонда палаткада яшадик.

Ўзбекистонга июнда қайтдик. Шу муносабат билан Эскижўвадаги стадионда кўп минг кишилик митинг бўлди. Бу митингда биз қаҳрамон шаҳарда кўрганларимизни ҳамшаҳарларимизга гапириб бердик, уларни фронт учун, муқаддас урушда охиригача ғалаба қозонишимиз учун янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга даъват этдик.

Тошкент шаҳрининг бутун аҳолиси қатори ҳозирги Шайхонтохур туманидаги хонадонларда ҳам Ленинграддан эвакуация қилинган болаларни тарбиялаш учун олиш, болалар уйларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳаракати кучайтирилди.

Уруш йиллари Ўзбекистонда яшаб ижод этган ленинградлик ёзувчи Корней Чуковский 1942 йилда «Правда Востока» газетасида шундай деб ёзганди: «Мен Ленинградда шунча йиллар яшаб, Ленинграднинг Ўзбекистондай ишончли ва содиқ дўсти борлигини билмаган эдим. Мен Нева бўйида, Фонтанкада яшаганимда Ўзбекистон менга, бошқа кўпгина эски петербургликлар сингари олис планетадай туюларди. Ленинграддан денгизлар, саҳролар, минглаб чақирим масофа билан ажралиб турган ўлка унга шу қадар қардошларча яқинлик ҳис этишини тасаввур ҳам қилолмасдим. Ахир бунақаси ҳеч қачон бўлмагандида, бошқа миллатга мансуб, бошқача турмуш кечирадиган, тили, иқлими ҳам бошқача бўлган, дунёнинг

бир бурчагида яшаган халқ Ленинградга шу қадар зўр меҳр -оқибат кўрсатса.

Бу тарихимизда биринчи марта бўлаяпти. Мен халқларнинг дўстлиги нақадар катта аҳамиятга эгалигини ҳамиша билардим, аммо шунга тан беришим керакки, бу дўстлик бу қадар ҳаяжонли, самимий, фидойилик даражасида бўлиши хаёлимга келмаган.

Январь — февралда Ўзбекистоннинг минглаб меҳнаткашлари Ленинграддан келтирилган болаларни ўз қадрдонларидек оилаларига қабул қилаётганларини кўрганимда, мен дўстлик нақадар қудратли эканлигини биринчи бор сездим.

Умуман ленинградликлар Ўзбекистонда улар учун, уларнинг болалари учун, умумий ғалабамиз учун нималар қилаётганлиги ҳақида иложи борича кўп нарса билишлари зарур. Бу уларни курашга руҳлантиради, кучларини ўн карра оширади. У ҳақида, болалари ҳақида бетиним ғамхўрлик умумхалқ иши эканлигини ҳис этишсин».

Орадан кўп йиллар ўтди. Аммо Ленинград меҳнаткашлари оғир уруш йиллари Ўзбекистон меҳнаткашлари кўрсатган ҳимматни унутишгани йўқ. Бу ҳақда улар ҳар бир учрашув, ҳар бир тантанада сўз юритишади.

Ленинград, қадрдон шаҳрим

1971 йил 15 сентябрь. Ленинград фронтининг собиқ жангчиларидан катта гуруҳи Нева соҳили жангларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган матонатли курашчилари хотирасига ёдгорлик ўрнатилган майдонга тўпланди. Микрофондан: «86-дивизия фахрийлари сафдан уч қадам олдинга!» деган овоз янгради. Ўн киши олдинга чиқиб, кўзларида севинч ёшлари ила қучоқлаша кетдилар. Ҳаяжонли учрашув ўша куни

Ленинград шаҳар телевидениеси орқали намойиш этилди.

Собиқ қуролдошлар ўзлари жанг қилган ерларни зиёрат қилдилар, Пискарев қабристонига бориб гулдасталар қўйдилар. Учрашувларда суронли йиллар воқеалари, жангчиларнинг мислсиз қаҳрамонликлари бир-бир ёдга олинди.

Нева дарёсининг сўл соҳилидан равон асфальт йўл ўтган. Ундан оҳиста юрилса, икки томондаги ям-яшил боғлар, шинам бинолар эътиборингизни тортади. 1941 йилнинг қирчиллама қишида бу ерда ҳаёт-мамот жанглари борганига ишонгим келмайди.

Московская Дубровка районидаги мўъжазгина ялангликда ажойиб обида қад кўтарган. Унга бронза ҳарфлар билан қуйидаги сўзлар битилган: «Бу ерда Ленинград фронти аскарлари ва Болтиқ флоти денгизчилари чап қирғоқдаги плацдарм учун 1941—1943 йилларда, фашист босқинчиларига қарши беомон жанг қилганлар».

1941 йилнинг 19 сентябрига ўтар кечаси полковник А.Калашников бошлиқ қўшинлар тун қоронғусида Невадан кечувни бошладилар. «Ура» садолари остида ҳужумга ўтдилар. Ҳар қарич ер учун жон олиб, жон бериларди.

Катта талофатлар эвазига белгиланган позиция эгалланди. Мадад кучлари етиб келгач, жангчилар ташаббусни тўла қўлга олиб, катта ҳудудни ишғол қилдилар. Фашистлар бир неча марта қарши ҳужумга ўтдилар. Аммо ниятларига эришолмадилар. Ленинград мудофаасининг энг оғир участкасида минг-минглаб ўғлонлар қаҳрамонларча ҳалок бўлишди.

Қамални ёриб ўтишга пухта тайёргарлик кўрилди. 86-дивизиянинг 330-полки жангчилари сафида ўзбекистонлик Сайдулла Масаидов ҳам бор эди.

— Душман билан орамиз 30—40 метрча бўлган, — эслайди у. — Тез-тез найзабозлик жангларига ҳам

киришардик. Ҳаммаёқ сафдан чиққан техника, солдатларнинг жасадига тўлиб кетган. Тенгсиз олишувлардан бирида яраландим. Санитарлар вақтида госпиталга жўнатишди. Бир ой даволангач, яна сафга қайтдим.

Истеъфодаги полковник А.Николаев шундай ҳикоя қилади:

— Ленинград учун олиб борилган қақшатқич жангларда ўзбекистонлик Қ. Қосимов, К. Зокиров, М. Ғуломов, Б. Холмуҳамедов сингари довюраклар чинакам мардлик, қаҳрамонлик кўрсатишди. Айниқса Сайдулла Масаидов барчамизни ҳайратга соларди. Муҳим топшириқларни муваффақиятли бажариб, босқинчиларга қирон келтирди. Унинг кўксини Улуғ Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари, бошқа медаллар безади.

Ниҳоят Ленинград қамали ёриб ўтилди. Ўзбекистонлик жангчи бу хушхабарни госпиталда эшитди. Жароҳати битгач жонажон юртига қайтди. Жалолқудуқ туманидаги бир хўжаликда баҳоли қудрат меҳнат қила бошлади. Ҳозирги кунда Масаидовлар оиласига барча ҳавас қилади. Олти ўғил ва қизи ўзи каби меҳнатсевар, оққўнгил, фидоий кишилар бўлиб етишган.

Бир суҳбатимизда Сайдулла акадан, Сиз учун фронт йилларининг унутилмас воқеаси нима, деб сўрадик. У Ленинград ҳимоячиларига совға-салом олиб борган Ўзбекистон делегацияси билан бўлган учрашув фронт йилларининг унутилмас воқеаси сифатида унда жуда чуқур таассурот қолдирганлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳа, Сайдулла Масаидов ўзи жанг қилаётган қисмга 1942 йилнинг май ойида Ўзбекитсон делегацияси келган кунни худди кечагидек эслайди. Делегация аъзолари жангчиларга бутун ўзбек халқи номидан салом айтишди. Шоир Амин Умарий ўзининг Ленин-

град ҳимоячиларига аталган шеърларини ўқиб берди. Жангчиларга Ўзбекистондан олиб келинган совға-саломлар улашилди. Ўзбек жангчилари она-юрт нознеъматларини — туршак, магиз, ёнғоқларни кўзларига суртиб ейишди. Урушдан кейин Сайдулла ака шу делагация аъзоси Васила Содиқова билан бир неча марта учрашди. У билан Ленинграддаги унутилмас учрашувларни хотирлаб, матонатли кишиларни ёдга олдилар. Бу суҳбатлари чоғида Васила Содиқова республика ижтимоий таълимот вазирлиги томонидан Ўзбекистондаги уруш ва меҳнат фахрийларининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб берарди.

1985 й.

МУРАББИЙ

Синфда тарих дарси давом этарди. Ўттиз чоғли ўқувчи сукут сақлаб, қалин, жингалак сочларига оқ оралаган, басавлат, олтмиш ёшлар чамасидаги муаллим Раҳимжон Ёқубжоновнинг маърузасини мириқиб тинглашарди. Мана ўттиз уч йилдирки, бу киши она қишлоғи Хонободдаги мактабда тарихдан дарс беради. Ўз фанини Раҳимжон акадай севадиган муаллимлар кам топилади. У мамлакатимиз ўтмишига оид воқеалар: буюк озодлик урушлари, халқ ғалаёнлари, меҳнаткашлар бошидан кечирган жабр-ситамларни болаларга соатлаб гапиришдан чарчамайди. Айниқса, мамлакатимизнинг энг янги тарихини — 30-йиллар, Иккинчи жаҳон уруши воқеаларини ғоят тўлқинланиб ҳикоя қилади. Чунки у бу воқеаларнинг жонли гувоҳи, иштирокчиси бўлган.

Бир куни Раҳимжон ака ўтган уруш мавзусини ўтаётганида ўқувчилардан бири: «Урушдан Сизга нималар эсдалик бўлиб қолган?» деб сўради. Раҳимжон ака битта ордени, бешта медали, дивизия командирининг бир неча раҳматномаси борлигини айтди. Ўқувчи бошқа яна нималари борлигини сўради. Раҳимжон ака эртаси куни муқоваси титилиб, варақлари сарғайиб кетган, ўқ тешган дафтарчани олиб келди. Болалар бу дафтарчани худди муқаддас нарсадай бир-бир қўлга олишиб, ҳаяжон ва ҳавас билан кўздан кечиришди.

Ёқубжонов бу ёндафтарни 1941 йилда Тошкентдаги ҳарбий билим юртида ўқиб юрганида тута бошла-

ганди. Кейин бу дафтарча унга беш йил йўлдош бўлди. Унинг иккинчи бетига қуйидаги сатрлар битилган:

Гар фалак жисмимни айласа барбод,
Шу жонсиз руҳ ила қилурсиз ёд.

Кундаликни кўнгил ойнаси дейишади. Чунки уни ёзганда киши ўзи билан дилдан сўзлашади. Лекин болалар қўлидаги дафтарча кундалик эмас. Унга урушдан аввал касби муаллимлик бўлган ёш офицернинг қисқа-қисқа таассуротлари, фикрлари, қўшиқ матнларидан ташқари, ҳарбий хизмат билан боғлиқ турли маълумотлар, ёр-биродарларнинг адреслари ҳам битилган.

Аммо дафтарчадаги ана шу узуқ-юлуқ гапларни ўқиб туриб ҳам ортиқча изоҳсиз унинг эгаси ёш, завқли, Ватанини беҳад севган, ғалабамизга ишонган йигит бўлганлигини ўқувчилар билиб олиши мумкин эди. Мана ундан намуналар.

«Мен ҳарбий командир бўлганим учун жуда қувонаман. Ўзимнинг мамлакатнинг бахтли ёшларидан эканлигим билим эса фахрланаман».

«Наполеон Россияга 575 минг кишилик қўшин билан бостириб кирган эди. Ўт ичида қолган Москвани эса 110 минг жангчи билан ташлаб чиқди. Смоленскка борганда 60 минг жангчиси, рус чегарасига борганда эса 30 минг жангчиси қолганди... Гитлерчиларнинг қисмати бундан ҳам оғир бўлади».

Раҳимжон Ёқубжонов уруш бошланиши билан ҳарбий хизматга чақирилди. Республикада тузилган ўзбек дивизиясида озгина тайёргарликдан ўтгач, Тошкентдаги ҳарбий билим юртига ўқишга юборилди. У бу билим юртини 1942 йилнинг охирида бир гуруҳ ўзбек йигитлари қатори битириб, Фарғонадаги запасдаги 2-ўзбек полкида хазмат қилди. Ўша пайтда Фарғона водийсида ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг асосий қисми шу полкда ҳарбий тайёр-

гарликдан ўтказиларди. Раҳимжон Ёқубжонов икки йилча ўзбек полкида ротага командирлик қилиб, фарғоналик йигитларга ҳарбий илмни ўргатди. Кейин 1944 йилнинг ёзида ўзи ҳам фронтга жўнаб кетди.

1945 йилнинг февраль ойи бошларида 1-Белоруссия фронти Висла-Одер операциясини амалга оширишга киришди. Шу фронт ихтиёридаги 70-армиянинг 160-дивизиясидаги 1295-ўқчи полкнинг майор Сергей Заболотний командирлик қилган батальон жангчилари 8 февраль тунида музлаган Висладан секин-аста ўтиб, қўққисдан душман планцдармига ҳужум қилишди. Тўсатдан қилинган ҳужум немисларни эсанкиратиб қўйди. Улар ўзларини ўнглаб олишга улгурмай, орқага чекинишга мажбур бўлишди. Батальон жангчилари зиммасига душман қисувига бир-икки кун бардош бериб, асосий қисмларимизни, ҳарбий техникани дарёдан ўтиб олиши учун имкон яратиш вазифаси юклатилганди. Батальон кўп жангчиларни йўқотишга қарамай, бу вазифани шараф билан бажарди. Айниқса, Раҳимжон Ёқубжонов командирлик қилган пулемётчилар ротаси душманни ярим чақиримчага суриб ташлаб, аскарларнинг дарёдан эсон-омон ўтиши учун яхши қулайлик яратди. Дастлабки тундаёқ асосий кучларнинг деярли ҳаммаси Висладан олиб ўтилди.

9-февраль тонг саҳарда жангчиларимиз қаттиқ артиллерия тайёргарлигидан сўнг яна ҳужумга ўтишди. Шунда катта лейтенат Раҳимжон Ёқубжонов жангчилар олдида жон-жаҳди билан югуриб кетаётганда ўнг оёғига ўқ тегди. Ўқ шимининг чўнтагидаги дафтарчани тешиб ўтиб, сонига санчилганди. Мана ўттиз беш йилдирки, у бу дафтарни урушдан ноёб эсдалик сифатида авайлаб асраяпти.

У ҳарбий хизматдан 1947 йилда қайтиб, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги ўзи туғилиб ўсган Хонобод қишлоғидаги 25-мактабда илмий бўлим муди-

ри бўлиб ишлаб, тарихдан дарс бера бошлади. Бу пайтда 25-мактабда Раҳимжон аканинг болаликдаги дўсти, ундан икки йил аввал ҳарбий хизматдан қайтган Гулом Имомназаров директорлик қиларди. Раҳимжон ака мактабга ҳарбий шинелда дарс бергани келган куни икки дўст бўм-бўш синф хоналаридан бирида бир партада ёнма-ён ўтириб, ўтган кунларни эслашди.

... 1930 йилда Абдуманноп Раззоқов янги мактаб очиб, кундузи болаларни, кечқурун эса еттинчи лампанинг хира нурида қишлоқдаги саводсиз ва чаласавод кишиларни ўқита бошлади. Мактабнинг директори ҳам, илмий бўлим мудири ҳам ўзи бўлди. Дастлабки кезларда доска ўрнига катта гирдим патнисдан, бўр ўрнига кесакдан фойдаланишга тўғри келди...

1937 йилда хонободлик ўн тўрт бола мактабнинг еттинчи синфини тамомлаганди, бу воқеа қишлоқда катта тантанага айланиб кетди. Шу муносабат билан мактабда бўлиб ўтган кечада Абдуманноп ака болаларга қарата гапириб, шундай деди:

— Янги мактабнинг асосий вазифаси ҳар томонлама вояга етган, маълумотли ва маданиятли кишиларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир. Сиз ёшлар, қишлоғингиздаги биринчи янги мактабнинг қалдирғочларисиз. Ҳали сизнинг олдингизда яна катта ҳаёт синовлари турибди. Эҳтимол, бирингиз муаллим, бирингиз врач, яна бошқа бирингиз инженер бўларсиз. Аммо ҳаётда қандай касбни танламанг, аввало инсон бўлинг, ҳамиша эл-юртингизга, халқингизга садоқат билан хизмат қилишни унутманг...

Ҳа, улар ўн тўрт нафаргина эдилар. Жонажон мактабларини тарк этишгач, бу ёшлар ҳаёт сўқмоқларидан турли тарафга қараб кетишди. Кўплари ўтган уруш фронтларида Ватанимиз озодлиги йўлида ҳалок бўлишди. Аммо иккитасининг тақдири худди тиниқ сув томчиларидай бир-бирига ўхшаш бўлди. Булар

болаликдан бир кўчада «ошиқ ўйнаб» катта бўлган, бир партада ўтирган Гулом билан Раҳимжон эди. Ўттинчи синфни битирув кечасида икки ўртоқ устозлари Абдуманноп Раззоқовдай мураббий бўлишни, мана шу қийин ва мўътабар касбга ўз умрларини бағишлашни орзу қилишганди.

Шу мақсадда Тошкентдаги педагогика билим юртига кириб ўқишди. Қўлга эндигина диплом олиб, муаллимлик қила бошлашганда эса уруш бошланиб кетди... Бутун эл-юрт қатори улар ҳам кучли ва маккор душманга қарши тўрт йил мардона жанг қилишди.

Ниҳоят, уруш Ғалаба билан тугаб, омон-омон бўлди. Аммо бу уруш халқ хўжалигига, маорифга, маданиятга етказган зарарнинг ўрни билинмайдиган бўлиб кетгунига қадар бутун халққа жуда кўп меҳнат қилишга, тер тўкишга тўғри келди.

Урушдан кейинги йилларда, айниқса мактабларнинг аҳволи оғир эди. 1946 йилда бешта хонадан иборат бўлган 25-мактабда юзтадан кўпроқ ўқувчи ўқирди. 9 муаллимнинг 6 нафари чеккадан келган, олий маълумотли бироита ҳам кадр йўқ.

Мактаб директори билан илмий бўлим мудири олдида мактабнинг моддий аҳволини яхшилаш, фанлар бўйича маҳаллий кадрлар етиштириш, кўргазмали қуроллар, инвентарларни кўпайтириш вазифаси турарди.

Ишни кадрлардан бошлашга тўғри келди. Яхши ўқиган ўқувчилар танлаб олиниб, турли мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларига юборилди. Мактабда бир неча йил мобайнида ҳамма фанлардан етарли ўқитувчи кадрларга эга бўлди. Мактаб учун янги, замонавий бинолар қурилди. Асосий предметлар бўйича машғулотлар бой кўргазмали қуроллар асосида, кабинет системасида олиб бориладиган бўлди. Вақти келиб, шу мактабда таълим олган ёшлар ора-

сидан ўнлаб, ажойиб олимлар ва врачлар, инженерлар, кўкси қўша-қўша орден ва медалларга тўла соҳибкорлар ва сабзаводчилар етишиб чиқди. Ҳозир улар республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақият билан меҳнат қилиб, эл олқишига сазовор бўлишаяпти. Бу кишилар ўттиз беш йилдан бери қишлоқ мактабига бошчилик қилиб келаётган Раҳимжон Ёқубжонов билан Ғулом Имомназаровни ўзларининг табаррук устозлари санашади.

1969 йилнинг баҳорида 25-мактабда бўлиб ўтган ёшлар мажлисида Раҳимжон Ёқубжонов ўқишдан бўш вақтларда ва ёз ойлари хўжаликда ўқувчилардан иборат далачилик бригадаси тузиб ишлаш, бундан тушган маблағга эса мактаб ҳовлисида қишлоқдан урушга кетиб, қайтиб келмаганлар хотираси учун ёдгорлик ўрнатишни таклиф этди. Бу таклифни ҳамма қўллаб-қувватлади. Ёдгорлик қурилиши бошланганда мактаб ёшлари қишлоқда уйма-уй юриб, урушда ҳалок бўлганларнинг рўйхатини тузишди.

Шунда ёшлар урушгача мўъжазгина қишлоқ бўлган Хонободдан 120 га яқин йигит жангга кетиб, атиги ўттиз нафардан ортиғигина қайтиб келганини, буларнинг ҳам ярми бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолганлигини билиб ҳайрон қолишди. Тўртта-бешта йигитни жангга кузатиб, биттаси билан ҳам қайта дийдор кўришмаган оилалар бор экан.

Ғалабанинг йигирма беш йиллиги нишонланган кунларда 25-мактаб хиёбонида ҳамқишлоқлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик тантанали суратда очилди. Мана, неча йилдирки, унинг пойгагидан турфа гуллар аримайди. Бу гулларни шу мактабнинг ўқувчилари — марҳум жангчиларнинг невара-чевaралари қўйишади. Уларга қаҳрамонлар хотирасини ҳурматлашни меҳрибон устозлари ўргатишган.

Раҳимжон ака муаллимлик ер юзидаги энг табаррук, энг мўътабар касблардан эканлигини азалдан яхши биларди. Кексайиб, соч-соқолига қиров қўнгач, бунга яна бир бор иқрор бўляпти. Унинг қишлоқ аҳли ўртасидаги обрў-эътибори ҳар ким ҳавас қилгудай. Одамлар умрини ёшларга устозлик қилишга бағишлаган бу инсонни кафтларига олгудай бўлиб эъзозлашади, тўй-маъракаларда ҳамиша тўрга чиқаришади. Зотан, кишига эл ҳурматини қозонишдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

1980 й.

ЭНГ МУАТТАР ГУЛ

Воқеий ҳикоя

Жума куни Муроджон муҳаррир топшириғи билан тоғ этагидаги ГЭС қурилишига кетганди. Кечки пайт таҳририятга қайтганида столи устида мактуб кўрди: «Салом, ўғлим Муроджон! Келсам йўқ экансиз, эртага бўш бўлсангиз, уйга ўтинг. Сизга айтадиган гапларим бор.

Ҳурмат билан Саидвали отангиз».

Муроджон истеъфодаги майор Саидвали Носиров билан кўпдан бери таниш. Бу чол ҳақида очерк ёзган, уни ҳурмат қилади. Саидвали Носиров уруш ва меҳнат фахрийлари вилоят кенгашининг фаолларидан. Таҳририятга урушнинг номаълум қаҳрамонлари ҳақида кўплаб маълумотлар бериб туради. Муроджон мактубга кўз югуртираркан, отахон бу гал ҳам уни бежиз йўқламаганини кўнглидан ўтказди. Эртаси унинг ҳузурига борганида ўйлагандай бўлиб чиқди.

Саидвали ота яқинда шифохонада бўлганида байтқўрғонлик Йўлдош Умаров деган кекса адабиёт муаллими билан бир хонада ётди. Бу киши ҳам уруш фахрийси экан. Бир кун гурунглашиб ўтиришиб, у Саидвали отадан қаерларда жанг қилганлигини сўрабди. Саидвали ота Орёл, Гомель шаҳарларида, Болтиқ бўйида жанг қилганлигини айтади. Шунда Йўлдош ота: «Орёлда жанг қилган бўлсангиз, эҳтимол, менинг укамни ҳам кўрган чиқарсиз. Менинг Йўлчи Умаров деган укам шу шаҳар учун бўлган жангларда ҳалок бўлган», — дейди.

Бу фамилия чолга танишдай туюлиб, ўйланиб қолди. Лекин дунёда бир хил исм-фамилияли кишилар озми? Саидвали ота: «Укангизнинг сурати борми, агар бўлса, бир кўрай», — дейди. Йўлдош ака шу куни ўғли келганида: «Расмлар альбомидан амакингнинг фронтда тушган суратини олиб кел», — деб тайинлади.

Эртаси Саидвали ота суратни кўрадию: «Ўша, ўша!» — деганича ранги оқариб, хаста юрагини чангаллаганча каравотга чўзилиб қолади. Хонага шифокорлар югуриб киришади. Беморга кислород беришади, юрак фаолиятини яхшилайдиган укoллар қилишади. Чол ярим соатлардан кейин ўзига келади.

Урушда тўрт марта жароҳатланган бу мўйсафиднинг юраги хаста эди. Ортиқ ҳаяжонланса ёки диққат бўлса, юраги хуруж қилиб қоларди. Шунинг учун доимо ўзини эҳтиёт қилиб юрарди.

Лекин турмушда ҳамма нарса киши хоҳлаганидай бўлавермас экан.

Чол ўзига келгач, ҳамхонаси: «Сўзламанг, толиқасиз», — дейишига қарамай, Йўлчи Умаров қаерда, қандай ҳалок бўлганлигини, у ўтган урушнинг чинакам қаҳрамонларидан эканлигини кўзида ёш билан гапириб беради.

Ўшанда 1943 йилнинг кузи эди. Орёл шаҳри яқинидаги темир йўл бекати учун қаттиқ жанг бўлаётганди. Душман эрталабдан артиллерия ҳужумини бошлаб юборади. Танк ва бронетранспортёрлар ҳам артиллерия ўти панасида ҳужумга ўтди. Ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетди. Бизнинг артиллериямиз ҳам жавоб ўти оча бошлади.

Пиёдаларимиз ўнлаб танкларни сафдан чиқардилар. Гитлерчилар эса катта талофот кўраётганликларига қарамай, янгидан-янги бўлинмаларни ҳужумга ташлай бошладилар. Бу пайтда батальон командири Саидвали Носиров ўринбосари, катта лейтенант Йўлчи

Умаров билан битта блиндажда эди. Блиндаж атрофига дам-бадам снаряд келиб тушарди. Жангни кузатиш мушкул бўлиб қолди. Команда пунктидаги жангчилар қўлларида икки-учтадан граната тутиб, ташқарига чиқдилар. Алоқа йўли орқали эмаклаб, ён томонга ўтишди.

Кимдир куч билан ирғитган граната олдинда келаётган танкнинг ёнгинасида портлади. Фашист шошиб, машинани орқага бурди. Аммо Йўлчи Умаров ирғитган граната машинани сафдан чиқарди.

Жангчилар блиндажга қайтиб келишаётганда аллақаердан бир дайди ўқ учиб келиб, капитан Носировнинг елкасига тегди. Жароҳат анча оғир, санитария қисмига бормаса бўлмасди. У Йўлчи Умаровга вазифасини топшираркан, батальоннинг шон-шавкатини ҳамиша юқори тутишни, бир метр ҳам чекинмасликни тайинлади.

Шундан кейинги воқеаларни Носиров бир ярим ойдан кейин билди. Соғайиб, қисмига қайтиб келгач, армия газетасида Йўлчи Умаров ҳақидаги «Йўлчи юлдуз» сарлавҳали очеркни ўқиганда, батальоннинг тирик қолган жангчилари билан суҳбатлашганида беихтиёр кўзларига ёш келди.

Унга ҳикоя қилишларича, ўша куни оқшом батальон жангчилари Йўлчи Умаров бошчилигида ҳужумга кўтарилиб, темир йўл бекатини эгаллашибди. Уни ўн беш кун қўлдан бермай, Орёл шаҳрига сўнгги ҳужумга тайёргарлик кўриш учун яхши шароит яратишибди. Бироқ душман ўн олтинчи куни катта куч билан ҳужумга ўтиб, бекатдаги қўшинларни қуршаб олибди.

Фақат икки кундан кейин қизил аскарларнинг бир қисми қуршовни ёриб ўтишга муваффақ бўлишибди. Кўп кишилар ҳалок бўлибди. Йўлчи Умаров эса олтиетти жангчи билан оғир ярадор ҳолида душман қўлига тушибди.

Қўшинларимиз темир йўл бекатини сўнгги бор озод қилишганда бино ичида оёқ-қўллари, боши кесилган Йўлчи Умаровнинг жасадини кўришади. Йўлчи Умаров ўлимидан сўнг Қизил Байроқ ордени билан мукофотланади.

Мана бугун, орадан қарийб қирқ йил ўтганидан кейин Саидвали Носиров унинг акаси билан учрашди. Саидвали ака Йўлчи Умаровнинг Байтқўрғон қишлоғидан эканлигини, етим ўсганлигини, фақат бир акаси бўлиб, у ҳам фронтнинг аллақаерида жанг қилаётганлигини биларди. Фронтдан қайтгач, унинг акасини суриштиришга ҳафсала қилмади. Очиғи, ўша оғир йилларда нотаниш киши ҳузурига совуқ хабар билан боришни ўзига эп кўрмади. Йўлчи Умаров ҳақидаги хотира мўйсафиднинг қалби қаърида кўп йиллардан бери устини кул босган чўғдай бўлиб ётарди. Мана, бугун шу чўғ яна ловуллаб, чолни ҳаяжонга солди. Хаёлига шу воқеани Муроджонга айтиш фикри келди. Бу мақсад Йўлдош отага ҳам маъқул бўлди.

Шанба куни эрта билан Муроджон Саидвали отанинг уйига борди. Йўлдош ота ҳам шу ерда экан. Бўлган гапни эшитиб, Муроджон тўлқинланиб кетди. Йўлчи Умаров ҳақида албатта очерк ёзаман, деб мўйсафидларга ваъда берди. У Йўлдош отага: «Душанба куни укангизнинг расмини, мактубларини келтиринг, таҳририятдаман», — деб алоҳида тайинлади. Бу илтимос бажо келтирилди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Муроджондаги воқеани янги эшитган пайтидаги ҳаяжон анча сўнди. Шунда у беихтиёр анча оғир вазифани бўйнига олганлигини, ҳали очеркка фактлар ўқувчи тўла ишонадиган даражада етарли эмаслигини пайқади. Фактлар етарли бўлиши учун эса, аввало, армия газетасининг Йўлчи Умаров ҳақида ёзилган сонини топиши керак эди, Саидвали отанинг хотирасида бу газетанинг номи ҳам,

ўша пайтда уларнинг батальони қайси армия ихтиёрида жанг қилганлиги ҳам кўтарилиб кетганди. Буларни аниқлаш, кейин Москва яқинидаги Подольск шаҳрига бориб, ҳарбий архивдан фронт газеталари тахламларини титкилаш керак. Бу архивдан фойдаланиш учун рухсат олиш ҳам анчагина қоғозбозликни талаб этарди. Борганга яраша фронт газетасининг ўша сони топилса дуруст-а. Топилмаса-чи? Унда беҳуда оворагарчилик бўлади.

Муроджон мана шуларни ўйлаб, иккилана бошлади. Аммо бу кайфиятини мўйсафидларга билдирмади. Йўлдош отага:

— Очерк ёзиш учун ўша фронт газетасини топишим зарур. Ҳозирча Подольскка боришга имконим йўқ. Бу ишни яхшиси, ёзги таътилга чиққанимда қилсаммикан, деяпман, — деди.

У шундай десам бу кишидаги қизиқиш сўниб, кейинроқ бу ҳақда ўйламай ҳам қўйса керак, деб хаёл қилганди. Бироқ мўйсафид таҳририятга келишини қўймади. У ҳар гал келганида укаси ҳақида янги бир гап топиб келар, Муроджон унинг сўзларини ҳурмати учун тинглаб, ёндафтарига қисқача ёзиб қўярди.

Бир кун 1941 йилда Чирчиқдаги ҳарбий билим юртида укаси билан бирга ўқиган кишининг уч варақ қоғозга битилган хотираларини, бошқа куни укаси уйланмоқчи бўлган қизнинг суратини кўтариб келди... Яна бир кун келганида чолни Муроджон хушмуомалалик билан кутиб олди-ю, бироқ ўзича ўйлади: «Нима зарурати бор экан-а, бу одамга шунча овора бўлаверишнинг? Тўғри, укаси мардларча ҳалок бўлган. Аммо тўрт йиллик урушда бундай қаҳрамонлар оз бўлганми? Уларнинг ҳаммаси ҳақида ёзиш шартмикан?» Чол эса унинг кўнглидан ўтган фикрни сезгандай, шундай деди: «Ота-онамиз 32-йилдаги очарчиликда ўлиб кетиб, ака-ука интернатда ўсганлиги-

мизни, эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйганимизда уруш бошланиб кетганлигини Сизга айтдим, Муроджон. Укамнинг на ота, на она, на ёлғиз ака меҳрига қонмай, ҳаётнинг латофатини кўрмай, навқирон ёшида дунёдан кўз юмганлиги юрагимда армон бўлиб қолган. Уни бир ёзсангиз, умри беҳуда хазон бўлмаганлигини эл-юртга маълум қилсангиз анча таскин топармиканман, укамнинг руҳи шод бўлармикан дейман-да...»

Муроджон мўйсафиднинг сўзларини тингларкан, сал аввал хаёлига келган фикрдан хижолат бўлди. Йўлчи Умаров ҳақида ёзишга иккиланиб, нотўғри қилаётганлигини, ҳавойи бўлиб қолаётганлигини, касбининг машаққатидан қочаётганлигини ўйлади. Шунинг учун ҳам суҳбатдоши сўзини тугатишини ҳам кутмай, шоша-пиша деди:

— Ота, укангиз ҳақида албатта ёзаман.

Мўйсафид эса оромкурсига чўкканча, кўзойнагини оҳиста артаркан, худди ўзига-ўзи гапиргандай сўзини давом эттирди:

Уруш қаҳрамонлари — ўз замонининг гуллари, Шайх Саъдий эса гул ўз ўрнида гўзал деган. Мен адиб эмасман. Аммо қаҳрамонларни тасвирлаганда уларнинг вужуди ёлқинланган онларини қаламга олиш кераклигини биламан. Ҳа, улар бу пайтда худди қулф уриб очилган муаттар гул сингари бўладилар. Одамларга ана шу гўзалликни кўрсатиш керак. Бу «гуллар» шундайки, улар авлодлар қалбида улуғ туйғуларни тарбиялашда ҳеч қачон қийматини йўқотмагай.

— Уруш тугаганда Муроджон ўн яшар бола эди. Аммо у бу уруш миллионлаб кишилар бошига солган кулфатни, Ғалабамизнинг аҳамиятини яхши биларди. Шунинг учун ҳам университетни тамомлаб, таҳририятда ишлай бошлаганида, уруш қаҳрамонлари ҳақида ёзиш унинг севимли машғулотига айланди. Лекин у ҳар гал бу ишга қўл ураркан, порохнинг иси-

ни искамай, уруш ҳақида асар ёзадиганлар устидан кулган қайси бир ёзувчининг гап-сўзлари лоп-лоп ёдига тушиб, хижолат бўлар, шу боисдан бу ҳақда нима ёзса, ҳаммасида воқеалар, ҳолатлар аниқ, ҳаққоний бўлишига алоҳида эътибор берарди. Шу билан бирга, Муроджон ким қандай ўйламасин, ҳар ҳолда муҳим иш қилаётганлигини, бу мавзу билан фақат саналар олдидангина шуғулланмай, уни доимий ишга айлантириш лозимлигини ҳам яхши англарди. Ҳозир эса Муроджоннинг назарида бу ишнинг аҳамиятини ҳеч ким, ҳеч қачон рўпарасида ўтирган мўйсафидчилик чуқур тушунмагандай туюлди. Унга нисбатан меҳри товланди, ҳурмати ошди. «Ҳа, — деди Муроджон ўзича, — уруш кишилари ҳақида ёзиб, хайрли иш қиляпман. Бу ишимни бундан кейин ҳам давом эткизаман. Номаълум қаҳрамонларнинг изини излашни, уларнинг хизматини халққа маълум қилишни канда қилмайман. Яна кўп кишилар ҳақида, ўзбекнинг мард ўғлони Йўлчи Умаров ҳақида ҳам ёзаман. Албатта, ёзаман».

1974 й.

МАТОНАТ МАДҲИЯСИ

Тошкентдаги «Фарғона йўли» орқали Қўйлиққа бориб, ўнгга бурилиб юрсангиз теплица комбинати олдидаги равон асфальт йўл сизни Хонобод қишлоғига олиб боради. Бундан етмиш-саксон йил аввал Хонобод «бир сиқимгина» аҳолиси бўлган кичик қишлоқ эди. 40-йилларда етти йиллик мактаби бўларди, унда 100 нафарга яқин ўқувчи ўқирди. Қишлоқдаги одамларнинг ҳаммаси бир-бирини биларди.

Болалигимда менга қишлоғимиз оддийгина, унинг ҳеч бир диққатга сазовор томони йўқдай туюлган. Ёшим улғайиб, университетни битириб, ёзувчилик касби сирларини озгина ўрганганимда билдимки, оддийгина кўринган кичкина Хонобод қишлоғи ҳаёти бутун мамлакатимиз ҳаёти билан уйқаш экан, мамлакатимиз ҳаётидаги воқеалар қишлоғимиз одамлари тақдирида у ёки бу даражада акс этган экан. Шулардан кўп эмас, иккита одамни мисол келтираман. Қишлоғимизда Пўлат Мўминов деган уруш қатнашчиси бўларди. У урушда контузия бўлиб, қулоғи оғирроқ бўлиб қолган, қаттиқроқ гапирмасангиз эшитмасди. Пўлат ака икки-уч жойидан яралар ҳам бўлганди. Иккита ордени, медаллари бор эди. Фронтда рота командири бўлган. Мен шу одамдан:

— Сиз учун урушнинг унутилмас воқеаси нима? — деб сўраганман.

У кулдида, ўйланиб туриб шундай деди:

— Запорожье шаҳрини ўн тўрт марта душманга ташлаб чиқиб, ўн тўрт марта қайтариб олганмиз.

Бир гал кечаси душманлар бизни қувганда формани кийишга ҳам улгурмай, узун калцон иштонда қочганмиз. Немислар кўпчилик аскарларимизни қириб ташлаган. Шу воқеа ҳозир ҳам тушларимга киради.

70-йилларда республикамизда сабзавотчиликни механизациялаш ташаббускори бўлган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Насриддин Муҳиддинов урушда қамалда қолиб, асир тушиб, уч йил ҳаёти душман концлагерида ўтган. Урушдан кейин орган уни собиқ асир сифатида қамамоқчи бўлган. Хўжалик раиси уни тоғдаги фермага жўнатиб юборган, орган ходимларига, бундай одам бизда яшамайди деган.

Насриддин ака 70-йилларда М.Шолоховнинг «Инсон тақдири» асари асосида ишланган фильмни кўриб, фашистлар концлагерида ўтган ҳаёти ёдига тушиб, юм-юм йиғлаган экан.

Уруш йиллари қишлоғимиздаги колхоз нафақат туманда, балки бутун Тошкент вилоятидаги илғор хўжаликлардан бўлган. Хўжалик жамоаси фронтга тўртта танк совға қилиб, Олий бош қўмондондан раҳматнома олган. Уруш пайтида қишлоқда йигит зоти қолмай, далада асосан қари-қартанг чоллар, эрини, ўғлини фронтга кузатган аёллар, ўсмир болалар ишлаган.

1945 йилнинг 9 май куни 2-бригада аъзолари «Мирза аканинг сойи»да қўшқулоқ бўлиб униб чиққан ғўзани чопиқ қилишаётган экан. Тушдан кейин дала йўлида бир отлиқ одам елдай учиб кела бошлади. Даладагилар шошиб келаётган бу одам ким бўлди экан, деб ҳайрон бўлишди. У хўжаликнинг қоровули Бўрихўжа ака экан. Колхозчилар яқинига келганда Бўрихўжа ака отнинг жиловидан тортиб тўхтатиб, баланд овозда деди:

— Биродарлар, хушхабар! Уруш ғалаба билан тугаб, душман тор-мор бўлди. Омон-омон кунлар бошланди.

Шунда далада ғўза чопиқ билан банд бўлган ўттиз-қирқ одам кетмонини ерга қўйиб, уввос тортиб йиғлаб юборишди. Булар орасида менинг раҳматли онам ҳам бор эди. Одамларни тонг саҳардан кун ботгунча давом этадиган даладаги оғир меҳнат, рўзғордаги йўқчилик эзиб ташлаганди. Бу ҳам етмагандек, уларнинг биринг суюкли ўғли, иккинчининг эри, учинчисининг отаси фронтда ҳалок бўлиб, қорахат келган ёки дом-дараксиз йўқолган эди.

Калонсарой рўпарасида яшайдиган Шермат бувани нинг ҳовлисида далада ишлаётганлар учун нон ёпишарди. Кетмончиларга ҳар куни тушликда биттадан нон, суюқми-қуюқми бир коса овқат беришарди. Далага ишга чиқмаганларга нон ҳам, овқат ҳам йўқ эди. Баъзилар боласини ҳам далага эргаштириб келиб, ўзига берилган нон ва овқатни боласи билан ерди. Бу «обшекотел» (общий котел) овқатидан онам туфайли мен ҳам анча еганман.

Урушга бизнинг оиламиздан икки киши: Абдуназар ва Ғулом акам кетишган. Урушгача Тошкент педтехникумини битириб, Тўрақўрғон туманидаги мактабда директор бўлиб ишлаган Абдуназар акам ҳарбий хизматга 1939 йилда кетган. Хизматни тугаллаб уйга қайтай деб турганда уруш бошланган. У урушда офицер бўлган, миномёт взводига командирлик қилган.

Фронтда офицерларга маош берилган. Абдуназар акам бу маошини уйга жўнатар эканлар. Ойим ҳар ой Оржоникидзе туманидаги ҳарбий комиссариатга бориб, ўғли юборган маошни олиб келаркан лар. 1944 йил мартда онам ҳарбий комиссариатга борганида унинг қўлига пул ўрнига қорахат тутқазадилар. Бу мудҳиш хабар онамни не куйга солгани ўзига ва Худога аён.

Ҳали-ҳали эслайман. Урушдан кейинги йилларда онам билан бувим ҳовлимиздаги супада ўтириб, дап-

қир-дапқир Абдуназар акамни эслаб йиғлашарди. Кейин яна ўзларига-ўзлари таскин беришарди:

— Қандоқ қиламиз энди, бу отинг ўчкур уруш юртга келган тўй бўлди-ю. Одамларнинг учталаб, тўртталаб, бешталаб ўғли қайтмади. Булар худога нима ёзган экан? Биздан биттаси қайтмади-ю, худо бошимизга солган мусибатга чидаймизда, иложимиз қанча, — дердилар бувим.

— Ойи, бу Зулфия дугонангиз фил экан-а, — дерди ойим қайнонасига. — Бешта акобирдай ўғлининг жудолигига чидаб, сабр-бардош қилиб юрибди. Ўтган ҳафта Нозираникида сумалак қилганимизда беш ўғлига ёзган марсиясини ўқиб, бир айвон аёлни йиғлатдия.

— Зулфия келин танлашда ҳам янглишмаган. Келинлари бир-биридан ақлли, бири-биридан меҳнаткаш. Болаларини гулдай қилиб боқиб, шовқинлари кўчага чиқмай ўтиришибди.

Бошга тўсатдан тушган кулфат инсонни шоир қилишини болалигимда Зулфия она мисолида кўргандим. Зулфия аянинг турмуш ўртоғи Холмат ака анча эрта вафот этган. Беш ўғил, бир қизни онанинг ўзи тарбиялаган. Уруш арафасида беш ўғлидан тўрттасини уйлантириб, алоҳида-алоҳида хўжалик қилганди. Ҳовлида катта ўғли Мамажон Ҳолматов қолганди. Шунда бирдан уруш бошланиб қолди. Мамажон 1941 йилнинг июлида, Аҳмаджон акасидан бир ой кейин фронтга кетишди. Кузга бориб Ваҳобжон билан Юсуфжонни ҳам кузатишди. Энг охирида, 1944 йилнинг март ойида Исоқжон жўнаб кетди.

Аҳмаджондан атиги битта хат келган. Унда мактубни йўлдан ёзаяпман, ҳозирча менга хат ёзманглар, биз Сталинград томонга кетаяпмиз. Етиб боргач, аниқ манзил билан яна хат ёзаман деган эди. Шундан кейин у кишидан дом-дарак бўлмади.

Аҳмаджоннинг биттаю-битта фарзанди Раҳимжон аканинг айтишича, онаси Ҳамрониса ўқимаган, содда, оққўнгил аёл экан. Телевизорда уруш мавзусидаги фильм бўлса, ҳар қандай ишини йиғиштириб, фильмни охиригача кўрар экан. Ўғли бунинг сабабини суриштирганда: «Отанг кўриниб қолармикан дейманда», деркан. Мен шунда «Бу бадиий фильм, унда артистлар ўйнайди» деб содда онамни ноумид қилгим келмасди, дейди Раҳимжон ака.

Зулфия онанинг ўғиллари Ваҳобжон ва Исоқжондан уруш тугагач, бедарак йўқолган, деган хабар олинган. Юсуфжон 1943 йил ёзида Ленинградда ҳалок бўлган.

Мамажон тушган қисм икки ой Тўйтепа яқинида турди, йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлашди. Ҳидой опа эрини икки марта бориб кўрди. Биринчи гал ёлғиз ўзи борди.

— Нега ўғлим Турғунни олиб келмадинг, уни сағингандим-ку, — деди Мамажон.

— Қўлимдаги юк билан уни олиб келишга қийналаман, деб ўйладим. Ўғлингизни келаси гал олиб келарман, — деди Ҳидой опа.

Ҳидой опа эрининг олдига иккинчи бор борганида уч яшар ўғли Турғунни олиб борди.

Ота ўғлини қучоқлаб бағрига босар экан хотинидан сўради:

— Нега боланинг оёғида пойафзал йўқ?

— Иложи бўлмади, сотиб олиб беришга қўлим калталик қилди.

Шунда Мамажон чўнтагидан пул чиқариб хотинига берди.

— Бу пулга ўғлимга этикча олиб бер.

Хидой опа пулни олди. Лекин ўғлига этикча олиб беролмади, пулни бошқа нарсага сарфлаб юборди.

Кўп ўтмай Мамажон хизмат қилган қисм урушга жўнаб кетиб, Москва мудофаасида қатнашди. Кей-

ин Мамажон бошқа ерлардаги жангларда бўлди. 1942 йил баҳорида рафиқасига ёзган хатида «Ҳидой, азизим, нега Турғунга этик олиб бермадинг? У тушимга кирди. Лой кўчада қўлида этикча билан оёқяланг юрибди» деб ёзди. Ҳидой опа бу хатни ўқиб юм-юм йиғлади.

Зулфия онанинг ҳамма келинлари далада ишларди. Катта ҳовли «боғчахона» эди. Бу ерда Зулфия она набираларига энагалик қиларди.

Уруш ҳам тугади. Зулфия онанинг набиралари мактабга бора бошлашди. Ҳали ҳаёт изга тушмаганди. Қишлоқ мактабида аксарият куз пайтлари болаларни линейка қилиб, «Етимлар уч қадам олдинга чиқсин» дейишарди. Анчагина болалар, шу жумладан, Зулфия онанинг набиралари ҳам олдинга чиқарди.

Мактаб маъмурияти етим болалар эҳтиёжини олдиндан ўрганиб, биттадан кийим — фуфайками, шимкўйлакми, ботинками, телпакми беришарди. Бу етимларга ҳукумат берган ёрдам ҳисобланарди.

Очин-тўқин ҳаёт билан болалик ҳам ўтди. Набиралар ўнинчи синфни битиргач, турли соҳаларда меҳнат қила бошлашди.

Турғун ака 1957 йилда ўрта мактабни битиргач, Тошкент аэропортида юкчи бўлиб ишлай бошлади. Бу ишда икки йилча ишлади. Бир куни бувиси уни ёнига ўтқазиб деди:

— Турғун, болам, сенинг ота-буванг деҳқон бўлган, рисқ-насибасини ердан топиб еган. Сен ота касбингни қилмадинг. Майли, сени мажбурламаймиз, лекин ҳозирги ишинг менга ёқмаяпти. Бу ҳунар эмас. Йигит кишининг ҳунари бўлиши керак. Сен бир ҳунарга ўқигин.

— Қандай ўқийман, буви, ўқишга пул керак. Рўзғоримиз учма-уч бўлса.

— Сен ўқишга киргин, бир иложини қиламиз.

Турғун ака Эски шаҳарда очилган ҳайдовчиларнинг олти ойлик курсига кирди. У ҳар куни эрталаб ўқишга кетаётганда бувиси қўлига бир сўм берарди. Шу пул йўлкира ва тушлик учун етарди. Кампир офицер бўлиб ҳалок бўлган кенжа ўғли Юсуф учун 22 сўм нафақа оларди. Набирасига шу нафақасидан берарди.

Шундай қилиб Турғун ака бувисининг кўмагида касбли бўлиб олди. Уйига олиб келадиган маоши озгина кўпайди. Сиртдан ўқиб автомобиль йўллари институтини битирди. Катта автобазада аввал механик, кейин колонна бошлиғи бўлди. Бир неча йил касаба уюшмасида ишлади. Лекин, афсуски, у ўзини моддий тутиб олганида бувиси бандаликни бажо келтирган эди. Турғун ака бувиси «меваси»дан ея олмаганини кўп армон қиларди.

Зулфия она қариб, ҳориб қолганида тунлари ухламасдан ҳовлида юриб, урушда ҳалок бўлган беш ўғлининг азиз исмларини бир-бир, қайта-қайта тинмасдан зикр қилар, уларни армон товушлари билан чорлаб чақирарди. Унинг юраги бутун борлиғи билан соғинчга, фақат соғинга тўлиб кетган эди.

Кампир 1960 йил 24 майда 77 ёшида вафот этди. У суюкли ўғли Юсуфни уйлантирмаганига, ундан «тирноқ» қолмаганига афсусланарди. Жони узилишидан уч кун аввал Турғун акани ёнига ўтқазиб шундай деди:

— Мен ҳамма келинларимдан, набираларимдан, сендан ҳам розиман, ўғлим. Энди уруш бўлмасин, икки дунёда ҳам хорлик кўрманглар. Набираларимнинг энг ақллиси, удли-шудлиси сенсан. Умринг узоқ бўлсин. Вояга етиб топармон-тутармон бўлсанг Юсуф акангнинг қабрини қидириб топиб, бир ҳовуч тупроғидан менинг қабримга олиб келиб кўмарсан.

Кампирнинг гапидан Турғун аканинг кўнгли юмшаб, бувисининг қучоқлаб олди.

— Бу илтимосингизни чопонимни сотиб бўлса ҳам бажараман, бувижон, — деб йиғлаб ваъда берди.

1975 йилда Турғун ака рафиқаси билан Юсуф акасининг қабрини қидириб Ленинградга борди. Юсуф ака танк экипажининг командири бўлганди. 1943 йилда Ленинград қамалини ёриб ўтиш учун бўлган жангларда оғир яраланиб, госпиталда вафот этганди. У машҳур Пискарев қабристонига дафн этилган экан. Бувисининг севимли кенжа ўғлининг исм-шарифи, туғилган ва ҳалок бўлган вақти ёзилган қабр тошини кўрганда Турғун аканинг юраги орзиқиб кетди. Қабр ёнига беихтиёр чўккаркан, кўнгли бузилиб, кўзларидан шашқатор ёш оқди. Эр-хотин қабрга гулдаста қўйишди. Қуръон тиловат қилишди. Қайтишда қабр тупроғидан бир ҳовуч олиб қайтишди.

Уйда маҳалла қозонида ош дамлаб, маҳалла мўйсафидларини, Юсуфжон аканинг ўртоқларини чақириб, хайр-эҳсон қилишди. Сўнг Юсуфжон аканинг қабридан олиб келинган тупроқни махсус қутига солиб, бахмал ёстиқ устига қўйиб, қариндошлар билан Зулфия онанинг қабрига олиб бориб кўмишди.

Мамажон Ҳолматовдан келган қорахат бир йўқолиб, сўнг топилган эди. Шу сабабли Турғун ака отасининг қаерда вафот этганлигини билмасди. Қорахат уруш тугаши арафасида келган экан. Шу боис Турғун ака отам Берлинда ҳалок бўлган бўлса керак дерди.

1970 йилда у туристик саёҳат билан Германия Демократик Республикасига борди. Берлинда бўлишганда уларни «Ольшанский» қабристонига олиб боришди. Бу қабристон 20 гектарни эгаллаган бўлиб, унга буткул Берлин учун бўлган жангда ҳалок бўлган жангчилар дафн этилган экан. Вақт зиқроқ эди. Турғун ака бутун қабристонни қарийб югургилаб айланиб, отасининг қабрини қидирди. У ерда юзлаб «Ҳолма-

тов»лар ётибди, лекин улар орасида Ҳолматов Мамажон йўқ эди.

Буни қарангки, кейинроқ йўқолган қорахат топилди. У 1945 йил 24 февралда Польшанинг Вембрандава туманида ҳалок бўлган экан.

Турғун ака ўша ерга онаси билан бормоқчи бўлиб юрганида касалманд бўлиб қолди.

Мен Зулфия Зокирова ҳақидаги биринчи очеркимни бундан 31 йил аввал ёзганман. Бу пайтда Турғун ака ҳаёт эди. У билан кўп гаплашганман. У урушнинг беқиёс жабру-жафосини кўрган, лекин метин иродаси букилмаган бувиси билан беҳад фахрланарди.

Турғун ака 2009 йил 19 ноябрда вафот этган. Жони узилишидан икки-уч кун аввал ўғиллари Дилшоджон ва Фарҳоджонни ёнига ўтқазиб: «Менинг куним битиб қолди. Мендан рози бўлинглар. Бандаликни бажо келтирсам, бувижоним қабрига қўйинглар. Бувижонимнинг ёнида ётишни истайман» деди. Фарзандлар ота васиятини бажаришди.

* * *

1972 йил 9 майда мактаб ҳовлисида ўқувчилар ташаббуси билан қурилган 25-мактабнинг очилишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Қишлоқ меҳнаткашлари ва мактаб ўқувчилари иштирокида ўтган бу митингда биринчи бўлиб мактаб директори Ғулом Имомназаровга сўз берилди.

— 1941—1945 йилларда халқимиз бошидан кечирган уруш бутун мамлакатимиз қатори бизнинг қишлоғимиз учун ҳам мусибатли бўлди, — деди у киши. — Бу мусибат яраси ҳали битгани йўқ. Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган ҳамқишлоқларимизнинг хотираси ҳамон дилимизда яшамоқда. Биз бундан буён ҳам бу мард йигитларнинг номини ёд этишимиз, ҳурматлашимиз, уларнинг ҳаёти ва ишини авлодлари-

мизга намуна қилиб кўрсатишимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Ўқувчиларимизнинг ташаббуси ва кучи билан бунёд этилган, бугун очилаётган ёдгорлик ҳам Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлган ҳамқишлоқларимизга ҳурматимиз ва эътиқодимиз рамзидир.

Митингда анчагина кишилар сўзлади. Улар орасида Зулфия Зокированинг тўнғич набираси, 1-автобаза механиги Турғун ака Муҳаммаджононов ҳам бор эди. У урушда ҳалок бўлган отасини, тўрт амакисини, беш ўғли дардида куйган, лекин қадди букилмаган, ўзининг метин иродаси билан қишлоқ одамларига таскин берган буюк бувисини эслади. Бувиси ва амакиларининг хотирасини ҳурматлаш, чироғини ёқиб туриш бурчи эканлигини таъкидлади.

Шундан кейин митинг тугаб, олти ярим метрли ёдгорлик устига ёпилган оқ сурп туширилди. Мактаб ҳовлисига тўпланган кексаю-ёш мармар тахтага зарҳал ҳарфлар билан ёзилган таниш фамилияларни, улар шанига ёзилган алқов сўзларни берилиб ўқишди.

Оқшом митинг тугаб, одамлар тарқалиб кетганда мактаб ҳовлисига оқ шол рўмол ўраган, нуроний аёл кириб келди. У ёдгорликка аста яқинлашиб, мармар тахтага зарҳал ҳарфлар билан ёзилган фамилияларни кўздан кечира бошлади. Нигоҳи «Ҳолматов»лар фамилиясига тушганида, беихтиёр тиззалари қалтираб ўтирган ҳолда, кўзларидан шашқатор ёш оқди. «Ҳолматов Исоқжон, Ҳолматов Аҳмаджон, Ҳолматов Мамажон, Ҳолматов Ваҳобжон, Ҳолматов Юсуфжон» — мармарга Зулфия онанинг беш ўғли фамилияси кетма-кет ёзилганди. Ҳозир ёдгорлик ёнида ўтириб, уларнинг фамилияларини силаб йиғлаётган аёл шу йигитларнинг яккаю ёлғиз синглиси эди.

Манзура опа шаҳарда — Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида яшарди. Ўша куни бошқа бир зарур юмуши чиқиб қолиб, Хоноддаги ёдгорликнинг очили-

шига етиб келолмаганди. Лекин кеч бўлса ҳам боришга аҳд қилди.

Ўша оқшом у ёдгорлик ёнида ўтириб узоқ йиғлади, доғи-ҳасратда ўтган муштипар онасини, ҳаётнинг латофатига тўймай, навқирон умри хазон бўлган акаларини кўз олдига келтирди. У обдон йиғлаб енгил торттач, аста ўрнидан туриб, шу қишлоқда яшайдиган жиянларидан бириникига кетди.

Мен Зулфия Зокирова ва унинг ўғиллари ҳақида биринчи марта очерк ёзиб, 1988 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилдирганман.

Сўнг 1990 йилда «Йигирма миллиондан бири» китобимга киргизиб, нашр эттирганимда Манзура опа Ўқчидаги ҳовлисида маҳалла қозонида ош дамлаб, маҳалласидаги мўйсафидларни, Хонободдаги жиянларини, 25-мактаб маъмуриятини, мени таклиф этиб, хайр-эҳсон қилган эди.

Эҳсон сўнггида у менга беқасам тўн кийгазиб, шундай деди: «Беш азамат акам урушда йўқ бўлиб кетсаю, ҳеч ким уларни эсламаса. Бу адолатдан эмаску, деган фикр миямдан кетмасди.. Мана энди шу армоним ушалди, уларнинг номи мактабдаги ёдгорликка ёзилди. Сиз матбуотда ёзиб бутун Ўзбекистонга маълум қилдингиз.

Бунинг учун мактаб маъмуриятига, сизга, бутун ҳамқишлоқларимга раҳмат!»

Манзура опа эҳсон қилганидан сўнг менинг китобимдан 30 та топдириб, қариндошларига туҳфа тариқасида тарқатибди.

Манзура опа 2007 йил 4 апрелда 81 ёшида вафот этди. Агар ҳозир у ҳаёт бўлиб, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш кунидаги тантанали маросимда келаси йили Тошкент шаҳри марказида бунёд этиладиган Ғалаба боғи марказига Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган

беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳташам ҳайкал ўрнатишни, унга «Матонат мадҳияси» деб ном беришни таклиф этганларида тантана қатнашчилари гулдурос қарсак чалганларини кўрганларида бошлари кўкка етарди. Лекин халқимизга «Руҳ ҳозир» деган гап бор. Бу эзгу амал учун Зулфия опа ва унинг навқирон ёшида кетган азиз фарзандларининг руҳлари шод бўлиб, улар мангу дуода эканига аминмиз.

2019 й.

ҚОРАХАТ

Воқеий ҳикоя

1942 йилнинг кузида Сталинград шаҳри остонасида ҳаёт-мамот жанглари борарди. Шунда 313-десант полкининг командири, полковник А. Шилинни ва полк командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, майор Т. Шариповни армия штабига чақиришиб, разведка маълумотлари бўйича, фронт ортидаги дала аэропортида душманнинг йигирма саккизта ҳарбий самолёти турганлигини, уларни дарҳол йўқ қилиш лозимлигини айтишди.

Шу куни А. Шилин бошлиқ ўттиз нафар тажрибали, довюрак йигитлардан иборат десантчилар гуруҳи самолётда душман ортидаги белгиланган жойга парашютларда ташланди. Десантчилар бир-бирларини топиб, тўпланишгач, ярим тунда душман аэропортига яқинлашишди.

Аэропорт четида соқчи қўлида автомат билан у ёқдан буёққа юриб турарди. Т. Шарипов пусиб бориб, соқчининг ортидан ташланди. Чап қўли билан унинг оғзидан маҳкам ушлаб, ўнг қўли билан кекирдагига ҳанжар тортиб юборди. Сўнг Т. Шариповнинг имлаши билан Т. Шилин десантчиларни ҳужумга бошлади. Улар душман самолётларига гранаталар отиб портлатиб, ёқиб юборишди ва тезда яширинишга улгуришди.

Лекин десантчиларнинг фронт чизиғини кесиб, ўзимизникилар томонга ўтишлари осон бўлмади. Душман босиб олган жойларда яшириниб, егуликлари қолмай, сарсон-саргардон бўлиб юришди. Фақат

ўн беш кун деганда, ерли аҳоли кўмагида ўзимизникилар томонга ўтишга муваффақ бўлишди.

Армия штабида эса ҳалок бўлган десантчиларни ҳисоблаб, барчасининг оиласига «қорахат» юборишганди. Почтачи майор Т. Шариповнинг Фарғона шаҳрида яшайдиган оиласига ҳам қорахат ташлаб кетди.

Унда 313-десант полки командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, майор Турдиали Шарипов Ватан озодлиги учун жанг қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ёзилган эди. Тўхтахон опа бу хатни ўқиб, эри ҳалок бўлганлигини, икки норасида боласи етим қолганлигини билиб, кўп йиғлаб-сихтади.

Қўни-қўшнилар чиқишиб, Тўхтахон опага таъзия билдириб, бу кулфат бугунги кунда ҳар икки-уч оиладан бирининг бошига тушаётганлигини, юртга келган «тўй»лигини айтиб, кўнглини кўтаришди. Эртаси эса Тўхтахон опанинг хонадонига қўшнисининг бўй етган қизи Ойниса югургилаб чиқди.

— Тўхтахон опа, суюнчи беринг, суюнчи беринг, хурсандчилик гап!

— Нима экан?

— Турдиали акам ўлмаган эканлар.

— Наҳотки, қайдан билдинг?

— Марказ радиосидан фронт хабарлари ўқиб эшиттирилди. Унда 313-десант полкининг командири, полковник Шилин ва полк командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, майор Шарипов бошлиқ десантчилар душман аэропортидаги 28 та самолётни портлатиб, қисмларига эсон-омон қайтиб келганлиги айтилди.

Тўхтахон опа Ойнисани қучоқлаб, юз-кўзларидан ўпди.

— Оғзингга асал-э, синглим! Хайрият, Турдиали акам ҳаёт эканлар, — деди Тўхтахон опа кўзидан севинч ёшларини оқизиб.

Шу воқеадан бир кун аввал полковник А. Шилин ва майор Т. Шариповни фронт армия генерали Рокоссовский блиндажда қабул қилди.

А. Шилин генералга честь бериб, топшириқ бажарилганлигини, десантчилар гуруҳи душман аэропортидаги 28 та самолётни йўқ қилиб, эсон-омон қайтиб келишганлигини айтди.

— Балли, лочинлар! — деди генерал. — Аэропортдаги душман соқчисига биринчи бўлиб ким ҳужум қилди?

— У! — деди Шилин ёнида турган Шариповни қўли билан кўрсатиб.

— Кимни қаҳрамон қиламиз?

— Уни! — деди Шарипов командирини кўрсатиб.

Шунда Шарипов индамай турса, ўзи қаҳрамон бўлиб кетиши мумкин эди. Лекин мард ўзбек ўғлони командирини ҳурмат қилди ва унга мурувват кўрсатгиси келди.

Шундай қилиб, полк командири А. Шилин қаҳрамон бўлди, Т. Шарипов эса операцияда қатнашган бошқа десантчилар қатори орден билан тақдирланди.

2015 й.

МЕЪМОР БАХТИ

Ҳунарни асрабон неткумдир, охир,
Олиб тупроққаму кетгумдир, охир!
Алишер Навоий

Икром ака оламдан ўтганида оиланинг бош фарзанди бўлган Усмон ўн тўрт яшар бола эди. Боқувчисидан айрилган тўрт жон тирикчилик йўлини ахтара бошлади. Онаси Усмонни йиғлаб-сиқтаб, ялиниб-ёлвориб Тошкентнинг Ланғар маҳалласидаги уста Расулҳожига шогирдликка берди.

Ўтмишда уста номини олишдан қийини йўқ эди. Бунинг учун авало шогирд ўзининг шу ҳунарга иқтидори борлигини кўрсатиши, энг муҳими, устозини рози қилиши керак эди. Ёш Усмон уста Расулҳожининг қўлида саккиз йил ишлади. Беш йилгача ҳафталик ҳақи ўн тийиндан ошмади. Ҳар пайшанба куни оқшом Расулҳожи шогирдининг қўлига ўн тийин берар, Усмон пулни ола бозорга шошиларди. Ўн тийинга ўнта-ўн иккита нон олиб, уйига борганида онаси, икки синглисининг қувончи оламга сиғмасди. Ҳамма дам оладиган жума куни ҳам шогирдга тиним йўқ эди. Бу куни Усмон устасининг боғида ҳосилдан шохлари ларзон бўлган шафтоли, ўрикларни териб, қишга қоқи тайёрлар, токларни хомток қиларди. Одатда шогирд фақат уста буюрган ишни қилиши керак эди. Устадан берухсат шогирд бирон ишга уринса ёки унинг асбобларига тегинса калтак ерди.

Олтинчи йилга ўтганда Усмоннинг ҳафталик иш ҳақи 50 тийинга, саккизинчи йилга ўтганда эса кундалик иш ҳақи бир сўмга чиқди. Бу пайтда у иморат

ишидаги оддий чўпгарликдан тортиб, ғишт териш, сувоқ, ганч ўймакорлигигача мустақил бажара оладиган бўлганди. Устаси уни бойларнинг иморатларида кунига икки сўмданга ишлатиб, бир сўмини ўзига оларди.

Ниҳоят саккиз йил деганда Усмон устаси (эндиги ибора билан айтганда — мураббийси) Расулҳожидан фотиҳа олиб, уста номига эга бўлди. Унинг уста бўлганидан кейин биринчи қурган биноси Тошкентнинг Сақичмон маҳалласидаги Тўхта бойваччанинг масжиди бўлди.

Илгари ўзбекларда ҳунар отадан болага мерос бўлиб қолиши одат бўлган. Айниқса, бу меъморчиликда анъанага айланган. Шунинг учун ҳам уста Усмон тўнғич ўғли Маҳмудни эсини таниганидан ёнида олиб юриб, ўз касбини ўргата бошлади.

— Ўтмишда ёшлар ҳунар ўрганадиган мактаблар йўқ эди. Бунинг устига усталар кўплаб шогирдлар тарбиялашдан манфаатдор эмасдилар, — дейди Маҳмуд ака — чунки юртда қурилиш кам эди. Бинокорлар бир-бирларидан иш қизғанишар, сифатли, кўркам қилиб қуриш йўлларини сир сақлашга интилишарди. Айниқса ганч ўймакорлиги ишлари кам бўларди. Асосан бойларгина меҳмонхоналарига ганч ўймакорлиги билан пардоз беришарди. Илгари ҳунар отадан болага мерос бўлиб қолганлигининг асосий сабаблари мана шу.

30-йилларнинг охирида уста Усмон Икромов Ўзбекистон санъат музейига ишга таклиф қилинди. Бу ерда у ўғли билан бирга ганч ўймакорлиги намуналарини тамир қилди. Уруш йиллари ота-бола ганчкорлар ҳозирги Муқимий номли театр ва Навоий номли театр бинолари қурилишида ишлашга таклиф қилиндилар. Бу ноёб бинолар қурилишида меҳнат қилиш ёш Маҳмуд учун дорилфунун вазифасини ўтади. Бу ерда у Уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов,

Абдулла Болтаев каби республиканинг машҳур меъморлари билан бирга Бухоро, Хоразм, Тошкент, Фарғона залларига сайқал берди. Маҳмуд айниқса уста Ширин Муродовнинг санъатига ихлос қўйди. Йигирманчи асрнинг бу атоқли гул ганчкор устаси касбини ёшларга бажонидил ўргатишга тайёр бўлган сахий қалб эгаси эди. У Маҳмудга бухороча намоён — паннолар ижод қилиш, шарафа, новалар ишлаш йўлини эринмай ўргатди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилида Бухорода дунёга келган Уста Ширин Навоий театри қурилишида ишлагунга қадар меъморчиликда катта тажриба орттирганди. Унинг бобокалони уста Умид ҳам замонасининг таниқли меъморларидан бўлиб, фарзандлари Фузаил ва Носирга ўз касбини ўргатганди. Уста Ширин ўн бир ёшидан отаси ёнида ишлади. Ўн тўрт яшарлигида отасидан айрилиб, амакиси Уста Ҳаёт хонадонига келди.

Уста Ҳаёт Бухоронинг таниқли меъморларидан эди. Унинг қўлида уста Сафар, уста Адис, уста Раҳим, уста Акром сингари кўпгина шогирдлар таълим олди. Ёш Ширин амакиси қўлида 18 йил шогирд бўлиб, қурилиш, чизмакашлик, гирих (геометрик) нақшлар чизиш назариясини ўрганди. Шу билан бирга қурилишларда меҳнат қилди.

Ширин уста номини олгач, илк бор мустақил равишда Бухородаги Абдуқодир бойнинг уйини қурди ва сайқал берди. У ишлаган нафис нақшлар ёш устанинг катта истеъдодидан дарак берарди. Уста Ширинниинг номи етук ёш меъморлар қаторида тилга олинадиган бўлди.

1911 йилда Уста Ширин амир буйруғи билан амирнинг бўлажак саройи Ситораи Моҳи Хосса қурилишига бош уста қилиб тайинланди. У бу ерда (1913—1914 й.) машҳур Хонайи Сафид — Оқ Саройни бунёд этди.

Санъатнинг турли соҳаларини кузатганда, уларнинг ҳеч бирида тараққиёт текис давом этмаганлигини кўриш мумкин.

Эллигинчи йилларда меъморчиликда «ортиқча ҳашам»га қарши кураш бошланди. Индустрлашган бинокорлик билан халқ амалий санъати сиғишмайди, дейдиганлар топилди. Бинога нимаики кўрк, ҳашам бахш этса, кишида эстетик завқ уйғотса, қарийб ҳаммаси ортиқчага чиқариб ташланди. Бунинг оқибатида «хрушевка» деб ном олган, шифтига қўл тегадиган даражадаги пастак хонали турар жойлар, бири биридан деярли фарқ қилмайдиган кўримсиз бинолар пайдо бўла бошлади.

Меъморчиликдаги ганч ўймакорлиги санъати ҳам «ортиқча»га чиқариб қўйилди. Ганч ўймакор усталарнинг кўпчилиги касбини ташлаб, бошқа соҳаларга ўтиб кетишди. Лекин Маҳмуд Усмонов бундай қилмади. У ёшлар саройларида ганч ўймакорлиги тўгаракларига бошчилик қилиб, ёшлар орасидан етилиб чиқаётган талантларни меҳр билан тарбиялашда давом этди.

Инсоннинг гўзалликни ҳис этиш туйғуси сўнмаганидек, ганч ўймакорлиги ҳам ривожланишда давом этди. Меъморчиликдаги нотўғри қарашлар қораланди. Вақти келиб ёғоч, мис ўймакорлиги қатори ганч ўймакорлиги ҳам бинолар қурилишида муносиб ўринни эгаллади.

* * *

1966 йилнинг 26 апрель тонготарида бутун Тошкент аҳолиси кучли зилзила даҳшатидан уйғонди. Уста Маҳмуд наридан-бери нонушта қилиб, шаҳар марказига йўл олди.

Уни машҳур устози Уста Ширин Муродов қурган курантнинг холи не кечди экан, деган хаёл қийнарди. Келибоқ зинадан юқорига кўтарилди. Устозининг

моҳир қўллари билан ишланган шарафа, новалар тарс-тарс ёрилиб кетганди.

Уста Маҳмудда устози ишлаган нақшларни тамирлаб, асл ҳолига келтириш истаги туғилди, ўз шогирдлари билан бир ойча ишлаб, курант пештоқларини асл ҳолига келтирди.

Янги Тошкент қурилиши мисли кўрилмаган даражада кенг қулоч ёйди. Янги қурилаётган биноларнинг ҳар бири пишиқ бўлиши билан бирга ниҳоятда гўзал бўлиши керак, ҳар бир бино ўзига хос санъат асари бўлиб шаҳримиз кўркига кўрк қўшиши керак дейишди, ҳукумат бошлиқлари. Уста Маҳмуднинг юксак ҳунарига талаб ошди.

Дастлаб Маҳмуд Усмоновга собиқ республика Министрлар Совети биносининг мажлислар залини безашни топширишди.

Бу ерда уста миллий ганч ўймакорлиги санъатимизнинг бухорача майин, тошкентча ислими, хоразмча паргори-доира йўлининг уйғунлашувидан иборат бўлган ганч ўймакорлиги симфониясини яратди. Давлат комиссияси зал безагини аъло баҳога қабул қилди.

Кишилар Вологда чеварларининг каштасидай нафис, қордай оппоқ ганч ўймакорлигини кўриб лол қолишди. Қўли гул устанинг санъатига тасанно айтишди.

Бириси куни Маҳмуд Усмоновни ҳукумат раҳбарлари чақириб, қандай илтимослари борлигини сўрашди. Шунда уста илгари Беньков номли бадиий-рассомчилик билим юртида ганч, ёғоч ўймакорлиги бўлими бўлганлигини, иложи бўлса шу бўлимни қайтадан очиш ёки бошқа бир билим юртида шу касбларни ўрганишни йўлга қўйишни сўради. Тез вақт мобайнида бу илтимос қондирилди. Чилдонзордаги 63-ҳунар билим юртида ганч ўймакорлиги бўлими очилди. Дастлабки кезларда бу ерда устанинг ўғли, собиқ

Иттифоқ Рассомлар уюшмасининг аъзоси Мирвоҳид Усмонов дарс берди.

Кейинги ўн беш-йигирма йил мобайнида Маҳмуд Усмонов 120 га яқин шогирд тарбиялади. Улар қаторида икки ўғли, куёви, икки набираси ҳам бор. Шогирдлар ҳозир уч бригадага бўлиниб, республикамиздаги ва ундан ташқаридаги қурилишларда меҳнат қилишаяпти.

Икки бригадага устанинг истеъдодли шогирдлари, Рассомлар уюшмасининг аъзолари Абдураҳмон Султонов ва Зиёвуддин Юсупов бошчилик қилади. Эллик кишидан иборат учинчи бригада бевосита Маҳмуд ака раҳбарлигида ишлайди. Бригадалардаги ёшларнинг кўпчилиги Чилонзордаги ҳунар-техника билим юртини битирган ёки шаҳардаги ёшлар саройларидаги тўгараклардан чиқишган.

Юқорида биз ганч ўймакорлигини симфония дедик. Маҳмуд ака эса ўз санъатини «Баҳор» қизларининг рақсига ўхшатади. Саҳнадаги рақҳосаларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир хироми ягона мақсадга йўналтирилган, маълум бир мазмунни ифодалаганидай, ўймакорликдаги жами гирихлар, гуллар ҳам бир мақсадга хизмат қилади — инсонга эстетик завқ бахш этади.

Бошқача қилиб айтганда, ганч ўймакорлигидаги ҳар бир ноёб намоён-паннони «қотирилган» рақс дейиш мумкин. Табиийки, бундай ҳунар кишидан қобилиятни, тинмай меҳнат қилиб, ижодий изланишни талаб этади.

Уста шогирдларининг ҳар бирига ганчкорлик санъатининг бу юксак талабларини сингдириб боради. Улар билан ишлаш, маслаҳатлар беришдан эринмайди. Маҳмуд аканинг фикрича, ганчкорликда шогирдлар билан ишлаш икки томонга ҳам фойдали: бир томондан ижод ишқи билан ёнган шогирднинг ақли чархланиб, қўли пишиб борса, иккинчи томондан

ўргатаётган кишининг руҳи ҳамиша ёшлик, яхшиликка яқин бўлади, унда янги-янги ижодий фикрлар туғилади.

Бригадага янги келган ёшлар дастлаб материаллар билан таништирилади, ганч ўймакорлигига жой тайёрлаш, асбобларни ишлатиш ўргатилади. Кейин оддий гирих чизиқлар ясашга рухсат берилади. Қобилиятли, ҳаракатчан йигитлар икки-уч йилда мураккаб нақшларни ишлай оладиган яхшигина уста бўлиб етишади.

Маҳмуд ака бошчилигидаги ганчкорларнинг республика Фанлар Академиясининг ядро физикаси институти клубини безашаётганини кўрдик. Йигирмага яқин йигит ҳавозалар устида туриб, шифтга жимжимадор гуллар туширишарди. Пастда Маҳмуд ака уларнинг ишини кузатиб, йўл-йўриқлар берарди. Хушрўй, хушмуомала йигитлар иноқлик билан ишлашар, бир-бирларининг ишига диққат қилишар, маслаҳатлашишар, ора-сира ўзаро ҳазил-мутойиба қилиб қўйишарди.

Толиққанлари пастга тушиб беш-ўн минут нафасларини ростлашарди, қўшни хонада чинни пиёлаларга қуйиб қўйилган кўк чойдан ҳўплашарди. Лекин бу бошқа қурилишларда одат бўлган, ярим соатлаб давом этадиган «перекур» эмас. Маҳмуд ака чеккан, ичган кишиларни хуш кўрмайди. Шогирдлари устозининг бу одатини яхши билишади, унинг дилини ранжитмасликка ҳаракат қилишади. Уста шогирдларига ишдан кейинги бўш вақтларда ҳам кишини толиқтирадиган ишлар билан шуғулланмасликни тайинлайди.

У жисмоний меҳнат билан ўтган иш кунидан кейин яхши дам олиш, мушакларга ором бериб, эртанги меҳнат кунига яхши куч тўплаш тарафдори. Оқшом оила аъзолари билан биргаликда шаҳримизнинг гўзал хиёбонларини сайр қилиш, завқ олиш,

устанинг фикрича, кишига ором бағишлаш билан бирга эртанги кунги меҳнатга яхши илҳом беради.

Кейинги олти-етти йил мобайнида ганчкорлар бригадаси турли шаҳарларда кўпгина бинокорлар жамоалари билан ёнма-ён меҳнат қилдилар. Ҳамма жойда ҳам йигитлар ўзларининг ишга ҳалол муносабатлари, интизомлари, уюшқоқликлари билан кишиларни қойил қолдиришди.

1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан бери ўтган даврда Маҳмуд Усмонов бошлиқ ганчкорлар 20 минг квадрат метрга яқин ганч ўймакорлиги ишларини бажаришди. Устанинг қобилиятли шогирдларидан А. Самадов, З, Юсупов, М. Султонов М. Усмонов А. Султонов, А. Мухторов, М. Раҳмонов, Х. Абдуллаев, Х. Икромов, Х.Муродовларнинг нафис асарлари республика ва Иттифоқ рассомларининг кўргазмаларида юқори баҳо олди. Кўпчилиги Иттифоқ Рассомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндилар.

Маҳмуд ака шогирдлари билан бирга республика комсомол Марказий Комитети биноси, тарих музейи биноси, «Зарафшон» ресторани, метронинг Амир Темур бекати каби объектларга ишлаган безаклар ганч ўймакорлиги санъатининг ривожланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Буларда ўзбек ганч ўймакорлигининг минг йиллик анъаналари муваффақиятли давом эттирилиши билан бирга, улар замонавий мазмунга эга бўлди.

Ҳозир тошкентлик ганчкорлар сайқал берган биноларни Киев, Донецк, Сочи, Пенза, Воронеж каби шаҳарларда ҳам кўриш мумкин. Бу ўзбек миллий амалий санъати жаҳонга оммалашаётганлигининг далилидир.

Қўли гул уста Маҳмуд Усмоновнинг ганч ўймакорлиги санъатини ривожлантиришдаги хизматларини ҳукумат юқори баҳолади. У Иттифоқ Давлат мукофоти, республика Ҳамза мукофоти лауреатлари

бўлди. Унга Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонлари берилди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар билан тақдирланди.

Уста кексайиб қолганига қарамай, ҳамон изланишда, янги орзулар оғушида. У шаҳар қурилишига амалий санъат намуналарини янада кенг жорий этилиши, биноларимиз фақат ички томонидан эмас, ташқи томонидан ҳам миллий колоритга эга бўлиши тарафдори.

Маҳмуд ака республикамизда алоҳида амалий санъат билим юрти ташкил этилишининг, ганч, ёғоч, мармар, мис ўймакорлигининг етук санъаткорлари шу билим юртида дарс бериб, қадимий санъатимизни ёш авлодларга ўргатишларини истайди.

Қадимда халқимизда «кулол мўндида сув ичар», «бўзчи белбоққа ёлчимас» сингари нақллар бўлган. Бу нақллар дунёнинг қадимий маданият марказларидан бўлган Ўрта Осиёда илгари ҳурманманднинг нони ҳеч қачон бутун бўлмаганлигини, у қанчалик иқтидорли бўлмасин, хорлик-зорликда кун кечиришга маҳкум этилганлигини ифодаловчи далиллардир. Уста Маҳмуд Усмонов мана шулар ҳақида ўйлаганида, ўзининг бахтли тақдирига шукроналар айтади, барча меҳнаткашлар қатори фан ва санъат кишиларининг ҳам эркин ижод қилиши, фаровон яшаши учун ҳамма шароитларни яратиб берган ҳукуматимизга минг адад ташаккур изҳор этади.

1976 й.

ЎН ТЎҚҚИЗ ЁШИДА...

Агар Аҳмаджон тирик бўлганида шу йил баҳорда 20 ёшга тўлган бўларди. Афсуски, у ҳозир йўқ. Ҳаётдан эрта кўз юмди. Аммо жисман йўқ бўлса ҳам руҳан ҳамон тириклар қаторида. Азиз ота-онаси, устозлари, дўстлари маҳалла аҳли хотирасида яшамоқда.

«Салом, Алижон Солижонов ва Муяссар опа, — дейилади Аҳмаджон хизмат қилган қисмдан келган мактубда. — Биз, сизнинг ўғлингизнинг жанговар дўстлари чуқур қайғу ва йўқотиш ҳисси билан шуни маълум қиламизки, 1985 йил 20 мартда Сизнинг ўғлингиз ва бизнинг жанговар дўстимиз гвардиячи кичик сержант Адҳам Алижонович Солижонов ўзининг ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб, байналминал бурчини бажариб ҳалок бўлди.

Бизнинг қисмимизда хизмат қилиш даврида Адҳам Солижонов ўзини катта қалб эгаси, олижаноб ва сезгир, ўртоқларига эътиборли инсон сифатида кўрсатди.

Ўғлингиз байналминал ва ватанпарварлик бурчини охиригача бажарди, жангчи сифатида ҳарбий қасамёдига содиқ бўлиб қолди.

Сизнинг ўғлингиз хотираси унинг жанговар дўстлари, ўртоқлари, сафдошлари қалбида абадий сақланади ва ҳарбий ҳамда байналминал бурчини бажаришнинг ажойиб намунаси бўлиб хизмат қилади».

Яқинда Тошкент шаҳар туман ҳарбий комиссарияти вакиллари Адҳамжон ҳарбий хизматга кетгунга

қадар ишлаган, отаси Алижон Солижонов кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган Наримонов шаҳридаги автокорхонада бўлиб, Адҳамжонга ўлимидан сўнг берилган Қизил Юлдуз орденини топширишди.

Истиқбол маҳалласи аҳолисининг талаби билан Адҳам Солижонов туғилиб ўсган кўча унинг номи билан аталди.

Ҳозир мактаб ўқувчилари жанговар шон-шуҳрат хонасида унга бағишланган бурчак ташкил этиш ҳаракатида юришибди. Адҳамжон 1983 йилда шу мактабни тамомлаганди.

... Ўша куни саҳарда жангчилар қисмдан тревога билан олиб чиқиб кетилди. Тоғ этагидаги қишлоқни душманлар босганди.

Уларга қарши афғон милицияси ходимлари жанг олиб боришаётган бўлиб, дарҳол ёрдамга бориш зарур эди. Адҳам ҳарбий машина рулига ўтирди. Кетмакет моторлаштирилган ўқчилар ҳам етиб боришди.

Адирлик жойда жанг бўлди. Вақт зиқ эди. Фурсат бой берилса душманлар янада қулайроқ жойга ўрнашиб олиши ёки йўлни чалғитиб кўздан ғойиб бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам бронетанк етиб келишини кутиш мумкин эмасди. Душманни ҳарбий автомашинада қувиш хатарли бўлса ҳам командир таваккал йўл тутди: «Солижонов, ҳайда!» Адҳамжон газни босди.

Ҳарбий машинадаги автоматчилар адир ёқалаб қора қўнғиздай ўрмалаб бораётган душманларга яқинлашиб қолишди. Яна бироздан кейин душманни олдидан кесиб чиқиш ва қуршаб олиш мумкин эди. Бироқ шу пайт кучли портлаш юз бериб, тоғ йўлидан елдай учиб бораётган машинани ағдариб юборди. Орқадан етиб келган моторлаштирилган ўқчилар машина кабинасидан ҳалок бўлган командирни, оғир яраланган Адҳамни суғуриб олишди... У бир ҳафта ўтгач, ҳушига келмай ҳарбий госпиталда ҳаётдан кўз юмди.

Марҳумни туғилиб ўсган юртидаги қабристонга зўр иззат-ҳурмат билан дафн этишди. Қабр устида митинг бўлди. Қабр ёнидан жангчилар саф бўлиб ўтишди.

Марҳум ўз қариндошларига ёзган, ҳозир оила учун ноёб бир ёдгорлик бўлиб қолган мактубларни кўздан кечирдик. Мактуб қалб ойнаси дейишади. Уни ўқиб инсон ҳақида тасаввурга эга бўлиш, унинг қалб кечинмаларини билиш мумкин. Адҳамжон ҳусни-хат экан.

Мактубида Ватан олдидаги йигитлик бурчини бажараётганидан мамнуният туйғуси, ота-онасига, укалари ва қариндош-уруғига меҳрибонлиги, кўп нарсани билишга интилиши шундоққина сезилиб турибди.

Адҳамжон аслида ҳам шундай йигит бўлиб, ундан катта ҳам, кичик ҳам миннатдор эди. Аслида айнан мана шу хислат ҳаётда энг муҳим бўлган, ҳар қандай мартаба, шон-шуҳратдан афзал турадиган инсоний чўққидир. Мана одамларнинг у ҳақдаги фикрлари:

213-ўрта мактаб илмий бўлиб мудири О.Умаров:

— Мактабимизни Солижоновлар сулоласига мансуб бўлган ўн бешга яқин бола ўқиб битириб кетди. Уларнинг ҳаммаси ҳам одобли, илмга қизиққан ёшлар эди. Аммо булар орасида Адҳамжон бўлакча эди. У ниҳоятда ёқимтойлиги, қалби поклиги билан тенгқурларидан ажралиб турарди. Топширилган вазифани вақтида бажаришга одатланганди. Ютуғи билан мақтаниш, манмансираш нималигини билмасди.

Унинг ажойиб инсон, ўз бурчини аъло даражада бажара олган аскар сифатидаги хислатлари ҳақида гапириб, аскар туман ҳарбий комиссариати ходими, майор Т. Ҳасанов шундай дейди:

— Мен Адҳам Солижоновни шахсан билмайман. Аммо у кўрсатган жасорат ҳақида бирга хизмат қилган жанговар дўстлари менга гапириб беришди. Мен

ҳарбий ходим сифатида бир нарсани айта олишим мумкин. Солижонов сержантлар тайёрланадиган мактабни битирмаган. Бироқ қисқа вақтда гвардиячи кичик сержант унвонига эга бўлди.

Одатда армияда яхши ҳарбий тайёргарликка эга бўлган, одамлар билан ишлай оладиган, уларни бошқара оладиган жангчиларгагина қисқа вақтда шундай унвон берилиши мумкин. Бу йигитнинг ота-онаси ажойиб фарзанд тарбиялаганликлари билан фахрланишса арзийди.

У билан бир синфда ўқиб, ёнма-ён катта бўлган синфдоши Ё.Дадахонов ҳам у ҳақда энг яхши гапларни айтди:

— Мен Адҳамжон билан бир синфда ўқиганман ва битта маҳаллада катта бўлганман. У ўрта мактабни яхши ва аъло баҳолар билан битирди. Автокорхонада электрик бўлиб ишлаб юриб, шофёрлик курсини тамомлади.

Унинг катта мақсадлари бор эди. Афғонистондан менга ёзган мактубларидан бирида ҳарбий хизматни тугаллаб боргач албатта ТошДУнинг шарқ филологияси факультетига кириб ўқийман, деган эди.

Мана, Адҳам Солижонов номи билан аталган кўчадамиз. 1983 йили бу кўчадан беш йигит ўрта мактабни битириб, олдинма-кетин ҳарбий хизматга жўнаб кетишди. Адҳамжоннинг кўчада қопчиғини орқалаб, маҳалладаги ўзи учун қадрдон бўлган кишилар билан йўл-йўлакай кулиб хайрлашиб кетаётгани ҳамон бу ерда кўпчиликнинг кўз ўнгида... Бугун эса Адҳамжон сўнгги бор 1983 йилнинг кеч кузида ўтган кўча унинг номи билан юритилаяпти.

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида Истиқбол маҳаласидан 150 йигит жанг қилганди. Уларнинг юзга яқини уйга қайтиб келмади. Жасадлари Европанинг далаларида, номсиз тепаликларда, қайинлар остида қолиб кетди. Бу йигитларнинг кўпчилиги ҳам ўша

пайтда Адҳамжоннинг ёшида эдилар. Улар ҳам шу кўчадан ўтиб, қадрдонлари билан кулиб хайрлашиб кетишганди.

Истиқбол маҳалла комитети маблағ тўплаб, маҳалла марказида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган йигитлар хотирасига ёдгорлик ўрнатишга қарор қилди. Ҳозир қурилиш ишлари бошлаб юборилди. У шу йил 9 майда ниҳоясига етади. Бу ёдгорликка Адҳам Солижонов кўчасидан ўтиб борилади.

Дарҳақиқат, чинакам инсонлар жисман ўлсаларда, руҳан мангу яшайдилар. Ўзларининг ажойиб ишлари, хулқ-атворлари билан узоқ йиллар тилларда ва дилларда яшайдилар.

Шоир айтганидай:

Умрлар бўладики,
Тирикликда ўликдир.
Умрлар бўладики,
Мангуликка тирикдир.

1986 й.

МИНГЛАРНИНГ УСТОЗИ

Ўшанда 1955 йил эди. Рихситилла ака Тошкентнинг Богдан Хмельницкий кўчасидаги собиқ 24-фабрика-завод таълими мактабида директорлик қиларди. Кунларнинг бирида унинг ҳузурига бир киши ўн олти-ўн етти ёшлар чамасидаги йигитчани етаклаб кириб келди. Салом-алик қилгач, ўзини таништирди:

— Исмим Расулжон, арпапояликман. Икки қизим, Аҳмаджон исмли мана шу ўғлим бор. — Расулжон ака ёнидаги болани имлаб кўрсатди. — Шу десангиз, Аҳмаджон полвон бўлгани билан шўхроқ, ўқишга тоби йўқроқ чиқди. Сизни сиртдан танийман, Рихситиллажон. Сиз ҳақингизда одамлардан кўп яхши гаплар эшитганман. Болаларни тўғри йўлга солишга жуда устамишсиз. Йўқ демасангиз, Аҳмаджон қўлингизда касб ўрганса, деган ниятим бор. Эскичасига йўл тутсангиз, урсангиз, сўксангиз ҳам майли. Эти сизники, устихони бизники, ишқилиб...

Бу гапдан Рихситилла аканинг кулгиси қистади. Ўзини базўр босиб:

— Бизнинг болаларни урадиган ҳам, сўкадиган ҳам одатимиз йўқ, Расулжон ака. Қолаверса, шундай полвон, келишган йигитчанинг бирон-бир ножўя иш қилишига ишонмайман ҳам.

Рихситилла аканинг гапи қизариб-бўзариб ўтирган Аҳмаджонга мойдай ёқди. Рўпарасидаги киши кўзига ажойиб кўриниб кетди. Расулжон ака тўсатдан айтган гапидан хийла хижолат бўлиб ютинди:

— Энди, гапнинг сирасини айтганда, ўғлим вояга етиб, одамлар хизматида бўлса дейман-да...

— Мен ер сузиб юрадиган писмиқ боладан шўх бола аъло деб биламан. Наинки, шўх боланинг юрагида ўти бўлади. Биз ҳам ёшликда шўх бўлганмиз. Қани, Аҳмаджон, айтчи, қайси ҳунар ёқади сенга: слесарликми, ғишт терадиган уста бўлишми ёки суворчиликми?

— Ғишт теришга ўқиганим маъқулроқ, кўзим анча пишган. Бултур тоғам уй қурганида устага ўн беш кун ғишт олиб беришганман.

— Балли, кўрарканмизда ҳали қандай усталигингни.

Шундай қилиб, Аҳмаджон Расулов 24-фабрика-завод таълими мактабининг талабаси бўлди. Йигитчада жисмоний меҳнатга иштиёқ зўр эди. Бир йилда танлаган касбини дурустгина ўрганиб олди. 3-разрядли ғишт терувчи дипломига эга бўлгач, Тошкентдаги қурилиш ташкилотларидан бирида ишлай бошлади.

Орадан уч-тўрт йил ўтгач Расулжон ака билим юрти жамоасини тўйга айтиб келди. Аҳмаджон қурилишда ишлаб, қисқа вақтда пешқадам бинокорлар сафидан ўрин олибди, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланибди.

Шундан кейин кўрсангиз, Расулжон ака хотини билан бамаслаҳат, ўғилларини уйлантириб қўйиш ҳаракатига тушишибди, қидириб-қидириб ақлли, чиройли келин топишибди. Шанба куни тўй экан...

1966 йилдаги зилзиладан кейин ҳукумат Ўзбекистон пойтахтини тубдан қайта қуриш, янги Тошкентни бунёд этиш вазифасини қўйди. Шаҳар улкан қурилиш майдонига айланди. Айни вақтда Тошкентда малакали қурувчи кадрларга эҳтиёж ҳам кескин ортиб кетди.

1967 йилда Чилонзорда республика Давлат ҳунар-техника таълими комитетининг «Главташкентстрой» базасида сувоқчи, ғишт терувчи, дурудгор, бўёқчи, ганч ўймакор усталар, электрогаз пайвандчилар тайёрлайдиган таянч-намуна ҳунар-техника билим юрти учун майдон ажратилди. Бу билим юртига Рихситилла Ҳусанов директор этиб тайинланди.

Зилзиладан кейинги ўша оғир дамларда Тошкентда асосий эътибор турар жой қурилишига қаратилган, маданий-маиший, маъмурий объектлар қурилиши иккинчи планда турарди. Шунинг учун ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланган, маблағ ажратилган бўлишига қарамай 63-билим юрти қурилиши учун зарур бўлган ишчи кучини, қурилиш материалларини «уришиб-талашиб» ундиришга тўғри келарди.

400 ўринли 1-ётоқхона икки йилда «Главташкентстрой» қурувчилари кучи билан зўр-базўр битказилди. Ҳали яна 400 ўринли 2-ётоқхонани, устахоналар комплексини, маиший блокни, ўқув корпусини қуриш керак. Иш шу суръат билан давом этса билим юрти ҳали-бери битиши амри маҳол.

Шунда Рихситилла Ҳусанович республика Давлат ҳунар-техника таълими комитети раҳбарлари олдига билим юртига ўқувчилар қабул қилиш лозим, деган таклифни қўйди.

— Жой бўлмаса, ўқув машғулотларини қаерда ўтказасиз?

— Ётоқхонанинг ўзида ўқитаверамиз. Хоналарнинг бир қисмининг ўрталиқ деворлари олиб ташлаб синфга айлантирса бўлади. Ўқувчилар шу ерда ўқиб, билим юрти қурилишида практика ўтказишади. Менга яхши ишлаб чиқариш таълими мастерларидан ўн-ўн беш нафарини топиб берсанглар кифоя...

Бу таклифга раҳбарлар кўнишди. Шу йили билим юртига 400 ўқувчи қабул қилинди. Уларнинг ўқиши

ҳам, практикаси ҳам бир жойда бўлди. Қурилиш суръатида бурилиш ясалди. 1969 йилда билим юрти батамом битказилди.

Йиллар ўтган сайин ўқувчилар сони ҳам орта бориб, 1970 йилда 1000 тага, 1971 йилда 1057 тага, 1972 йилда 1319 тага етди. 1970 йилдан бу ерда республикадаги қурувчи кадрлар тайёрлайдиган билим юртлари орасида биринчи бўлиб талабаларга ўрта маълумот беришга ўтилди.

...1975 йилнинг август ойи эди. Рихситилла Ҳусанов ҳузурига арпапоялик Расулжон ака яна бир ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги болани етаклаб келди.

— Отасини тарбиялагандингиз, энди боласини ҳам тарбияланг, деб келдим. Бу йил саккизинчи синфни битирди. — Расулжон ота неварасига юзланди. — Бу одам ҳам буванг бўлади, отангга таълим берган, ҳунар ўргатган. Сен ҳам шу одамга ўхшаб юргин, деб исмингни Рихсибой қўйганман...

Рихсибой 63-билим юртининг сувоқчилик бўлимига кириб ўқиди. Қўлига етуклик аттестати ва учинчи разрядли сувоқчи дипломини олгач, 153-қурилиш трестининг 14-қурилиш бошқармасида ишлай бошлади. Рихситилла ака ора-сира ундан хабар олиб турди.

Рихсибой ишлай бошлаганидан кейин орадан бир ой ўтгач, Расулжон ота яна Рихситилла аканинг ҳузурига келиб, икки рўмолчага алоҳида-алоҳида ўралган пулни столга қўйди:

— Бу пулларнинг бири 100 сўм, иккинчиси 115 сўм. Биринчисини неварам икки ҳафта бурун, иккинчисини кеча келтириб берди. Дастлаб пул олиб келганда бувиси қўшниларимизга: «Неварамиз ўн беш кун ишлаб юз сўм топиб келди», деган экан, баъзи аёллар: «Ҳеч замонда кечагина иш бошлаган бола ўн беш кунда 100 сўм топармишми? Неварангиз қимор-

пимор ўйнаб ютиб олгандир, суриштириш керак» дейишибди. Кеча яна юз ўн беш сўм олиб келганида ўзим ҳам шубҳаланиб қолдим. Бир бориб Рихситилладан тайинини билиб келай, яна неварамнинг ёмонларга қўшилиб кетгани рост бўлмасин дедим.

Чолнинг гапини эшитиб Рихситилла ака кулди.

— Кўнглингизни тўқ қилинг, ота, Рихситилла яхши бола. Уни уч-тўрт кун бурун Халқлар дўстлиги кўчаси яқинида ишлаётганини кўрдим. Олдимга келиб салом-алик қилди, Сизни сўрадим...

Бу гап чолни қаноатлантирди. Лекин Рихситилла ака ўз гапидан ўзи қаноатланмади.

— Қани юринг, ота, неварангиз ишлаётган жойга олиб бораман.

Енгил автомобилда Рихсибой ишлаётган объектга боришди. Участка прорабидан боланинг қандай ишлаётганлигини сўрашганди, у «Қани энди ҳамма қурувчилар Расуловдай интизомли, ғайратли бўлса, участкамиз бошқармадагина эмас, трестда пешқадам бўларди», деб чолнинг кўнглини кўтарди.

Шундан кейин бошқарма бухгалтериясига боришди. Бурни учидаги кўзойнаги устидан қарайдиган бухгалтер Рихсибой бир ойда 238 сўм 50 тийин иш ҳақи топганлиги, шундан 23 сўм 50 тийин даромад ва бўйдоқлик солиғи сифатида ушлаб қолиниб, қўлига 215 сўм берилганлигини ипга маржон тизгандай қилиб тушунтиргач, чолга ҳазиллашди: «Неварани тезроқ уйлантиринг, отахон, тўй ошини есак солиғини ҳам камайтирамиз». Расулжон ота димоғи чоғ бўлиб, кампири ҳузурига шошилди.

Биз Рихситилла Ҳусановнинг ҳунар-техника таълими соҳасидаги мураббийлик фаолиятидан бир лавҳа ҳикоя қилдик, холос. У аслида қарийб қирқ йиллик тарбиячилик фаолиятида Рихсибой Расулов сингари ота-онасини ҳам, эл-юртини ҳам рози қилган ишчи кадрлардан минглаб тарбиялади.

Булар орасида Меҳнат Қаҳрамонлари Холхўжа Баҳодиров, Ҳамид Қорабоев орден соҳиблари М. Чориев, Ш. Норқулов каби донгдор кишилар бор.

Рихситилла ака игна билан қудуқ қазишдек қийин, аммо шарафли мураббийлик касби бетиним меҳнат қилишни, тинмай ижодий изланишни тақозо этишини тушунишдан ташқари, ҳозирги ҳаётнинг ҳар бир инсон олдига қўяётган талаблари ғоят юқори эканлигини чуқур англайдиган одам. Шунинг учун ҳам доим ҳаётини мана шу талаблар даражасида ташкил этишга интилади, атрофдагилардан ҳам шуни кутади.

1980 й.

МУНДАРИЖА

Азиз даргоҳ *(Ҳужжатли қисса)*.....3

Очерклар

Бетимсол матонат.....82
Йигирма миллиондан бири.....90
Ғолиб тўпчи.....99
Еттинчи ўғил.....123
Уч танкчи.....132
Эгиз тақдирлар.....153
Фахрий.....159
Дўст қадри — инсон қадри.....167
Освенцим ҳалоскори.....171
Ўзбек йигити — Олень Гончар асари қаҳрамони.....181
Шарқдан борган эшелон.....196
Мураббий.....206
Энг муаттар гул.....212
Матонат мадҳияси.....220
Қорахат.....232
Меъмор бахти.....235
Ўн тўққиз ёшида.....244
Мингларнинг устози.....249

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

МАТОНАТ МАДҲИЯСИ

Ҳужжатли қисса,
Очерклар

Муҳаррир ***Даврон Улуғмуродов***
Бадиий муҳаррир ***Мафтуна Ваххобова***
Мусаҳҳиҳ ***Қутлибика Раҳимова***
Техник муҳаррир ***Елена Толочко***
Матн терувчи ***Гулчеҳра Азизова***

Лицензия рақами AI № 163. 09.11.2009. Босишга 2019 йил 20 августда рухсат этилди. Бичими 84×108$^{1}/_{32}$. Офсет қоғози. BalticaUz гарнитураси. Шартли босма табоғи 13,44. Нашр табоғи 10,76. Адади 2000 нусха. Шартнома № 87 – 2019. Буюртма № 21.

Оригинал макет Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида тайёрланди. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Телефон: +998-71244-10-45. Факс: +998-71244-58-55.

«AVTO-NASHR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. 100005, Тошкент, 8-март, 57.

13.500 c.

Адиб ва жамият

Чўлпон номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи

ISBN 978-9943-5385-1-1